

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА
АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АЗИМ ҲОЖИЕВ

**ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФОЛОГИЯСИ,
МОРФЕМИКАСИ ВА СЎЗ
ЯСАЛИШНИНГ НАЗАРИЙ
МАСАЛАЛАРИ**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент – 2010

УДК 811.512.133

ББК 81.2Ўзб

Ҳ59

Ушбу монографияда ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг долзарб назарий масалалари ёритилган. Ўзбек тилининг бево-сита ўз табиатидан келиб чиққан ҳолда, тил ва нутқни изчил фарқлаш асо-сида морфема, лексема, сўз, сўз шакли ва сўз ясалиши каби ҳодисаларнинг мохияти ҳамда ўзига ҳос жиҳатлари очиб берилган. Бу ҳодисаларнинг тил-шуносликдаги турлича талқинлари танкидий таҳлил қилиниб, ўзбек тили морфемикаси, морфологияси, сўз ясалиши ва семантикаси учун қимматли янгича назарий қарашлар илгари сурилган.

Китоб ўзбек тилшунослиги масалалари билан шуғулланиб келаётган олимлар, аспирантлар, докторантлар, тадқиқотчилар, олий ўқув юртларида филология йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар, шунингдек, ўрта мактабларда она тили ва адабиёт фанидан дарс бераётган ўқитувчилар учун мўлжалланган.

УДК 811.512.133

ББК 81.2Ўзб

Масъул муҳаррир:

Н.М. Махмудов

филология фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар:

Ё. Тожиёв

филология фанлари доктори,
профессор

А.П. Мадвалиёв

филология фанлари номзоди,
доцент

ISBN 978-9943-19-057-3

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2010 йил.

СЎЗБОШИ

Адабий тилнинг шаклланиш, ривожланиш ва такомиллашиш йўллари, бу жараёнда амал қиладиган қонуниятлар, сабаб ва имкониятларни белгилаш, ёритиш тилшуносликнинг, жумладан, ўзбек тилшунослигининг асосий вазифаларидан, марказий масалаларидан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Бу масалаларни тўла ва тўғри ёритмай туриб, айниқса, ўзбек тили системаларини тадқиқ этишда жиддий эътиборни талаб этадиган назарий муаммоларни ҳал этмай туриб, адабий тил меъёрларини, иш кўриш имкониятларини, умуман, ўзбек тилининг амалиёти билан боғлиқ ишларни тўғри йўлга қўйиш, талаб даражасида ҳал этиш мумкин бўлмайди.

Ўтган йиллар давомида ўзбек адабий тили ҳар томонлама ривожланди, унинг барча соҳаларида, давр талабига мос равишда, жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу жараёнда юз берган ўзгаришларни ёритиш талаби билан ўзбек тилшунослиги фани ҳам доимо ривожланишда бўлди. Ўзбек тилшунослигининг барча соҳалари бўйича яратилган илмий, назарий ишлар, айниқса, ўзбек тилининг шу давр мобайнидаги ривожланиши ҳамда бу ривожланишда амал қилган қонуниятларни ёритишга бағишланган ишларнинг ўзиёқ фикримизга далил бўла олади. Бу ишлар ўзбек тилининг амалиёти билан боғлиқ вазифаларни, масалаларни кун тартибига қўйиш ва уларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди, ижобий самараларини берди. Айниқса, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий тилимизни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда бунинг чора-тадбирлари белгиланди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан «Давлат тили ҳақида»ги қонун моддаларида ўзбек тилини ҳар тарафлама ривожлантиришнинг асослари, чора-тадбирлари белгилаб берилди. Жумладан, Қонуннинг биринчи моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг бар-

ча соҳаларида тўла амал қилишини таъминлайди». Ҳақиқатан ҳам, давлат тили мақомига эга бўлган тил ҳаётнинг барча соҳаларида амал қила оладиган бўлиши шарт. Демак, ўзбек тилини шундай тил даражасига кўтариш, шундай тил бўлишини таъминлаш, шунга хизмат қилиш ўзбек тилшунослигининг, ўзбек тилшуносларининг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин ўтган давр мобайнида Қонун моддаларида белгиланган тадбирлар, асосан, ўз муддатларида бажарилди. Ўзбек тили ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилишини таъминлаш эса, юқорида айтилганидек, доимий, муддат билмайдиган вазифа. Бинобарин, ўзбек тилшунослигининг ривожланиш (ривожланганлик) даражаси ҳам ана шу талабга қай даражада жавоб бериши, ана шу мақсадга эришиш учун қай даражада хизмат қилаётганлиги билан белгиланади. Шу талаб нуқтаи назаридан каралса, кейинги вақтларда ўзбек тилшунослигида талабга жавоб бермайдиган, ҳатто ўзбек тилининг амалиёти билан боғлиқ вазифаларни тўғри йўлга қўйишга, амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ишлар ҳам юзага келаётганидан, кўпайиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди. Очигини айтганда, бундай ҳолатларни баргараф этмай туриб, ўзбек тилининг амалиёти билан боғлиқ бўлган навбатдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш, бу борада мавжуд бўлган муаммоларни талаб даражасида ҳал этиш мумкин бўлмайди.

Шу нарса аниқки, тил системаларининг шаклланиши ва бу шаклланиш жараёнида юз берадиган тил ҳодисаларининг моҳиятини белгилаш билан боғлиқ назарий масалаларни тўла ва тўғри ҳал этмай туриб, давр талабига жавоб берадиган ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратиш мумкин бўлмайди. Шу боис кейинги вақтларда тил системаларини шакллантирувчи тил бирликларини, уларнинг моҳиятини ҳамда улар асосида тил системаларининг шаклланиши билан боғлиқ тил ҳодисаларини, демакки, назарий масалаларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратила бошланди.

Монография «Кириш» ва тўрт асосий қисмдан иборат.

КИРИШ

Лисон ва нутк

Тил системалари шаклланиши билан боглиқ ходисаларнинг моҳиятини тўғри ва аниқ ёритишда тил бирликлари, улар моҳияти масаласида тўғри хулосаларга келиш, аниқ тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадга эришмай туриб, яъни маъно ва вазифасига кўра тил бирликларининг бир-биридан фарқли асосий турларини, ҳар бир турга мансуб бирликларнинг умумий моҳиятини аниқ белгиламай туриб, тил системаларининг шаклланиши билан боглиқ ходисалар моҳиятини тўғри ёритиш мумкин бўлмайди. Ўзбек тилшунослигида бу масалаларнинг, бу тил ходисаларининг ўрганилиш ҳолати ҳам фикримизни тўла тасдиқлайди.

Тил бирлигининг моҳиятини тўғри белгилашда, аввало, унинг лисон ва нутққа муносабатини – лисоний ёки нутқий бирлик бўлишини аниқ белгилаш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, лисон ва нутқ ҳақида тўғри ва аниқ тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Шу айтилганлар сабабли ўзбек тили системаларининг шаклланиши билан боглиқ назарий муаммоларга жиддий эътибор қаратилиши орқали лисон ва нутқни аниқ фарқлаш, ҳар бирининг моҳиятини аниқ белгилаш биринчи навбатдаги вазифа деб қаралди. Ўзбек тилшунослигида шу масала юзасидан фикр юритилган ишлар юзага кела бошлади. Бу ишлар лисон ва нутқ масаласига эътиборни тортиши, бу масала юзасидан ўзга тилшуносликда мавжуд бўлган фикр-мулоҳазаларни ўзбек тилшунослигига олиб кириши билан эътиборга лойиқ. Лекин уларда икки муҳим камчиликка йўл қўйилганлиги кўринади: 1) лисон ва нутқ масаласида ўзга тилшуносликда мавжуд бўлган фикрлардан тўла ва ўринли фойдаланмаганлик; 2) лисон ва нутқ масаласида бевосита ўзбек тили материаллари асосида иш қўрилмаганлик. Ана шу икки камчилик лисон ва нутқ масаласини тўла, тўғри ва аниқ ҳал этиш имконини бермади, масалани ижобий ҳал этишга тўсқинлик қилди. Энг ачинарлиси, бошқа тилшуносликдан олинган чалакам-чатти, узук-юлуқ фикрларни ўзбек тили материаллари тасдиқламайди.

Фактларга мурожаат қилайлик: «Тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар сифатида қаралади.

Нутқ тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиши, вокеланиш шакли бўлиб, у бевосита кузатишда берилган моддий (табиий, физик) шаклга эгадир»¹. Кўриниб турибдики, таърифлар жуда мавҳум, тамтарокли гаплардан иборат бўлиб, тил билан нутқнинг моҳияти, ҳар бирининг ўзига хос хусусияти ҳақида аниқ тасаввур бермайди.

Проф. Ш. Раҳматуллаев тил, лисон ва нутқни қуйидагича таърифлайди: «Тил мураккаб қурилишли ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишиларга фикрлаш, фикрлашув қуроли сифатида хизмат қилади. Дастлаб тилнинг икки ҳолати фарқланади: лисон ва нутқ.

Лисон – тилнинг киши миясидаги тил хотираси марказида мавжуд бирликлардан ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборат бойлик. **Нутқ** эса ана шу бойликдан фойдаланиш жараёни ва шундай жараённинг ҳосиласи. Лисон киши миясида мавжуд мавҳум ҳодиса бўлиб, уни ақл билан идрок қиламиз; нутқ эса ана шу мавҳум ҳодисадан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ҳодиса бўлиб, уни талаффуз бирликлари сифатида эшитамиз.

Лисонга мансуб, яъни тил хотирасида мавжуд ходисаларга “лисоний бирликлар” дейилади: лисоний бирликларнинг нутқда моддий шакл олган ҳолатига “нутқий бирлик” дейилади. Демак, ҳар бир кишининг миясида лисоний бирликларнинг рамзларидан ва улардан фойдаланишнинг қоидаларидан иборат бойлик бор, ҳар бир киши эҳтиёжига қараб бу бойликдан фойдаланиб, нутқ ҳосил қилади»². Бу таърифлар юқоридаги таърифларга нисбатан анча ихчам, содда ва тушунарлироқ. Лекин, барибир, лисон билан нутқ ҳақида аниқ тасаввур бермайди.

Авалло шунга эътибор керакки, тилни лисон ва нутқ каби икки турга ажратиш ўрнатилмаган даврларда ҳам тил ва нутқ масаласига жид-

¹ Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 7-б. Бу ишда “тил” термини “лисон” термини ўрнида қўлланган.

² Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бириликлари. Тошкент: Университет. 2002. 12-13-б.

дий эътибор қаратилган, ҳар икки ҳодиса юзасидан эътиборга лойиқ, тўғри, асосли фикрлар мавжуд эди ва ҳозир ҳам бор. Бироқ кейинги вақтларда юзага келган, тил, лисон ва нутқ ҳодисалари ҳақида фикр юритилган баъзи ишларда ўзбек тилшунослиги («анъанавий тилшунослик») лисон билан нутқни изчиллик билан фарқламаганликда айбланади, бу эса мазкур масалада қўпол хатоликларнинг юз беришига сабаб бўлганлиги алоҳида таъкидланади: «Систем тилшунослик тилга тизим сифатида ёндашади, тизим қонуниятлари асосида тил, унинг бирликлари ва ҳодисаларини талқин этади... Анъанавий тилшунослик тил ва нутқни изчиллик билан фарқламаганлиги сабабли «тил» ва «нутқ» атамаларини қўллашда ҳам жиддий бефарқликка йўл қўйган»¹. Тил ва нутқ ҳақида фикр юритилган ишларда тил ва нутқни фарқлашда маълум бир хато ва камчиликка йўл қўйилган бўлиши мумкин. Лекин бунини ўзбек тилшунослиги айби, «тилшуносликнинг бефарқлиги», деб баҳолаш тухматдан бошқа нарса эмас. Аксинча, лисон ва нутқ ҳақида юқоридаги икки ишдан келтирилган таъриф-тавсифларда тилшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида тил ва нутқ ҳақида мавжуд бўлган, тўғри ва тан олинган таъриф-тавсифлар ўз ифодасини бутунлай йўқотди, унинг ўрнини лисон ва нутқ ҳодисаси, айниқса, нутқ ҳодисаси ҳақида тўғри, аниқ тасаввур бера олмайдиган, хато фикрлар эгаллади. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун юқорида айтилган гаплардан бир-иккитасини келтириб ўтайлик.

Юқоридаги икки ишда лисон (тил) ва нутқ ҳақидаги фикрлардан маълум бўляптики, лисон (тил) билан нутқни бир-биридан фарқловчи асосий хусусиятлар қуйидагилар: **лисон (тил)**нинг асосий хусусиятлари: 1) бевосита кузатишда берилмаганлик; 2) киши миясининг тил хотираси марказида мавжуд бирликлардан, уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги тасаввурлардан ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборат **гайёр** бойлик эканлик.

Лисоний бирлик (тил бирлиги) – лисонга (тилга) мансуб бирликлар.

Нутқ бирлиги – лисоний бирликнинг нутқда моддий шакл олган ҳолати.

Лисон (тил)га берилган таърифда у қадар эътирозга сабаб бўладиган ўрин йўқ, яъни лисоний бирликлар, масалан, фонема, мор-

¹ Н е ъ м а т о в Х., Р а с у л о в Р. Юқорида кўрсатилган асар, 7-, 29-б.

фема, сўз каби тил бирликлари фойдаланиш учун тайёр (мавжуд) бирликлар ҳисобланади. Фақат шуни айтиш керакки, «тил бирликларининг ўзаро бирикиши ҳақидаги қоидалар», «ўзаро муносабат ҳақидаги тасаввурлар» лисоний бирлик ҳисобланмайди, улар нутқ ҳосил бўлиши жараёнида ҳам нутқ бирлигига айланмайди. Масалан *теримчиларни* сўзида уч унли фонема (*а, э, и*), бир туб сўз (*тер*), икки ясама сўз (*терим, теримчи*) воқеланади, ҳар бир ясама сўзда сўз ясовчи бирлик (*-им, -чи*), шунингдек, шакл ясовчи икки тил бирлиги (*-лар, -ни*) воқеланади ҳамда сўз ясалиши ва шакл ясалиш қоидалари амал қилади, яъни ясама сўз ва сўз шакллари маълум қоидалар асосида ҳосил қилинади. Яхлит қилиб айтганда, «намоён бўлиш» тўла ифодасини топади. Лекин бирон-бир нутқ ҳодисаси юз бергани йўқ, яъни айтилган лисоний бирликларнинг бирортаси нутқ бирлигига айлангани йўқ. Шундай экан, «лисоннинг намоён бўлиши нутқ», «лисоний бирлик намоён бўлиши (айтилиши, кўриниши) билан нутқ бирлигига айланади» деган гаплар бекорчи, маълум даражада кулгили гаплигича қолаверади. Бу ўринда лисон ва нутқ ҳақида айтилган исботсиз фикр-мулоҳазаларнинг барчасига тўхтаб ўтирмаймиз, қолаверса, махсус мақолаларимизда уларга ўз муносабатимизни билдирганмиз¹. Фақат лисон ва нутқ ҳамда лисоний бирлик ва нутқ бирлиги (нутқий бирлик) ҳақидаги ўз нуқтаи назаримизни қисқача баён қилиш билан чекланамиз.

Лисон, проф. Ш. Раҳматуллаев таъкидлаганидек, тилнинг киши миёсидаги тил хотираси марказида мавжуд бирликлардан ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборат бойлик. **Нутқ**, тилшуносликда эътироф этилганидек, «тилнинг (лисоннинг) фикр ифодалаш жараёнида амал қилиши, тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатидаги муайян яшаш шакли»². Демак, фикрдан холи бўлган, фикр ифодаламайдиган нутқ ҳақида гапириш мумкин эмас. Лисоний ва нутқий бирликларни белгилашда ва бир-биридан фарқлашда ҳам лисон билан нутқнинг шу асосий хусусиятига асосланиш керак бўлади, яъни **лисоний бирлик** лисонга мансуб бўлиб, унинг нутққа алоқаси йўқ. **Нутқ бирлиги** эса фақат нутқда мавжуд бўлади, нутқсиз нутқ

¹ Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (4-мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, 1-сон, 3-9-б.; Ҳ о ж и е в А. Назарий тилшуносликка оид бир масала / “Филология масалалари”. Илмий-методик журнал. Тошкент: 2006. 51-56-б.

² Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. -С. 414; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 6. Тошкент, 2003. 424-бет.

бирлиги бўлиши мумкин эмас. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, лисоний бирликлар нутқдан ташқарида ҳам амал қилади. Масалан, юқорида келтирилган *теримчиларни* сўзи таркибидаги *тер* сўзи, сўз ясовчи, сўз шаклини ясовчи *-им, -чи, -лар, -ни* морфемалари лисоний бирлик, улар ўз вазифалари билан сўз ясаш, сўз шаклини ясаш учун хизмат қиляпти, намоён бўляпти. Лекин улардан бирортасини нутқ бирлиги ҳисоблаш мумкин эмас. Лисоний бирликлар нутқда намоён бўлиши мумкин. Улар нутқда муайян вазифа бажарса, нутқ бирлиги ҳисобланади. Масалан, сўз, ясама сўз, сўз шакли гапда муайян вазифа бажариши, гап бўлаги ҳисобланиши мумкин: *Теримчиларга мукофотлар топирилди*. Бу гапда *теримчиларга* сўз шакли гап бўлаги (тўлдирувчи) вазифасини бажаради ва нутқ бирлиги ҳисобланади. Лекин унинг таркибида намоён бўлган фонемалар ва морфемалар, ҳатто унинг «*тер*» қисми ҳам нутқ бирлиги эмас, нутқ бирлиги бўла олмайди. «Намоён бўлиш», «моддий шакл олиш»ни нутқ бирлиги бўлишининг биринчи белгиси ҳисобловчи, шуни ўйлаб топган баъзи тилшуносларимиз «лексема ясалмайди», «ясама сўз нутқ бирлиги» каби «янгиликлари»ни исботламоқчи бўладилар. Ачинарлиси шундаки, бундай қуруқ, кулгили даъволар ўқув қўлланмалари ва дарсликлардан жой олиб улгурди¹.

Хуллас, нутқ бирликлари нутқни шакллантиради, нутқни ташкил этади. Масалан, содда гапни ташкил этувчи гап бўлаклари нутқ бирликлари ҳисобланади. Лисон ва нутқ, лисоний бирлик ва нутқий бирлик ҳақидаги умумий гапларни шу айтилганлар билан яқунлаймиз. Буларнинг ҳар бири ҳақида, айниқса, лисоний бирликлар ҳақида иш давомида, ўз ўрнида жуда кўп гапирилади.

Тил бирлиги, тил қурилиши, тил сатҳи (босқичи), тузилиши (структура), тил системаси терминлари ҳақида

Бу терминларнинг ўзбек тилшунослигида кенг қўлланаётгани маълум. Шунинг ўзиёқ кўрсатадики, улар ўзбек тилидаги энг муҳим ҳодисаларни ифодалаш учун қўлланади. Бироқ бу терминлар ифода-

¹ Қаранг: Ҳ о ж и е в А. Ясама сўз лисоний бирлигимиз ёки нутқ бирлигимиз? // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 1-сон. 49-52-б.; Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (4-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 1-сон. 3-9-б.

лайдиган тушунчаларнинг моҳияти, бирор тил ҳодисасини ифодалай олиш-олмаслиги масаласида аниқ бир фикрга келинмаган. Бу ҳолат тил системаси (системалари) билан боглиқ энг муҳим ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишда ўзига хос салбий оқибатларга олиб келадики, куйида бунга ишонч ҳосил киламиз. Демак, бу терминлар ифодалайдиган тушунчанинг моҳияти, бирон-бир тил ҳодисасини аниқ ифодалай олиш ёки ифодалай олмаслигини аниқ белгилаш, бу ҳақда бир фикрга келиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тилни система сифатида ўрганишга жиддий эътибор қаратилиши билан ўзбек тилшунослигида мазкур терминлар қўллана бошлади, яъни тил системасининг шаклланиши билан боглиқ ҳодисаларни, лингвистик тушунчаларни ифодалаш талаби билан шу терминлар юзага келди. Лекин тан олиб айтиш керакки, ўзбек тилшунослигида тил системасининг (системаларининг) шаклланиши билан боглиқ ҳодисаларнинг моҳияти етарли даражада ёритилмаган, шу нуқтаи назардан талабга жавоб берадиган тадқиқот ишлари яратилишидан олдин бу терминлар истеъмолга киритилди. Очқроқ қилиб айтганда, тил системаларининг шаклланиши билан боглиқ тил ҳодисаларининг моҳияти ўзбек тили материалларини тадқиқ этиш асосида аниқланиб, шу моҳиятни қайд этувчи (қайд эта оладиган) термин белгилангани йўқ, балки бу терминлар ўзга тилшуносликка оид манбалардан кўчирилган, кўчирма терминлардир. Бу йўл кутилган, ижобий натижаларга олиб келавермаслиги аниқ ва амалда шундай бўлди ҳам.

Европа тилшунослигида «система», «структура» ҳодисаларининг моҳияти масаласида деярли бир фикрга келинган дейиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида бу масалага бағишланган ишлардан маълум бўладики, муаллифлар умумтилшуносликка оид ишлардан хабардор, улардан фойдаланганликлари аниқ – бу ижобий ҳол, албатта. Лекин бу терминларнинг ўзбек тили материалларига мос келиш ёки мос келмаслигига етарли эътибор берилмаган. Оқибатда, бу терминларнинг баъзилари тил ҳодисасининг моҳиятини тўла ва тўғри қайд эта олмаса, баъзилари, умуман, бирон-бир тил ҳодисасини қайд этмайди. Бундай ҳолатнинг қандай салбий натижаларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин бўлмаса керак. Шу боис бу терминларнинг ҳар бирига алоҳида тўхташни, ҳар бири юзасидан ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик¹.

¹ Бу терминлар ҳақида махсус мақоламизда ҳам фикр билдирилган: Х о ж и е в А.

Тил бирлиги термини умумий, мавхум тушунчани билдиради. Адабиётларда унга тўғри таъриф берилган. Лекин таърифлар ҳам умумий, мавхум характерга эгалиги сабабли у ифодалайдиган тушунчани аниқ тасаввур этиш ҳам осон бўлмайди. Тил бирликларининг турлари эса *бирлик* сўзи олдидан муайян сўзни (аниқловчи сўзни) қўллаш билан аниқ ифодаланади: *фонологик бирлик, лексик бирлик, морфологик бирлик* каби. *Тил қурилиши бирлиги, морфологик сатҳ бирлиги* каби бирикмалардаги *тил қурилиши, морфологик сатҳ* бирикмалари ҳам тил ҳодисасининг моҳиятини аниқлаштириш, қандай бирлик эканини аниқ қайд этиш талаби билан қўлланади. Лекин ана шу талаб, ана шу мақсад нуктаи назаридан ёндашилганда, бундай терминларнинг баъзилари, жумладан, *тил қурилиши бирлиги* термини талабга жавоб бермайди, тўғриси, унинг таркибидаги «тил қурилиши» бирикмаси, бу бирикма таркибидаги «қурилиш» сўзи ҳодисанинг (лингвистик тушунчанинг) моҳиятини аниқлаштириш учун хизмат қилмайди.

Тил қурилиши, тил қурилиши бирлиги бирикмалари ўзбек тилшунослигида лингвистик термин сифатида кейинги вақтларда, аниқроғи, тилни система сифатида ўрганишнинг назарий масалаларига жиддий эътибор қаратилгандан кейинги даврларда қўллана бошлади. Бу ишларда тилнинг қурилма экани алоҳида таъкидланади. Бироқ бу ишларда мазкур сўз бирикмаси ва сўзнинг лингвистик тушунчани ифодалай олиш ёки ифодалай олмаслигига эътибор берилмаган, аниқроғи, *тил қурилиши* бирикмаси ва *қурилма* сўзининг лингвистик ҳодисани қайд эта олиши, лингвистик термин бўла олиши исботини топмаган. Сабаби, юқорида айтилганидек, улар тил ҳодисасининг моҳиятидан келиб чиқиб белгиланган (танланган) терминлар эмас.

Шуни таъкидламоқчи эдикки, *қурилиш* сўзи ва *тил қурилиши* бирикмасининг лингвистик тушунчани ифодалаши, яъни лингвистик термин сифатида қўлланиши билан бундай вазифага эга бўлмаган ҳолатини (қўлланишини) фарқлаш керак. Масалан, машҳур турколог Н.К. Дмитриевнинг бир асари «Строй тюркских языков» деб аталади. Бу ном таркибида *строй* сўзи муайян лингвистик ҳодисани билдирмайди, яъни лингвистик термин эмас, лингвистик терминнинг таркибий қисми ҳам эмас. Бизнингча, ана шундай қўлланишлар ўзбек тилшунослигида *қурилиш, қурилма, тил қурилиши, тил қурилиши*

Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (3-мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006. 6-сон, 26-28-б.

бирлиги каби сўз ва сўз бирикмаларининг лингвистик термин сифатида қўлланишига сабаб бўлган.

Умумтилшуносликда ҳам тилнинг система эканлигига, тилни система сифатида ўрганишнинг назарий масалаларига эътибор қаратилиши билан системага оид ходисалар, тушунчалар белгилана бошланди, уларнинг моҳияти аниқланиб, шу моҳиятни қайд этувчи лингвистик терминлар ҳам юзага кела бошлади. Демак, аввал лингвистик ходисалар, тушунчалар аниқланиб, сўнгра унинг ифодачиси – термини яратилди. Бу ҳолни, жумладан, рус тилшунослигига оид ишларда аниқ кузатиш мумкин. Бундай ишларда тил системаси билан боғлиқ бирор лингвистик ҳодиса учун *қурилиши*, *қурилма*, *тил қурилиши*, *тил қурилиши бирлиги* каби сўзлар, сўз бирикмалари термин сифатида қўлланмаган, шунингдек, лингвистик терминларнинг изоҳли лугатларидан бирортасида «тил қурилиши» терминини учратмадик. Масалага бевосита ўзбек тили материаллари асосида ёндашилса, бу тилда ҳам «қурилиш» ҳодисаси йўқлиги маълум бўлади. Демак, «тил қурилиши» термини ўзга тилшуносликка (умумтилшуносликка) оид ишлардан қабул қилинган эмас – ўзи йўқ ҳодиса учун ўзбек тилшунослигида қўлланаётган «термин», холос.

Проф. А. Нурмонов ўзбек тили системасининг назарий масалаларига бағишланган ишида «система», «қурилиш», «структура» ходисаларининг моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратган: «Ўзаро боғлиқ ва шартланган икки ва ундан ортик элементларнинг муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган барқарор бутунлик система саналади»...

«Системанинг муҳим белгилари: 1) таркибий қисмларга бўлиниш;»... «Биринчи белгига кўра, ҳар қандай система муайян қурилиш бирликларидан ташкил топади.»... «Система қурилма экан, у албатта тузилишга эга бўлади. Системани ташкил этган элементларнинг ички алоқаси структурани ташкил этади... Системасиз структуранинг, структурасиз системанинг бўлиши мумкин эмас»¹.

Асосий мақсад *система*, *қурилиши* ва *структура* сўзларининг муайян тил ҳодисасини ифодалаш икки ифодалай олмаслигини, яъни лингвистик термин бўлиши икки бўла олмаслигини белгилаш бўлгани боис уларнинг ҳар бири ҳақида билдирилган фикрларнинг тўғри-

¹ Н у р м о н о в А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. 6-7-б.

нотўгрилиги ҳақида батафсил тўхташни лозим топмаймиз. Маълум бўляптики, система, қурилиш ва структура ўзаро алоқадор ходисалар сифатида қаралиб, қурилишнинг моҳияти системанинг моҳияти асосида, структуранинг моҳияти қурилишнинг моҳияти асосида тушунтириляпти. Бизнингча, ўзбек тили материалларининг кўрсатишича, тил системалари билан боғлиқ, унга алоқадор ходисаларнинг моҳиятини, ўзаро муносабатини ёритишда бундай йўл тутиш кутилган, ижобий натижаларга олиб келмайди. «Қурилиш», «тил қурилиши» ходисаси йўқлигининг, бундай термин қўллашга эҳтиёж йўқлигининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди. Структура билан система ва уларнинг ўзаро муносабати масаласига келганда ҳам ҳақиқий ҳолат, бизнингча, А. Нурмонов айтганича эмас. Система, қурилиш, структура (тузилиш) ҳақида айтилган гаплар тил системаси ва у билан алоқадор бирор тил ходисаси ҳақида тўғри тасаввур бермайди. Ҳатто «хар қандай система муайян қурилиш бирликларидан ташкил топади»... «Система қурилма экан, у албатта тузилишга эга бўлади» деган гаплар қурилиш билан тузилиш (структура) бир-биридан фарқли ходиса эмас, балки бир ходиса эканини билдиради, яъни бу жумлалардан қурилиш (қурилма) билан структура бир ходиса экани англашилади. У ҳолда бу терминлардан бирига эҳтиёж қолмайди – уларнинг биридан воз кечишга тўғри келади. Шунингдек, «системани ташкил этган элементларнинг ички алоқаси структурани ташкил этади» деган жумла ҳам структуранинг моҳиятини аниқ ва тўлиқ акс эттира олмайди. Чунки ички алоқа структура ҳисобланмайди, балки ўзаро алоқадаги бирликлар бутунлиги (яҳлит ҳолда) структурани юзага келтиради.

Ўзбек тилшунослигида «тил (қурилиши) сатҳлари», «тил (қурилиши) босқичлари» терминлари қўлланаётганлиги маълум. Ҳар иккала термин айнан бир тил ходисасига нисбатан қўлланади. Эътибор беринг: «Тилнинг қиммат жиҳатдан бир хил бирликларининг йиғиндиси лингвистик сатҳ деб юритилади. Масалан, фонологик сатҳ, морфем сатҳ каби»¹. «Ҳар бир тил бирлигига монанд равишда тил қурилишининг босқичлари ажратилади... Тил қурилиши ўта мураккаб бўлиб, улар ўзаро боғлиқ бир қанча босқичлардан иборат. Тил қурилишининг бирор босқичини ажратиш учун унинг ўзига хос тил бирлиги мавжуд бўлиши лозим»². Ш. Раҳматуллаев *сатҳ* сўзи

¹ Н у р м о н о в А. ва бошқалар. Юқорида кўрсатилган асар, 8-б.

² Р а х м а т у л л а е в Ш. Юқорида кўрсатилган рисола, 25-б.

«ўзаро боғлик сатҳлар» тушунчасини ифодалашга кодир эмас», деб унинг ўрнида *босқич* сўзини қўллашни маъкул кўради. Лекин бу сўз, бизнингча, назарда тутилган тил ходисасини умуман қайд эта олмайди¹. Бу ишда эътиборга лойик нарса шуки, унда *қурилиш*, *структура* сўзларидан биттаси – *қурилиш* сўзи қўлланган, демак, бошқа сўзни қўллашга эхтиёж сезилмаган (Лекин бу сўз тил ходисасининг моҳиятини тўғри ва аниқ қайд эта олмаслиги, уни лингвистик термин сифатида қўллаш мумкин эмаслиги айтилди).

Умумтилшуносликда бир хил қийматга (моҳиятга) эга бўлган тил бирлиги асосида юз берадиган икки хил ходиса – система ва структура ходисаси мавжудлиги тан олинади ва улар тегишли терминлар (*система*, *структура* терминлари) билан юритилади, шунингдек, бу икки термин ифодалайдиган тушунчанинг моҳияти ҳам тўғри, аниқ ёритилган². Бирок ўзбек тилшунослигида бундай тўғри қарашлар ўз ифодасини топганича йўқ. Масалан, А. Нурмоновнинг системага берилган «Ўзаро боғлик ва шартланган икки ва ундан ортиқ элементларнинг муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган барқарор бутунлик система саналади» таърифини олайлик. Аввало, таъриф ўта мавҳум ва системанинг моҳиятини тўғри, тўла ва аниқ қайд эта олмайди. Чунки, биринчидан, система ўзаро боғлик ва шартланган ҳар қандай икки ва ундан ортиқ элементлардан ташкил топмайди, балки бир хил қийматга (моҳиятга) эга бўлган икки ва ундан ортиқ тил бирлигидан ташкил топади. Масалан, луғавий системада тил бирлиги бўлмиш *теши*, *арра*, *болта*, *ранда* сўзлари асбобкурол маъноси билан бирлашади, бир бутунликни (лексик-семантик гуруҳни) ташкил этади. Ҳодисанинг моҳияти шундан иборат. Демак, «ўзаро боғлик ва шартланган... элементларнинг муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган барқарор бутунлик» жумлалари ходисанинг (тушунчанинг) моҳиятини тушунишга хизмат қилмайди. Иккинчидан, тил системаси фақат юкоридаги каби гуруҳлардан (бутунликлардан)гина ташкил топмайди, балки муайян ифода ва мазмун жиҳатига эга бўлган, лекин шу турдаги тил бирликлари билан муносабатда бўлмаган тил бирлиги ҳам муайян системага мансуб бўла олади. Масалан, отнинг -ники морфемаси ёрдамида ясалувчи қарашлилик

¹ Бу ҳақда юкорида келтирилган мақоламизда фикр билдирилган.

² Қаранг: Солнцева В. М. Язык как системно-структурное образование. М.: Наука, 1977. -С.145-284.

шакли (*мактабники* каби шакл) от туркуми морфологик системасида ўз ўрнига эга (Булар хақида ўз ўрнида гапирилади).

Хуллас, системанинг асосий, муҳим хусусияти бир хил қийматга эга бўлган тил бирликларининг муайян белги асосида бирлашувидан ташкил топган бутунлик бўлишидир, бу бирликлар системани ташкил этувчилар ҳисобланади. Шу билан бирга, ўзига хос моҳият билан бир тил бирлиги ҳам муайян системага мансуб бўлади.

«Структура» деганда, ўзаро алоқада бўлган қисмлардан таркиб топган ва ўзаро алоқа схемасига эга бўлган мураккаб бирлик, бутунлик тушунилади. Структура системага хос, уни характерловчи хусусиятлардан бири ҳисобланади¹. Демак, структура билан система бир-биридан фарқли ходисалардир. Буни **тил сатҳлари** ходисасида, яъни тил бирликларининг сатҳланишида аниқроқ тасаввур этиш мумкин. Юқорида кўрдикки, тил сатҳларининг ҳар бири бир хил қийматга (моҳиятга) эга бўлган тил бирликлари йиғиндисидан, мажмуидан ташкил топади: фонологик сатҳ фонемалардан, лексик сатҳ сўз (лексема)лардан ташкил топади ва ҳоказо. Тилшуносликнинг бўлимларида ҳар бир сатҳга мансуб тил бирликларининг моҳияти, улар асосида юз берадиган тил ходисаларининг моҳияти ёритилади, ўрганилади.

Тил сатҳи бир хил қийматга эга бўлган тил бирликлари мажмуи эканлигини кўрдик – тил сатҳи деганда шу ходиса тушунилади. Бунда тил бирликлари билан боғлиқ ходисалар, яъни тил бирликларининг ўзаро муносабати асосида юз берадиган ходисалар, масалан, тузилмалар, парадигмалар назарда тутилмайди. Шунинг учун ҳам муайян тил системасига мансуб тил бирликлари билан боғлиқ ходисаларга нисбатан *тузилиш*, *тузилма* (*структура*) сўзлари қўлланмайди. Масалан, отнинг эгалик шакллари хусусий ва умумий белгиси асосида эгалик шакллари гуруҳини, парадигмасини ташкил этади, демак, бунда тузилиш ходисаси бор. Лекин бу ходисага нисбатан *тузилиш* (*тузилма*, *структура*) сўзи қўлланмайди. Морфологик категорияларнинг бошқа турларига нисбатан ҳам бу сўз қўлланмайди. Демак, сатҳланиш тил бирликларининг ўзаро муносабатлари, алоқасидан эмас, бир хил моҳиятга эга бўлган тил бирликларининг ўзидан, мажмуидан юзага

¹ Мельников Г. П. Системная лингвистика и её отношение к структурной // Проблемы языкознания (Доклады и сообщения советских учёных на X международном конгрессе лингвистов). М.: 1967. -С. 98.

келади, ташкил топади. Тил системасини эса ана шу бирликларнинг ўзаро муносабати, алоқасидан юзага келадиган тузилмалар, шунингдек, муайян сатҳга мансуб ва муайян моҳиятга эга бўлган тил бирликлари шакллантиради. Масалан, отнинг келишик парадигмаси шакллари, шунингдек, парадигма ҳосил қилмайдиган, *-лар* аффикси билан ясалувчи кўплик шакли (*гуллар, қушлар*) ҳам отнинг морфологик системасига мансуб шакллар ҳисобланади.

Юқорида тилга олинган терминлар юзасидан бўлган мулоҳазаларимизни шу айтилганлар билан тугатиш (тўхтатиш) мумкин. Ҳар бир тил сатҳига мансуб системалар ва уларнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида ўз ўрнида, яъни ҳар бир тил сатҳи системалари тадқиқ этилган ўринда атрофлича фикр юритилади. Лекин шу ўринда муҳим бир нарсага эътиборни қаратмоқчимиз.

Тил сатҳи, системаси ва тузилма (структура) ҳақида айтилганларнинг барчасидан аён бўлдики, буларнинг ҳар бири муайян қийматга (моҳиятга) эга бўлган тил бирлиги (бирликлари) асосида юзага келади, ташкил топади, бундай тил бирликларисиз тил сатҳи, структураси, тил системаси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу ҳодисани ҳисобга олган ҳолда иш кўриш ўзбек тилшунослигида мавжуд бўлган, лекин шу вақтгача ечимини топмаган баъзи муҳим муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Масалан, ўзбек тилшунослигида сўзларни туркумларга ажратишда семантик, морфологик ва синтактик белгилар асосга олиниши айтилади ва ҳаракатнинг белгисини билдирадиган сўзлар алоҳида туркумга ажратилиб, «равиш туркуми» деб юритилади ва бу сўз туркуми тилшуносликнинг морфология бўлимида ўрганилади. Бироқ тил сатҳи ва системаларининг бир хил қийматга эга бўлган тил бирликларидан ташкил топиши, шаклланишига асосланган, равишларни туркумга ажратиш мумкин бўлмайди¹, чунки равишлар бундай тил бирлигига (сўз шаклига) эга эмас. Шу боис уларни тилшуносликнинг «Морфология» бўлимида ўранилишини ҳам ўйлаб кўриш керак, чунки уларда морфологик бирлик бўлмаганидек, морфологик система ҳам йўқ ва бошқалар.

¹ Сўзларни туркумлаш ҳақида махсус мақоламизда ўз мулоҳазаларимизни билдирганмиз: Х о ж и е в А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (6-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 3-сон, 30-37-б.


Тил бирликларининг таснифи

Таснифлаш илм-фанда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Тўғри тасниф ҳодисалар ва уларнинг моҳиятини аниқ белгилаш, тўғри ёритиш имконини яратади, шунга йўл очади: «**ТАСНИФ** (араб. – саралаш, тартибга солиш), классификация – илм ёки инсон фаолиятининг бирор соҳасига оид ўзаро бир хил тушунчалар системаси. Тасниф ҳар бир фанга хос муҳим мантикий амал бўлиб, унинг воситасида шу фан доирасида тўпланган билимлар қатъий тартибга солинади. Фанни ўрганишда бундай тасниф қулайлик туғдиради. Таснифда бўлинувчи ва бўлувчи тушунчалар ўзининг қатъий ўрнига эга бўлади. Тасниф натижасида фанда муҳим аҳамият касб этувчи жадваллар, чизмалар, графиклар, кодекслар вужудга келади... Таснифлаш натижасида ҳосил бўлган билим предметнинг асосий хусусиятлари ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни аниқлашга имкон яратади ва бу билимлар тартибга солинган билим ҳисобланади»¹. Бу фикрлар тилшунослик фанига ҳам дахлдор.

Ҳар қандай тасниф муайян белги, нуктаи назар асосида амалга оширилади. Масалан, сўзларни мустақил ва мустақил бўлмаган сўзларга ажратиш лугавий маънога эга ёки эга эмаслиги асосидаги тасниф; сўзларни туркумларга ажратиш туркумлик семаси (шу белги) асосидаги тасниф ҳисобланади ва ҳоказо. Лекин тилга система сифатида ёндашилганда, тил системаларининг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисалар ўрганилганда, бундай таснифлар ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, касб этмайдигина эмас, ҳатто тил ҳодисаларининг, тил бирликларининг моҳиятини тўғри белгилашга, ёритишга тўсқинлик қилади. Буни «ёрдамчи сўз» термини мисолида аниқ кўриш мумкин.

Ўзбек тили материаллари кўрсатяптики, *ёрдамчи сўз* бирикмасида «ёрдамчи» сўзи ҳам, «сўз» сўзи ҳам «кўмакчи», «боғловчи». «юклама» деб аталаётган тил бирликларига хос умумий белгини ҳам, ҳар бирига хос хусусий белгини ҳам қайд эта олмайди, яъни уларда шу хусусият (белги)ларни қайд этиш, билдириш имкони, умуман, термин ҳосил қилиш имкони йўқ. Ҳатто «ёрдамчи сўз» бирикмаси «мустақил сўз» бирикмаси ифодалайдиган тушунчага зид бўлган тушунчани ҳам билдира олмайди. Чунки «мустақил»нинг зидди «номустақил» бўлади. Бу сўз эса «ёрдамчи сўзлар» деб аталаётган тил бирликларига

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-ж. Тошкент: 2004. 292-293-б.



хос умумий моҳиятни қайд эта олмайди. Хуллас, «ёрдамчи сўзлар» термини таркибидаги «ёрдамчи» сўзи кўмакчи, боғловчи, юклама тил бирликлари учун умумий бўлган белгини (хусусиятни) ифодалаш, бу вазифани бажариш имконига эга эмас. Ўз-ўзидан, бу сўз кўмакчи, боғловчи, юклама тил бирликларининг умумий белгисини ифодалаш учун қўлланадиган бирикма терминнинг таркибий қисми бўла олмайди.

Бевосита ўзбек тили материалларидан келиб чиқилса, «ёрдамчи сўз» термини таркибидаги «сўз» бирон-бир тил ҳодисасини қайд этиш имконига эга эмас. Чунки *кўмакчи*, *боғловчи*, *юклама* деб аталувчи тил бирликларига хос вазифада фақат сўз эмас, балки ифода жиҳатидан аффикс (*қўшимча*) кўринишида бўлган бирликлар ҳам қўлланади. Ўзбек тилшунослигида бу факт тан олинган ва улар *кўмакчи аффикс (қўшимча)*, *боғловчи аффикс (қўшимча)*, *юклама аффикс (қўшимча)* терминлари билан юритилади. Масалан, *-чи* кўмакчи аффикси, *-ки(-ким)* боғловчи аффикси, *-ку (биласан-ку)* юклама аффикси ва бошқалар. Шундай экан, кўмакчи, боғловчи ва юклама ҳақида гап борганида, бу тил бирликларининг ҳар икки тури, яъни ифода жиҳатиға кўра сўз ва аффикс шаклидаги тури ҳисобга олиниши шарт. Шу билан бирга, бу икки ҳолат учун умумий бўладиган, яъни «сўз» сўзи қўлланмайдиган терминни топиш керак бўлади¹. Қолаверса, бу уч тил бирлигини ифодаловчи терминларнинг «сўз» сўзисиз (*кўмакчи*, *боғловчи*, *юклама* тарзида) қўлланиши маълум, яъни уларни «сўз» билан қўллаш (*кўмакчи сўз* каби қўллаш) талаб этилмайди. Бу факт ҳам учала тил бирлигининг умумий хусусиятини ифодалай оладиган («сўз» сўзисиз) термин топиш ва истеъмомлга кiritиш шартлигини кўрсатади.

Тил системадан иборат экан, уни системалар мажмуи ташкил этар экан, бу системалар муайян тил бирликлари асосида шаклланиши шубҳасиз. Ўзбек тили материаллари ҳам бунни тасдиқлайди. Лекин бу жараёнда, яъни тил системаларининг шаклланиш жараёнида тил бирликларининг тутадиган ўрни, бажарадиган вазифаси бир хил эмас ва бу ҳам табиий ҳол. Уларнинг айримлари муайян системани бевосита шакллантирувчи бўлса, баъзилари бу жараёнда ўзига хос бошқа вазифа билан иштирок этади. Масалан, сўз шакли (морфологик бирлик)

¹ Аслида, «ёрдамчи сўз» термини таркибидаги «сўз» ҳам тил бирлигининг ифода жиҳати, сўзга қўшиб ёзилмаслигига кўра қўлланади.

морфологик сатҳга хос системаларни шакллантирса, морфем бирликлар (морфемалар) сўз ясалиши системаси ва морфологик системани шакллантирувчи тил бирликларини, яъни ясама сўз ва сўз шаклини яшаш учун хизмат қилади. Бинобарин, улар шу системаларнинг шаклланишида бевосита эмас, билвосита иштирок этади дейиш мумкин ва хоказо.

Хуллас, тил системалари, системаларнинг шаклланиши билан боглик ходисалар *тил бирликлари* асосида юз беради. Демак, тил системалари билан боглик ҳар қандай ходисанинг моҳияти унинг шаклланишида бевосита иштирок этувчи тил бирликларининг маъно, вазифаси асосида ёритилиши керак бўлади. Бу эса, биринчи навбатда, тил бирликларининг маъно ва вазифасига кўра турларини аниқ белгилашни талаб этади. Бунда жинс ва тур тушунчаларини тўғри қайд этувчи сўз ёки сўз бирикмасини топиш ва уларни термин сифатида истеъмолга киритиш муҳим аҳамият касб этади. Шу айтилганларнинг ўзиёқ тил бирликларини таснифлаш масаласи ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири эканлигини, уни ҳал этиш тилшуносларимизнинг биринчи галдаги вазифаси эканини кўрсатади.

Кейинги вақтларда ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг маъно ва вазифасига кўра турларини белгилашга, турларга ажратишга эътибор қаратила бошлади. Масалан, проф. Ш. Раҳматуллаевнинг бир илмий рисоласи «Тил қурилишининг асосий бирликлари»¹ деб аталишининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди. Лекин бу масала яхлитлигича кун тартибига қўйилгани йўқ. Қолаверса, тил системаларини шакллантирувчи тил бирликлари ҳамда системаларнинг шаклланишига у ёки бу даражада дахлдор бўлган тил бирликларининг маъно ва вазифаси етарли даражада ўрганилгани йўқ.

Тилнинг ҳар бир сатҳи муайян моҳиятга эга бўлган (фаркли моҳиятга эга бўлган) тил бирликлари мажмуидан ташкил топиши умумтилшунослиқда анча илгаридан маълум: *фонологик сатҳ*, *морфологик сатҳ* каби (Бу ҳақда юқорида ҳам гапирилди). Ўзбек тилини система сифатида ўрганиш, бу борадаги назарий масалаларга жиддий эътибор қаратилгунга қадар ҳам бу гаплар бор эди. Жумладан, «тил қурилишининг асосий бирликлари» деб юритилаётган, яъни тил системаларини шакллантирувчи тил бирликлари юзасидан умумтилшунослиқда жуда катта ишлар бажарилган ва бундай тил бирликларининг

¹ Р а х м а т у л л а е в Ш. Юқорида кўрсатилган рисола.

моҳияти ҳақида тўғри хулосаларга келинган, дея оламиз. Лекин эришилган ана шундай натижалар ўзбек тилшунослигида тўла ва тўғри ифодасини топганича йўқ, десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Қолаверса, тилда бевосита системани шакллантирмайдиган, лекин тил системаларининг шаклланишида ўзига хос вазифа бажарувчи тил бирликлари ҳам бор. Демак, тил системаларининг шаклланиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бу жараёнда бевосита ёки билвосита иштирок этадиган тил бирликларини, уларнинг моҳиятини, умумий ва хусусий белгиларига кўра турларини белгилаш ўзбек тилшунослиги, ўзбек тилшунослари олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу эса, биринчи навбатда, тил бирликларини таснифлаш масаласини кун тартибига қўяди. Афсуски, бу масалага деярли эътибор қаратилгани йўқ. Ўзбек тили системаларини ўрганиш билан боғлиқ ишларимизнинг чалачулпа ҳолатда эканлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Тил системалари муайян тил бирликлари асосида шаклланар экан, яъни системани шакллантирувчи, ташкил этувчи тил бирликлари бор экан (борлиги тан олинар экан), бундай бирликлар тўла ва аниқ белгиланмаган бўлса-да, уларни алоҳида тур сифатида ажратиш ҳамда, ўз моҳиятига кўра, «**системани шакллантирувчи тил бирликлари**» деб аташ тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Бу билан тил бирликларининг бир тури ва уни қайд этувчи термин аниқланган, белгиланган бўлади.

Ўзбек тилшунослигида «морфема» деб аталувчи тил бирлиги борлиги тан олинган. Ш. Раҳматуллаевнинг юқорида келтирилган рисолида морфема тил қурилишининг асосий бирликлари қаторига киритилади¹. Лекин ўзбек тили материаллари бу фикрни қувватламайди. Гап шундаки, морфема (морфемалар) системани шакллантирувчи тил бирликларини, яъни ясама сўз ёки сўз шаклини ясайди (ҳосил қилади), унинг моҳияти, вазифаси шундан иборат. Ясама сўз ва сўз шакли эса сўз ясалиши ва морфологик системани шакллантирувчи бирликлардир. Демак, морфемаларни тил бирлиги сифатида баҳолашда, номлашда уларнинг шу хусусиятига, моҳиятига асосланиш керак бўлади. Шундай қилинганда, морфемаларни «ясовчи тил бирликлари» деб аташ тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз (Булар ҳақида ишнинг «**Морфеманинг моҳияти**» қисмида фикр билдирилади).

¹ Раҳматуллаев Ш. Юқорида кўрсатилган рисола, 17-б.

Яна бир тур тил бирликлари борки, улар тил системасини шакллантирмайди, шунингдек, сўз яшаш ёки сўз шаклини яшаш учун хизмат қилмайди. Улар тилда муайян вазифа бажаради. Вазифа бажарувчи сифатида улар бир гуруҳга, бир умумий турга бирлашади. Булар *кўмакчи, боғловчи, юклама* деб аталувчи тил бирликларидир. Худди шу умумий хусусиятлари асосида тил бирликларининг бу гуруҳини «**функционал тил бирликлари**» термини билан юритиш тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Тил бирликларининг, аниқроғи, лисоний бирликларнинг таснифи юзасидан бизнинг тавсияларимиз шулардан иборат. Лекин шу нарса аниқки, ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг маъно ва вазифалари етарли даражада ўрганилган эмас. Уларнинг моҳияти кенг, тўғри ёритила борган сари тасниф ҳам такомиллашиши шубҳасиз.

Тилнинг системалари ҳақида умумий маълумот

Тилнинг системалардан иборатлиги, ҳар бир системанинг муайян тил бирлиги асосида шаклланиши тилшуносликка оид адабиётлардан маълум ва бунини ўзбек тили материаллари ҳам тасдиқлайди. Тилнинг ҳар бир сатҳига хос системаларнинг шаклланиши ва бу жараёнда юз берадиган ҳодисалар, уларнинг моҳияти ҳақида ўз ўрнида, яъни ҳар бир сатҳга хос системалар тадқиқ этилган ўринларда кенг маълумот берилади. Бу ўринда, қисқа тарзда, системаларга хос умумий моҳият ҳақида тўхташни лозим топамиз.

Фалсафий тушунча сифатида система ҳақида куйидаги фикрлар билдирилган: «Система – муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир қадар яхлитликни ташкил этадиган элементлар мажмуи... Система тушунчаси яхлитлик, тузилиш, алоқа, муносабат тушунчалари билан узвий боғлиқдир»¹.

Тилда бу ҳодиса тил бирликлари, уларнинг ўзаро алоқаси асосида юзага келадиган гуруҳлар (бутунликлар)да ўз ифодасини топади. Тилга хос ҳар бир система муайян моҳиятга (қийматга) эга бўлган тил бирликларининг ўзаро боғланиши асосида шаклланади, уларнинг ҳар бири системани ташкил этувчилар, системанинг аъзолари ҳисобланади. Ташкил этувчи бирликларнинг ҳар бири ўзига

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-ж., Тошкент: 2004. 654-б.

хос хусусиятга эга бўлиши билан бирга умумий белгига ҳам эга бўлади ва худди шу белги асосида ўзаро бирлашиб, муайян бир гуруҳни, системани юзага келтиради.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида тил системалари, система-ланиш ҳақида гап борганида, фонема, морфема, лексема, сўз шакли асосида шаклланувчи системалар – фонологик, морфем, лексик ва морфологик системалар назарда тутилади, шу системалар ҳақида фикр юритилади. Бироқ умумий белги асосида гуруҳланиш барча тил бирликлари учун хос. Масалан, лугавий маънога эга бўлмаган, яъни мустақил бўлмаган сўзлар – ундовлар, таклид ва модал сўзлар, шунингдек, функционал бирлик бўлмиш ва «кўмакчи», «боғловчи», «юклама» деб юритилувчи тил бирликлари ҳам маълум умумий белгилари асосида гуруҳларга бўлинади. Бунинг сабаби объектив борлиқда якка ҳолда яшовчи нарса-ҳодисанинг ўзи йўқлигида. Тил системасида ҳам якка ҳолда амал қилувчи тил бирлигининг бўлиши мумкин эмас.

Хуллас, объектив оламнинг системадан иборат бўлиши тилнинг ҳам системадан иборат бўлишини тақозо этади. Худди шу нарса, яъни системалилик тилни билиш, ўрганиш имконини беради. Шундай экан, тилни система сифатида ўрганишда, системаларнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишда тилда мавжуд бўлган барча тил бирликлари, улар асосида шаклланувчи системалар назарда тутилиши, диққат-эътиборда бўлиши талаб этилади. Шундагина тилда мавжуд бўлган барча тил бирликлари, улар ёрдамида системаларнинг шаклланиши билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятини тўла ва тўғри ёритиш мумкин бўлади, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, тилнинг системадан иборатлиги уни ўрганиш имконидир, акс ҳолда, тилни ўрганиш фани ҳақида гапириш ҳам мумкин бўлмас эди.

БИРИНЧИ ҚИСМ

МОРФЕМ САТҲ. ТИЛ БИРЛИГИ – MORФЕМА

Ўзбек тилшунослигида морфеманинг ўрганилиш тарихидан

Ўзбек тилшунослигида деярли олтмиш йиллар аввал «морфема» тушунчаси ва термини пайдо бўлди, унинг моҳияти ҳақидаги қарашлар юзага келди. Бироқ, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, шу вақтга қадар «морфема» деб аталиши мумкин (лозим) бўлган тил бирлиги ва унинг моҳияти тўғри, аниқ белгиланганича йўқ. Бунинг асосий сабаби шундаки, “морфема” деб аталаётган тил бирлиги ва унинг моҳияти бевосита ўзбек тили материалларидан келиб чиқиб белгилангани, белгиланаётгани йўқ. Аксинча, бошқа тилшуносликка, жумладан, рус тилшунослигига оид адабиётларда морфема юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўзбек тилшунослигига кўчириляпти ҳамда уларни тасдиқловчи мисоллар ўзбек тилидан «топиляпти», топишга ҳаракат қилинапти. Ваҳолонки, бу йўл билан ўзбек тилидаги бу тил бирлигининг моҳиятини, унинг амалиёти билан боғлиқ тил ходисаларининг моҳиятини тўғри ёритиш, тўғри белгилаш мумкин бўлмайди. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, морфема ўзбек тили лисоний бирликларидан, яъни «тил қурилишининг асосий бирликлари» ҳисобланувчи бирликлардан фарқли ҳолда, тил системаларини шакллантирадиган тил бирликларини яшаш учун хизмат қилади. Ўзбек тилшунослигида ана шу муҳим фактга жиддий эътибор берилгани йўқ, яъни морфемалар билан боғлиқ тил ходисаларининг моҳияти унинг ана шу асосий хусусиятидан келиб чиқиб, шу вазифаси асосида ҳал этилгани йўқ. Ҳудди шу сабаб билан морфеманинг моҳияти ва унга боғлиқ тил ходисаларининг моҳиятини тўғри ва тўла ёритиш имкони бўлмади. Буни аниқ тасаввур этиш учун морфема ва у билан боғлиқ ходисаларнинг ўрганилиш жараёнини эътибордан ўтказиш керак бўлади.

Ўзбек тилшунослигида морфема ва у билан боғлиқ ходисаларнинг ўрганилиш тарихига назар ташланса, бир-биридан тамоман фаркли бўлган икки хил факт (икки ходиса) тадқиқ этилганлиги, текшириш объекти бўлганлиги кўзга ташланади: 1) сўзнинг маъноли қисмларини морфема деб қараш ва шундай қисмларнинг моҳиятини ўрганиш; 2) морфемани тил бирлиги, тил қурилишининг асосий бирликларидан бири ҳисоблаш ва шундай birlik сифатида унинг, у билан боғлиқ ходисаларнинг моҳиятини тадқиқ этиш. Ваҳолонки, морфемани бундай икки хил тушуниш, ўз-ўзидан, унинг таҳлилида ҳам турли хатоликларга, бир-бирига зид хулосаларга олиб келади, улардан бири тўғри бўлса, бошқаси нотўғри бўлади. Ўзбек тилшунослигида морфемалар ва улар билан боғлиқ бошқа ходисаларнинг моҳияти юзасидан шу вақтга қадар тўғри ва аниқ бир фикрга келинмаганлигининг асосий сабаби ҳам ана шунда. Шу боис морфема ҳақидаги ҳар икки нуктаи назар ва улар асосида юзага келган фикр-мулоҳазаларга алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтишга тўғри келади.

1. Морфеманинг сўзнинг таркибий қисми сифатида ўрганилиши. Бу босқични, мазкур тил бирлиги моҳияти қандай тушунилишига кўра, икки даврга ажратиш мумкин: 1) «морфема» тушунчаси ва термини юзага келгунгача бўлган давр; 2) бу тушунча ва термин пайдо бўлгандан кейинги давр. Ҳар икки даврда ҳам бу тил бирлиги сўзнинг, яъни ясама сўз ва сўз шаклининг таркибий қисми деб қаралган ҳамда шу нуктаи назардан ўрганилган.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларига қадар, яъни ўзбек тилшунослигида «морфема» тушунчаси ва термини пайдо бўлгунга қадар ўзбек тили грамматикасига оид ишларда сўз таркиби морфологик ходиса сифатида қаралиб, унинг ўзак ва аффиксдан таркиб топиши эътироф этилган, «сўз таркиби» сарлавҳаси остида ўзак, негиз ва аффиксларнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Масалан, О. Усмон ва Б. Авизовларнинг «Грамматика» сида ясама сўзнинг «асосий маъноли, бўлинмас қисми» ўзак экани қайд этилади. Сўздан шакл ясовчилар («турловчилар») олиб ташлангандан қолган қисми эса «негиз» деб таърифланган¹ (Аслида, булар ҳам рус тилшунослигига оид ишлардан кўчирилган фикрлар).

¹ У с м о н О., А в и з о в Б. Ўзбек тили грамматикаси. I бўлим, Фонетика ва морфология (лотин ёзувида). Тошкент: 1939. 46-48-б.

Бу ўринда сўз таркиби, ўзак (негиз) ва аффикслар юзасидан билдирилган фикрларга батафсил тўхташни лозим топмаймиз (Улар ҳақида иш давомида жуда кўп тўхталаримиз). Фақат шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, сўзнинг сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслардан иборат таркибини морфологик ходиса сифатида қараб, унинг лугавий маъноли қисми билан аффиксларига хос хусусиятларни ўрганиш ўзбек тили системаларига оид, бу системани шакллантирувчи бирон-бир тил бирлигининг ва унинг амалиёти билан боғлиқ (системани белгиловчи) ходисаларнинг моҳиятини тўғри ёритиш имкони берилади йўқ ва шундай бўлиши табиий эди. Чунки «ўзак», «негиз», «аффикс», «кўшимча» каби терминлар тил системаларини шакллантирувчи бирон-бир тил бирлигини билдира олмас эди. Қолаверса, у даврларда «тил системаси», «тил системасини шакллантирувчи тил бирлиги» каби тушунчаларнинг, улар ҳақидаги тасаввурнинг ўзи йўқ эди.

Тилшуносликда, жумладан, рус тилшунослигида «морфема» тушунчаси пайдо бўлганидан кейинги даврларда (ўтган асрнинг эллигинчи йилларида) ўзбек тилшунослигида ҳам бу тил бирлиги, унинг моҳияти, турлари ва ш.к. масалалар юзасидан фикрлар юзага кела бошлади. Бу фикрлар ҳам, асосан, рус тилшунослигида морфема ҳақида айтилган гапларнинг кўчирмаси бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, рус тилшунослигида узоқ вақтлар давомида (ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига қадар) морфема сўзнинг таркибий қисми сифатида (сўзнинг маъноли, бўлинмас қисми сифатида) таърифланди, ўрганилди (Булар ҳақида ўз ўрнида фикр билдирамиз). Бу ҳолат ҳам ўзбек тилшунослигига кўчирилди, ўзбек тилшунослигида ўз ифодасини топди. Масалан, проф. А. Ғуломовнинг «Морфологияга кириш» номли ишидан олинган қуйидаги жумлаларга эътибор беринг: «Кўпгина сўзлар икки ёки ундан ортиқ морфемадан иборат бўлади (морфема – сўзнинг маъноли элементлари): *тер-им-чи-лар-имиз, сўз-ла-и-ди-к, сўз-ла-и-тир-ил-ди* каби. Сўзнинг ўзаги асосий морфема саналади, бошқалари эса аффикслар – эргаш морфема саналади. Демак, сўзда икки хил морфема бўлади: ўзак морфема (асосий морфема) ва аффиксал морфема (эргаш морфема)»¹.

Морфемани сўзнинг таркибий қисми сифатида тушуниш, шундай бирлик сифатида морфеманинг турларини белгилаш ва ҳар бири-

¹ Ҳозирги замон ўзбек тили. Ф.Камол таҳрири остида. Тошкент: 1957. 15-б.

нинг хусусиятларини ёритиш тамойили ўзбек тилшунослигида деярли ҳозирги кунгача давом этапти. Икки манбадан олинган қуйидаги фактларга эътибор беринг: «Сўзнинг маъноли қисмлари **морфемалар** дейилади. Масалан, *ишчиларимиз сўзи иш-, -чи, -лар, -имиз* қисмларидан иборат. Булардан ҳар бири сўз доирасида ўзига хос маъно билан катнашади. *Ишчиларимиз* сўзининг маъноли қисмларга бўлинишидаги охириги чегара шу... Демак, *морфема* сўзнинг бўлинмас энг кичик маъноли қисмидир... асосий хусусиятига кўра, морфемалар икки турга бўлинади: 1) *ўзак морфема*, 2) *аффиксал морфема*»¹.

«Сўзнинг маъноли қисмлари морфемалар дейилади... асосий хусусиятига кўра **морфемалар** икки турга бўлинади: **ўзак морфема** ва **аффиксал морфема**»².

Маълум бўлдики, сўзнинг таркибий, маъноли қисмларини «морфема» деб аташ («морфема» деб тушуниш) билан уларнинг моҳиятини белгилашда бирор муҳим ўзгариш бўлгани йўқ. Фақатгина сўзнинг таркибий (маъноли) қисмлари «морфема» сўзи билан ишлатиладиган бўлди, яъни *ўзак, аффикс* терминлари «ўзак морфема», «аффикс(ал) морфема» тарзида қўлланиладиган бўлди. Бирок бу билан «морфема» деб аталувчи тил бирлигининг моҳиятини тўғри белгилаш (тўғри ёритиш) мумкин эмас эди ва шундай бўлди ҳам.

Гап шундаки, морфемани сўзнинг таркибий қисми деб тушуниш уларнинг сўз таркибидан ташқарида мавжудлигини инкор этишдир. Ҳатто ўзбек тилшунослигига оид, ўзбек тили морфемикасига бағишланган баъзи ишларда ҳақиқатда ҳам шундай экани алоҳида таъкидланди. Эътибор беринг: «Морфемалар бири иккинчиси билан боғлиқ бўлади, бири иккинчисидан ажратилганда, морфемалик хусусиятини ана шу ўринда йўқотган бўлади»³. Морфема сўзнинг таркибий қисми (шундай бирлик) деб тушунилгач, унинг моҳияти ҳақидаги гап шундан бошқача бўлиши мумкин эмас ва у жуда тўғри фикрдек туюлади. Аслида эса бундай эмас, яъни морфемалар бир-бири билан бириккан ҳолда мавжуд бўлмайди ва бир-биридан ажратилганда йўқ бўлмайди ҳам. Аксинча, муайян сўз таркибидаги маъноли қисмлар

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм, Педагогика институтларининг филология факультети студентлари учун дарслик, Тошкент: Ўқитувчи. 1980. 159-б.

² Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент: Илм. зиё, 2004. 68-б.

³ Т о ж и е в Ё. Ўзбек тили морфемикаси. Тошкент: 1992. 10-б.

ажратилганда (белгиланганда), шу сўздаги морфемалар (морфема деб қаралувчи бирликлар) намоён бўлади, ўз ифодасини топади. Масалан, *ишчиларимизга* сўзини маъноли қисмларга ажратиш билан шу сўзда мавжуд бўлган тил бирликлари, жумладан, морфем бирликлар (морфемалар) намоён бўлади, алоҳида ифодасини топади: *иш* – сўз, лексема, *-чи, -лар, -имиз, -га* – морфемалар. Бу морфемалар эса фақат *иш* сўзининг морфем таркибини ҳосил қилувчи, фақат *иш* сўзи билан қўлланувчи бирликлар эмас, балки улар тилда мавжуд бўлган сўзлардан ясама сўз ва сўз шакллари ҳосил қилувчи тайёр бирликлар – морфемалардир¹.

Этибор билан қаралса, морфемага берилган таъриф-тавсифлар, тушунтиришларнинг ўзиёқ тил қурилишининг бирон-бир турини қайд эта олмаслиги маълум бўлади. Жумладан, деярли барча ишларда «Морфема сўзнинг маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган бўлаги» деган таъриф ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Масалан, *текисла* сўзи маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган «текис» ва «ла» дан таркиб топган. Лекин фақат шу хусусияти учун буларни, яъни ҳар иккаласини морфема деб аташ мумкин эмас. Чунки «текис» ва «ла» моҳиятан бир-биридан бутунлай фаркли бўлган тил бирликларидир. Шундай экан, муайян тушунчани номловчи «морфема» терминини бу икки тил бирлиги учун қўллаш мутлақо мумкин бўлмайдиган, уларнинг бирини «ўзак», иккинчисини «аффикс» деб аташнинг ўзи бунга йўл қўймайди, яъни улар бир-биридан тамомила фаркли бўлган тил бирликлари эканидан гувоҳлик беради. Морфеманинг турлари, ҳар бир турининг моҳияти ва шу кабилар ҳақидаги фикрлар, тушунтиришлар ҳам бирон-бир тил ҳодисаси, унинг морфема деб аталиши мумкин бўлган тил бирлигига оидлиги ҳақида тўғри ва аниқ бир тасаввур бермайди. Этибор беринг: «Кўпгина сўзлар икки ёки ундан ортиқ морфемадан иборат бўлади (морфема – сўзнинг маъноли элементлари): *тер-им-чи-лар-имиз, сўз-ла-ш-тир-ил-ди* каби. Сўзнинг ўзаги асосий морфема саналади.

Ўзбек тилида ясама сўзлар ва сўзнинг формалари ўзакка маълум тартибда, изчиллик билан аффикслар қўшиш орқали ҳосил қилинади,

¹ «Ўзак», «негиз» сўзларини лингвистик термин сифатида қўллашга эҳтиёж йўқлиги, эҳтиёж бўлмаганлиги қуйидаги мақоламизда исботланган: Х о ж и е в А. Сўзнинг морфологик ва сўз ясалиш структураси / Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. 3-сон, 29-33-б.

бунда ўзак кўпинча ўзгармайди. Бу ходиса агглютинация ҳисобланади. Бунда сўз бир-биридан қатъий фарк қиладиган, ажрала оладиган икки товуш комплексидан (ўзак комплекси ва аффикс комплексидан) иборат бўлади... аффикслар мустақил қўлланилмайдиган, ўзакка қўшилиб, ҳар хил маъноларни ифодалашга хизмат қиладиган элементлардир»¹. Бу жумлалар ҳақида куйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, *морфема* сўзи термин сифатида муайян тушунчани ифодалар экан, унинг асосий ва асосий бўлмаган тури (етакчи морфема, эргаш морфема) ҳақида гапириш мумкин бўлмайди. Иккинчидан, аффикс морфема ҳақида айтилган «ҳар хил маъноларни ифодалашга хизмат қилади» жумласи, унга нисбатан қўлланган «элемент» сўзи бирор нарса, тушунча ҳақида тасаввур бермайди. Учинчидан, ўзак ва аффикс сўз таркибида ўз товуш комплексига эга бўлган алоҳида бўлақлар экан, уларнинг иккаласига нисбатан «морфема» терминини қўллаш мумкин эмаслигини исботлашга эҳтиёж қолмайди. Демак, морфема ҳақида турлича таъриф-тавсиф ва тушунтиришлар кўп, лекин уларнинг бирортаси муайян тил бирлигини қайд эта олмайди, у ҳақда тасаввур бера олмайди.

Шу ўринда яна бир фактга эътиборни қаратамиз. Морфема сўзнинг таркибий қисми бўлар экан, яъни шу нарса тан олинар экан, маъноли, лекин таркибий қисмларга бўлинмайдиган сўзлар – туб сўзларга нисбатан морфема ҳақида гапириш мантиска тўғри келмайди. Бирок морфема ҳақида фикр юритилган ишларда туб сўзнинг (аффикс қабул қилмаган сўзнинг) ўзак морфема ҳисобланиши алоҳида таъкидланади. Масалан, О. Қосимхўжаева сўзнинг морфологик таркибига бағишланган махсус ишида ўзак сўз таркибида бошқа морфемаларга нисбатан ҳам, ёлғиз турган ҳолда ҳам мавжуд бўла олади, деган фикрни билдиради². «Бир морфемали сўзлар ўзақдан иборат бўлиб, одатда туб сўз ҳисобланади» деган гаплар ҳам³ морфема сўзнинг таркибий қисми бўлиши ҳақидаги фикрни, демакки, морфемага берилаётган таърифни йўққа чиқаради, инкор этади.

Юқорида айтилганлар ва келтирилган фактларнинг барчасидан маълум бўладики, морфемани сўзнинг таркибий қисми деб қараш уни

¹ Ғ у л о м о в А. Морфологияга кириш. Аюб Ғуломовнинг илмий мероси (2-китоб). Тошкент: 2006. 10-12-б.

² Қ о с и м х ў ж а е в а О. Сўзнинг морфологик таркиби. Тошкент: 1963. 10-б.

³ Ғ у л о м о в А., Т и х о н о в А. Н., К ў н г у р о в Р. Ўзбек тилининг морфем лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1977. 4-б.

морфологик бирлик ҳисоблашга, сўз ясалиши, шакл ясалишини морфологик ходиса деб тушунишга, охир-оқибат, «сўз таркиби»ни морфологик ходиса сифатида тилшуносликнинг «Морфология» бўлимида ўрганишга сабаб бўлди. Лекин, ҳар қанча уринилмасин, ўзбек тилшунослигига оид бирон-бир ишда ўзбек тилида шундай бирлик, «морфема» деб аталиши мумкин бўлган тил бирлиги борлиги, унинг амалиёти билан боғлиқ тил ходисалари мавжудлиги ва улар морфологиянинг ўрганиш объекти бўлиши ўз исботини топмади, бу масалада айтилган барча гаплар қуруқ гаплигича қолаверди ва шундай бўлиши табиий эди. Чунки тил системаларини шакллантирувчи бирликларни белгилаш, улар асосида ҳар бир системанинг шаклланиши билан боғлиқ ходисаларнинг моҳиятини белгилаш соф назарий масалалар жумласига киради. Бундай масалалар билан шуғулланишга жиддий эътибор қаратилмаган, деярли шуғулланилмаган даврларда «морфема» деб аталиши мумкин бўлган тил бирлигини белгилаш, унинг моҳиятини тўла ва тўғри ёритиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслиги ўз-ўзидан маълум. Қолаверса, морфема билан боғлиқ юқорида кўрилган фикрмулоҳазалар бошқа тилшунослик, жумладан, рус тилшунослиги учун хос эди. Ўзбек тилшунослигида мавжуд бўлган фикрлар, асосан, рус тилшунослигидаги фикрларнинг кўчирмаси эди. Бинобарин, бу борадаги хато ва камчиликларни бирон-бир мутахассисга тақаш, бирон-бир тилшуноснинг хатоси, камчилиги ҳисоблаш ҳам инсофдан бўлмади.

Рус тилшунослигида ҳам морфема кейинги вақтларга қадар (саксонинчи йилларда ҳам) сўзнинг таркибий қисми сифатида қараб келинди. Лекин эътиборлиси шундаки, бу вақтларда морфема морфемикага оид тушунча эканлиги, бу бирликнинг амалиёти «сўз ясалиши» ва «морфология» баҳсларида ўрганилиши ҳақидаги фикрлар юзага келди, морфемика ва сўз ясалиши тилшуносликнинг алоҳида бўлимлари сифатида морфологиядан ажратила бошланди. Бу жиҳатдан қуйидаги фикрлар эътиборга лойик: «Китобнинг композицияси ва структураси маъносида принцип жиҳатдан энг муҳими унда «Морфемикага кириш», «Сўз ясалиши»... бўлимларининг ажратилиши ҳисобланади»¹. Бу китобда («Грамматика»да) «Морфемикага кириш» қисми бор-у, «Морфемика» деган алоҳида бўлим йўқ.

¹ Грамматика современного русского литературного языка. М.: Наука. 1970. -С. 5.

1982 йилда нашр этилган рус тили грамматикасида ҳам «Морфемиканинг асосий тушунчалари», «Сўз ясалиши» деб аталган алоҳида бўлиқлар бор¹. Лекин «Морфемика» деган алоҳида бўлим йўқ. Ўзўзидан, «Тилшуносликнинг «морфемика» деб аташ мумкин бўлган бўлими борми?» деган саволнинг туғилиши табиий. Лекин иккала грамматикада ҳам бу саволга жавоб йўқ.

Рус тилшунослигидаги кўриб ўтилган ҳолат таъсирида ўзбек тилшунослигида ҳам морфема ва морфемика ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар юзага кела бошлади. Масалан, проф. А. Ғуломовнинг «Морфологияга кириш» номли ишида, жумладан, куйидагиларни ўқиймиз: «Ўзак ва аффиксларнинг анализи морфологияда ҳам, сўз ясалишида ҳам учрайди, лекин бу икки соҳанинг анализи, ҳодисага қандай нуқтаи назардан ёндашиши – ҳар хил, шундай бўлса ҳам, барибир, ҳар икки соҳа учун умумий бўлган ҳодисалар ҳам бор. Шунга кўра, кейинги вақтларда буларни ёритишнинг янги схемалари пайдо бўлди: дастлаб морфемаларнинг ҳар икки соҳага алоқадор бўлган томонлари айрим берилади, бу айрим қием **морфемика** деб аталади, кейин сўз ясалиши, ундан кейин морфология баён қилинади. Бу янги тартиб илмий жиҳатдан пухта асосланган бўлиб, практик томондан ҳам афзалликларга эга.

Морфемика сўзнинг энг кичик маъноли қисмлари ҳақидаги таълимотдир»².

Шуниси ажабланарлики, муаллиф морфемалар ҳақидаги таълимот «морфемика» эканини, унинг тилшуносликнинг алоҳида соҳаси (қисми) сифатида ажратилиши илмий жиҳатдан асосли, амалий жиҳатдан афзалликларга эга эканини тан олгани, шуни алоҳида таъкидлагани ҳолда, ишда унга амал қилгани кўринмайди. Чунки, биринчидан, «Морфемикада морфемаларнинг ҳар икки соҳага (сўз ясалиши ва морфологияга – А.Ҳ.) алоқадор томонлари айрим берилади» деган билан ишда бундай қилинмаган. Иккинчидан, ишда сўз ясалиши (морфологиядан ажратилиб) тилшуносликнинг бўлими сифатида берилса-да (морфемика ҳақида ҳам шу бўлимда гапирилишига эътибор беринг), аммо сўз ясалиши таркиби, уни ташкил этувчи бирликлар (морфемалар), уларнинг моҳияти ҳақида ҳеч қандай гап

¹ Русская грамматика. Т.1. М.: Наука. 1982. -С. 123-132,133-152.

² Ўзбек тили грамматикаси. 1 т. Морфология. Т.: Фан. 1975. 11-б.

йўқ. Учинчидан, морфема морфемика, сўз ясаши ва морфологияга дахлдор бирлик экани эътироф этилса-да, лекин сўзнинг лугавий маъноли қисми ва аффикс(лар)дан иборат таркиби морфологик таркиб деб қаралади ва у «Грамматика» нинг «Морфологияга кириш» қисмида берилади ҳамда бу таркиб ўзак ва аффиксал морфемадан иборат бўлиши айтилиб, шу бирликлар (ўзак ва аффикслар) ҳақида фикр юритилади (66-120-б.). Ана шу фактнинг ўзиёқ кўрсатадики, бу давр ўзбек тилшунослигида *морфема*, *морфемика* терминлари тилга олинса-да, бу терминлар билдирган тушунчаларнинг моҳияти аниқ ва тўғри ифодасини топмаган.

Юқорида айтилдики, рус тилшунослигида «Введение в морфемическую» ёки «Основные понятия морфемической» деган қисмлар берилган бошланди. Буларда морфемика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси экани ҳақида, морфемика сўз ясаши ёки морфологиянинг қисми (бўлими) экани ҳақида ёки, аксинча, сўз ясаши ва морфология морфемиканинг қисмлари экани ҳақида гап йўқ. Бу ишларда, юқоридаги сарлавҳалар остидан, морфемалар ҳақида умумий маълумот берилади ва морфемаларнинг амалиёти сўз ясаши ва морфологияда ўрганилиши қайд этилади. Шу асосда сўз ясовчи аффикслар (морфемалар) ва улар билан боғлиқ ҳодисалар тилшуносликнинг «Сўз ясаши» бўлимида, форма (шакл) ясовчи морфемалар ва улар билан боғлиқ ҳодисалар эса «Морфология» бўлимида ўрганила бошланди. Ана шу нарса тил системаларига хос (уни шакллантирувчи) тил бирликларини аниқ белгилашда, жумладан, морфем бирликнинг моҳиятини тўғри белгилашда алоҳида аҳамият касб этди. Масалан, «Сўз ясаши» бўлимида ясама сўзнинг таркиби, бу таркибни ташкил этувчи бирликнинг моҳияти аниқ белгилангач, ясама сўз таркибида «ўзак» ёки «негиз» деб аталиши мумкин (лозим) бўлган қисм йўқлиги, шунингдек, «аффикс» термини тил қурилиши системасига оид муайян тушунчанинг моҳиятини қайд эта олмаслиги маълум бўлди. Сўзнинг морфологик таркибига нисбатан ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Наҳаятда тилшуносликнинг бу бўлимларидан ҳар бирида ўзига хос тушунчалар билан иш кўрилади бошланди: «сўз ясаши асоси», «сўз ясовчи морфема» каби терминлар юзага келди (Булар ҳақида ўз ўрнида тўлиқ маълумот берилади).

Умумтилшуносликда, жумладан, рус тилшунослигида морфема ҳақида юзага келган янги қарашлар таъсирида ўзбек тилшуносли-

гида ҳам морфемани сўзнинг таркибий қисми сифатида эмас, **тил бирлиги** деб ган олиш кузатила бошлади. Бу жиҳатдан Т. Мирзакуловнинг шу мавзуда ёзилган докторлик диссертациясида билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга лойиқ. Эътибор беринг: «...морфема сўзнинг бўлинмас, энг кичик маъноли қисмидир», «морфемика сўзнинг энг кичик маъноли қисмлари ҳақидаги таълимотдир» тарзидаги «сўздан морфемага қараб» принципи асосида тузилган изоҳларни кўплаб учратамиз. Тил сатҳларининг бошқа йўналишдаги иерархиясига мувофиқ, иккинчи бир принцип – «морфемадан сўзга қараб» принципига асосланган **«морфема тилнинг энг кичик, бўлақларга бўлинмайдиган маъноли қисмидир»** (Биз ажратиб кўрсатдик – А.Ҳ.) тарзидаги эътироф эса сўнги йилларда учрай бошлади... ҳар иккала принцип ҳам тилдаги маълум реалликларга асосланади, ўз навбатида, бир-бирини тўлдиради»¹. Кўринадики, муаллиф ҳар икки «принцип»ни тан олади, ҳар бири методик ва бошқа афзалликларга эга эканлигини қайд этади. Бизнингча, морфеманинг моҳиятини ёритишда «сўздан морфемага қараб» ва «морфемадан сўзга қараб» принциплари йўқ, шунингдек, бундай «принцип»лар билан морфеманинг тил бирлиги сифатидаги моҳиятини белгилаб бўлмайди. Шунингдек, «морфема тилнинг энг кичик, бўлақларга бўлинмайдиган маъноли қисмидир» деган таъриф морфеманинг тил бирлиги эканини қайд эта олмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, «тилнинг энг кичик қисми» жумласи бирон-бир тил бирлиги, тил ходисаси ҳақида тасаввур бермайди. Т. Мирзакулов сўзнинг морфема бўлишини тан олгани ҳолда, яна қуйидагиларни ёзади: «Шунга биноан, дастлабки этапда унинг (морфемиканинг – А.Ҳ.) объекти доирасига шундай бирликларни киритиш мумкин: 1) ўзак ва аффиксал морфемалар...»². Кўриниб турибдики, морфема тил бирлиги деб эътироф этилса-да, бу фикр амалда ўз исботини топмаган. Шундай бўлиши табиий эди, яъни ўзбек тили системаси (системалари) билан боглиқ назарий масалалар билан шуғулланиш деярли эътибордан четда бўлган шароитда тил системаларини шакллантирувчи тил бирликларини белгилаш ва уларнинг моҳиятини ёритиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслиги ўз-ўзидан маълум (Бу ҳақда юқорида ҳам гапирилди).

¹ М и р з а қ у л о в Т. У. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. Филол.фан. док. дисс.: Тошкент: 1994. 59-б..

² М и р з а қ у л о в Т. У. Шу диссертация, 61-б.

Хуллас, морфема сўзнинг таркибий қисми сифатида ўрганилаётган босқичнинг охирларига келиб, ўзга тилшуносликка оид адабиётлар таъсирида, у (морфема) *тил бирлиги* деб юритилса-да, лекин унинг моҳияти аниқ белгиланмаган. Шу боис «ўзак морфема», «аффиксал морфема», улардан ҳар бирига хос хусусиятлар ҳақидаги қарашлар давом этаверган. Ҳатто «ўзак морфема» термини таркибидаги *ўзак* сўзини бошқа сўз билан алмаштириш ҳақида мулоҳазалар билдирилган¹. Булар ҳақида ҳам махсус мақоламизда ўз муносабатимизни билдирганмиз².

2. Морфеманинг тил бирлиги сифатида ўрганилиши. Европа тилшунослигида, жумладан, рус тилшунослигида морфема тил бирлиги сифатида қаралиб, шунга мос равишда таърифлана бошлагач, ўзбек тилшунослигида ҳам шундай нуқтаи назар ўз аксини топа бошлади.

Морфемаларнинг тил бирлиги экани эътиборга олинган дастлабки даврларда ҳам у «маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган лисоний бирлик» деб таърифлана бошлади. Натижада луғавий маъноли, бўлинмас бирликни «ўзак морфема», «лексик морфема» деб, бундай хусусиятга эга бўлмаган бўлинмас бирликларни «грамматик морфема», «аффиксал морфема» деб аташ давом этди³. Шу билан бирга, луғавий маъноли бирликни «лексема», сўз ясовчи ва сўз шаклини ясовчи бирликларни «морфема» деб аташ ҳам кузатила бошлади. Демак, луғавий маъноли бирликнинг морфем бирлик эмас, балки луғавий бирлик (сўз) эканига эътибор қаратилди. Бу эса тил бирликларининг, жумладан, морфем бирликларининг ўрганилиш тарихида эътиборга лойиқ, жиддий ва ижобий ўзгариш эди (Булар ҳақида кейинроқ яна тўхталамиз). Гап шундаки, тил қурилиши бирликларини (лисоний бирликларни) маънога эғалиги ва бошқа маъноли қисмларга бўлинмаслигига кўра бирлаштириш ҳамда шу асосда уларнинг барчасини «морфема» деб аташ назарий жиҳатдан тўғри бўлмаганидек, амалий жиҳатдан ҳам фақат салбий оқибатларга олиб келиши аниқ эдики, қисман бунинг гувоҳи бўлдик, иш давомида эса бунга тўла ишонч ҳосил қиламиз.

¹ М и р з а к у л о в Т. У. Шу диссертация. 126-127-б.

² Ҳ о ж и е в А. «Сўзнинг морфем таркиби» масаласига доир / Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. 2-сон, 3-6-б.

³ Лингвистический энциклопедический словарь. -С. 312-313.; Ҳ о ж и е в А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: ЎзМЭ. 2002. 65-б.

Тилни система сифатида ўрганишга жиддий эътибор қаратилиши муносабати билан ўзбек тилшунослигида (90-йиллардан бошлаб) морфема ва унинг турлари масаласида жуда бир янгича қараш юзага келди. Масалан, ўзбек тилини система сифатида, назарий планда ўрганишга махсус бағишланган баъзи ишларда, лексема ва аффикслардан ташқари, ёрдамчи сўзлар (боғловчи, кўмакчи ва юкламалар), ундов ва тақлид сўзлар, умуман, фонемадан бошқа лисоний бирликларни «морфема» деб аташ тамойили юзага келди¹. Лекин бундай фикр, яна бир бор алоҳида таъкид билан айтамызки, бевосита ўзбек тили материалларини тадқиқ этиш натижасида юзага келган эмас, балки ўзга тилларга оид адабиётлардаги қарашларнинг ўзбек тилшунослигига киритилган кўчирмасидир, холос. Шунинг учун ҳам морфемаларга бундай қараш асосида ёндашиб иш кўриш ўзбек тилшунослигида бирон-бир ижобий натижа бергани йўқ, аксинча. ўзига хос хатоликларни, чалкашликларни, бир-бирига зид фикр-мулоҳазаларни келтириб чиқарди, умуман олганда, салбий натижаларга олиб келди. Оқибатда бундай қараш жамоатчилик (мутахассислар) томонидан қўллаб-қувватланмади ва тез орада барҳам топди². Булар ҳақида ишнинг кейинги қисмида ҳам (ўз ўрнида) фикрлар билдирилади.

Хуллас, ўзбек тилшунослигида морфемаларнинг моҳияти, турлари каби масалаларда шу вақтга қадар бир фикрга келинганича йўқ.

Ўзбек тилшунослигида, қай даражада бўлса-да, морфема ҳақидаги қарашларда ижобий томон силжишлар, морфеманинг моҳиятига мос келадиган фикрлар ҳам юзага келганлигини, бундай ҳолатлар давом этаётганини кўрдик. Бироқ, энг ачинарлиси шундаки, яқин кунларда яратилган баъзи ишларда, аниқроғи, ўзбек тили системаларининг шаклланиши билан боғлиқ назарий масалаларга жиддий эътибор қаратилган ва бу борада сезиларли ютуқларга эришилаётган бир пайтда, морфеманинг моҳиятига мутлақо мос келмайдиган таъ-

¹ Н е ъ м а т о в Х., Р а с у л о в Р. Юкорида кўрсатилган асар; Н у р м о н о в А. ва бошқалар. Юкорида кўрсатилган асар, 46-51-б.

² Булар ҳақида “Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар” номи билан чоп этилган учта мақоламизда махсус тўхталганимиз учун бу ўринда уларни такрорлаб ўтирмаймиз. *Қаранг:* Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 3-сон, 29-31-б.; Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 5-сон, 33-43-б.; Бундан ташқари, «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» сарлавҳаси остида морфем бирликлар ҳақида махсус мақоламиз чоп этилган (Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, 4-сон, 30-37-б.).

риф-тавсифлар кўзга ташланяпти. Булар, шубҳасиз, морфеманинг тил бирлиги сифатидаги моҳиятини белгилашда, ёритишда тадқиқотчи ишини қийинлаштиради, нотўғри хулосаларга келишига сабаб бўлади. Эътибор беринг: «Морфемика сўзнинг номуस्ताқил таркибий қисмлари ҳақидаги таълимот... Сўзнинг ўзакдан бошқа қисмлари эса ундан айрича қўлланмайди ва маъно англатмайди. Шунинг учун улар *морфемалар* дейилади»¹. Биринчидан, «сўзнинг номуस्ताқил таркибий қисми» деган тушунчанинг ўзи йўқ, яъни «сўзнинг номуस्ताқил таркибий қисми» бирикмаси ҳеч нарсани, жумладан, бирон-бир лингвистик тушунчани билдирмайди. Шундай экан, тилшуносликнинг «сўзнинг номуस्ताқил таркибий қисми»ни ўрганадиган бўлими (таълимот) борлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас (Ўзи йўқ нарса ҳақида қандай таълимот бўлиши мумкин?!). Иккинчидан, «ўзакдан айрича қўлланмаслик, маъно англатмаслик» морфеманинг моҳияти эмас. Алоҳида (муस्ताқил) қўлланмайдиган тил бирлиги морфема бўлавермайди. Масалан, аффикс юкламалар (Булар ҳақида ўз ўрнида тўхталамиз). Кўриниб турибдики, «морфемика» ва «морфема»га берилган таъриф-тавсиф на морфеманинг моҳиятини, на тилшуносликнинг бу тил бирлигини ўрганувчи бўлими борлигини қайд эта олади. Иш давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам, морфеманинг моҳиятини тушунишга мос ҳолда, «морфема» деб аталиши мумкин бўлган тил бирлигининг моҳиятига мос келмайдиган гаплардан бошқа нарса эмас. Эътибор беринг: «Тилимизда *ёрдамчи сўзлар* деб аталувчи катта гуруҳ ҳам бор бўлиб, улар лексема ва морфемалар сирасида «оралиқ учинчи» мақомида бўлади. Шунинг учун уларни *лексема-морфема* дейиш мумкин. Ёрдамчи сўзларнинг лексемалиги шундаки, улар муस्ताқил сўзлар каби ажралганлик хусусиятига эга. Бирок шаклланувчиликка эга эмас. Лугавий маънога эга эмаслиги уларни морфемик майдон сари тортиб туради»². Биринчидан, «ёрдамчи сўзлар» деб аталувчи сўзларнинг барчасини («кўмакчи», «боғловчи» ва «юклама» деб аталувчи сўзларни) бир гуруҳга киритиш мумкин эмас, яъни уларни маъно ва вазифасига кўра бир турдаги тил бирлиги ҳисоблаш мумкин эмас. Иккинчидан, «оралиқ учинчи» бирикма-

¹ С а й ф у л л а е в а Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. II (ўқув қўлланма). Тошкент: 2005. 4-б.

² С а й ф у л л а е в а Р. ва бошқалар. Юкорида кўрсатилган ўқув қўлланмаси, 4-б.

си бирон-бир тил бирлиги, жумладан, сўз (лексема) билан морфема оралигидаги тил бирлигини қайд эта олмайди ва «лексема-морфема» «термини»ни кўллаш ҳам кулги кўзғатишдан бошқага хизмат қилмайди. Учинчидан, ёрдамчи сўзларнинг «шаклланувчиликка эга эмаслиги», бу нарса «уларни морфемик майдон сари тортиб туриши» ҳақидаги гаплар бирон-бир моҳиятга эга бўлган тил бирлигини, жумладан, сўз ва лексеманинг моҳиятини қайд эта олмайди, шунингдек, бу тил бирликлари ўртасида «оралиқ учинчи» тил бирлиги борлигини ҳам исботлай олмайди ва ҳоказо. Қўлланманинг бор-йўғи икки ярим бетини ташкил этувчи шу қисмида морфеманинг моҳиятига мос келадиган бирон-бир янги фикрни кўрмадик. Аксинча, морфема ҳақида айтилган бошқа гаплар ҳам афсус ёки кулги уйғотади, холос. Бу ўринда уларнинг барчасига тўхташни лозим топмаймиз. Лекин ҳар бири ҳақида иш давомида, ўз ўрнида, фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтамиз.

Морфеманинг моҳияти

«Морфема сўзнинг маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган таркибий қисми» ёки *«морфема маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган энг кичик тил бирлиги»* деган таърифлар морфеманинг моҳиятини тўла ва тўғри акс эттира олмаслигини кўрдик. Бу таъриф, умуман, ўз маъно жиҳатига эга бўлган тил бирликларини (лисоний бирликларни) фонемадан (фонем бирликлардан) фарқлайди, холос. Бироқ ўз маъносига эга, бўлинмас тил бирликларидан бирор турининг моҳиятини қайд этолмайди. Ўзбек тилшунослигида морфемаларнинг моҳияти ҳақида шу вақтга қадар аниқ бир фикрга келинмаганлигининг сабаби ҳам ана шу нотўғри таъриф (таърифлар) асосида иш кўришда эди (Юқорида маълум даражада бунинг гувоҳи бўлдик).

Ўзбек тилини система сифатида ўрганишда унинг назарий масалаларига жиддий эътибор қаратилиши билан бир қаторда ҳар бир системани шакллантирувчи бирликни белгилаш ва моҳиятини ёритиш диққат-эътиборда бўлди. Бунинг натижасида ўз мазмун ва ифода жиҳатига эга бўлган сўз билан морфема бир-биридан фарқли тил бирликлари экани маълум бўлди, ўз исботини топди. Демак, энди-

ги вазифа улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятини, моҳиятини белгилаш ҳамда уни тўғри ва аниқ қайд этувчи таърифни топиш эди ва шундай таърифлар юзага кела бошлади. Бу ўринда улардан фақат морфемага берилган таърифларга қисқача тўхтаимиз.

Лисоний бирлик сифатида морфемага (ўзбек тилшунослигида) биринчи бўлиб Ҳ. Нетьматов ва Р. Расуловларнинг ишида махсус таъриф шакллантирилди ва турлари ҳақида ҳам кенг маълумот берилди: «Морфема тилнинг энг кичик, маъноли бирлиги бўлиб, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди... (сувчи) сўзи таркибидаги [сув] ва [-чи] мана шундай бирликларга – морфемаларга мисол бўла олади.

Морфемалар лугавий ва қўшимча (ёки умумлашма), грамматик-аффиксал морфемаларга ажратилади. Бунда [сув] лугавий морфема, [-чи] эса қўшимча (умумлашма, аффиксал, грамматик) морфема сифатида қаралади»¹.

Лексема морфемадан бутунлай фарқли бўлган тил бирлиги экани ўзбек тилшунослигида ўз исботини топгани юқорида айтилди. Бу ҳақда проф. Ш. Раҳматуллаев, жумладан, шундай дейди: «Тил бирлиги учун муҳим жиҳат – мазмун жиҳати нуқтаи назаридан лексема билан морфема кескин фарқ қилади. Бу икки бирликнинг тил қурилишининг бошқа-бошқа босқичларига мансублиги ҳам уларнинг айрим-айрим бирликлар эканини тасдиқлайди»². Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Муҳими шундаки, морфема билан сўз (лексема) тил қурилишининг бошқа-бошқа босқичларига мансуб бирликлар эканлигининг тан олинishi билан ўзбек тилида «ўзак морфема» деб аташ мумкин бўлган тил бирлиги йўқлиги маълум бўлди ва «ўзак», «ўзак морфема» терминлари ҳам истеъмолдан чиқди. Бу эса морфема билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятини ёритишда, тўғри белгилашда муҳим роль ўйнади. Лекин сўз (лексема) билан морфеманинг моҳияти, уларнинг ўзаро муносабати ҳамда морфеманинг тил системасига муносабати каби масалаларда хатоликлар, камчиликлар давом этапти.

Юқорида кўрдикки, морфема сўзнинг таркибий қисми деб қаралган вақтларда «ўзак «асосий (етакчи) морфема», аффикс эса «ёрдамчи (эргаш) морфема» деб ҳисобланар эди. Ана шу ҳолат сўз ва

¹ Н е т ь м а т о в Ҳ., Р а с у л о в Р. Юқорида кўрсатилган асар, 12-б.

² Р а х м а т у л л а е в Ш. Юқорида кўрсатилган рисола, 17-б.

морфема бир-бирдан бутунлай фаркли тил бирлиги деб тан олингандан кейин ҳам кузатиляпти. Эътибор беринг: «Бу икки тил бирлигидан лексема асосий, морфема эса ёрдамчи» (Ш. Раҳматуллаев, Шу рисола, 16-б.). Бизнингча, лексема билан морфемани вазифасига (моҳиятига) кўра қиёслаш ва бирини асосий, иккинчисини ёрдамчи деб баҳолаш мумкин эмас. Лексеманинг моҳияти ҳақида тилшуносликнинг бошқа бўлимида баҳс юритилади. Бу ўринда морфема ҳақидаги қарашларга ўз муносабатимизни билдиришда давом этамиз.

Морфеманинг лексемадан бошқа тури (турлари), жумладан, *-чи* аффикси ҳақидаги фикрга келганда шуни айтиш керакки, «қўшимча», «умумлашма», «аффиксал» («аффикс»), «грамматик» сўзларининг бирортаси умуман морфеманинг эмас, ҳатто морфеманинг бирор турининг, жумладан, *-чи* морфемасининг моҳиятини аниқ қайд эта олмайди (Буларнинг ҳар бири ҳақида иш давомида, ўз ўрнида фикр билдирамиз).

Ўзбек тилидаги морфемалар ҳақида фикр юритилган ишларга назар ташланса, уларнинг деярли барчасида гап морфемага таъриф беришдан бошланади ва бу таъриф деярли бир хил: «маъноли, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган, грамматик маъноли» ва ш.к. Шунинг ўзиёқ ўзбек тилшунослигида морфемага берилган таъриф шу тилнинг материалларини тадқиқ этиш асосида берилган таъриф эмас, балки рус тилшунослигига оид ишлардан кўчирилган, тайёр ҳолдаги таъриф эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилидаги «аффиксал морфема» деб аталаётган ходиса морфеманинг моҳиятини қисман акс эттиради, холос.

Ўзбек тилини система сифатида ўрганишга бағишланган ишларда морфеманинг аффиксал морфемадан бошқа турлари, ҳатто «оралиқ учинчи» деб аталиши лозим бўлган тури мавжудлиги ҳақида фикр билдирилди ҳамда уларнинг лексемаларга ва грамматик морфемаларга тўлиқ тенг бўла олмаслиги таъкидланди¹ (Бу ҳақда ишнинг аввалги қисмида ҳам гапирилди). Шунга яқин фикр-мулоҳазалар яна айрим ишларда ҳам билдирилди. Эътибор беринг: «8-§. Морфемалар мазмун ва вазифасига кўра тўрт турга бўлинади: 1) лексик морфемалар; 2) сўз ясовчи (деривацион) морфемалар; 3) грамматик маъно ифодаловчи морфемалар; 4) оралиқ морфемалар (ундов лексема, мо-

¹ Неъматов Х., Расулов Р. Юкорида кўрсатилган асар. 12-б.

дал морфемалар)»¹. Лекин бу ишларда ҳақиқатда ҳам ўзбек тилида морфеманинг шундай турлари борлиги, умуман олганда, морфеманинг мохияти тўғри белгилангани йўқ. Бунинг сабаби (сабаблари) махсус мақолаларимизда айтилгани боис бу ўринда уларни такрорлаб ўтирмаймиз².

Морфемаларнинг ўз ифода ва мазмун жиҳатига эга бўлган тил бирлиги эканини, бу жиҳатдан луғавий бирлик, яъни сўз (лексема) билан ўхшаш ва фарқли белгиларга эга бўлишини кўрдик. Шунингдек, морфеманинг ҳар бир тури умумий ва хусусий белгиларга эга бўлади. Умумий хусусияти (белгиси) билан муайян турга бирлашса, ҳар бир турга мансуб морфемалар ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Демак, биринчи навбатда, ана шундай белгилари асосида морфемаларнинг турларини белгилаб олиш керак бўлади. Бусиз морфемаларга умумий таъриф бериш ҳам мумкин эмас. Ўзбек тили морфемалари ҳақида фикр юритилган ишларда морфемаларга берилган таърифлардан бирортасининг талабга жавоб бера олмаслигининг сабаби ҳам ана шунда. Демак, асосий вазифа ишни морфемага таъриф беришдан эмас, балки морфеманинг ҳар бир турини, ҳар бир турга мансуб морфемаларнинг умумий ва хусусий белгиларини (ҳар бир турнинг мохиятини) аниқлашдан бошлаш керак бўлади.

Ўзбек тилида сўз ясалиши ва сўз шаклининг ясалишига бағишланган, шунингдек, сўзнинг сўз ясалиши ва шакл ясалиши (морфологик) таркибига оид ишларимизда сўз (лексема)нинг тил системаларига мансуб, муайян тил системасини шакллантирувчи тил бирликларининг ясалишида асос (ясалиш асоси) вазифасини ўташи айтилган³. Масалан, *ишчиларни* сўзида *иш* қисми *ишчи* сўзининг ясалиши учун асос (сўз ясалиш асоси), *-чи* эса сўз ясовчи вазифасини бажаряпти; *ишларни*, *ишчиларни* сўз шаклларида эса *иш* ва *ишчи* шакл

¹ Н у р м о н о в А. ва бошқалар. Юкорида кўрсатилган асар. 42-б.

² Ҳ о ж и е в А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар (Луғавий ва грамматик морфема ҳақида) / Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. 3-сон. 29-35-б.; Ҳ о ж и е в А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар / Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. 5-сон. 33-43-б.; Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (7-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. 4-сон. 30-37-б.

³ Ҳ о ж и е в А. Сўзнинг морфологик ва сўз ясалиш структураси. 29-33-б.; Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик таркиби масаласи / Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. 1-сон. 29-33-б.; Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. Тошкент: Ўқитувчи. 2007.

ясалиш асоси, *-лар, -ни* шакл ясовчи (кўплик ва тушум келишиги шаклини ясовчи) вазифасини бажаряпти. Демак, ўз ифода ва мазмун жиҳатига эга бўлган тил бирлигининг бир тури, сўздан фаркли ҳолда, тил системасини шакллантирувчи тил бирлигини яшаш, ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Ана шу умумий хусусияти – **ясовчилик белгиси** билан у «тил қурилишининг асосий бирликлари» деб юритилаётган бирликлардан фарқланади ва шундай тил бирлигига нисбатан *морфема* терминини қўллаш, уларни *морфема* деб аташ тўғри, асосли бўлади, деб ўйлаймиз. Аниқроқ қилиб айтганда, тил системаларини шакллантирувчи тил бирлигини – ясама сўз ёки сўз шаклини яшаш (ҳосил қилиш) морфеманинг моҳияти ҳисобланади. Демак, ўзбек тили морфемаларини белгилашда худди шу умумий хусусият, умумий вазифа асосида иш кўриш кутилган, ижобий натижаларга олиб келади. Жумладан, морфемага таъриф беришда ҳам унинг қайд этилган моҳиятига асосланиш керак бўлади. Шундай қилинганда, морфеманинг таърифи қуйидагича бўлиши мумкин: **Морфема** – ўз ифода ва маъно жиҳатига эга бўлган, сўз яшаш ёки сўз шаклини яшаш учун хизмат қиладиган лисоний бирлик.

Морфеманинг бу таърифига эътибор берилса, унда морфеманинг икки муҳим белгиси: 1) ўз ифода (шакл) ва мазмун жиҳатига эгаллиги; 2) вазифаси – сўз яшаш ва сўз шаклини яшаш вазифаси қайд этилган. Демак, таърифда морфеманинг вазифасига кўра икки тури борлиги ўз ифодасини топган. Ўйлаймизки, функционал бирлик ҳисобланувчи морфеманинг таърифи учун шунинг ўзи етарли, яъни унда морфеманинг функционал бирлик сифатидаги асосий моҳияти ўз ифодасини топган. Морфемани ва у билан боғлиқ тил ҳодисаларини, уларга хос моҳиятни белгилашда морфемага хос ана шу хусусият асосида ёндашиш талаб этилади. Шу билан бирга, морфеманинг ифода ва маъно жиҳати билан боғлиқ ҳодисалар ҳам аниқ ёритилиши талаб этилади. Бунда икки нарсага эътибор қаратилиши керак бўлади: 1) морфеманинг ўз маъно жиҳатига эга бўлган тил бирлиги сифатида сўз (лексема)дан фарқи, яъни морфемага хос маънонинг моҳияти нимадан иборат эканлиги; 2) морфеманинг ифода жиҳатига кўра тури масаласи.

Морфеманинг маъноси масаласи. Морфемага хос ҳар қандай белги-хусусиятнинг, жумладан, морфемага хос маънонинг моҳияти ҳақида гап борганида, ҳамма вақт унинг (морфеманинг) функционал

тил бирлиги экани назарда тутилиши керак бўлади. Шу асосда иш кўрилганда, морфемага хос маъно ҳам мустақил маъно бўла олмаслиги аён бўлади. Масалан, лексик маъно «семема» деб юритилиши, семема эса семалардан таркиб топиши маълум. Морфемада эса бундай ҳол кузатилмайди. Шуни назарда тутиб бўлса керак, морфеманинг маъноси баъзи ишларда семага тенглаштирилади¹. Бирок бу фикрга ҳам қўшилиш қийин. Чунки морфема семемага эга эмас экан, унинг семаси ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Морфема, ясовчи бирлик сифатида, мустақил қўлланиши мумкин бўлган тил бирлиги билан, жумладан, сўз билан қўлланади ва унинг маъноси ҳам ўзи бириккан бирлик доирасида, яъни ясама сўз ва сўз шаклида воқеланади. Масалан, *ҳосилдор*, *ҳосилни* сўзларидаги *-дор*, *-ни* морфемаларининг маъноси ясама сўз ва тушум келишиги шаклини ҳосил қилганда воқеланади, юзага чиқади. Бу – бир томондан. Иккинчи томондан, ҳар қандай морфеманинг қўлланиши, яъни сўз ясаши ёки сўз шаклини ясаши бир сўз билан чегараланмайди. Ҳатто сўз ясовчи морфемалар ҳам бирдан ортиқ сўзлардан янги сўз ҳосил қилади. Ҳар бир сўз ясовчи морфеманинг маъноси ўзи ҳосил қилган сўзлар учун умумий бўлади. Шу тарзда ҳар бир сўз ясовчи морфема муайян маънога эга бўлган сўзлар (ясама сўзлар) гуруҳини юзага келтиради. Масалан, сўз ясовчи *-чи* морфемаси «шаҳс» маъноли сўз (от)лар ясайди. Бу сўзлар шу маъноси билан ясама отларнинг бир гуруҳини, турини юзага келтиради. Ана шундай маъно «сўз ясалиши маъноси» деб юритилади². Бундай «умумийлик» хусусияти шакл ясовчи морфемаларда янада кучли. Масалан, *-лар* морфемасининг от турқумига мансуб деярли барча сўзлардан кўплик маъноли сўз шаклини яшашининг ўзиёқ буни аниқ кўрсатади. Шу хусусиятлари таъсирида баъзи ишларда морфемага хос маъно «умумлашма маъно», морфеманинг ўзи эса «грамматик морфема» деб қаралади³. Лекин бу бирикма терминлар морфемага хос маънони, морфеманинг моҳиятини ҳам тўғри кайд эта олмайди (Булар ҳақида морфеманинг моҳияти юзасидан фикр билдирилган ўринда тўхталдик).

¹ Миртожиев М. Семаларнинг сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра типлари //Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами). IV. Тошкент: 2008. 30-36-б.

² Ҳо ж и е в А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. Тошкент: Ўқитувчи, 2007. 36-38-б.

³ Неъматов Х., Расулов Р. Юкорида кўрсатилган асар, 12-б.

Хуллас, сўз ясовчи морфемаларга хос умумий маънони сўз ясаши маъноси, сўз шаклини ясовчи морфемаларга хос умумий маънони (сўз шакли маъносини) грамматик маъно (морфологик маъно) деб юритиш мумкин. Булар ҳақида тилшуносликнинг «Сўз ясаши» ва «Морфология» бўлимларида кенг фикр юритилади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, ясама сўз ва сўз шаклида вокеланадиган маъно (сўз ясаши ва сўз шаклига хос умумий, бирлаштирувчи сема) ясама сўз ва сўз шакли маъноси таркибига мансуб бўлади. Ясама сўзлар ҳам, сўз шакллари ҳам ана шу умумий сема асосида ўзаро муносабатда бўлади, бундай муносабатлар билан ясама сўз ва сўз шакллари гуруҳлари юзага келади. Морфемалар эса, кўп марта таъкидланганидек, ана шундай гуруҳларни (парадигмаларни) шакллантирувчи, тузувчи тил бирликларини, яъни ясама сўз ва сўз шакллари яшаш учун хизмат қилади, холос.

Морфемаларнинг ифода жиҳатига кўра турлари

Тил бирликларидан бўлмиш сўз (туб сўз) ҳам ўз ифода ва мазмун жиҳатига эгаллиги адабиётлардан маълум. Масалан, *дарахт*, *гўзал*, *югур* сўзларининг ифода жиҳатини уларни ташкил этувчи фонемалар белгилайди. *-чи* (*ёрдамчи*), *-лаш* (*ёрдамлаш*), *-чан* (*ҳаракатчан*) морфемаларининг ифода жиҳатини ҳам уларнинг таркибидаги фонемалар комплекси ташкил этади. Ўзбек тилидаги морфемалар, асосан, сўзга қўшиб ёзилади, яъни аффикс (қўшимча) кўринишида бўлади. Шу билан бирга ифода жиҳатига кўра сўз кўринишида бўлган, лекин маъно ва вазифасига кўра морфема ҳисоблаш мумкин бўлган бирликлар ҳам бор. Шунга кўра морфемаларни аффикс морфемалар ва сўз морфемалар каби икки турга бўлиш мумкин. Буларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхташга тўғри келади.

Аффикс морфемалар. *Аффикс* лотинча сўз (*affixus*) бўлиб, «бирлаштирилган», «бириктирилган» деган маънони билдиради. Демак, у сўзга қўшиб ёзилади, худди шу хусусиятига кўра «қўшимча» деб юритилади. Бу хусусияти билан «морфема» деган маънони англамайди. Лекин амалда морфема маъносида ҳам қўлланади. Масалан, «сўз ясовчи *-ли* аффикси», «кўплик шаклини ясовчи *-лар* аффикси» деганда, *аффикс* сўзи «морфема» маъносида қўлланади.

Ўзбек тилидаги баъзи лугавий бирликлар, яъни сўзлар морфема вази­фасида ҳам қўлланади (морфемалик хусусиятига эга) ва сўзга қўшиб ёзилади. Масалан, *қабулхона, дорихона, дарсхона; талабнома, таклиф­нома* сўзларидаги *хона, нома*. Бундай бирликлар адабиётларда «аффик­соид» деб юритилиши ҳам маълум. Лекин, бизнингча, бундай терминни қўллашга эҳтиёж йўқ. Чунки сўзга қўшиб ёзилиши ҳамда морфемага хос вази­фага эгаллиги уларни ҳам аффикс (қўшимча) деб атайверишга асос бўла олади.

Морфем бирликни белгилашда тил бирлигининг сўз яшаш, сўз шаклини яшаш ёки бундай вази­фага эга эмаслигини асосга олиш керак­лиги юқорида ай­тилди. Аффикс морфемаларни белгилашда ҳам худди шу белги асосида иш кўриш талаб этилади. Масалага шу талаб асосида ёндашилганда, ўзбек тилидаги барча аффиксларни морфема ҳисоблаш мумкин бўлавермаслиги маълум бўлади.

Сўз ясовчи морфемалар сўз яса­лиши системасини, шакл ясовчи мор­фемалар морфологик системани шакл­лантирувчи тил бирлигини ҳосил қили­шини кўрдик. Ўз-ўзидан, шундай вази­фага эга бўлмаган аффикс­лар морфема бўла олмайди. Масалан, равиш ясовчи деб қаралаётган аффикслар, модал маъноли аффикслар, *-ку, -гина* каби юклама аффикс­лар шулар жумласидандир. Бундай аффиксларнинг баъзилари бирор сўз туркумига мансуб санокли сўзлардангина сўз шаклини яса­са (масалан, кичрайтиш ифодаловчи *-ча* аффикси: *қушча, уйча* каби), юклама ва боғловчи аффикслар сўз яшаш ёки сўз шаклини яшаш вази­фасига эга эмас (Бундай аффиксларнинг моҳияти ҳақида сўз яса­лиши ва морфоло­гик системаларга ба­гишланган ишларда фикр юритилади).

Сўз морфемалар. Ўзбек тилшунослигида шу вақтга қадар ифода жиҳатига кўра аффиксларга зидланадиган (аффиксдан фаркланадиган), моҳиятан морфема ҳисобланиши мумкин бўлган «сўз морфемалар» ҳақида фикр юритилгани йўқ, «сўз морфема» тер­мини қўллангани ҳам йўқ. Бироқ ўзбек тили материаллари бу тилда, жуда оз бўлса-да, морфеманинг шундай тури борлигини кўрсатади.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида сўзлар луғавий маъно­га эга ёки эга эмаслигига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади: 1) мустақил сўзлар; 2) мустақил бўлмаган сўзлар. Демак, бундай гуруҳлаш сўзларга хос маъно (маънонинг моҳияти) нуктаи назаридан бўлса, барчасини «сўз» дейиш ифода жиҳатига

кўрадир. Бирок, нима бўлишидан қатъи назар, сўзларни бундай икки гуруҳга ажратиш тилни система сифатида ўрганишда аҳамият касб этмайди. Чунки «*муस्ताқил сўз*», «*ёрдамчи сўз*», «*кўмакчи*», «*юклама*» каби терминлар тил системасини шакллантирувчи бирон-бир тил бирлигини аниқ қайд эта олмайди. Шундай экан, тилни система сифатида ўрганишда, биринчи навбатда, системани шакллантирувчи, системанинг шаклланишида қатнашувчи тил бирликларини, шу билан бирга, уларнинг моҳиятига мос (моҳиятини аниқ ва тўғри акс эттирадиган) терминларни белгилаш керак бўлади.

Ўзбек тили луғавий системасининг тил бирлиги (луғавий системани шакллантирувчи тил бирлиги) **сўз** экани маълум. Луғавий маънога эга бўлмаган, «сўз» деб юритиладиган тил бирликларининг моҳиятини, қандай бирлик эканини белгилаш ўзбек тилшунослигининг муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Кейинги вақтларда нашр этилган баъзи ишларда сўзлар луғавий маънога эга ёки эга эмаслигига кўра икки турга – **луғавий маъноли** ва **луғавий маъносиз** сўз (лексема)ларга бўлиняпти ҳамда луғавий маънога эга эмаслари ёрдамчи сўз (лексема) деб аталапти¹. Лекин сўз (лексема)ларни бундай гуруҳларга ажратиш ва шундай номлар билан аташ илмий-назарий жиҳатдан асосга эга бўлмаганидек, амалий жиҳатдан ҳам бирор аҳамият касб этмайди.

Системани ташкил қилувчи тил бирликлари ҳақида гап борганида айтилдики, муайян системага мансуб тил бирлиги шу системани шакллантириш учун хизмат қилади, система шу тил бирлиги асосида шаклланади. Жумладан, сўзнинг луғавий системани шакллантирувчи бирлик экани маълум. Шунингдек, сўзнинг луғавий системани шакллантиришида унинг маъно жиҳати (маъноси, семемаси) асосий роль ўйнаши ҳам маълум. Демак, «ёрдамчи сўз» («ёрдамчи лексема») деб аталаётган бирликлар луғавий маънога эга бўлмас экан, уларни сўз (лексема) деб аташ ҳам тўғри бўлмайди. Чунки булар луғавий бирликка (сўзга) хос бўлган моҳиятини йўқотган. Шунинг учун ҳам луғавий системага мансуб (луғавий системани шакллантирувчи) бирлик бўла олмайди.

Хуллас, сўз (лексема) луғавий маъносини йўқотиши билан, умуман, «ёрдамчи сўз»га эмас, балки муайян маъно, вазифага эга бўлган

¹ Н е ъ м а т о в Х., Р а е у л о в Р. Юкорида кўрсатилган асар, 57-б.: Ж а м о л х о н о в Х. Хозирги ўзбек адабий тили, 2-қисм. Тошкент: 2004. 6-б.

бошқа бир бирликка – тил бирлигига айланади. Аниқроқ қилиб айтганда, «ёрдамчи сўз» бирикмаси тил системасига мансуб бўлган бирон тил бирлигини қайд эта олмайди. Демак, унинг қандай тил бирлиги эканини, моҳиятини белгилаш, шу асосда бу тушунчанинг атамасини белгилаш асосий вазифа ҳисобланади. Бунда икки ҳолатни фарқлаш керак: 1) луғавий маъносини бутунлай йўқотган бирлик. Масалан, *учун, билан, ҳамда, қадар* бирликлари; 2) луғавий маъносини сақлаган, шу билан бирга, функционал бирликларга хос вазифаларда қўлланадиган сўзлар. Масалан, *олдин, сабабли, қариин, бошида* ва бошқалар. Буларга нисбатан «сўз» атамасини қўллашга эътироз бўлиши мумкин эмас. Лекин луғавий маънога эга бўлмаган ҳолларда қандай бирлик ҳисобланишини ва аталишини ҳам айтиш талаб этилади.

Биринчи турдаги, яъни луғавий маъносини йўқотган *билан, учун, қадар* каби бирликларга нисбатан сўз атамасини қўллаш-қўлламаслик масаласига келганда шуни айтиш керакки, уларни «сўз» дейиш фақат ифода жихатига кўрадир. Бунда «сўз» атамаси уларни (*билан, учун, қадар* кабиларни) аффиксдан фарқлаш учун қўлланади. Бизнингча, бунга эътироз бўлиши мумкин эмас. Чунки, масалан, *қаламни* сўз шаклидаги «-ни» аффикс деб номланар экан, *қалам билан* шаклидаги «*билан*» ни сўз дейиш, сўз деб ифодалашдан бошқа илож ҳам йўқ. Қолаверса, *аффикс* сўзи ҳам тилнинг бирор системасига мансуб, системани шаклантирувчи бирликни номловчи термин эмас. Бошқача айтганда, «-ни» тил бирлиги сифатида **морфема**, ифода жихатига кўра (қўшиб ёзишилига кўра) унинг атамаси **аффикс**. Аффикснинг олди-дан чизикча қўйилиши (*-ни*) эса, унинг қўшиб ёзишилини кўрсатади, холос. «Ёрдамчи сўз» «модал сўз» кабилардаги «сўз» ҳам худди шундай хусусиятга эга.

Аффикс морфемаларнинг тадқиқида кўрдикки, уларнинг бир тури сўз ясайди, иккинчи тури сўз шаклини яшаш учун хизмат қилади. Сўз морфемаларда бундай ҳолат кузатилмайди. Аниқроқ қилиб айтсак, ўзбек тили материаллари бу тилда сўз шаклини ясовчи сўз морфема борлигини тасдиқламайди. Шу боис бу масалани сўз ясалиши ва сўз шаклининг ясалиши мисолида, ясама сўз ва сўз шаклининг моҳиятидан келиб чиқиб ҳал этишга тўғри келади.

Масалага шу асосда ёндашилса, ўзбек тилидаги *қил (эт, айла)* ва бўл феълларини фақат бир вазифасидагина, яъни феъл ясовчи ва-

зифасидагина морфема (сўз морфема) ҳисоблаш мумкин. Масалан, *қил* (*эт, айла*) ва *бўл* феъллари сўз ясаш учун хизмат қилади: *роҳат қилмоқ, тасдиқ қилмоқ, жабр этмоқ, фарёд айламоқ, сарф бўлмоқ* ва бошқалар. Бу феъллар таркибидаги *қил, эт, айла, бўл* феъллари *-лан, -ла* феъл ясовчи морфемалари билан бир хил маъно ва вазифага эга: *роҳат қилмоқ – роҳатланмоқ, тасдиқ қилмоқ – тасдиқламоқ, сарф бўлди – сарфланди*. Бинобарин, уларни ҳам, худди *-ла, -лан* аффикслари каби, морфема ҳисоблаш тўғри бўлади – шундай қилинади ҳам. Демак, улар умуман ёрдамчи сўз сифатида эмас, сўз ясовчи морфема – сўз морфема сифатида эътироф этилиши керак, улар ясама сўзни шакллантирувчи бирликлардир ва сўзга қўшиб ёзилмаслигидан қатъи назар, ясама сўзнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбек тилида шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, бир сўз бирдан ортик сўз билан бирикиб, муайян бир маънода қўлланади. Бу билан у сўз ясовчи бирликдек кўринади. Шунинг таъсирида ҳатто сўзга қўшиб ёзилади. Бу жиҳатдан қуйидаги бир факт эътиборга лойиқ. Ўзбек тилида *талаб* сўзи билан қўлланувчи *эркталаб, сувталаб, ҳақиқатталаб, тинчликталаб, қуёшталаб, фарзандталаб* каби бирликлар кузатилади. Буларда *талаб* сўзи боғланган сўздан англашилган нарсага талаб, эҳтиёж борлик маъноси сезилиб туради, шунингдек, бу маънонинг *талаб* сўзига мансублигини сезиш ҳам қийин эмас. Демак, бу сўзлар таркибида *талаб* сўзи ва у боғланган сўз ўз маъноси билан қатнашяпти. Шундай экан, *эркталаб, сувталаб* кабиларни тўла маънода сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчидан таркиб топган тил бирлиги – ясама сўз ҳисоблаш қийин. Лекин, шу билан бирга, улар таркибидаги «*талаб*»ни мустақил тил бирлиги ёки ёрдамчи сўз дейиш ҳам мумкин эмас, аксинча, у кўпроқ ясовчилик хусусиятига, яъни морфемага хос хусусиятга эга. Ана шунинг таъсирида, бундай бирликларнинг имлоси (қўшиб ёки ажратиб ёзиш) ҳақида ҳеч қандай қоида бўлмагани ҳолда, уларнинг барчаси қўшиб ёзилапти ва бунга эътироз билдириб ҳам бўлмайди. Демак, булар ясама сўзга хос моҳият, *талаб* эса сўз ясовчига хос моҳият касб этиб борапти. Бу эса ўзбек тилида сўзнинг морфемага ўтиш жараёни бўлганини ва ҳозир ҳам шундай жараён мавжудлигини тасдиқлайди.

Хуллас, ўзбек тилида сўз ясалиши, асосан, аффикс морфемалар ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам аффикслар ёрдами-

да сўз ясалиши ўзбек тилида сўз ясалишининг асосий усули, айтиш мумкинки, ягона усули ҳисобланади¹. Ўзбек тили сўз ясовчи морфемаларининг ифода жиҳати масаласида муаммо сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳолат кузатилмайди. Сўз шакли (морфологик бирлик) нинг ифода жиҳати масаласи, аниқроғи, сўз шаклининг сўз морфема ёрдамида ясалиши (шакл ясовчи сўз морфема бор-йўқлиги) масаласи анча мураккаб бўлиб, бу борада нафақат ўзбек тилшунослигида, умуман, туркийшуносликда ўз ечимини кутаётган муаммолар етарли.

Ўзбек тилида сўз шакли, яъни морфологик система тил бирлиги ҳам, асосан, шакл ясовчи аффикс морфема ёрдамида ҳосил қилинади. Аниқроқ қилиб айтганда, сўз туркумларига мансуб морфологик категорияларнинг шакллари, асосан, аффикс морфемалар билан ясалади. Шу билан бирга, ўзбек тилида грамматик ва модал маъноларнинг; сабаб, пайт, қиёс каби муносабатларнинг «кўмакчи» деб юритиладиган «ёрдамчи сўзлар» билан ифодаланиши ҳам маълум. Ана шундай сўзларнинг асосий моҳияти масаласи ўзбек тилшунослигида шу вақтга қадар ҳал этилгани йўқ.

Сўз шакли ҳақида фикр юритилган ўзбек тилшунослигига оид ишларда сўз шаклининг синтетик ва аналитик тури мавжудлиги қайд этилган. Уларда аффикс морфемалар билан ясалувчи сўз шакллари «синтетик шакл», ёрдамчи (кўмакчи) сўз билан ясаладиган шакллар «аналитик шакл» деб қаралиши ҳам мумкин. Лекин бу терминлар бир нарсани, яъни сўз шаклининг аффикс ёки сўз билан ҳосил бўлишини қайд этади, холос. Кўмакчи сўзларнинг сўз шаклини ҳосил қилиш қилмаслиги эса аниқ белгиланмаган, ҳал этилмаган.

Аввало айтиш керакки, «ёрдамчи сўз»лар юзасидан туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида жуда кўп ишлар қилинган. Илмий мақолалар, рисоалар, йирик монографиялардан ташқари шу мавзуда, айниқса, «кўмакчилар» мавзусида номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя этилган (Уларни санаб ўтишга эҳтиёж бўлмаса керак). Бу ишларда, асосан, кўмакчиларнинг, жумладан, кўмакчи феълларнинг ифодаладиган маъноларини ёритишга эътибор қаратилган. Тил бирлиги сифатида уларнинг моҳияти масаласига, яъни тил системасини шакллантириши нуқтаи назаридан қандай бирлик бўлиши масаласига деярли эътибор қаратилгани йўқ. Ваҳолонки,

¹ Қаранг: Ҳ о ж и е в А. Сўз ясалиш усуллари / Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. 4-сон; Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими, 6-17-б.

бу масала соф назарий ва ниҳоятда мураккаб бўлиб, уни ҳал этмай туриб, кўмакчи сўзлар билан боглиқ тил ходисаларининг моҳиятини тўла ва тўғри ҳал этиб бўлмайди. Шу билан бирга, кўмакчилар билан боглиқ назарий муаммоларни ҳал этиш катта куч, назарий билим, етарли муддат, катта ҳажмдаги махсус иш (ишлар) бажарилишини такозо этади. Шу мақсадга қаратилган иш(лар)да кўмакчиларнинг шакл ясовчи бирлик бўлиш-бўлмаслиги, шунингдек, уларни морфема ҳисоблаш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласи ҳам ҳал этилади. Ана шу айтилганлар ва мавжуд фактларни эътиборга олиб, кўмакчиларни шакл ясовчи дейишдан, масалан, *қалам билан, айтиб кўр* кабиларни сўз шакли ҳисоблашдан, айниқса, кўмакчиларни морфема ҳисоблашдан тийилдик ҳамда сўз ясовчи ва сўз шаклини ясовчи тил бирлиги морфема бўлишини алоҳида таъкидлашни лозим топдик.

Морфема ва унинг ёрдамида ясалувчи ясама сўз ва сўз шаклининг моҳияти ҳақида гап борганида, яна қуйидаги уч масалага ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади: 1) морфема қўшиладиган қисмнинг қандай тил бирлиги бўлишини аниқ белгилаш; 2) ноль морфема масаласи; 3) «морфем система» масаласи.

Морфема қўшиладиган қисмнинг моҳияти

Биринчи масала юзасидан, яъни сўз ясовчи, шакл ясовчи морфема бирикадиган қисмнинг қандай тил бирлиги экани юзасидан адабиётларда билдирилаётган фикрлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Морфема сўзнинг таркибий қисми сифатида ўрганилган ишларда сўзнинг маъноли қисмлари, жумладан, сўзнинг морфема қўшиладиган қисми ҳам морфема деб қаралганлиги, у “асосий морфема”, “бош морфема”, “етакчи морфема” каби терминлар билан юритилганлиги ва бунинг тўғри эмаслиги айтилди. Шундай экан, ясама сўз ва сўз шаклидаги морфема қўшиладиган қисм қандай тил бирлиги бўлади, деган саволнинг туғилиши табиий.

Аввало шунга эътибор қаратиш керакки, сўз таркибида ясовчи бирликдан (морфемадан) бошқа, ундан фарқли моҳиятга эга бўлган қисм бўлар экан, унинг умуман сўз таркибига эмас, балки сўз ясалиши, ясама сўз ҳамда шакл ясалиши, сўз шаклига хос бирлик эканини тан олиш ва шу асосда иш кўриш талаб этилади. Масалага шу тарзда ёндашилганда, ясама сўз ва сўз шаклида ясовчи бирлик (морфема)

қўшиладиган қисмни «ясалиш асоси» («сўз ясалиш асоси», «шакл ясалиш асоси») деб юритиш маъқул бўлиши маълум бўлди (Аслида бу фикр ҳам Европа тилшунослигига оид ишлардан олинган). Натижада ана шу термин ўзбек тилшунослигида ҳам истеъмолга киритилди ва шу морфемадан бутунлай бошқа моҳиятга эга бўлган бирликнинг ифодачисига айланди. Оқибатда, ясама сўз ва сўз шакли ҳақида фикр юритилган ишларда сўз ясалиш ва шакл ясалиш асосини морфема деб қараш барҳам топди. Бу билан морфеманинг ва у билан боглиқ бошқа тил ҳодисаларининг моҳияти масаласида давом этиб келаётган турли хатоликлар ва чалкашликларга ҳам чек қўйила бошлади.

Бироқ, минг афсуски, ўзбек тилшунослигида морфема масаласида эришилган ижобий натижаларни ҳисобга олмаган ҳолда, бу борадаги янги-янги қарашларга ҳеч қандай муносабат билдирилмаган ҳолда морфемани «сўзнинг маъноли қисми» сифатида таърифлаш ҳамон давом этяпти. Бунинг қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини юқорида кўрдик. Бундай таърифларнинг янги-янгилари кейинги ишларда ҳам кузатиляпти. Эътибор беринг: «Сўз маъноли қисмларга бўлинади. Унинг ҳар бир маъноли қисми, грамматик нуктаи назардан, морфема дейилади. У ясалиш асоси, ясовчи ва сўз шакли морфемаларидан иборат. Бу морфемалар сўзнинг морфем таркибидир»¹. Кўриниб турибдики, морфема сўзнинг маъноли қисми экани тан олинади. Морфемани бундай тушуниш бир неча йиллар илгари мавжуд эди. Бундай тушунишнинг хатолиги эса ўзбек тилшунослигида кўп марта исботланган. Таърифдаги янгилик сифатида тўрт нарсани айтиш мумкин: 1) «сўзнинг маъноли қисми, грамматик нуктаи назардан, морфема бўлиши». Бироқ бу жумла бирон-бир моҳиятни қайд эта олмайди; 2) сўз ясалиш асосини ҳам морфема деб тушуниш – хато фикр; 3) ясовчи деганда фақат сўз ясовчи аффикс морфемани тушуниш – бу ҳам хато; 4) «сўз шакли морфемалари» жумласи нотўғри қўлланган, тўғриси – «сўз шаклини ясовчи морфемалар».

Морфеманинг моҳиятини шундай эскича тушуниш бошқа тил бирликларининг моҳиятини нотўғри тушуниш, нотўғри талкин этишга сабаб бўлган. Эътибор беринг: «...сўз ясалиш асоси, анъанавий тилшуносликдаги тушунча бўйича, ўзак вазифасини ўтайди»,

¹ Миртожиев М. Семаларнинг сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра типлари //Тилшуносликнинг долзарб муаммолари (Илмий мақолалар тўплами). IУ. Тошкент: 2008. 30-б.

«тичоқчилар сўзининг *тичоқчи* қисми номловчи семани ифода этган»¹ ва бошқалар (Буларнинг ҳар бирига тўхташни лозим топмаймиз).

Ясама сўзнинг сўз ясалиш асоси туб ёки ясама сўз бўлиши мумкин: *терим* (*тер* – туб сўз), *теримчи* (*терим* – ясама сўз). Шундай экан, морфема сўзнинг ўз маъносига эга бўлган таркибий қисми деб тан олинган тақдирда ҳам, асос вазифасидаги ясама сўзни, жумладан, *теримчи* сўзининг *терим* қисмини морфема ҳисоблаш мумкин бўлмайди. Сўз ясалиши асоси туб сўзга тенг бўлганида ҳам уни морфема ҳисоблаш мумкин бўлмайди. Чунки у сўз ясалишида луғавий маъноли бирлик – сўз сифатида қатнашади, шу моҳияти билан сўз ясовчи ва сўз шаклини ясовчи бирликлардан – морфемалардан тубдан фаркланади. Шунинг учун ҳам ясалма бирликнинг асос қисмини “бош морфема”, “асосий морфема”, “етакчи морфема” каби терминлар билан аташ бирон-бир тил бирлигини ва унинг моҳиятини қайд эта олмайди. Шундай экан, ясовчи бирликларни, яъни морфемаларни “ёрдамчи морфема”, “эргаш морфема” деб юритишга ҳам ўрин, эҳтиёж қолмайди. Шундай экан, ўзи йўқ ходисага нисбатан қўлланаётган терминлардан воз кечиш, улар сабабли юз бераётган салбий оқибатлардан кутулиш ўрнига, шу терминларга ёпишиб олиб иш кўриш оқибатида хатолар кетидан хатоларга йўл қўйиш кишини ажаблантиради².

Хуллас, морфема ўз ифода ва мазмун жиҳатига эга бўлган тил бирлиги экан, асосий вазифа унинг шундай хусусиятга эга бўлмаган тил бирликларидан фаркли моҳиятини, масалан, сўз (лексема) ва морфологик бирлик бўлмиш сўз шаклидан фаркли хусусиятларини аниқ белгилашдан иборат бўлади. Акс ҳолда, морфемага тўғри ва аниқ таъриф бериш ҳам мумкин бўлмайди.

«Ноль морфема» масаласи

Морфеманинг моҳияти ҳақида гап борганида, ҳозирда турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, бор-йўқлиги ҳақида бир фикрга келинмаган, ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган бир масалага,

¹ Миртожиев М. Кўрсатилган мақола, 31-б.

² Мақоладаги сема, семема ҳақидаги қарашларда мавжуд бўлган хатоликлар ҳақида ўз ўрнида фикр билдираимиз.

яъни «ноль морфема» масаласига тўхтаб ўтмаслик мумкин эмас. Бу фикр, яъни тилда «ноль морфема», «ноль шакл» («ноль кўрсаткичли шакл») ходисаси борлиги ҳақидаги фикр, асли, ўзга тилшуносликка оид адабиётларда мавжуд бўлган фикрларнинг ўзбек тилшунослигидаги кўчирмасидир. Улар ўзга тиллар учун қанчалик тўғри ёки тўғри бўлмаслиги ҳақида аниқ гап айта олмаймиз (Бу бизнинг вазифамизга кирмайди ҳам), лекин ўзбек тили материаллари бу тилда «ноль морфема» борлигини тасдиқламайди. Ана шунини исботлашга ҳаракат қиламиз.

Бизнингча, бу муаммони ҳал этишда қуйидаги икки ходисага асосланган ҳолда иш кўриш ижобий, тўғри хулосага келиш имкони беради: 1) тил бирликларида ифода ва маъно (мазмун) масаласи; 2) «ноль морфема»нинг фақат сўз шаклида, яъни морфологик бирликда мавжудлигини тан олиш, аниқроғи, «ноль шакл» мавжудлигини тан олиш масаласи.

Ўзбек тилшунослигида, асосан, «ноль шакл», яъни «шакл кўрсаткичига эга бўлмаган сўз шакли» ҳақида гапирилади, баъзи ишларда «ноль морфема» борлиги тан олиниб, унинг таъриф-тавсифи ҳам берилди: «Туркий тилларда ноль морфема грамматик шакллар сирасида устувор мавқега эга экан, нутқда воқеланган бирор мустақил лексема қўшимчасиз бўлиши мумкин эмас. Моддий қиёфали морфемасиз лексема ноль қўшимчалидир. Масалан, нутқдаги *Китобни ўқи, Уйга бор, У аълочи* гапларидаги *ўқи, бор, аълочи* сўзлари ноль нутқий бирликлардир»¹. Бир оз эзмаликдек туюлса-да, «ноль морфема» ҳақида айтилган бу гапларга жиддий муносабатда бўлмаслик, ундаги хато фикрларни, фақат қулги кўзгатиш мумкин бўлган гапларни аниқ кўрсатмасдан ўтиш мумкин эмас. «Туркий тилларда ноль морфема грамматик шакллар сирасида устувор мавқега эга экан, нутқда воқеланган бирор мустақил лексема қўшимчасиз бўлиши мумкин эмас» жумласини олиб кўрайлик. Биринчидан, туркий тилларда ноль морфеманинг устувор мавқега эгаллиги у ёқда турсин, шундай морфеманинг борлиги исботланмаган. Жумладан, бу ишда ҳам ноль морфеманинг борлиги ва унинг устуворлигини кўрсатувчи бирорта ҳам факт келтирилмаган. Иккинчидан, нутқда воқеланган бирлик лексема бўлмайди. Учинчидан, «Нутқда воқеланган бирор лексема қўшимчасиз бўлмайди» деган жумла муаллифнинг «лексема» ва

¹ С а й ф у л л а е в а Р. ва бошқалар. Юқорида кўрсатилган ўқув қўлланмаси. 5-б.

«қўшимча»нинг моҳияти ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслигини кўрсатади. Тўртинчидан, **қўшимча** сўзга қўшиб ёзиладиган морфема, яъни қўшиб ёзилиши учун сўз таркибидаги морфема *аффикс* ёки *қўшимча* дейилади. Шундай экан, сўз таркибида қўшиб ёзилган нарса йўқ бўлса, қўшимча ҳақида гапириш, яъни бу лексемани «ноль қўшимчали лексема» дейиш мумкинми? Мана сизга «ноль морфема»ни тан олиш-у, унинг моҳияти ҳақидаги таъриф-тавсифларнинг аҳволи.

Юқорида айтилдики, ўзбек тилшунослигида «ноль морфема» ҳақида эмас, асосан, «ноль шакл» (сўзнинг ноль кўрсаткичли шакли) ҳақида гапирилади. Демак, бу ходисанинг шакл ясалишига, шакл ясовчи морфемаларга хослиги тан олинади. Ҳақиқатда ҳам сўз ясовчи морфемаларда, умуман, сўз ясалишида, ясама сўзда бундай ходиса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки сўз ясовчи морфемасиз сўз ясалиши, ясама сўз ҳосил бўлиши мумкин эмаслиги, бундай ясама сўзнинг йўқлиги аниқ ва бу исботталаб ходиса эмас. Аслида, шакл ясалишида ҳам бундай ходиса, яъни «ноль шакл» йўқ ва бу ҳам қонуний ҳол (Бу масала юзасидан ишнинг морфологик системага бағишланган тўртинчи қисмида фикр юритилади).

Айтилганлар ва келтирилган фактлардан маълум бўлдики, морфема шакл ва мазмун жиҳатига эга бўлган тил бирлиги – лисоний бирлик. Бундай тил бирлигининг шаклсиз (фонетик қиёфасиз) бўлиши мумкин эмас – шаклсиз морфема йўқ. Шундай экан, шаклсиз морфеманинг маъноси ҳақида гапириш ҳам мумкин бўлмайди. Бундай морфеманинг борлиги, айниқса, унинг моҳияти ҳақида гапириш морфема билан боғлиқ бирон-бир ходиса ҳақида тасаввур бера олмайди – қуруқ гаплигича қолаверади. Салбий томони шундаки, морфемаларнинг моҳиятини ёритишда тадқиқотчини чалгитади, нотўғри хулосаларга келишига сабаб бўлади; ўқиш-ўқитиш жараёнида ҳам фақат салбий оқибатларни юзага келтиради. холос.

«Морфем система» масаласи

Морфема тил қурилишининг асосий бирлиги деб тан олинисини кўрдик. Бу эса морфема ҳам, бошқа тил бирликлари каби, тил системасини, масалан, морфем системани шакллантиради, деган та-

саввур беради. Лекин шу вақтга қадар бирон ишда морфеманинг тил системасини шакллантирувчи бирлик экани исботлангани йўқ (Буни қисман юкорида ҳам кўрдик). Бу масалада бир-биридан фарқли фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Ҳатто кўпгина ишларда *морфемика* термини тилга олиниб, унинг «морфемалар ҳақидаги таълимот» экани айтиляпти. Лекин бу жумла (*морфемалар ҳақидаги таълимот*) тил системаси ҳисобланиши мумкин бўлган морфемика ҳақида тўғри, аниқ тасаввур бера олмайди. Демак, «морфем система», унинг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳияти ҳал этилмаганича қоляпти. Бунинг энг асосий сабаби «морфема» деб аталувчи тил бирлигининг моҳияти ҳақида шу вақтга қадар тўғри бир фикрга келинмагани, ҳатто морфемага берилган таърифлар талабга жавоб бермаслигидадир (Булар ҳақида ҳам юкорида гапирилди).

Ўзбек тилшунослигида морфема ҳақида дастлабки даврларда юзага келган фикр-мулоҳазалар рус тилшунослигига оид адабиётлардаги мавжуд фикрларнинг кўчирмаси бўлганлигини кўрдик. “Морфемика” термини ифодалайдиган тушунча юзасидан билдирилган фикрлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Ҳатто бу масалада рус тилшунослигига оид адабиётларда мавжуд бўлган эътиборга лойик фикрлар ўзлаштириб улгурилмаган, деб ҳам бемалол айтиш мумкин.

Ўтган асрнинг 70–80- йилларида яратилган рус тили грамматикасига оид ишларда «Морфемикага кириш», «Морфемиканинг асосий тушунчалари» деб аталган бўлимлар ажратилди – алоҳида берилди¹. Лекин уларда «Морфемика» деган махсус бўлим йўқ.

Рус тилшунослигида мавжуд бўлган морфемика ҳақидаги ана шундай қарашлар ўзбек тилшунослигида ҳам ўз аксини топа бошлади – ўзбек тилшунослигига кўчирила бошлади. Жумладан, проф. А. Гуломов бу ҳақда куйидагиларни ёзади: «Ўзак ва аффиксларнинг анализи морфологияда ҳам, сўз ясалишида ҳам учрайди, лекин бу икки соҳанинг анализи, ҳодисага қандай нуктаи назардан ёндашиш – ҳар хил, шундай бўлса ҳам, ҳар икки соҳа учун умумий бўлган ҳодисалар ҳам бор. Шунга кўра, кейинги вақтларда буларни ёритишнинг янги схемалари пайдо бўлди: дастлаб морфемаларнинг ҳар икки соҳага алоқадор бўлган томонлари айрим берилади, бу айрим қисм **морфемика** деб аталади, кейин сўз ясалиши, ундан кейин морфоло-

¹ Грамматика современного русского литературного языка. -С.5; Русская грамматика. Т.1. -С. 123-132,133-152.

гия баён қилинади. Бу янги тартиб илмий жиҳатдан пухта асосланган бўлиб, практик томондан ҳам афзалликларга эга»¹.

Аввало айтиш керакки, морфемика ҳақида рус тилшунослигида мавжуд бўлган қарашлар (фикр-мулоҳазалар) бу жумлаларда тўғри ифодасини топмаган. Қолаверса, бу фикр-мулоҳазалар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: 1. «Морфемика»да сўз ясалиши ва морфология учун умумий бўлган ҳодисалар эмас, балки муайян тил бирлиги бўлган морфеманинг моҳияти ҳақида умумий маълумот берилди. 2. Кейинги вақтларда сўз ясалиши, морфология соҳалари ва улар учун умумий бўлган тил ҳодисаларини ёритишнинг янги схемалари пайдо бўлгани йўқ, балки тилнинг морфем сатҳи, тилшуносликнинг «морфемика» деб аташ мумкин бўлган бўлими бор-йўқлиги, унинг сўз ясалиши ва морфология соҳаларига муносабати каби ҳал этилиши долзарб бўлган муҳим масалалар юзага келди. 3. Бу ишда *морфемика* термини тилга олинса-да, лекин у муайян системани, тилшуносликнинг шу системани ўрганувчи бўлимини билдирувчи термин сифатида қўлланмаган – бу масалалар юзасидан ҳеч қандай фикр билдирилмаган. Бу ишда ҳатто «морфемика» деб аталган бўлим ёки бўлимчанинг ўзи йўқ. Бу термин «Грамматика»нинг «Сўз ясалиши» бўлимида тилга олинган. «Грамматика»нинг ўзи эса «Морфология» қисмидан иборат. Буларнинг барчаси морфемиканинг сўз ясалиши бўлимига, сўз ясалишининг морфология бўлимига мансублигини тан олишдан бошқа нарса эмас.

Шу айтилганларнинг ўзиданок маълум бўляптики, рус тилшунослигига оид адабиётларда морфема ва морфемика ҳақида билдирилган фикрлар таъсирида ўзбек тилшунослигида ҳам маълум фикр-мулоҳазалар юзага келган бўлса-да, лекин улар морфемика ҳақида ҳам аниқ ва тўғри тасаввур бера олмас эди. Бундай ҳолат хозиргача давом этапти, десак муболага бўлмайди.

Рус тилшунослигида ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ «морфемика» деб аталувчи тилшунослик соҳасининг «сўз ясалиши» ва «морфология» соҳаларига муносабати ҳақида аниқ фикрлар юзага келган. Масалан, шу масалалар билан маҳсус шуғулланган В.В. Лопатин сўз ясалиши механизм морфологик (сўз ўзгариши) механизми билан бирга грамматиканинг **морфемика** деб аталиши мумкин бўлган бўлимининг

¹ Ўзбек тили грамматикаси, I т., Морфология. Тошкент: 1975. 11-б.

қисми, деган фикрни билдиради¹. Лекин бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки морфемикани грамматиканинг бўлими дейиш учун, сўз ясаши ва морфологияни морфемиканинг қисмлари деб ҳисоблаш учун етарли асос йўқ деб ўйлаймиз. Умуман, рус тилшунослигида ҳам бу масалада аниқ бир фикрга келинганича йўқ ва бу ҳол эътиборли манбаларда қайд этилган². Шу боис морфемика ҳақидаги қарашларга муносабат билдиришни тўхтатиб, ўзбек тили материалларидан келиб чиққан ҳолда, бу масала юзасидан ўз мулоҳазаларимизни билдириш билан чекланамиз.

Тилнинг системалардан иборатлиги, ҳар бир система муайян тил бирлиги асосида шаклланиши адабиётлардан маълум. Шундай экан, тил системаларининг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларни ёритишга ўтишдан олдин ҳар бир системани шакллантирувчи тил бирлигининг асосий моҳияти билан боғлиқ ҳодисаларни белгилаб олиш шарт бўлади. Юкорида морфем бирликнинг моҳияти, унинг амалиёти билан юз берадиган асосий ҳодисалар ҳақида фикр юритдик. Шу билдирилган фикрлар асосида «морфем система» масаласини ҳал этишга уриниб кўрамиз.

Ўзбек тилшунослигида кейинги вақтларда юз берган энг муҳим воқеалардан бири ўзбек тили системаларини шакллантирувчи тил бирликларини белгилаш, улар асосида ўзбек тили системаларининг шаклланиши билан боғлиқ назарий муаммоларни ёритишга жиддий эътибор қаратиш бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар етарли, десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Шу вақтгача ўзбек тилшунослигига оид бирор ишда тил системаси ва уни шакллантирувчи тил бирлигининг моҳияти ҳақида, жумладан, морфеманинг моҳияти ва морфем система масаласида аниқ ва тўғри бир фикрга келинмаганлигининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбек тили системалари ва улардан ҳар бирини шакллантирувчи тил бирликлари ўзбек тилшунослигига оид ишларда қайд этилган. Масалан, фонема фонологик системанинг тил бирлиги, сўз шакли морфологик системанинг тил бирлиги экани ва б. Лекин бу ишларни бевосита ўзбек тилининг ўз материалларини тадқиқ этиш йўли

¹ Лопатин В. В. Русская словообразовательная морфемика. М.: Наука. 1977. -С. 4.

² Лингвистический энциклопедический словарь. -С.313.

билан, ўзбек тили системаларининг шаклланиши билан боғлиқ назарий масалаларни ёритиш, ҳал этиш йўли билан амалга оширилган ишлар дея олмаймиз. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, бундай ишларга кейинги вақтлардагина жиддий эътибор қаратила бошланди. Ўзбек тили системалари, уларни шакллантирувчи тил бирликлари ҳақидаги гаплар ўзга тилшуносликда, жумладан, рус тилшунослигида мавжуд бўлган фикр-мулоҳазалар асосида айтилган гаплардир. Ўз-ўзидан, бундай ҳолатда ўзбек тили системаларининг шаклланиши билан боғлиқ назарий масалаларни талаб даражасида ҳал этиш мумкин бўлмайди. Қолаверса, тил системаларига оид назарий масалалар ниҳоятда мураккаб бўлиб, уларни ҳал этиш катта куч, етарли назарий билим ҳамда керакли муддат талаб этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, бу ўринда морфема асосида шаклланадиган тил системаси бор-йўқлиги ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топамиз. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, морфема тил системасини шакллантирувчи бирлик бўла оладими? деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Аслида, бу ҳақда ишнинг «Морфеманинг моҳияти» қисмида гапириш тўғри бўлар эди. Лекин «морфем система»нинг бор-йўқлигини морфеманинг шундай системани шакллантирувчи тил бирлиги бўлиш ёки бўла олмаслиги белгилаши боис бу ҳақдаги гапларни шу ўринга қолдирган эдик.

Масалага бирор ишда шу асосда ёндашилмаганлиги, яъни морфеманинг тил системасини шакллантирувчи бирлик ёки бундай бирлик эмаслиги тўғри белгиланиб, сўнгра «морфем система» масаласига ўтилмаганлиги боис бу масала ҳал этилмаганлигича қолиб келмоқда.

Морфема ҳақида фикр юритилган ўзбек тилшунослигидаги ишларни, шу масалага бўлган муносабатига кўра, иккига ажратиш мумкин:

1. Морфеманинг тил системасини шакллантирувчи бирлик бўлиш ёки бўла олмаслиги масаласи эътибордан четда қолган ишлар. Булар шу мавзуга алоқаси бор ишларнинг асосий қисмини (деярли 99 фоизини) ташкил этади. Бу ишларнинг баъзиларида морфема тил бирлиги, тил қурилиши бирлиги экани айтилса-да, лекин бунинг исботи йўқ. Шунингдек, уларда «морфем система»нинг, тилшуносликнинг бу «система»ни ўрганадиган бўлимнинг бор-йўқлиги ҳақида ҳам асосли бир гап йўқ. «Морфемика – морфемалар ҳақидаги таълимот», «морфемика – тилшуносликнинг бир қисми» каби таърифлар курук (исботсиз), кўчирма гаплардан бошқа нарса эмас.

2. Бу масалага жиддий эътибор берилган, морфеманинг қандай тил бирлиги экани, шунингдек, тилнинг морфем қурилиши, тилшуносликнинг бу қурилишни ўрганувчи бўлими бор-йўқлиги ҳақида фикр билдирилган иш проф. Ш. Раҳматуллаевнинг юқорида кўрилган рисоласидир¹. Бироқ бу ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида билдирилган фикрларни ўзбек тили материаллари қувватламайди, тасдиқламайди².

Тил қурилиши ёки тил қурилиши системаси ҳақида гап борар экан, биринчи навбатда, бу ҳодисанинг моҳияти нимадан иборатлиги белгиланиши, таърифланиши керак бўлади. Афсуски, шу масалага махсус бағишланган мазкур ишда ҳам бунга жавоб йўқ – масала очик қолган. Бу эса, ўз навбатида, тил қурилиши асосий бирликларининг моҳияти ва улар асосида юз берадиган тил ҳодисаларининг моҳиятини белгилашда ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйилишига сабаб бўлган. Масалан, бу ишда морфема тил қурилишининг асосий бирликларидан бири экани тан олинган, лекин, айтилган сабаб таъсирида, нима учун шундай бирлик экани исботланмаган. Тил қурилишининг бошқа асосий бирликлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Демак, тил қурилишининг асосий бирликлари тан олингани билан, бу фикр исботланмаган. Буларнинг барчаси ҳақида фикр юритиш бу ўринда талаб қилинмайди. Шу боис морфеманинг қандай тил бирлиги бўлиши ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдириш билан чекланамиз.

Тилнинг ҳар бир системаси муайян тил бирлиги асосида шаклланиши юқорида айтилди ва бунга шубҳа йўқ. Шу билан бирга, морфема тил қурилишининг асосий бирлиги деб тан олингани ҳам кўрдик. Ана шу нарса бу тил бирлиги ҳам тил қурилишининг муайян системасини – «морфем система» деб аталиши мумкин бўлган системасини шаклантиради, деган фикрга олиб келади, яъни тил қурилишининг асосий бирлиги тилнинг муайян системасини шаклантирар экан, морфеманинг ҳам муайян системани шаклантириши мантиқан тўғри бўлади. Лекин ҳозирда тил қурилишининг асосий бирлиги деб тан олинаётган бирликларнинг барчаси бир хил моҳиятга, яъни тил системасини шаклантириш моҳиятига эга эмас. Бу жиҳатдан «морфема» деб аталувчи тил бирлиги «тил қурилишининг асосий бирлиги» ҳисобланувчи бошқа тил бирликларидан тубдан фарқланади.

¹Раҳматуллаев Ш. Юқорида кўрсатилган рисола.

²«Тил қурилиши», «тил сатҳи», «тил босқичи» терминлари ҳақида ишнинг «Қириш» қисмида фикр билдирилганлиги учун уларни такрорлашга эҳтиёж йўқ, деб ўйлаймиз.

Иш давомида айтилганлар ва морфемага берилган таърифдан аниқ бўлдики, морфема – ифода ва маъно жиҳатига эга бўлган, тилнинг муайян системасини шакллантирувчи тил бирлигини (ясама сўз ёки сўз шаклини) яшаш учун хизмат қилувчи тил бирлиги. Демак, у системани шакллантирувчи тил бирлиги эмас, балки ясовчи бирлик. Худди шу хусусияти билан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган тил бирлиги хисобланади. Худди шу хусусияти – ясовчи тил бирлиги эканлиги билан у тил системасини шакллантирувчи тил бирликларидан фаркланади, мустақил ҳолда системани шакллантира олмайди.

Ш. Раҳматуллаевнинг юқорида кўрилган рисоласида: «Тил қурилиши босқичлари ва уларни ўрганувчи соҳалари» сарлавҳаси билан берилган бўлим ва жадвал ҳам бор. Бу қисмда, морфема тил қурилишининг асосий бирлиги бўлиши тан олингани боис, унинг «морфем система»ни шакллантириши ҳам эътироф этилган. Охир-оқибат, ўзбек тилшунослигининг шу системани ўрганувчи ва «морфемика» деб аталувчи соҳаси борлиги ҳам тан олинган¹.

Ясовчи бирлик сифатида морфема ясалма бирликнинг, яъни ясама сўз ёки сўз шаклининг таркибий қисми мақомида бўлади. Ҳатто ясама сўз ва сўз шаклидаги ясалиш асоси ҳам мустақил тил бирлиги бўлмайди. Масалан, *гулчи, гулла, гуллар. гулни* ясама сўз ва сўз шакллари таркибидаги *гул* – сўз ясалиш ва шакл ясалиш асоси (шундай тил бирлиги), лекин шу сўзлар таркибида лугавий системани шакллантирувчи тил бирлиги эмас. *Сўз ясалиш асоси, шакл ясалиш асоси* терминлари сўз ясалиши ва морфологияга оид тушунчаларни билдиради (Улар билан боглик тил ҳодисалари тилшуносликнинг шу бўлимларида ёригилади, ўрганилади)².

Морфеманинг ифода ва маъно жиҳатига эгаллигини кўрдик. Бу хусусият лугавий бирлик бўлмиш сўзга ҳам хос. Шакл ва маъно муносабатига кўра сўзларнинг *омоним, синоним, антоним* каби гуруҳларга бўлиниши, шунингдек, сўзнинг бирдан ортиқ маънога эга бўлиши – *кўп маънолилиқ* (полисемия) ҳодисаси мавжудлиги ҳам маълум. Ўзбек тили морфемалари (аффикслари) ҳақида фикр юритилган, «морфемика» тилшуносликнинг алоҳида бўлими (қисми) сифатида берилган ишларда морфемаларни ҳам шакл ва маъно муносабати асосида шун-

¹ Раҳматуллаев Ш. Юқорида кўрсатилган рисола. 25-б.

² Бу ҳақда махсус мақоламизда ҳам фикр билдирилган: Ҳожиёв А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар / Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. 5-сон, 35-36-б.

дай гурухларга ажратиш кузатилади ва *аффиксал полисемия, аффиксал омонимия, аффиксал синонимия, аффиксал антонимия* ходисалари мавжудлиги қайд этилади¹. Бирок, юқорида кўрдикки, морфема мустақил тил бирлиги эмас, балки ясовчи бирлик. Ясовчи бирлик сифатида унинг моҳияти ясалма бирлик таркибида – ясама сўз ёки сўз шакли таркибида, яъни шундай бирликлар ҳосил қилинганида намоён бўлади. Масалан, *-чи, -кор, -соз, -хўр, -дош, -шунос* морфемаларининг маъноси улар ёрдамида ясалган *теримчи, шоликор, уйсоз, норинхўр, синфдош, тилшунос* каби сўзларда вокеланади, уларнинг умумий ва хусусий белгилари ҳам шундай ясама сўзларда намоён бўлади, яъни уларнинг барчаси шахс оти ясовчи экани, ҳар бир ясовчи морфеманинг ўзига хос хусусияти маълум бўлади. Демак, морфемалар тил системасини шакллантириши мумкин бўлмаганидек, уларни ясама сўз ва сўз шаклидан холи холда, «ўз шакл ва маъноси» асосида гурухларга бўлиш ҳам мумкин бўлмайди. Бинобарин, мустақил бўлмаган тил бирлигидаги – морфемалардаги омонимия, синонимия, антонимия, шунингдек, кўп маънолилиқ ходисасини мустақил тил бирлиги бўлмиш сўз (лексема)лардаги шу ходисалар билан тенглаштириш мутлақо мумкин эмас. Бу айтилганлар куруқ гап бўлмаслиги учун морфем кўп маънолилиқ (морфем полисемия), морфем синонимия, морфем антонимия «ходисалари»нинг ўзбек тилида мавжудлиги қай даражада исботланганлигига, ҳақиқий ҳолат қандайлигига қисқа тарзда тўхтаб ўтишни лозим топамиз.

Морфемаларда полисемия, синонимия, антонимия каби ходисалар масаласи

Аввало айтиш керакки, ўзбек тилшунослигига оид адабиётларда, асосан, аффиксал полисемия, аффиксал синонимия, аффиксал антонимия кабилар ҳақида гапирилади. Бирок тил бирлиги ҳақида гап борар экан, ясовчи бирликларга нисбатан *аффикс* ёки *қўшимча* терминини эмас, *морфема* терминини қўллаш тўғри бўлади. Чунки *аффикс, қўшимча* сўзлари тил бирлигини қайд эта олмайди (Морфема ҳақидаги таълимот аффикс ёки қўшимчалар ҳақидаги таълимот эмас)².

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили, I қисм. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 164-б.; Ўзбек тили грамматикаси. I. Морфология. Тошкент: Фан, 1975. 94-б.

² Бу ҳақда махсус мақоламизда фикр билдирилган: Х о ж и е в А. Ўзбек тилшунос-

Морфема тил системасини шаклантирадиган бирлик (тил қурилиши бирлиги) эмас, балки у ясовчи бирликдир. Морфема ва унинг амалиёти билан боғлиқ барча ҳодисаларнинг моҳияти унинг ана шу хусусиятидан келиб чиқади.

Лексемаларнинг ўзаро маъно муносабати асосида турли типдаги лексик-семантик гуруҳлар, парадигмалар юзага келиши, шаклланиши маълум (Бунинг исботлашга, фактлар келтиришга эҳтиёж йўқ деб ўйлаймиз). Морфема ўз маъно жиҳатига эга тил бирлиги бўлгани учун уларнинг ўзаро маъно муносабати асосида ҳам турли семантик гуруҳлар юзага келади, яъни полисемия, синонимия, антонимия каби ҳодисалар морфемалар учун ҳам хос деб қаралади. Биз ҳам шундай фикрда эдик. Лекин кейинги вақтларда морфемалар юзасидан олиб бораётган кузатишларимиз ҳақиқий ҳолат бундай эмаслигини кўрсатяпти.

Морфемалар мустақил тил бирлиги бўлмагани учун улар ўзаро семантик муносабатга кириша олмайди – бу қонуний ҳол.

Морфемаларнинг сўз ясалиши ва сўз шаклини ясаши – ясовчи бирлик экани ҳақида кўп гапирдик. Уларнинг маъноси ҳам мустақил ҳолда эмас, балки ясама сўз ва сўз шакли таркибида воқеланади. Шу боис морфемаларнинг вазифаси ва маъносини ясама сўзлар ва сўз шакллари доирасида ўрганиш тўғри бўлади. Шундай қилинганда, морфемалар ва уларнинг амалиёти билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятини тўғри тасаввур этиш, тўғри белгилаш осонлашади. Шу боис, морфемага хос деб қаралаётган полисемия, синонимия, антонимия ҳодисаларининг моҳиятини ясама сўз ва сўз шакли мисолида олиб кўрайлик.

Ўзбек тилидаги сўз ясовчилар ҳақида фикр юритилган ишларда, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда баъзи сўз ясовчи аффиксларнинг кўп маънолилиқ (полисемантиклик) хусусиятига эғалиги айтилади¹. Баъзи ишларда эса, умуман, морфемаларнинг шундай хусусиятга эғалиги алоҳида таъкидланади ва бунинг сабаби ҳам айтилади: «Морфемада ҳам шакл ва маъно муносабати барқарор. Морфеманинг миқдоран чекланганлиги бу муносабатнинг кенг қамровлилигидан далолат беради.

лигининг долзарб муаммолари (7-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 4-сон, 35-б.

¹ Т у р с у н о в У., М у х т о р о в Ж., Р а х м а т у л л а е в Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 207-б.

Морфем полисемия. Морфемик полисемия кенг тарқалган. Бу морфеманинг полифункционаллигига боғлиқдир. Мисол сифатида *-чилик* аффиксини олайлик. Дарслик ва кўлланмаларда қуйидаги уч маъноси фарқланади:

1. Асосдан англашилган нарсани етиштирадиган соҳани ифода-ловчи от: *пахтачилик, уруғчилик, чорвачилик, узумчилик.*

2. Асосдан англашилган нарса-ҳодисанинг борлик ҳолатини билдирувчи от: *пишиқчилик, мўлчилик, арзончилик.*

3. Асосдан англашилган тушунча билан боғлиқ бўлган ишни билдирувчи от: *улфатчилик, тирикчилик, душманчилик.*

Аксарият морфема полисемик табиатлидир»¹.

Келтирилган парчада билдирилган фикрлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, морфеманинг ўз шакл ва маъно жиҳатига эга бўлган тил бирлиги экани барча томондан эътироф этилган. Лекин «Морфемада ҳам шакл ва маъно муносабати барқарор» деган жумла бирор тил ҳодисасини қайд эта олмайди. Иккинчидан, «Морфеманинг миқдоран чекланганлиги бу муносабатнинг кенг қамровлилигидан далолат беради» деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки «морфемаларда кўп маънолилик ҳодисаси мавжудлиги»ни бу тил бирлигининг миқдоран чекланганлиги билан асослаш мумкин эмас. Шунингдек, «Морфемик полисемиянинг «кенг тарқалганлилигини» морфеманинг «полифункционаллик хусусияти» билан ҳам асослаб бўлмайди. Чунки морфеманинг вазифаси сўз ясаш ва сўз шаклини ясаш экани маълум – шундан бошқа функцияси йўқ. Учинчидан, «Аксарият морфема полисемик табиатлидир» деган фикрни ҳам ўзбек тили материаллари тасдиқламайди. Биргина шахс оти ясовчи морфемалар мисолида фикримизни аниқ исботлаш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида *-чи, -шунос, -кор, -соз, -фуруш, -хўр* морфемалари шахс от ясайди, яъни буларнинг барчаси 'шахс' маъноли от ясайди: *дўторчи, ҳўқуқшунос, тадбиркор, йўлсоз, дўптифуруш, норинхўр* каби. Демак, бу морфемаларнинг асосий вазифаси сўз ясаш, сўз ясовчи бошқа морфемалардан фарқли хусусияти эса от туркумига мансуб шахс отлари ясашдир. Уларнинг шундан бошқа вазифаси

¹ Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек тили. Ўқув кўлланма. Тошкент: 2007. 146-б.

йўк. Шу вазифаси билан уларнинг «кўп маъноли» бўлишини асослаб, исботлаб бўлмайди. Шу билан бирга, бу аффиксларнинг баъзилари ёрдамида ясалган шахс отлари (морфемаларнинг ўзи эмас!) ўзига хос маънолари билан бир-биридан фарқланади. Ана шу икки нарса, биринчидан, бу ясама сўзларга хос 'шахс' маъносининг сўз ясовчи морфемага хослигини кўрсатса, иккинчидан, улардан баъзилари ёрдамида ясалган сўз (от)ларнинг бир-биридан фарқли маънога эга бўлиши ҳам сўз ясовчи морфемага хос деб қаралади, яъни кўп маънолилик ҳам морфемага тегишли деб кўрсатади. Лекин ҳақиқий ҳолат бошқача.

Биринчидан, келтирилган морфемалар билан ясалган сўзларда 'шахс' маъносининг шу сўзлар таркибидаги сўз ясовчи морфемага мансуб бўлишига шубҳа йўк. Лекин, иккинчидан, мустақил тил бирлиги эмаслиги боис морфемалар мустақил қўлланмайди, 'шахс' маъносини ҳам билдира олмайди. Морфемага хос маъно ясама сўз (шахс оти) таркибида воқеланади. Шу боис у ясама сўзга мансуб маъно ҳисобланади, яъни ясама сўз семемаси таркибидаги бир сема – 'шахс' семаси мақомида бўлади. Шунинг учун ҳам ясама шахс отларининг барчасида 'шахс' семаси мавжуд бўлади ва у умумий сема ҳисобланади. Демак, морфеманинг маъноси ҳақида гап борганида унинг ана шу моҳияти доимо эътиборда бўлиши керак. Масалага шу асосда ёндашилса, ясама сўзларда ҳам семантик муносабат, ўзаро семантик муносабатга киришиш морфемага эмас, ясама сўзга (лексемага) хос бўлади, яъни ясама сўзлар ўзаро муносабатга киришади ва турли типдаги лексик-семантик гуруҳларни ҳосил қилади.

Шахс оти ясовчи морфемалар ёрдамида ясалган сўзларнинг бир-биридан фарқли маънога эга бўлиши ва бу ҳодиса ҳам морфемага тегишли, морфеманинг кўп маънолилиги ҳодисаси деб қаралиши айтилди. Аслида, бу ҳодиса ҳам морфемаларга тегишли эмас. Масалан, *-чи* морфемаси билан ясалган шахс отларининг барчаси 'шахс' маъносига эга бўлади. (Шундай маъноли от яшаш *-чи* морфемасининг вазифаси). Шу билан бирга, бу морфема ёрдамида ясалган шахс отлари ўзига хос маънолари билан бир-биридан фарқланиши ҳам айтилди. Масалан, *спортчи, курашчи, муסיқачи, пахтакорчи, экскурсиячи* шахс отларининг бир-биридан фарқли маънога эгаллигини сезиш қийин эмас. Худди шу ҳодиса, яъни бир-биридан фарқли маънонинг мавжудлиги «кўп

маънолилик» деб қаралади ва у («кўп маънолилик») шу ясама отларни ҳосил қилган *-чи* морфемасига тегишли деб тушунилади, охиरोқибат «*-чи* морфемаси кўп маъноли» деган хулосага келинади. Аслида, бундай ясама отларнинг ҳосил бўлишида *-чи* морфемаси сўз ясашиш асосидан англашилган нарса билан «шуғулланувчи шахс» маъноси билан қатнашади. Сўз ясашиш асосининг нимани билдиришига кўра бундай ясама отлар маъно жиҳатдан бир-биридан фарқланади: *спортчи* – спорт билан шуғулланувчи шахс; *курашчи* – кураш билан шуғулланувчи шахс; *музиқачи* – музика билан шуғулланувчи (музика чалувчи) шахс; *экскурсиячи* – экскурсияда қатнашувчи шахс (экскурсия қатнашчиси) ва бошқалар¹. Шу ўринда яна бир фактга эътибор қаратамиз. *-чи* морфемаси ёрдамида бир сўз (сўз ясашиш асоси)дан ясалган сўз икки хил маънога эга бўлиши мумкин. Масалан, *гулчи* ясама сўзи: 1) 'гул етиштирувчи', 2) 'гул сотувчи' маъносини билдиради. Лекин бу икки маъно ҳам *-чи* морфемасига хос эмас, балки умумий ҳолатдан англашилади. Бу айтилганлар фақат сўз ясовчи *-чи* морфемасига эмас, шахс оти ясовчи морфемаларнинг барчасига, фақат шахс оти ясовчи морфемаларга эмас, умуман, сўз ясовчи морфемаларнинг барчасига тааллуқли. Бу факт сўз ясовчи морфемаларнинг кўп маънолилик хусусиятига эга эмаслигини аниқ тасдиқлайди.

Морфем синонимия масаласи. Морфемалар мустақил тил бирлиги эмаслиги боис улар ўзаро семантик муносабатга кириша олмас экан, морфемаларнинг синонимик муносабати, синонимияси ҳақида ҳам гапириш мумкин бўлмайди. Шу боис ҳам ўзбек тилшунослигига оид бирор ишда морфемаларнинг ўзаро маъно муносабатига киришиши – морфем синонимия ҳодисаси мавжудлиги исботланмаган ва шундай бўлиши табиийдир.

Проф. Ш. Раҳматуллаев морфем синонимия ҳодисаси, асосан, сўз ясовчи морфемаларга хослигини, унинг шакл ясовчи морфемаларда жуда оз учрашини алоҳида таъкидлайди: «4-§. Синоним бўлиш асосан лексема ясовчи морфемаларга хос...

Шакл ҳосил қилувчи морфемаларнинг синонимик муносабатда бўлиши жуда оз учрайди»². Шу боис шакл ясовчи морфемалар сино-

¹ Булар ҳақида маҳсус ишимизда фикр билдирилган: Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тили сўз ясашиши тизими. Тошкент: Ўқитувчи, 2007. 64–68-б.

² Т у р с у н о в У., М у х т о р о в Ж., Р а х м а т у л л а е в Ш. Юкорида кўрсатилган дарслик, 126-б.

нимияси масаласига тўхтамай, фақат сўз ясовчи морфемалар синонимияси ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдириш билан чекланамиз.

Ўзбек тилида шахс оти ясовчиларнинг бирдан ортиқлигини юқорида кўрдик ва бу барчага маълум. Ана шу морфемалар ўзбек тилшунослигида морфем синонимия ҳақида фикр юритилган ишларнинг деярли барчасида синоним морфемалар деб қаралади. Лекин, юқорида кўп бора таъкидланганидек, мустақил тил бирлиги эмаслиги боис сўз ясовчи морфемаларда ҳам семантик муносабат ходисаси бўлмайди, демакки, синонимик муносабат, синонимия ходисаси ҳам бўлмайди. Масалан, *-чи, -кор, -соз, -паз, -фуруш* морфемалари 'шахс' маъноли от ясайди: *найчи, галлакор, уйсоз, оштаз, мевафуруш* каби. Демак, 'шахс' маъноси шу ясама сўзларга мансуб (шу сўзларники) бўлади. 'Шахс' маъноли муносабат ҳам морфемаларга эмас, улар ёрдамида ясалган лексемаларга тааллуқли бўлади – 'шахс' маъноси асосида ясовчи морфемалар эмас, ясама сўзлар ўзаро муносабатга киришади, демак, ўзаро синонимлик морфемага эмас, лексемага хос ходиса ҳисобланади. Ясама сўз ёки ясовчи морфеманинг ўзаро синоним бўлиши масаласида ана шу қонуният асосида иш кўриш керак бўлади. Бу эса тўғри хулосаларга келиш имконини беради.

Морфем антонимия масаласи. Бу масала юзасидан ҳам ўзбек тилшунослигида тўғри ва аниқ бир фикрга келинмаган. Бу масала юзасидан мавжуд қарашларни, асосий моҳиятига кўра, уч турга ажратиш мумкин: 1) морфем антонимия ходисаси умуман тилга олинмаган ишлар¹; 2) морфем антонимия ходисасининг фақат сўз ясовчи морфемаларга хослиги эътироф этилган ишлар²; 3) антонимия ходисаси сўз ясовчи ва сўз шаклини ясовчи морфемалар учун, умуман, морфемалар учун хослиги тан олинган ишлар³. Келтирилган ана шу фактнинг ўзиёқ ўзбек тилшунослигида морфем антонимия масаласининг қандай ҳал этилганлиги ҳақида аниқ тасаввур бера олади.

Морфемалар мустақил тил бирлиги эмаслиги боис ўзаро семантик муносабатга кириша олмаслигини юқорида айтдик ва кўп маъ-

¹ Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Юқорида кўрсатилган дарслик.

² Шобдурохмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 166-б.; Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Юқорида кўрсатилган ўқув қўлланма. Тошкент: 2007. 147-б.

³ Рахматуллаев Ш. Юқорида келтирилган дарслик, 126-127-б.

нолилик, синонимия каби ҳодисалар морфем бирликлар учун хос эмаслигини исботлашга ҳаракат қилдик. Бу айтилган гапларнинг барчаси «қарама-қарши маъноли» морфемалар ва «морфем антонимия ҳодисаси»га ҳам тааллуқли, яъни морфем антонимия ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас. Бу эса «морфем антонимия» ҳақида ортиқча гапларга эҳтиёж қолдирмайди. Лекин ўзбек тилида шундай ҳодиса борлиги тан олинган ишларда бунинг исботи учун фактлар келтирилган. Шу боис фактларнинг қай даражада талабга жавоб бериши ҳақида қисқача тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Морфем антонимия ҳодисаси сўз ясовчи морфемаларга хослиги таъкидланган ишларда сўз (сифат) ясовчи *-ли* ва *-сиз* (*кучли* – *кучсиз*) морфемалари мисол сифатида келтирилади. Демак, бу ишларда ҳам антонимия ҳодисасининг сўз ясовчи барча морфемаларга хос эмаслиги, демакки, бу умумий ҳол эмаслиги тан олинади.

Ўзбек тилида *-ли* ва *-сиз* морфемаси билан ясалган сифатлар ўзаро зид маъноли (антоним) бўлади. Ўзаро зидлик – бу сўзлар таркибидаги *-ли* ва *-сиз* морфемаларига хос маъно ясама сўзнинг маъноси (семемаси) таркибига киради – ясама сўз семемасининг бир семаси ҳисобланади. *-ли* ва *-сиз* морфемаси билан ясалган сўзлар ана шу семалар билан бир-бирига зидланади: *кучли–кучсиз*, *бахтли–бахтсиз*, *асосли–асоссиз*, *саводли–саводсиз*... Демак, зидланиш (зидлик муносабати) морфемага эмас, сўзга (лексемага) хос бўлади. Яна шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бундай ясама сўзларда «бор–йўқ», «эга–эга эмас» деган маъно ифодаланмайди. Агар шундай маъно ифодаланганида, *-ли* ва *-сиз* аффиксли *одобли–одобсиз* каби сўзларни ясама сўз (ясама сифат) эмас, балки отнинг 'эгалик' ва 'эга эмаслик' маъносини билдирувчи шакли, яъни сўз шакли эканини тан олишга тўғри келар эдики, буни исботлаш мутлақо мумкин эмас.

Проф. Ш. Раҳматуллаев юқоридаги дарслигида морфемалардаги синонимия, антонимия каби ҳодисаларни лексемалардаги, лексемашакллардаги шундай ҳодисалар ўрганилгандан кейин, яъни парадигмалар доирасида ўрганишни маъқул кўради. Бунинг сабаби бор, албатта: морфемалар ўзаро семантик муносабатга кириша олмаслигини кўрдик. Демак, ясама сўз ва сўз шаклидан алоҳида (ажратилган) ҳолда морфемаларда полисемия, антонимия каби ҳодисалар борлигини исботлаб бўлмайди. Парадигмалар масаласида ўзбек тилшунослигида

мавжуд бўлган бир хатолик морфем антонимиянинг мавжудлигини исботлаш имконини берадигандек туюлади. Аслида эса бу хатолик морфем антонимия масаласида ҳам хато хулоса чиқаришга хизмат қилади.

Ўзбек тилшунослигида отнинг сон категорияси борлиги, унинг бирлик ва кўплик шакли парадигмани ҳосил қилиши; феълнинг бўлишли-бўлишсиз категорияси борлиги, бўлишли ва бўлишсиз шакллар парадигмани ҳосил қилиши эътироф этилади. Бу ишларнинг барчасида ўзбек тилида отнинг бирлик шаклини, феълнинг бўлишли шаклини ясовчи морфема йўқлиги тан олинади. Шундай экан, қандай қилиб ўзи йўқ морфема бирор морфемага, ўзи йўқ шакл бошқа шаклга зидланади, деган савол туғилиши табиий. Лекин бу саволга тўғри ва аниқ жавоб йўқ. Факатгина парадигманинг шакл ясовчига эга бўлмаган кўриниши (шакли эмас) унинг шакл кўрсаткичли шаклига нисбатан белгиланиши ҳақидаги қуруқ гаплар билан чекланилади. Парадигма ҳақидаги ана шундай нотўғри тушунча «морфем антонимия» масаласида ҳам ўзига хос хатога йўл қўйилишига сабаб бўляпти.

Маълум бўлдики, морфемани тил қурилишининг асосий бирлиги – мустақил тил бирлиги деб тушуниш ҳам, ўзбек тилида тилнинг фонологик, лексик системалари каби, морфем системаси борлигини тан олишга сабаб бўлган. Лекин морфеманинг **ясовчи бирлик** эканининг ўзиёқ бундай хулоса чиқаришга йўл қўймайди. Шу билан бирга, ўзбек тилида ўз ифода ва маъно жиҳатига, ўзига хос вазифага эга бўлган тил бирлиги бор экан, тилшуносликда унинг ўрганилиши, морфема тилшуносликнинг маълум соҳаси предмети, ўрганиш объекти бўлиши ҳам шубҳасиз. Вазифа – ана шуни белгилашдир. Иш давомида айтилганлардан бу масала анча ойдинлашиб қолди, яъни морфема сўз яшаш ва сўз шаклини яшаш учун хизмат қилар экан, у тилшуносликнинг шу тил бирликларини ўрганувчи «Сўз ясалиши» ва «Морфология» бўлимларининг предмети бўлиши табиий. Лекин тилшуносликнинг бу бўлимларида морфеманинг ўзи ўрганилмайди, балки унинг сўз ясаши, сўз шаклини ясаши билан боғлиқ ходисалар, ясама сўз ва сўз шакллари ўрганилади. Бу – бир томондан. Иккинчи томондан, морфемаларнинг барчаси учун умумий бўлган сўз яшаш ва сўз шаклини яшаш вазифаларига ўтишдан олдин, яъни «Сўз ясалиши» ва «Морфология» бўлимлари олдидан қайд этилиши, ёритилиши та-

лаб этиладиган белги-хусусиятлари ҳам бор. Масалан, морфеманинг мустақил тил бирлиги эмас, **ясовчи бирлик** бўлиши, ясовчи бирлик сифатида икки тури мавжудлиги ва бошқалар. Учунчидан, юқорида тил бирликларининг таснифи ҳақида фикр юритилганда айтилдики, фақат мустақил тил бирликлари эмас, шунингдек, функционал бирликлар ҳам, жумладан, ясовчи бирликлар ҳам умумий ва хусусий белгилари асосида муайян гуруҳларни ташкил этади ва бу гуруҳлар ҳам ўзига хос тил сатҳлари ҳисобланади. Демак, морфеманинг мустақил тил бирликлари каби муайян системани шакллантириши ҳақида эмас, балки ясовчи бирлик сифатида ясама сўз ва сўз шаклини ҳосил қилувчи бирлик экани ҳақида гапириш тўғри, асосли бўлади. Тилшуносликнинг ана шундай тил бирлиги (морфем бирлик – морфема) ҳақидаги таълимот қисмини «морфемика» деб аташга ҳам эътироз бўлмаса керак.

Морфем сатҳнинг ривожланиши

Ўзбек тилининг ривожланиши жараёнида унинг барча сатҳларида (фонетик, лексик ва бошқа сатҳларида) ўзгариш бўлгани каби, морфем сатҳида ҳам муайян ўзгаришлар юз бериши табиий. Лекин ўзбек тилшунослигида бу масалага деярли эътибор қаратилгани йўқ. Тўғри, баъзи ишларда аффиксларнинг этимологияси, сўзнинг морфологик таркибида юз берадиган ўзгаришлар ҳақида фикрлар билдирилган¹. Бирок тилнинг морфем сатҳида бўладиган ўзгаришларни аффикслар мисолида ўрганиш, баён этиш тўғри бўлмайди ва у қутилган натижани бермайди. Чунки «аффикс» термини морфеманинг моҳиятини қайд эта олмайди (Бу ҳақда юқорида айтилди). Шунингдек, сўзнинг морфологик таркибида юз берадиган ўзгаришлар фақат морфемага тегишли ҳодиса эмас. Ниҳоят, тилнинг морфем таркибида бўладиган ўзгаришлар ҳақида гап борар экан, унинг бошқа сатҳларда бўладиган ўзгаришлардан фарқли томонлари, ўзига хосликлари ва унинг сабаблари ёритилиши керак бўлади. Ўзбек тилшунослигида шуни мақсад қилиб қўйган, шу талабларга жавоб берадиган ишни учратмадик. Бунинг асосий сабаби ҳам ўзбек тилшунослигида морфема ва у билан боғлиқ тил ҳодисаларининг ўрганилиш аҳволи

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I т., Морфология, 66-116-б.

билан изоҳланади, яъни морфеманинг моҳияти, «морфем система», «морфем сатҳ» каби ҳодисалар ҳақида аниқ тасаввур бўлмаган шароитда «морфем сатҳнинг ривожланиши» масаласи кимнинг ҳаёлига келиши мумкин?

Тил қурилишининг ҳар бир сатҳи ўзига хос ривожланиш йўли, қонун-қоидаларига эга. Масалан, ўзбек тили лугат таркибининг ривожланиши шу системага хос тил бирликларининг тез суръатларда кўпайиши билан характерланади. Бу ҳам маълум факт. Бу жараёнда ўзбек тилининг ўз имкониятлари асосида янги сўзлар яшаш, ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш каби омиллар муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, шундай йўллар билан сўз ҳосил қилишга эҳтиёж ҳам бўлиб туради. Морфем таркибнинг ривожланишида эса бундай ҳолатлар, ҳодисалар деярли ёки бутунлай кузатилмайди. Масалан, морфема ясалмайди, ўзга тилларга оид морфемани ўзлаштириш ҳам жуда кам учрайдиган ҳодиса. Қолаверса, морфемаларнинг сўзлар каби даражада кўпайишига тилда эҳтиёж сезилмайди ва ҳоказо. Булар луғат таркиби тараққиёти билан морфем таркибнинг ривожланишидаги асосий фарқлардир.

Ўзбек тили материалларининг кўрсатишича, бу тилдаги морфемалар, асосан, қуйидаги йўллар билан, қуйидаги тил бирликларидан юзага келган:

1. Фонетик таркибига кўра муайян умумийликка эга бўлган туб сўзлардан юзага келган. Бундай морфемалар жуда кам миқдорда. Масалан, феълнинг нисбат шакллари ясовчи *-л, -н, -и* морфемалари охири шу ундошлар билан тугаган ва бир умумий семантикага эга бўлган туб феъллар асосида юзага келади¹.

2. Кўмакчи сўздан келиб чиқади. Масалан, *ишлаб ётибди, ишлаётибди* феъл шаклларидаги *ётиб* кўмакчи феъл эмас, балки ҳозирги замон феъл шаклини ясовчи морфема ҳисобланади. Чунки бу феъл шаклларидаги *ёт* кўмакчиси феъллик моҳиятини бутунлай йўқотган бўлиб, *ётиб* яхлит ҳолда бир тил бирлиги – ҳозирги замон феъл шаклини ясовчи бирлик – шакл ясовчи бирлик, демак, морфема ҳисобланади. Ўзбек тили тараққиёти жараёнида феълнинг *ётиб* шакли *яп* ҳолига келган: *ишлаётибди > ишляяпти*. Ўзбек шеваларида

¹ М и р т о ж и е в М. Нисбат категориялари семантикаси ва улар формантлари генезиси / Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. 2-сон. 33-37-б.

эса унинг кўплаб вариантлари мавжуд¹. Ҳозирги-келаси замон феъл шаклининг учинчи шахс кўрсаткичи *-ди* морфемаси *тур* кўмакчи феълнинг *турур* (*дурур*) шаклидан келиб чиққан: *келатурур/келадурур* > *келади* > *келади* ва бошқалар (Бу ҳақда ишнинг морфологик системага бағишланган ўрнида фикр билдирилган).

3. Аффикс морфеманинг фонетик ўзгаришга учраши билан янги морфема юзага келади: *саргармоқ* > *саргаймоқ*. Қиёс: *кўқармоқ*, *оқармоқ* (Бу факт сўз ясалишига оид ишларда қайд этилган).

4. Аффикс морфемалар бирикиб, бир морфемага айланади. *-гарчилик* (*одамгарчилик*), *-чилик* (*деҳқончилик*), *-лан* (*руҳланмоқ*), *-моқди* (*келмоқда*), *-моқчи* (*келмоқчи*) морфемалари шу йўл билан юзага келган. Булар «кўшма аффикслар» деб ҳам юритилади. Лекин буни морфемаларни кўшиш билан морфема ҳосил қилиш деб тушунмаслик керак, ўзбек тилида морфемани кўшиш ҳодисаси йўқ. Уларни «кўшма аффикс» деб аташ таркибида ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган бирдан ортиқ морфеманинг бўлишига кўради. Морфема эса, юқорида алоҳида таъкидланганидек, бирон-бир усул билан ясалмайди. Юқоридаги каби морфемалар эса тил тараққиёти жараёнида таркибидаги қисмларда мавжуд бўлган имконият асосида ҳамда шундай морфемага эҳтиёж борлиги сабабли юзага келади. Булар ҳақида ишнинг сўз ясалиши ва морфологик системаларга бағишланган қисмларида ҳам фикрлар билдирилган.

5. Ўзга тиллардан (бошқа системага мансуб тиллардан) ўзлашган морфемалар. Булар, асосан, сўз ясовчи морфемаларда кузатилади: *адабиётшунос*, *атласфуруши*, *илмий*, *оғлавий* ясама сўзларидаги *-шунос*, *-фуруши*, *-ий*, *-вий* морфемалари шулар жумласидандир.

Хуллас:

1. Ўзбек тили системаларининг шаклланиши билан боғлиқ назарий масалалар юзасидан олиб борилаётган ишлар кўпгина тил ҳодисаларининг моҳиятини тўғри белгилаш, тўғри ёритиш имконини берди ва шундай ишларни давом эттириш, кучайтириш асосий вазифалардан бўлишини кўрсатди. Шу билан бирга, бу борадаги ишларда юзага келаётган салбий оқибатларнинг, хато ва камчиликларнинг асосий

¹ Бу ҳодиса махсус маколамизда кенг ёритилган: Ҳ о ж и е в А . Аниқ ҳозирги замон феъл формасининг келиб чиқиши ҳақида //Ўзбек диалектологиясидан материаллар. II. Т. 1961. 442-450-б.

сабабларидан бири ўзга тилшуносликка оид ишларда мавжуд бўлган фикр-мулоҳазаларни ўзбек тилшунослигига кўчириш – кўчирмачилик билан шуғулланиш эканлигини, аксинча, бевосита ўзбек тилининг ўз материаллари асосида иш олиб бориш ижобий натижаларга олиб келишини очиқ-ойдин тасдиқлади.

2. Тил системаларининг шаклланиши билан боглик ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри ёритиш лисон билан нутқни, лисоний бирлик билан нутқий бирликни тўғри фарқлаш имконини берди, яъни **лисон** – киши миясидаги тил хотираси марказида мавжуд бирликлар ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборат бойлик. **Нутқ** – лисоннинг фикр ифодалаш жараёнида амал қилиши. Лисоний бирлик лисонга, нутқ бирлиги нутққа мансуб бўлади. Лисоний бирликнинг намоён бўлиши нутқ бирлигини юзага келтиравермайди. Шунингдек, нутқсиз нутқ бирлиги ҳақида гапириш мумкин эмас.

3. Тил системаси ҳақида фикр юритилган ишларнинг деярли барчасида қўлланган, қўлланаётган «тил қурилиши» бирикмаси таркибидаги «қурилиш» сўзи тил системасига алоқадор бирор ҳодисани қайд эта олмайди, бинобарин. «тил қурилиши» бирикмасини термин сифатида қўллаш мумкин эмас ва қўллашга эҳтиёж ҳам йўқ.

4. Муайян қийматга эга бўлган тил бирликлари мажмуини *тил сатҳи* термини билан аташ мумкин ва тўғри бўлади. *Тил босқичи* бирикмасини қўллашга эҳтиёж йўқ.

5. Бир хил қийматга эга бўлган тил бирликларининг йигиндиси, мажмуи тил сатҳини ташкил этади.

6. Бундай тил бирликларининг ўзаро муносабатидан ташкил топган гуруҳлар *тузилма (структура)* дейилади.

7. Бундай тузилмалар муайян сатҳга хос система (системалар) ҳисобланади.

8. Асосий вазифасига кўра тил бирликларининг уч тури фарқланади: 1) тил системаларини шакллантирувчи бирликлар; 2) ясовчи бирликлар; 3) функционал бирликлар.

9. Тил бирлиги сифатида морфема икки моҳиятга эга: 1) тил сатҳини ташкил этувчи бирлик – морфем сатҳ бирлиги; 2) ясовчи бирлик – ясама сўз ва сўз шаклини ясовчи бирлик.

10. Ясама сўз ва сўз шаклида сўз ясовчи ва шакл ясовчи морфема қўшиладиган қисм морфемадан бошқа моҳиятга эга бўлган тил бир-

лиги – уни морфема ҳисоблаш мумкин эмас. Шу боис унга нисбатан ўзбек тилшунослигида қўлланаётган “ўзак морфема”, “бош морфема”, “асосий морфема”, “етакчи морфема” «терминлари» бирон-бир моҳиятни қайд эта олмайдиган, кераксиз терминлардир. Ўз навбатида, “ёрдамчи морфема”, “эргаш морфема”, “грамматик морфема” каби терминларга ҳам эҳтиёж йўқ.

11. Ясовчи бирлик сифатида унинг амалиёти билан боғлиқ ходисалар тилшуносликнинг «Сўз ясалиши» ва «Морфология» бўлимларида ўрганилади.

12. Морфема тил системасини, жумладан, «морфем система» деб аталиши мумкин бўлган системани шакллантирмайди – у системани ташкил этувчи бирлик эмас. Бу унинг мустақил бўлмаган тил бирлиги экани билан изоҳланади.

13. Тил тараққиёти жараёнида, унинг барча сатҳларида бўлгани каби, морфем сатҳда ҳам ривожланиш юз беради. Бу ривожланиш ҳам баъзи морфемаларнинг истемолдан чиқиши, янгиларининг пайдо бўлиши билан характерланади. Морфема ясалмайди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ЛЕКСИК СИСТЕМА. ТИЛ БИРЛИГИ – СЎЗ (ЛЕКСЕМА)

Сўз ва лексема

Умумтилшуносликда тилни система сифатида ўрганиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари ўзбек тилшунослигига ҳам ўз таъсирини ўтказди: ўзбек тилшунослигида ҳам кейинги вақтларда ўзбек тилини система сифатида ўрганишга, айниқса, ўзбек тили системаларининг шаклланиши билан боглиқ назарий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди, бу эса ўз самарасини бера бошлади. Ўтган қисқа вақт ичида тил бирликлари, улардан ҳар бирининг моҳияти юзасидан билдирилган янги-янги фикрларнинг ўзиёқ бунга далил бўла олади. Лекин бу борадаги энг муҳим, биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина масалалар бўйича ҳам тўғри ва аниқ бир фикрга келинганича йўқ. Бу эса тил системаларини шакллантирувчи ҳар бир тил бирлигининг, улар асосида юз берадиган тил ходисаларининг моҳияти ниҳоятда мураккаблиги билан изоҳланади. Ана шундай мураккаб, ҳал этилиши муҳим, долзарб бўлган масалалардан бири «сўз» деб аталувчи тил бирлигининг моҳияти масаласидир. Лекин бу масалада эришилган натижаларнинг ижобийсидан кўра салбийлари салмоқли ўрин тутади, десак хато қилмаган бўламиз. Буни шу ҳолатданок аниқ кўриш мумкинки, бир ишда лексик система тил бирлиги учун *лексема* термини умуман тилга олинмаса¹, бошқа бир ишда бу тил бирлиги учун *сўз* термин сифатида умуман қўлланмайди². Баъзи ишларда эса лексема лисоний бирлик, сўз эса нутқ бирлиги деб қаралади. Лексикология масалаларига бағишланган яна бошқа ишларда *сўз ва лексема* терминларининг моҳияти, бир-бирига муносабати ҳақида ҳеч қандай гап йўқ, фақат сўз термини қўлланади³.

¹ Зикриллаев Ф. Истиклол ва адабий тил. Тошкент: Фан, 2004.

² Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент: Университет, 2002.

³ Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: 2004. 145-183-б.

Шу келтирилган фактнинг ўзиданок ўзбек тилшунослигининг энг марказий, назарий масаласида – тил системасига оид асосий бирликлар масаласида қай даражада кўнгилсиз ҳолат юзага келганлигини сезиб олиш қийин эмас. Ўзбек тилшунослигининг амалиёти билан боғлиқ ишларимизда бу каби ҳолатнинг нақадар зарарли оқибатларга олиб келишини кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Энг ажабланарлиси, ачинарлиси шундаки, бундай хатоликлар ҳақида, бир-бирига зид қарашларнинг на униси, на бунисига жиддий муносабат билдирилмапти. Ўзбек тили фактлари мутлақо тасдиқламайдиган қарашлар асосида ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари, ҳатто дарсликларни чоп этиш ишлари давом этяпти.

Тилни система сифатида ўрганишга жиддий эътибор қаратиш билан бирга ҳозиргача бўлган ўзбек тилшунослигининг камчиликлари ҳақида ҳам фикрлар билдириляпти. Жумладан, тил ва нутқ, тил бирлиги билан нутқ бирлиги масаласига жиддий эътибор берилмаганлиги ва бошқалар. Қизиги шундаки, «систем тилшунослик» талаби асосида бажарилган тадқиқотларда худди шу масалада хатоликлар, чалкашликлар янада кўпайди, кўпайишда давом этяпти¹. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, ўзбек тилини система сифатида ўрганишнинг аҳамияти ҳақида жуда кўп гапирилаётган бўлса-да, лекин ҳар бир системани, жумладан, лексик системани шакллантирувчи тил бирлиги ва унинг моҳияти аниқ белгиланганича йўқ. Бу ҳол ўзига хос салбий натижаларини бeryаптики, иш давомида бунга ишонч ҳосил қиламиз.

Лексема термини ҳақида

Тилшуносликда луғавий бирликнинг ифодаси учун *лексема* терминининг истеъмолга киритилгани маълум. Натижада айни бир ҳодиса учун, яъни луғавий бирликнинг ифодаси учун икки термин – *сўз* ва *лексема* терминининг қўлланиш ҳолати юзага келди. Аслини олганда, *лексема* термини *сўз* термини билан бир хил (тенг) маъноли термин сифатида истеъмолга киритилгани йўқ. Баъзи мутахассисларгина бу терминнинг истеъмолга киритилиш сабабини тўғри англаб етмаяптилар. Худди шу мутахассисларнинг ўзбек тили лексикасини система сифатида ўрганишга бағишланган ва шундай ўрганишни

¹ Булар ҳақида ишнинг биринчи қисмида ҳам етарли маълумот берилди.

таргиб этувчи ишларида турлича хатоликлар, ўзбек тили материаллари тасдиқламайдиган фикрлар кўплаб учрайди.

Умумтилшуносликда, жумладан, Европа тилшунослигида лугавий бирликни ифодалаш учун *лексема* терминининг истеъмолга киритилиши, бунинг сабаби, унинг сўз терминидан фарқли белгиси ва шу кабилар ҳақида аниқ ва тўғри фикрлар билдирилган. Шу боис бу масалада баҳс-мунозаралар йўқ ҳисоб; бу терминларнинг ҳар бири ўз ўрнида қўлланишда давом этапти. Афсуски, ўзбек тилшунослигида шундай ҳолат кузатилмайди. Бунинг оқибатида ўзбек тилшунослигида лексема билан сўз масаласида бир-бирига зид фикрлар, қарашлар давом этапти. Бу ҳолат эса бошқа масалаларда ҳам турли хатоликлар, ортикча, кераксиз баҳс-мунозараларнинг келиб чиқишига сабаб бўляпти. Буларнинг барчаси тилшуносликда сўз ва лексема ҳақида мавжуд бўлган, тайёр фикрларни тўғри ўзлаштира олмаслик ҳамда тил ҳодисаларининг моҳиятини белгилашда бевосита тил фактлари асосида иш кўрмаслик, ўзбек тилининг материалларига етарли эътибор бермасликнинг оқибатидир.

Бир вақтлар тилшуносликда сўз терминининг талабга жавоб бермай қолганлиги, ҳатто сўзга таъриф бериб бўлмайдиган ҳолат юзага келганлиги ҳақида гап кўпайди. Кейинги вақтларда бундай гаплар, ҳеч қандай асоссиз, ўзбек тилшунослигига ҳам кўчирилди. Бу билан сўз термини ўрнида *лексема* терминини қўллаш тўғри ва мақбул бўлишини исботлашга ҳаракат ҳам қилинди: «Лекин лексемалар ичида шундайлари ҳам борки, улар гапда мустақил ўринни эгаллай олмайдилар. Бундай лексемалар сирасига ёрдамчи сўзлар (боғловчилар, соф от, феъл, равиш кўмакчи, юклама, нисбий сўзлар ва б.; *ҳам, ҳамда, бироқ, лекин; учун, билан, каби, янглиг, бурун* кабилар) киради. Моҳиятан ушбу ёрдамчи лексемалар грамматик морфемалардир. Лексемалар билан (луғавий морфемалар билан) қўшимчалар (грамматик, аффиксал морфемалар) орасида ана шундай боғланишни, бирининг иккинчисига ўтиш хусусиятини ҳисобга олмаслик анъанавий тилшуносликда сўз таърифини беҳад чигаллаштириб юборди. Натижада сўзга таъриф бериб бўлмайдиган даражага келиб қолди. Систем лексикология эса бу қарама-қаршиликка чек қўйди»¹.

Қисқа қилиб шунни айтиш керакки, биринчидан, моҳиятан бириридан фарқли тил бирликлари фарқланмай, улар учун сўз термини

¹ Неъматов Х., Расулов Р. Юкорида кўрсатилган асар, 37-38-б.

қўлланган экан, бу факт сўз терминининг айби эмас, тилшуносликнинг муайян даврдаги даражаси, шу давр тилшуносларининг савияси билан изоҳланади. Ҳар бир тил бирлигининг моҳияти аниқ (тўғри) белгилангач, ҳар бири учун мувофиқ термин яратилади. Бу билан сўз ортикча “юк”дан қутулади, унга таъриф бериш ҳам кийин бўлмайди. Демак, бунинг учун лугавий маъноли бирликка нисбатан қўлланиб келган сўз терминини *лексема* термини билан алмаштиришга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган. Қолаверса, бундай алмаштириш ўзига хос салбий оқибатларни юзага келтирдик, кўпгина масалаларда бунга ишонч ҳосил қиламиз. Яна шуни ҳам айтиш керакки, “анъанавий тилшунослик”ни лугавий морфемалар билан аффиксал морфемалар орасидаги боғлиқликни, бирининг иккинчисига ўтишини ҳисобга олмасликда айблаб, “систем лексикология бу қарама-қаршиликка чек қўйди” дейиш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Ҳ. Нёзматов, Р. Расулов ва Ш. Раҳматуллаевларнинг рисолаларида лексема билан сўзга махсус таърифлар берилган: «...луғавий морфемаларни умумлашган маъноли грамматик қўшимчалардан – аффиксал морфемалардан фарқлаш зарур. Шу сабабли систем тилшуносликка *лексема* тушунчаси ва атамаси киритилган»¹

Морфеманинг бир турини иккинчи бир туридан фарқлаш учунгина *лексема* тушунчаси ва атамаси киритилган бўлса, у ҳолда бу терминни қўллашга эҳтиёж бўлган ва ҳозир ҳам бор дея олмаймиз. Чунки, биринчидан, ўзбек тилида морфеманинг «лексик морфема» деб аталиши мумкин бўлган турининг ўзи йўқ. Иккинчидан, «грамматик морфема» деб аталаётган бирликнинг (умуман морфеманинг) моҳиятини «лексема» сўзисиз ҳам аниқ тасаввур этиш ва ёритиш мумкин. Яна эътибор беринг: «Лексема – тил бирлиги, тайёр ва турлича имкониятлар мажмуаси бўлса, сўз унинг вокеланиши, рўёбга чиқиши, аниқ шакл, мазмун ва вазифа кашф этган моддий кўринишидир. Ҳар бир лексема нутқда муайян сўз сифатида намоён бўлади» (Шу рисола, 47-б.).

Проф. Ш. Раҳматуллаев лексеманинг моҳияти ҳақида шундай дейди: “Тил хотирасида ҳар бир лексеманинг тил бирлиги сифатида ўз рамзи бўлади, ана шу рамз асосида лексема нутқда талаффуз бирлиги сифатида намоён бўлади. Шунга кўра бу тил бирлиги лисоний бирлик

¹ Нёзматов Ҳ., Расулов Р. Шу рисола. 37-б.

ҳолатида *лексема* деб, нутқий бирлик ҳолатида *леке* деб юритилади»¹.

Биринчи ишда лексеманинг намоён бўлиши билан нутқ бирлиги – сўз юзага келиши (лексеманинг сўзга айланиши) тан олинади. Ш. Раҳматуллаев эса бу фикрга қўшилмайди ва бирор ўринда сўз терминини қўлламайди. Бунинг сабаби ҳақида эса ишда бирор фикр-мулоҳаза учратмадик.

Лексема тушунчаси ва атамаси морфеманинг бир турини иккинчи бир туридан фарқлаш учун киритилган бўлса, у ҳолда лисоний бирликнинг *лексема* деб аталадиган тури бўлиши мумкин эмаслиги айтилди. Бироқ юқорида айтилганлар ва келтирилган фактлардан ҳам маълум бўлиб турибдики, асосий гап лексемани морфемадан фарқлашда эмас, балки лисоний бирлик билан нутқий бирликни фарқлаш, аниқроқ қилиб айтганда, *лексема* деб аталмиш лисоний бирликнинг нутқий бирлик бўлмиш *сўзга* айланиши устида боряпти. Бу фактлар яна шундан далолат бериб турибдики, «лексема» терминининг нима учун киритилганлиги ҳам, лексеманинг нутқда сўзга айланиши ҳақидаги гап ҳам асоссиз гапдан бошқа нарса эмас. Улар ўзбек тилининг ўз материалларини таҳлил этиш асосида чиқарилган хулосалар эмас².

Келтирилган фактларнинг ўзиданок кўришиб турибдики, баъзи тилшуносларимиз *лексема* терминининг истеъмолга киритилиш сабабини тўғри англаб етмаганлар ёки ўзларича бу масалада янгилик яратмоқчи бўлганлар.

Юқорида қайд этилган икки ишда тил (лисон) билан нутқни, лисоний бирлик билан нутқий бирликни фарқлаш тилни система сифатида ўрганишда муҳим аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланган (Аслида, бу гаплар ҳам бошқа тилшуносликка оид илмий адабиётларда қайд этилган). Бироқ худди шу ишларнинг ўзида бу ҳодисаларнинг, бу тил бирликларининг моҳияти тўғри ечимини топгани йўқ. *Лексема* ва сўз масаласида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин.

Юқоридаги таърифдан кўрдикки, лексема – лисоний бирлик, «хар бир лексема нутқда муайян сўз сифатида намоён бўлади». Аммо бу ва шунга ўхшаш гаплар жуда кўп айтилса-да, улар фактлар асосида ўз исботини топганича йўқ ва топиши мумкин ҳам эмас.

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўша рисола, 16-бет.

² Лисон ва нутқ, лисоний бирлик ва нутқий бирлик ҳақида ишнинг морфемага бағишланган биринчи қисмида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирганмиз.

Умумий тилшуносликка оид адабиётларда мустақил сўзнинг луғавий ва грамматик маънога эгаллиги, шунинг учун ҳам у *лексик-грамматик бирлик* ҳисобланиши қайд этилган ва бу фикрга шу вақтгача бирон-бир эътироз билдирилганича йўқ¹. Демак, луғавий маънога эгалик сўзнинг бир хусусияти, туркумлики – қайси сўз туркумига мансублики қайд этувчи маъно эса унинг грамматик (категориал) маъноси (иккинчи хусусияти) деб қаралган. Луғавий маъно ҳар бир сўз учун хусусий маъно, грамматик маъно эса сўзлар, сўзлар гуруҳи (лексик-грамматик бирликлар) учун умумий маъно ҳисобланган². Шундай экан, сўзнинг бир томонини, яъни луғавий маъносини алоҳида олиб, уни қандайдир «тил бирлиги»га ёпиштириш ва бу бирликни «лексема» деб аташ мумкин эмас ва бундай қилишга эҳтиёж ҳам йўқ. Шунингдек, сўзнинг туркумлик маъносини алоҳида олиб (ёки шу маъно асосида), уни грамматик бирлик, яъни «сўзшакл» ёки «сўзнинг шакли» ҳисоблаш ҳам мумкин эмас.

Сўзнинг луғавий маъноси (семемаси) таркибида умумий (бирлаштирувчи) ва хусусий (фарқловчи) сема бўлиши маълум. Луғавий маънодаги умумий сема бирдан ортик сўзда мавжуд бўлиши мумкин. Ана шу умумий семаси асосида сўзлар муайян гуруҳга бирлашади ва бу гуруҳлар сўзларнинг маънога (луғавий маънога) кўра гуруҳи ҳисобланади ва, одатда, «сўзларнинг семантик гуруҳи» ёки «лексик-семантик гуруҳ» деб юритилади. Масалан, *олма, нок, гилос, тол, олхўри, шафтоли* сўзларининг маъноси (семемаси) таркибидаги «дарахт» семаси; *дарахт, бута, райҳон, гул* сўзларининг семемасидаги «ўсимлик» семаси шу сўзларнинг маъносидаги умумий сема ҳисобланади. Шу семаси асосида улар бир семантик гуруҳни ташкил этади. Тилшуносликнинг лексикология бўлимида сўзнинг луғавий маъноси, маънога кўра гуруҳлари ва улар билан боғлиқ ҳодисалар ўрганилади. Бошқача айтганда, худди шу томонлари билан сўз лексикологиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Ана шу айтилганларнинг ва келтирилган фикрларнинг ўзиёқ «лексема» деб аталиши мумкин ёки шарт бўлган, сўздан бутунлай

¹ Березин Ф. М., Головин В. Н. Общее языкознание. М.: 1979. -С.154.

² Бу ҳақда маҳсус мақоламизда фикр билдирилган: Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (6-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 3-сон. 30-37-б.

фаркли, алохида тил бирлиги йўқлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам эътиборли манбаларда *лексема* сўздан фаркли бўлган алохида тил бирлиги сифатида қаралмайди, аксинча, лексик маъно сўзга мансуб эканлиги эътироф этилади, лексема *тилнинг лугат таркибига мансуб сўз* сифатида таърифланади¹. *Лексика* эса «тилдаги сўзлар мажмуи» деб таърифланади². Бундай эътирофни рад этиш ва шу маънода *лексема* терминининг қўлланишига қўшилмаслик мумкин эмас. Зеро, худди шу маънода *сўз* термини ўрнида *лексема* терминини қўллаш сўзнинг луғавий маъноси билан боғлиқ тил ходисаларини аниқ қайд этиш, уларнинг моҳиятини тушуниш ва тушунтиришда катта имкониятлар, қулайликлар юзага келтиради, илмий-тадқиқот ишларида жуда қўл келади. Аслида ҳам, худди шундай имкониятлар бериши туфайли *лексема* термини истеъмолга киритилган. Унинг шу имкониятлари асосида иш кўрилса, ҳозирда ўзбек тилшунослигида сўз ва лексема масаласида мавжуд бўлган нохуш ҳолатларнинг барчасига – «лексема лисоний бирлик, сўз нуткий бирлик», «лексема намоён бўлиши билан сўзга айланади» каби тутуруксиз, асоссиз гапларнинг барчасига чек қўйилади, сўз терминидан воз кечиб, фақат *лексема* терминини қўллашга ўтишдек ниҳоятда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатнинг олди олинадиган ва ҳоказо (Иш давомида бунга тўла ишонч ҳосил қилинадиган).

Лексема термини сўзга хос бўлмаган бирон-бир тушунчани, масалан, «луғавий маъно»дан бошқа нарсани билдира олмас экан, уни моҳиятан сўздан фарқли термин сифатида қўллаш мумкин бўлмайди. Худди шу нарса лексемадан бошқа бир тил бирлиги ясалиши ёки ясалмаслиги масаласидаги баҳс-мунозараларга ҳам чек қўяди, яъни ясалиш ходисасининг лексемага эмас, сўзга хослигига шубҳа қолдирмайди – ясалиш (сўз ясалиши ва шакл ясалиши) сўз

¹ Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия. 1990. -С.297. Шу ишда сўз, морфема, лексема ҳақида ниҳоятда кимматли фикрлар билдирилган. лекин лексеманинг воқеланиши билан лисоний бирликдан нуткий бирликка айланиши ёки «лексеманинг сўзга айланиши» ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. Чунки шундай ходисанинг ўзи йўқ. Яна қаранг: Розенталь Д.Е., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. М.: Просвещение. 1976 -С.160.; Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2002. 56-, 58-б.; Березин Ф.М., Головин В.Н. Юқорида кўрсатилган асар. -С.165-166.

² Березин Ф.М., Головин В.Н. Юқорида кўрсатилган асар. -С.162.

асосида, сўзнинг лугавий ёки туркумлик маъноси асосида юз беради, ҳар икки ҳолатда, яъни сўз ясалиши ва шакл ясалишида сўз «ясалиш асоси» вазифасини бажаради.

Хуллас, *лексема* терминининг истеъмолга киритилиши ва унинг моҳиятини тўғри англаш кўпгина тил ҳодисаларининг моҳиятини тўғри ёритиш имконини беради. Шу боис унинг ўзига хос вазифага эга бўлган термин сифатида қўлланаверишига эътироз бўлиши мумкин эмас.

Биз ҳам *лексема* терминини худди шу маънода – «тилнинг лугат таркибига мансуб сўз» маъносида қўлладик. Сўз термини эса, ўрни билан шу маънода ҳам қўлланавериши мумкин. Эса фақат сўз термини қўлланиши керак. Шу боис ҳам туркумланиш ҳақида фикр юритилганда, фақат сўз термини қўлланади – сўз *туркумлари*, *сўзларнинг туркумланиши* каби бирикмалардаги сўз ўрнида *лексема* сўзини қўллаш мумкин эмаслигининг сабаби ҳам шунда.

Хуллас, *лексема* термини «тилнинг луғат таркибига мансуб сўз», «луғавий маъноли сўз» деган маънода, сўзнинг бир вазифасидагина қўлланади. Қолган ҳолларда «сўз» ўрнида «лексема» қўлланмайди. Масалан, *сўз ясалиши*, *сўз шакли*, *сўз урғуси*, *сўз бирикмаси*, *сўзларнинг пайдо бўлиши*, *луғатнинг сўзлиги* бирикмалари таркибидаги сўз ўрнида *лексема* қўлланмайди.

Шу айтилганлар асосида фақат луғавий системанинг тил бирлигини *лексема*, системанинг ўзини *лексик система* деб атадик – уларга нисбатан шу терминларни қўлладик.

Лексик маъно ва тушунча

Лексик системаларнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишда лексик маъно билан тушунчанинг моҳиятини аниқ фарқлаш муҳимдир. Анъанага кўра, сўзнинг маъноси билан тушунчанинг фарқи ҳақида гапирилар, шу боис бу ҳақда «сўз ва тушунча» каби сарлавҳалар остида фикр юритилар эди. Лекин, юқорида кўрдикки, луғавий маъно ҳақида гап борганида, *лексема* сўздан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Луғавий маъно билан тушунчанинг моҳиятини белгилашда ва ифодалашда ҳам *лексема*, *лексик маъно* терминларининг афзалликларга эгаллиги янада аниқроқ намо-

ён бўлади. Масалан, сўзнинг мазмун жиҳати ҳақида гап борганида, «сўзнинг луғавий маъноси» бирикмасини ҳамма вақт қўллаш мумкин, «лексеманинг луғавий маъноси» бирикмасини қўллаш деярли кузатилмайди. Чунки лексеманинг шундан бошқача маъноси йўқ – “лексик маъно” дейишнинг ўзи кифоя. Лексеманинг маълум воқеликни номлаши ва маълум бир луғавий маъно англатиши шу мавзуга оид барча ишларда эътироф этилган. Тушунча эса бундай маънодан, яъни лексик маънодан фаркланади. Бошқача айтганда, лексеманинг тушунчани ифодалаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Лексема, юқорида айтилганидек, луғавий маъноли сўз, лексикологиянинг объекти сифатидаги сўз – лексик сўз. Шунинг учун ҳам уни (*лексема* сўзини) тушунчани ифодаловчи бирлик сифатида қўллаш мумкин эмас. Луғавий маъно изоҳланади, тушунча эса таърифланади, тушунтирилади. Тушунчани қайд этувчи сўзлар “термин” деб юритилади.

Сўз, лексема, лексик маъно ва тушунча ҳақида айтилганлардан маълум бўлдики, сўз: 1) луғавий маъноси билан, шундай маъно ифодаловчи сифатида – лексема; 2) фан, техника ва бошқа соҳага оид тушунчани аниқ ифодаладиган бирлик сифатида – термин. Демак, *лексема*, *термин* ўрнида ‘сўз’ни қўллаш мумкин, лекин *лексема*, *термин* сўзларини сўз термини ўрнида қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлавермайди – сўзнинг мазмун жиҳати кенг. Шу билан бирга, *лексема* ва *термин* сўзларининг (термин сифатида) бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин эмас. Чунки улар сўзга хос бошқа-бошқа хусусиятларни ифодаловчи, сўзни бир-биридан фарқли хусусияти билан билдирувчи бирликлардир¹, 3) *лексема* сўзининг термин сифатида истеъмолга киритилиши ва унинг моҳиятини тўғри англаш асосида иш кўриш тил ходисаларининг моҳиятини тўғри ёритиш имконини беради.

Лексеманинг семантик таркиби

Лексеманинг ўз ифода ва мазмун жиҳатига эга бўлган тил бирлиги эканлиги, ифода (шакл) жиҳати фонемалардан ташкил топиши адабиётларда қайд этилган, бу масалада фикрлар бир хил. Лекин лексеманинг мазмун жиҳати ва у билан боғлиқ жуда кўп ходисаларнинг

¹ Бу ўринда терминнинг ўзига хос барча хусусиятларига тўхташни лозим топмаймиз.

моҳияти масаласида бир хил фикрга келинганича йўқ. Бунинг асосий сабаби лексема маъноси таркибий қисмларининг ва улар билан боғлиқ ҳолда юз берадиган тил ҳодисаларининг моҳияти ниҳоятда мураккаблигидадир. Ана шу ҳодисаларни, улардан ҳар бирининг моҳиятини тўғри белгилаш эса лексик системанинг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини аниқ ва тўғри ёритиш имконини беради. Демак, лексеманинг таркибий қисмлари, улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш лексик системаларнинг шаклланиши билан боғлиқ масалаларни ёритишда биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Бу эса мазкур вазифанинг қай даражада муҳимлиги ҳақида аниқ тасаввур беради.

Сўзнинг маъноси *семема* термини билан, семеманинг таркибий қисллари *сема* термини билан юритилаётгани маълум. Лекин семема таркибидаги семалар, уларнинг моҳияти, баъзиларининг ҳатто бор-йўқлиги ҳақида бир фикрга келинган эмас. Ўзбек тилшунослигида лексеманинг семемаси таркибида қуйидаги семалар бўлиши ҳақида фикрлар бор: 1) аташ семаси (номловчи сема); 2) ифода семаси (коннотатив сема); 3) туркумлиқ семаси; 4) вазифа семаси. Булардан аташ семаси (номловчи сема) ва ифода семаси (коннотатив сема) шу мавзуга бағишланган деярли барча ишларда келтирилади ва худди шу семалар лексик системаларнинг шаклланишида қатнашади. Шу боис бу семалар ҳақида ишнинг «Лексик системаларнинг шаклланиши» деб номланган бобида фикр юритилади. Бу бобда моҳияти, ҳатто семема таркибида бўлиш-бўлмаглиги, бор-йўқлиги ҳақида бир фикрга келинмаган «вазифа семаси» ва «туркумлиқ семаси» юзасидан ўз мулоҳазаларимизни билдириш билан чекланамиз.

Вазифа семаси

Лексеманинг семантик таркиби, таркибий қисмларининг моҳияти ҳақида фикр юритилган ишларда лексеманинг семемаси таркибида 'вазифа семаси' бўлиши (борлиги) айтилади ва буни исботловчи далиллар ҳам келтирилади. Бироқ бирор ишда шу фикр исботини топмаган. Бу ҳол мазкур масалада ортиқча, кераксиз гап-сўзларга, баҳсмунозараларга сабаб бўляпти. Буларга барҳам беришнинг ўзиёқ асо-

сий вазифалардан бири ҳисобланади. Фактларга мурожаат қилайлик: «Вазифа семалари семема таркибига кирувчи ва лексеманинг нутқда қандай вазифаларда кела олишини (синтактик курилиш қолипларида қандай ўринни эгаллай олишини) билдирувчи семалардир. Вазифа семалари лексеманинг бирикувчанлигини (синтактик валентлилигини) ҳам белгилаб келади. Масалан, [китоб], [мактаб], [адолат], [ёз] каби лексемалар гапда турлича гап бўлаклари вазифасида кела олади. Шунинг учун уларда вазифа семалари оддий (нейтрал) ва ўта кенг бўлади. [энди], [бирдан], [шахдам] каби лексемаларда вазифа семаси белгининг белгисини ифодалаш; [қатъий], [кескин], [мовий] ва [қизғиш] каби лексемаларда эса нарса-буюм ва белгини ифодалаш вазифаси билан чекланади»¹. Биринчидан, гап бўлаклари вазифасида келиш билан белгининг белгисини кўрсатиш тамомила бошқа-бошқа ходисалардир. Иккинчидан, булар лексемаларга хос ходисалар эмас. Учинчидан, 'вазифа семаси' ҳақидаги гапларнинг барчаси қуруқ гаплигича қолган, яъни келтирилган лексемалар семемасининг қайси семаси вазифа семаси эканлиги кўрсатилмаган (кўрсатилиши мумкин ҳам эмас). Умуман, нутқда қандай вазифада келиш, белгининг белгисини кўрсатиш кабилар лексемага эмас, сўзга хос хусусиятлардир. Қолаверса, вазифа семалари деб қаралаётган семалар, аслида, сўз (лексема) семемаси таркибидаги нарса, белги, ҳаракат кабиларни номловчи семалардир. Шундай семалардан қайси бирига эга бўлишига кўра (нимани номлашига кўра) сўзлар муайян вазифаларда қўлланади. Бу эса шундай семаларни вазифа семалари ҳисоблашга асос бўла олмайди. *Қизғиш, сарғиш, кўкимтир* каби сўз шакли эса санокли сўзлардагина мавжуд ва улар лексема эмас, сўз шакли ҳисобланади.

Ҳ.Жамолхоновнинг лексеманинг с.мантик таркиби ҳақида фикр юритилган махсус ишида шу масала юзасидан эътиборга лойик фикр-мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, унда вазифа семаси ҳақида қуйидагилар айтилган: «Вазифа семалари ҳам семема таркибига киради, аммо улар аташ, ифодалаш билан бирга лексемаларнинг нутқда ўзаро бирика олишини (валентлигини, дистрибуцияни), шу орқали гапда маълум вазифа бажаришини белгилайди. Масалан, *чай* лексемасининг лексик маъноси (семемаси) таркибида «қайта ишланган», «сууюклик», «ичимлик», «қуруқ», «қуритилган», «чай ўсимлиги» сема-

¹Неъматов Х., Расулов Р. Юқорида кўрсатилган асар, 62-б.

лари бор. Бу семалар *чой* лексемасининг *ўстирмоқ*, *ичмоқ* ва *дамламоқ* феъллари билан бирика олишини таъминлайди: *чой ўстирмоқ*, *чой дамламоқ*, *чой ичмоқ*, *чой қайнатмоқ* каби»¹. Кўриниб турибдики, бу ўринда ҳам «вазифа семаси» деганда унинг лексеманинг ўзаро бирика олишини таъминлаши (валентлиги), шу орқали гапда маълум вазифа бажаришини белгилаши назарда тутилади. Лекин эътиборлиси шундаки, муаллиф *чой* лексемаси таркибида мавжуд бўлган семаларнинг номловчи сема эканлигини, улар аташ, ифодалаш билан бирга лексемаларнинг нутқда ўзаро бирика олишини, шу орқали гапда маълум вазифа бажаришини таъминлашини эътироф этади. Бу эса *чой* лексемасининг таркибидаги семаларнинг аташ семаси – номловчи сема эканлигини тан олишдир. Шу семаларга эга бўлган тил бирлигининг нутқда маълум вазифа бажариши – бошқа масала. Аниқроқ қилиб айтганда, лексема (сўз) семемаси таркибидаги семалар номловчи сема экан, уларни вазифа семаси ҳисоблашга ўрин қолмайди. Қолаверса, “лексеманинг гапда вазифа бажариши” ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Энди лексеманинг семантик таркиби ҳақидаги таърифга эътибор беринг: «Лексеманинг семантик таркиби лексик маъно, қўшимча оттенкалар (маъно кирралари, услубий семалар) ва туркумлик семаларини ўз ичига олади.

Лексик маъно лексеманинг ниманидир номлаш (аташ), англатиш, ифодалашидир»².

Таърифдан маълум бўляптики, лексеманинг семантик таркибида вазифа семаси бўлиши ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. Мазкур таъриф лексема семемаси таркибий қисмларини ҳамда уларнинг моҳиятини тўғри ифодалайди. Муаллиф *чой* лексемасининг вазифа семалари деб ҳисоблаётган семалар ҳам, аслида, бундай сема эмас, балки номловчи семалардир. Чунки номловчи семеманинг таркибий қисми ҳам номловчи сема бўлиши табиий, яъни номловчи семема номловчи семалардан таркиб топади, номловчи семема таркибида шундан бошқа моҳиятга эга бўлган сема бўлиши мумкин эмас. Жумладан, *чой* лексемаси семемасидаги 'ичимлик', 'ўсимлик' каби семалар ҳам номловчи сема эканига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шу семаларга эга бўлган *чой* сўзининг *чой ўстирмоқ*, *чой ичмоқ* каби бирикмаларда *ўстирмоқ*, *ичмоқ* сўзлари

¹Жамолхонов Х. Юкорида кўрсатилган асар, 15-б.

²Шу иш, 10-б.

билан бирика олишини кўрсатмайди, аксинча, уларнинг номловчи сема бўлишини тасдиқлайди.

Лексеманинг семантик таркибида вазифа семаси бўлиш-бўлмаслиги ҳақида шуларни айтиш билан чекланамиз. Лекин бу «сема»нинг бошқа тил бирликлари «семантикаси»да бўлиши ҳақида ҳам фикрлар борки, қисқа тарзда бўлса ҳам, уларга муносабат билдирмаслик мумкин эмас.

Сема семемага эга бўлган тил бирлигига хос бирлик экан, ўз-ўзидан, семемасиз тил бирлигининг вазифа семаси ҳақида гап-риш мумкин бўлмайди. Бироқ баъзи ишларда бу масалада бошқача қарашлар, фикр-мулоҳазалар кузатилади: «Вазифа семалари ёрдамчи лексемаларда алоҳида ранг-баранглик кашф этади, хилма-хил кўриниш ва хусусиятларга эга бўлади. Масалан, [қўй] лексемаси ёрдамчи феъл вазифасида келганда, «ҳаракатнинг тўсатдан, беихтиёр содир бўлиши» вазифа семасини қабул қилади ва [қўй] ёрдамчи феъллини [юбор], [қол], [бер] ёрдамчи феъллари билан ўхшашлик муносабатига киритади (*Бу гапни айтиб қўйди / айтиб қолди / айтиб юборди / айтиб берди*). Боғловчи, кўмакчи, юклама каби лексема семемаларида вазифа семалари етакчилик қилади. Чунончи, [ва] ёрдамчи лексема семемасида «нутқ ва гапларни боғлаш» семаси асосий таркибий қисм саналади. Лексема семемаларининг вазифа семалари ўзбек тилшунослигида энг кам ўрганилган соҳа бўлиб, қўлланмада бу ҳақда тор доирада фикр юритдик, холос. Аниқроғи, ушбу ишда айни ходисани масала сифатида қўйиш билан чекландик»¹. Матндаги охириги жумла билан муаллифлар масалани ҳал этишни ўз зиммасидан холи қилади. Лекин масала қўйилдими, унинг мавжудлиги тан олинган бўлади. Қолаверса, ишда «ёрдамчи лексемалар» вазифа семасининг моҳияти ҳақидаги асосий гаплар айтилди. Шундай экан, вазифа семаси ҳақида гап борганда, бу фикр-мулоҳазаларга муносабат билдирмаслик мумкин эмас. Шу боис улар ҳақида қисқа тарзда қуйидагиларни айтишни лозим топамиз:

Биринчидан, лексеманинг ёрдамчи тури йўқ, яъни “ёрдамчи сўз” деб юритилаётган боғловчи, кўмакчи, юклама ва кўмакчи феълларни “ёрдамчи лексема” деб юритиш мутлақо мумкин эмас. Иккинчидан, сема кўмакчи феъллар томонидан (умуман, тил бирлиги томонидан) қабул қилинмайди, балки тил бирлигининг маъноси таркибида мажуд бўлади.

¹Неъматов Х., Расулов Р. Юкорида кўрсатилган иш, 62-63-б.

Учинчидан, сема семантик таркибга (семемага) эга бўлган тил бирликларида мавжуд бўлади. Бундай моҳият «ёрдамчи» деб юритилаётган тил бирликларида йўк. Тўртинчидан, ёрдамчи бирликлар ўзаро семантик муносабатга киришмайди. Бешинчидан, семантик таркибга эга бўлган тил бирликларининг маъноси унинг семалари орқали изоҳланади. Ёрдамчи бирликларнинг вазифаси эса тушунтирилади.

Ана шу айтилганларнинг ўзиёқ ёрдамчи бирликларнинг вазифа семаси йўқлигини кўрсатади. Шундай экан, бу масаланинг ўзбек тилшунослигида энг кам ўрганилганлигини таъкидлашга, ўрганилиши лозим бўлган масала сифатида кун тартибига қўйишга асос ҳам, эҳтиёж ҳам йўк¹.

Проф. М. Миртожиевнинг семаларнинг типларини белгилашга бағишланган махсус мақоласида 'вазифа семаси' деб қаралаётган сема янада бошқача талқин этилади ва бошқача ном билан аталади: «*пичоқчилар* сўзининг *-лар* маъноли қисмида релятив сема ифода топган... Маълумки, сўз коммуникацияга киришганда фақат номловчи семаси билан бошқа сўзларга боғланмайди. У албатта грамматик шаклланган, граммема орттирган бўлади. Сўзнинг ана шу орттирган граммемаси, шакл семантикаси релятив сема деб қаралади. Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловлар ўз асарларида релятив сема термини ўрнида вазифа семаси терминини қўллаганлар ва термини функциональная сема терминидан таржима қилиб олганликларини қайд этганлар. Шуни ҳам айтиш керакки, *вазифа семаси* термини ҳар қанча тўғри таржима қилиб олинган бўлмасин, *релятив сема* термини ўрнини боса олмайди. Чунки *вазифа семаси* термини сўзлар коммуникациясида уларнинг грамматик муносабати учун воқита вазифасини ўтайди. *Релятив сема* ундан кенгроқ ифодага эга. У сўзларга қўшилиб, улардан англашилган маънога қўшимча маъно илова қилувчи аффикс (шакл ҳосил қилувчи аффикс)нинг ҳам моҳиятини ўзида ифодалайди»². Биринчидан, Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловнинг ишида, шунингдек, Ҳ. Жамолхоновнинг ишида сўз шаклига хос сема ҳақида эмас, балки лексема семемасига хос сема ҳақида фикр юритилган. Демак, мақола муаллифи Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловнинг

¹ «Ёрдамчи тил бирликлари» билан боғлиқ муаммолар етарли, лекин уларнинг семема ва сема масаласига дахли йўк.

² Миртожиев М. Семаларнинг сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра типлари. 31-32-б.

ишида вазифа семаси ҳақида айtilган фикрларга муносабат билдиришда, биринчи навбатда, шу нарсага эътибор бериши керак эди. Акс ҳолда, ҳар қандай мақтов ёки танкид қуруқ гап бўлиб қолаверади ва шундай бўлган ҳам. Иккинчидан, мақолада вазифа семаси деганда *-лар* аффиксига хос сема назарда тутиляпти. *Пичоқчилар* сўзидаги *-лар* (умуман, *-лар* аффиксли сўз шакли) бундай маъно ва вазифага эга эмас. Шундай экан, *пичоқчи* сўзига *-лар* аффикси қўшилиши билан *пичоқ* сўзининг бошқа сўзга бирикиши-бирикмаслигида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди, *пичоқчилар* сўз шаклига нисбатан ифода семаси ёки релятив сема терминини қўллаган билан улар ҳеч қандай моҳиятни қайд эта олмайди. Қисқа қилиб айтганда, “вазифа семаси” терминини “релятив сема” терминига алмаштириш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Аксинча, асоссиз равишда бундай қилиш ўзига хос салбий оқибатларга олиб келади.

Юқорида айtilдик, семема ва унинг таркибий қисми бўлган сема муайян тил бирлигининг, масалан, лексеманинг семантикаси мисолида ўрганилиши керак. Шундай экан, лексеманинг семемаси унинг таркибий қисми ҳисобланувчи сема (семалар) ҳақида гап бораётганида, сўз шакли ва уни ҳосил қилувчи *-лар* морфемасининг семаси ҳақида фикр юритиш, аниқроғи, моҳиятан бир-биридан фарқли бўлган тил бирликларини қориштириш тўғри бўлмайди. Бундай қилиш ўрганилаётган ходисаларнинг (тил бирликларининг) моҳиятини белгилашда фақат нотўғри хулосаларга олиб келадик, мазкур мақола ҳам бунга мисол бўла олади.

Вазифа семаси ҳақидаги гапларни шулар билан тугатиб, мақоланинг хулоса қисмида семаларнинг типлари ҳақидаги фикрга муносабат билдиришни ҳам шарт деб ҳисоблаймиз: «Семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрни ва унинг мантикий узвлари нуктаи назаридан туб маънони белгилувчи ядро сема, янги маъно ҳосил қилувчи дериват сема, қўшимча маъно илова қилувчи релятив сема, проклитика ва энклизаларга мансуб сиртки семаларга ажратилади»¹. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, семанинг типларини бундай асосда белгилаш мутлақо нотўғри. Шу боис семаларни кўрилган тарзда типларга ажратиш ва ажратилган типлар талабга жавоб бермайди, илмий ва амалий жиҳатдан ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Улар

¹ Миртожиев М. Юқорида кўрсатилган мақола. 36-б.

семема, сема ва улар билан боглиқ тил ходисаларининг моҳиятини ёритишда нотўғри хулосаларга келишга хизмат қилади, холос. Буни биргина *синфдоилар* сўзи мисолида аниқ кўриш мумкин. М. Миртожиевнинг қарашига кўра, бу сўзнинг *синф* қисми ядро семани, *-дош* қисми янги маъно ҳосил қилувчи дериват семани, *-лар* қисми релятив семани ифода этади. Бироқ семаларни бу тарзда типларга ажратиш тўғри эмас ва у семеманинг таркибий қисми бўлган семалар ҳамда уларнинг моҳиятини тўғри қайд эта олмайди. Чунки, масалан, *синфдоилар* сўзининг *синф* қисми бир семага тенг эмас, бир семага тенг, у семалардан ташкил топган (исботнинг ҳожати бўлмаса керак). Шу боис “ядро сема” термини семанинг бирор турини қайд эта олмайди. Янги маъно ҳосил қилувчи “дериват сема” бирикмаси ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, “дериват сема” термини таркибидаги *дериват* сўзи ўзбекча *ясовчи* (*сўз ясовчи*) ўрнида қўлланяпти. Лекин бундай алмаштиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. “Ясовчи”, “сўз ясовчи” термини ходисанинг моҳиятини *дериват* сўзига нисбатан жуда аниқ ифодалайди. Иккинчидан, сема янги маъно ҳосил қилмайди, балки сўз ясовчи морфема янги сўз ҳосил қилади. Жумладан, *-дош* морфемаси *синф* сўзининг янги маъносини ҳосил қилаётгани йўқ, *синф* сўздан фарқли маънога эга бўлган янги сўз ҳосил қиляпти. Учинчидан, “релятив сема” деб қаралаётган *-лар* морфемасига хос маъно қўшимча маъно илова қилувчи сема эмас, бу аффикс кўплик маъноли сўз шаклини ҳосил қилади. Тўртинчидан, “сиртки сема” ва унинг моҳияти ҳақидаги фикр ўзга тилшуносликка оид ишлардан кўчирилган бўлиб, ўзбек тилидаги сўз семемаси таркибидаги семанинг бирон-бир турини қайд эта олмайди. Чунки сема семеманинг таркибий қисми экан, семемадан ташқарида бўладиган сема – сиртки сема ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Демак, бу термин ўзбек тили учун ортикча, кераксиз термин ҳисобланади.

Ана шу қисқа тарзда айтилганларнинг ўзидаёқ семаларнинг турларини белгилашга махсус бағишланган мақолада ҳам бу масала қандай ҳал қилинганлиги ҳақида аниқ тасаввур беради деб ўйлаймиз. Бу айтилганлар ҳатто мақоланинг номи ҳам талабга жавоб бермаслигини кўрсатади, яъни семаларнинг типлари (бизнингча, турлари) семема таркибида тутган ўрнига кўра белгиланмайди, яъни *семемада тутган ўрни* бирикмаси бирор моҳиятни билдира олмайди. Семанинг турлари улардан ҳар бирининг моҳияти асосида белгиланади.

Айтилганларнинг барчаси лексеманинг семемаси таркибида «вазифа семаси» деб аталиши мумкин бўлган сема йўқ, дейишга асос бўла олади.

«Туркумлик семаси» масаласи

Ўзбек тилшунослигида семема ва сема ҳақида фикр юритилган ишларга эътибор берилса, бир-биридан фарқли ҳолатлар кузатилади: 1) семеманинг семалари, унинг турлари каторида туркумлик семаси келтирилмайди, демак, бундай сема борлиги тан олинмайди¹; 2) бошқа семалар каторида туркумлик семаси келтирилади. Лекин, биринчидан, бу семанинг моҳияти ҳақидаги фикрлар бир-бирига мос келмайди. Иккинчидан, бирор ишда лексеманинг семемаси таркибида туркумлик семаси бўлиши исботланмаган. Ана шулар ҳақида бир - бир тўхталиб ўтамиз.

Бу ҳодисанинг моҳиятини тўғри белгилаш сўз (луғавий бирлик) билан боғлиқ кўпгина ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри ёритишга имкон беради. Афсуски, шундай муҳим масала ўзбек тилшунослигида шу вақтга қадар ўз ечимини топганича йўқ.

Тилни система сифатида ўрганишга оид ишларда ҳам бу масалага эътибор қаратилди ва туркумлик семаси лексеманинг маъносига (семемасига) мансуб бирлик (семеманинг таркибий қисми – семаси) сифатида таърифланди ва таърифланяпти. Бирок ўзбек тилшунослигига *лексема* терминининг киритилиши ижобий натижадан кўра кўпроқ салбий натижалар келтирганидек (бунинг сабаблари юқорида айтилди), «туркумлик семаси» масаласининг кун тартибига қўйилиши ҳам ҳеч қандай ижобий натижа бергани йўқ². Шундай бўлиши табиий эди. Чунки «лексеманинг семемаси таркибида туркумлик семаси ҳам бор» деган гап ўзбек тили фактларидан келиб чиқиб айтилган гап эмас, балки бошқа тилларга оид ишларда билдирилган фикр – тайёр гаплардир.

¹ Миртожиев М. Семаларнинг сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра типлари // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами) IV. Тошкент, 2008. 30-36-б.

² Бу ҳақда махсус мақоламизда фикр билдирилган: Х о ж и е в А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (3-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 2-сон, 3-8-б.

Проф. Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловларнинг ўзбек тили систем лексикологияси асосларига бағишланган рисоласида семеманинг турлари ҳақида куйидагича фикр билдирилган: «Маъно хусусиятига кўра семема таркибидаги семалар уч хил бўлади:

- 1) аташ семалари (денотатив семалар);
- 2) ифода тасвир, кўшимча маъно семалари (коннотатив семалар);
- 3) вазифа семалари (функционал семалар).

Ҳар бир семема таркибида шундай семалар мавжуддир»¹. Демак, бу ишда семема таркибида кўрилган уч турдаги сема бўлиши эътироф этилади. «Туркумлик семаси»нинг бор-йўқлиги, унинг моҳияти ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. Лекин *дарахт* сўзининг семемалари каторида 'предмет' семаси, яъни туркумлик семаси ҳам келтирилади². Демак, бу ишда лексема семемаси таркибида туркумлик семасининг бўлиш-бўлмаслиги масаласи ҳал этилмаган. Яъни лексема семемаси таркибида туркумлик семаси борлиги тан олинган-олинмаганлиги аниқ эмас.

Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (морфологияси)га бағишланган ишда туркумлик маъноси лексик маъно (семема) таркибига кирмаслиги таъкидланади. Эътибор беринг: «Грамматик маъно лексик маънодан фаркли равишда борлиқдаги нарса ва ходисаларнинг умумлашган маъноларини ва улар ўртасидаги муносабатни билдиради. Масалан, *дарахт* сўзи «бўйдор, танадан шохловчи кўп йиллик ўсимлик» лексик маъносидан ташқари предметлик маъносига ҳам эга. Бундай маънога фақат дарахтларгина эмас, балки ким ёки нима сўроғига жавоб бўлувчи жамики жонли ва жонсиз нарса ва ходисалар ҳам эга бўлади. Ана шу умумий маъно ҳам грамматик маъно ҳисобланади...

Бу маъно лексеманинг ўзидан билиниб туради»³.

Бу айтилганлардан эътиборга лойиқ фикрлар шуки, биринчидан, туркумлик маъноси лексик маънодан ташқари маъно, умумий маъно, грамматик маъно деб қаралапти. Бу билан лексема семемасида туркумлик семаси бўлмаслиги очиқ-ойдин эътироф этиляпти. Ана

¹ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Юкорида кўрсатилган асар, 58-б.

² Шу асар, 57-б.

³ Нурмонов А. ва бошқалар. Юкорида кўрсатилган асар, 32-б.

шу нарса ўзбек тили материаллари билан исботланса, масала тўғри, ижобий ҳал этилган бўлар эди. Бироқ сўз охиридаги «Бу маъно лексеманинг ўзидан билиниб туради» деган жумла масалани яна очик қолдиради. Чунки туркумлик маъноси лексема маъносидан ташқари маъно бўлар экан, унинг лексеманинг ўзидан билиниб туриши мумкин эмас (Бир оз кейинроқ бу масалага яна қайтамиз).

Ҳ.А. Жамолхонов «Ҳозирги ўзбек адабий тили» номли ўқув қўлланмасида лугавий маъно – «семема», «туркумлик семаси» ҳақида бошқачароқ фикрлар билдирган. Бу ишда, аввало, туркумлик семаси лексеманинг семемаси таркибига киритилади: «Лексеманинг семемаси таркиби лексик маъно, қўшимча оттенкалар (маъно қирралари, услубий семалар) ва туркумлик семаларини ўз ичига олади»¹. Туркумлик маъноси эса қуйидагича таърифланади: «Туркумлик семалари – лексеманинг мазмун планидаги учинчи компонент.

Бундай семалар лексик маънога таянган ҳолда лексемаларнинг грамматик маъноларини белгилайди, шу асосда лексемаларнинг лексик-семантик гуруҳланиши, сўз туркумларига уюшиши таъминланади...

Демак, лексик маънода хусусийлик, индивидуаллик, грамматик маънода эса умумийлик устун туради»². Масалан, *дарахт* лексемасининг лексик маъносида қуйидаги семалар борлигини кўрамир: 1) «предмет», 2) «ўсимлик», 3) «кўп йиллик ўсимлик», 4) «ерда ўсувчи», 5) «ёғочланган танали», 6) «илдизли», 7) «шоҳ-шаббали», 8) «баргли». Бу семалар бирлашиб, *дарахт* лексемасининг лексик маъносини шакллантиради»³.

Бу фикрлар юзасидан қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, лексик маъно лексеманинг семантик таркибига киритилиб, туркумлик семаси ҳам семантик таркибга кириши айтилса-да, иш давомида туркумлик семасининг лексик маъно таркибига кириши ҳақида гапирилади. Иккинчидан, «туркумлик маъноси лексеманинг грамматик маъносини белгилайди» деган фикр лексеманинг лугавий бирлик эканини инкор этади (Бу ҳақда юқорида ҳам гапирилди). Учунчидан, лексемалар туркумлик маъноси асосида гуруҳларга (туркумларга) ажратилар экан, бу ходисани сўзларнинг туркумланиши эмас, балки

¹ Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 10-б.

² Шу қўлланма, 12-б.

³ Шу қўлланма, 13-14-б.

лексемаларнинг туркумланиши деб ҳисоблашга тўғри келадики, бундай қилиш мумкин эмаслиги ҳам маълум. Ниҳоят, тўртинчидан, шу айтилганлар асосида, *дарахт* сўзининг маъноси (семемаси) таркибида «предмет» семаси бор деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Қуйидаги бир фактга эътибор беринг. Бундан роса 30 йил илгари нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да *дарахт* сўзига қуйидагича изоҳ берилган: «Тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб, томир отиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик»¹. Кўриниб турибдики, *дарахт* сўзининг маъноси асосан тўғри изоҳланган. Бу изоҳ таркибига «предмет» семасини киритишга эҳтиёж йўқ. Эҳтиёж йўққина эмас, балки уни бу сўзнинг маъноси (семемаси) таркибига киритиш мумкин эмас. Демак, лексеманинг семемаси таркибида туркумлик семаси бўлади (бор), деган гаплар умумий, қуруқ гаплигича қолади.

Хуллас, ўзбек тилини система сифатида ўрганишга бағишланган ишларда сўзнинг маъноси (семемаси) ва у билан боғлиқ ҳодисаларга, жумладан, туркумлик семаси ва унинг моҳияти масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бироқ бирон ишда у ўз ечимини (аниқ ва тўғри ечимини) топганича йўқ – масала муаммолигича қолмоқда. Бу эса ҳодисанинг мураккаблигини кўрсатади.

Туркумлик маъноси масаласи кўп вақтлардан бери мутахассисларнинг диққат-эътиборида бўлиб келган. Лекин луғавий маънони (сўзнинг маъносини) таҳлил этиш усули бу ҳодисанинг моҳиятини тўғри белгилаш имконини бермади. Сўз маъносини компонентли таҳлил асосида ўрганишга ўтгунга қадар унда, яъни сўзда луғавий маънодан ташқари туркумлик маъноси ҳам борлиги тан олинган ва бу маъно грамматик маъно ҳисобланар эди. Шу асосда сўз лексикограмматик бирлик ҳисобланар эди. Жумладан, биз ҳам шу фикрда эдик (Шундай қараш, яъни туркумлик маъносини грамматик маъно ҳисоблаш ҳозирда ҳам давом этаётганлигини юқорида кўрдик). Лекин кейинги кузатишлар бундай қараш ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрсатди.

Луғавий маънони компонентли таҳлил йўли билан ўрганиш ҳодисанинг моҳиятини ёритишда тўғри, аниқ ҳулосаларга олиб келиши исботини топган, тан олинган факт. Бизнингча, туркумлик семасининг моҳиятини белгилашда ҳам худди шу усул асосида иш кўриш билан ижобий натижага эришиш мумкин бўлади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1 жилд. Тошкент: 1981, 209-б.

Лекин шуни айтиш керакки, сўз маъносини компонентли таҳлил асосида ўрганиш ва лексик маъно (семема)ни таркибий қисмларга (семаларга) ажратиш билан семема таркибида туркумлик маъноси борлигини исботлаб бўлмайди. Чунки семема таркибида бундай семанинг ўзи йўқ. Шуни сезган ҳолда бўлса керак, проф. Ш. Раҳматуллаев туркумлик семасини бошқачароқ талқин қилади¹.

Туркумлик маъноси грамматик маъно эмаслиги, шунингдек, сўзни лексик-грамматик бирлик ҳисоблаш мумкин эмаслигини юқорида кўрдик. Шунга эътибор қаратган ва буни сезган ҳолда бўлса керак, олим сўз туркумини лексик-грамматик гуруҳ эмас, балки лексик-семантик гуруҳ деб қарайди, шундай баҳолайди: «Лексемаларнинг (лексосемемаларнинг) лексик маъно асосида гуруҳланишига лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ) дейилади. Энг йирик ЛСГ деб лексемаларнинг туркумларга ажратилиши кўрсатилади: от лексемалар ЛСГи, феъл лексемалар ЛСГи каби. Бундай ЛСГларга лексемалар лексик маъноси таркибидаги бош идеографик сема асосида бирлаштирилади; масалан, «предмет» семаси асосида от лексемалар ЛСГи, «предметнинг ҳаракати-ҳолати семаси» асосида феъл лексемалар ЛСГи ажратилади»².

Бу ишда лексеманинг маъноси таҳлил этилган ўринларда бу маъно (сема) идеографик семалардан ташкил топиши кўрсатилади, лекин идеографик семалар қаторида туркумлик семаси қайд этилмайди. Идеографик семалар қайд этилган жадвалда эса, биринчи бўлиб туркумлик семаси (от лексеманинг «предмет» семаси) қайд этилади (Шу асар, 62-б.) ҳамда бу сема «бош идеографик сема» (энг кенг қўламли сема) деб таърифланади. Лекин лексеманинг семемаси таркибида (идеографик семалар қаторида) туркумлик семасининг бўлмаслигини *дарахт* сўзи мисолида кўрдик. Туркумлик семасини идеографик семалар қаторига киритиш ва уни (аслида “умумий сема” деб аталувчи семани) «бош идеографик сема» деб аташ ҳам бирор ходисани, жумладан, луғавий маънонинг таркибида «туркумлик семаси» деб аталиши мумкин бўлган сема борлигини тасдиқлай олмайди.

Ишда туркумлик семаси ҳақида айtilган гаплар ва келтирилган фактлардан маълум бўляптики, «бош идеографик сема» деганда, тилшуносликда маълум бўлган ва тан олинган умумий сема тушуниляп-

¹ Ra h m a t u l l a y e v Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. Toshkent: Universitet, 2006. 83-b.

² Ra h m a t u l l a y e v Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. 83-b.

ти, яъни *умумий сема* термини ўрнида *бош идеографик сема* термини қўлланяпти. Бироқ бундай қилишга асос ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ. Аксинча, бундай қилиш ўзига хос хатоликларнинг, чалкашликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, семема таркибидаги бирор сема «бош сема» деб аталадиган бўлса, семема таркибидаги бошқа семаларни (фарқловчи семаларни) ҳам бошқа ном билан (масалан, «иккинчи даражали сема» деб) аташга тўғри келадики, бунинг номақбул эканини исботлашга эҳтиёж бўлмаса керак.

Ишда «лексик-семантик гуруҳ» ҳақида, шунингдек, бу гуруҳларнинг сўз туркумларига муносабати ҳақида айтилган фикрларга ҳам қўшилиб бўлмайди. Масалан, лексеманинг семемаси таркибидаги умумий сема асосида луғавий бирликларнинг лексик-семантик гуруҳлари ҳосил бўлиши маълум (Мазкур ишда ҳам шу фикр ўз ифодасини топган). Лекин бу сема сўзларни туркумларга ажратиш учун асос бўла олмайди (Бу ҳақда юқорида ҳам гапирилди). Бу гуруҳлар қанчалик йирик бўлмасин, уларни сўз туркуми ҳисоблаш мумкин бўлмайди. Бошқача айтганда, лексик-семантик гуруҳлар қанчалик йириклашмасин, қанчалик йирик бўлмасин, сўз туркуми ни юзага келтирмайди, улар сўз туркуми ҳисобланмайди. Демак, гап ходисанинг кичик ёки йириклигида эмас, балки унинг моҳиятида. Моҳиятан эса лексик-семантик гуруҳлар ва сўз туркумлари бутунлай бошқа-бошқа ходисалардир. Ишда ҳатто «энг йирик ЛСГ деб лексемаларнинг туркумларга ажратилиши кўрсатилади», деган фикр билдириладики, бу фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди ва бирон ишда бундай фикр билдирилмаган. Агар шу фикр тўғри бўлганида, у ҳолда «сўз туркумлари» термини ўрнида «лексема туркумлари» терминини қўллашни тавсия этишга тўғри келардики, буни маъқуллаш мутлақо мумкин эмаслигини исботлашга ҳожат бўлмаса керак.

Туркумлик семаси юзасидан ўзбек тилшунослигида билдирилган фикрлар ҳақида юқорида айтилганлар билан чекланиб, туркумлик семасининг моҳияти ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдиришга ўтамиз.

Юқорида кўп бора таъкидландики, *лексема* термини фақат 'луғавий маъноли сўз'ни ифодалаш учун, шундай маъноли бирликни ифодалаш учун қабул қилинган. Шундай экан, аввало, туркумловчи белги лексема ёки умуман сўзга тааллуқли бўлишини аниқ белгилаб олиш талаб этилади. Сўнгра бу белгига нисбатан *сема*, *маъно* сўзларини бефарқ қўллайвериш ҳам мумкин эмас. Демак, улардан

қайси бирини қўллаш тўғри бўлишини белгилаб олиш талаб этилади. Бу борадаги хатоликлар, бир-бирига зид қарашларнинг мавжудлиги, умуман, ходисанинг моҳияти тўла ва тўғри ёритилмасдан қолишига сабаб бўляпти.

Сема лексема семемасининг таркибий қисми бўлар экан, бу таркибда, яъни семема таркибида туркумлик семаси бўлмаслиги аниқ. Бу – бир томондан. Иккинчи томондан, туркумлик белгисига нисбатан *маъно* сўзи қўлланган тақдирда ҳам, бу белгини лексемага нисбатан қўллаш, яъни «лексеманинг туркумлик маъноси» бирикмасини қўллаш мумкин бўлмайди. Чунки лексема семемасининг семаларидан бири умумий сема бўлишини кўрдик. Худди шу сема нарса-ходисани атайди ва шу хусусиятига кўра *номловчи сема* (*аташ семаси, дено-татив сема*) деб юритилади. Лугавий маъно таркибидаги семаларнинг бирортаси, ҳатто умумий сема (*аташ семаси*) ҳам туркумлик семаси бўлолмайди. Чунки семема таркибидаги семалар бевосита кузатишда бўлган нарса-ходисани билдиради (Бу ҳам эътироф этилган факт). Эътибор беринг: «Лексик маънонинг идеографик семаларини аниқлашда бевосита воқеликнинг ўзига мурожаат қилинади, чунки лексема билан (лексик маъно билан) маълум бир воқелик тўғридан-тўғри номланади, маълум бир маъно ҳам шундай бириктилади»¹. Шу гап, шу эътирофнинг ўзи лугавий маъноли сўзнинг семемаси таркибида шундай сема бор дейишга ўрин қолдирмайди. Чунки “туркумлик семаси” воқеликни номламайди, у – илмий тушунча.

Барча луғавий бирикларнинг маъно таркибида умумий сема бўлиши маълум. Барча сўзларнинг луғавий маъноси (семемаси) таркибида шу семани номловчи сўз бўлади, яъни умумий сема муайян сўз билан қайд этилади. Масалан, *сада, тол, терак* сўзларининг маъноси (семемаси) таркибидаги умумий сема «ўсимлик» сўзи билан қайд этилади. Бу семаларни қайд этувчи сўзлар (*даррахт, ўсимлик* сўзлари), умуман олганда, нарсани билдиради (номлайди), шунинг учун ҳам «нима?» деган сўроққа жавоб бўлади. Бошқа туркумга оид сўзлар семемасида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Масалан, феъл-сўзларнинг семемаси таркибидаги умумий сема ҳам сўз(феъл) билан ифодаланади: *бормоқ, келмоқ* – «бирор томондаги жойда **ҳозир бўлмоқ, бирор томондаги жойга ташриф буюрмоқ**».

¹ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. 51-b.

Кўришиб турибдики, *дарахт*, *ўсимлик* сўзларининг (отларнинг) семемаси таркибида «предмет» семаси бўлмаганидек, *бормоқ* ва *келмоқ* феълларининг семемаси таркибида «ҳаракат» семаси йўқ.

Юқорида айтилганлар, табиий ҳолда, куйидаги бир саволни келтириб чиқаради: «Сўзнинг луғавий маъноси таркибида «туркумлик семаси» йўқ экан, нима учун семема ва сема ҳақида фикр юритилган ишларнинг деярли барчасида шундай сема борлиги таъкидланади, шуни исботлашга ҳаракат қилинади, лекин бирон ишда шу фикр ўз исботини топмаган?» Бунинг асосий сабаблари сифатида куйидагиларни айтиш мумкин. Бизнингча, биринчидан, «сўзнинг (лексеманинг) семемаси таркибида туркумлик семаси борлиги» ҳақидаги фикр бевосита ўзбек тили материалларининг тадқиқидан юзага келган фикр эмас. Иккинчидан, ўзбек тилига *лексема* термини киритилгандан кейинги даврларда *сўз* ва *лексема* терминларининг моҳиятини тушунишда қандай хатоликлар, ўзаро зид фикр-мулоҳазалар юзага келганлиги, давом этаётганлигини, бу ҳол қандай салбий оқибатларга олиб келаётганлигини юқорида кўрдик. Ана шу ҳолатлар ҳам лексема семемаси таркибида «туркумлик семаси» бор дейишга ва уни исботлаш учун ҳаракат қилишга сабаб бўляпти. Ниҳоят, учинчидан, «сема» сўзини «маъно», «семема» ўрнида бефарқ, нотўғри қўллаш ҳоллари мавжуд ва давом этапти. Бу ҳолат ҳам «туркумлик семаси» ҳақида нотўғри, асоссиз тушунчалар юзага келишига сабаб бўляпти. Энди ана шу айтилганларни исботлашга ҳаракат қиламиз.

Юқорида кўрдикки, Ҳ. Неъматов, Р. Расуловларнинг систем лексикологияга бағишланган махсус ишида лексема семемасининг таркибий қисмлари (семалари) қаторида «туркумлик семаси» келтирилмаган ва тўғри килинган. Лекин *дарахт* лексемасининг семалари қаторида «предмет» семаси ҳам келтирилган. Бу эса лексема таркибида туркумлик семаси бўлишини тан олишдир. Чунки 'предметлик', яъни предметликни билдириш от туркумига хос хусусият. Демак, 'предметлик' – туркумловчи белги. 'Предмет' тушунчасини лексеманинг семемаси таркибий қисми деб тушуниш лексема семемасида туркумлик семаси бор, деган фикр юзага келишига сабаб бўлган. Лекин Ҳ. Неъматов, Р. Расуловнинг ишида бу сема лексема семемалари қаторида берилмаганидек, унинг моҳияти ҳақида ҳам ҳеч қандай гап йўқ. Чунки луғавий маъно таркибида ўзи йўқ нарса ва унинг моҳияти ҳақида нима ҳам айтиш мумкин? Ҳ. Жамолхонов эса «туркумлик се-

маси лексеманинг мазмун жиҳатидаги учинчи компонент» эканлигини таъкидлайди (Буни ҳам кўрдик). Лекин бу гап ҳам исботланмаган. Ш. Раҳматуллаевнинг ишида эса лексема семемаси таркибида шундай семанинг борлигини исботлашга ҳаракат қилинган, лекин исботланмаган. Чунки, такрор айтамиз, ўзи йўқ нарса қандай исботланиши мумкин?!

Маълум бўляптики, баъзи лексемаларнинг семемаси таркиби, семалари кўрсатилганда, ҳеч қандай асос-исботсиз, улар қаторида туркумлик семасининг, яъни 'предмет', 'белги', 'ҳаракат' семаларининг келтирилиши сабабли («кўр-кўрона ҳолда» дейиш мумкин) шу фикр – туркумлик семаси борлиги ҳақидаги фикр бошқа ишларда ҳам такрорланаверган. Агар биргина фактга, яъни лексемаларнинг туркумланмаслигига жиддий эътибор қаратилганда ва шу нарса исботланганда эди, лексеманинг семемаси таркибида туркумлик семаси бўлиши ҳақидаги гапларга чек қўйилган бўларди (Ваҳолонки, лексеманинг туркумланиши ҳақидаги гапларни ҳам кўрдик).

Ўзбек тилига *лексема* термини киритилгандан кейинги даврларда *сўз* ва *лексема* терминларининг моҳиятини тушунишда қандай ҳатolikлар, уларни бефарқ қўллаш ҳолатлари юзага келганлиги, давом этаётганлиги. бу ҳол қандай салбий оқибатларга олиб келаётганини юқорида кўрдик. Ана шу факт ҳам лексема семемаси таркибида туркумлик семаси бор дейишга ва уни исботлаш учун ҳаракат қилишга сабаб бўлмоқда.

'Сема' семеманинг таркибий қисми (узви) эканлиги деярли барча гомонидан тан олинган. Минг афсуски, сема ва семема ҳақида фикр юритилган ишларда шу оддий факт доим эътиборда бўлавермайди. очиги, унга амал қилинмайди, яъни *маъно*, *семема*, *сема* терминлари бефарқ қўлланаверади. Бу ҳолат ҳам 'туркумлик семаси' ҳақида нотўғри хулосалар чиқаришга асосий сабаблардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки 'туркумлик семаси' ва 'туркумлик маъноси' бирикмалари бир-биридан тамомила бошқа ҳодисаларни билдиради.

Сўзнинг луғавий маъноси (семемаси) таркибида умумий (бирлаштирувчи) сема бўлиши, шундай сема асосида сўз (лексема)ларнинг семантик гуруҳлари, парадигмалари шаклланиши маълум. Худди шу ҳодиса учун *сўз* ўрнида *лексема* термини қўлланаётганлиги ҳам маълум. Шу билан бирга сўзнинг семантик структурасида яна бир умумий белги ҳам мавжуд. Бу белги 'туркумлик белгиси'

ҳисобланади. Худди шу белги асосида сўзларнинг яна бир ўзига хос гуруҳланиши юз беради, яъни шу белги асосида сўзлар туркумларга бўлинади. Сўзнинг лугавий маъноси (семемаси) ва унинг таркибий қисмлари (семалари) бевосита кузатишдаги нарсаларни номласа, сўзнинг иккинчи умумий белгиси, яъни туркумлик белгиси бевосита кузатишда берилган нарсани номламайди. Чунки у тушунча ҳисобланади. Тушунча эса фалсафада қуйидагича таърифланади: «**Тушунча** – нарса ва ходисаларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир. Тушунчанинг ҳиссий билиш шаклларида тубдан фарқ қилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Тушунча предметнинг яққол образи эмас, абстракт образидир. Тушунча ҳиссий билиш шаклларида фарқли ўларок, инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантиқий усуллардан такқослаш, анализ, синтез, абстракциялаш, умумлаштиришлар фойдаланган ҳолда ҳосил қилинади. Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур билан тил ўртасидаги боғланишнинг аниқ тарзда намоён бўлишидир»¹. Бу фикрлар 'туркумлик', 'сўз туркуми' тушунчаларига бевосита алоқадор.

Шу лугатда моҳият ва ҳодиса оламнинг мавжудлик ҳолатлари сифатида бир нарсанинг ўзаро боғлиқ икки томони экани, бир-биридан мустасно ва алоқасиз ходисалар ҳам, моҳиятлар ҳам бўлмаслиги алоҳида таъкидланади². Бу ҳодиса сўзнинг лугавий ва туркумлик белгисига ҳам дахлдор, яъни у лугавий маънодан ажралган туркумлик маъносининг бўлмаслигини қайд этади. Лекин бу гап лугавий маъно таркибида туркумлик маъноси бор, дегани эмас.

Масалага имконият ва воқелик тушунчалари асосида ёндашилса, бу нарса янада ойдинлашади: «Борликни билиш имкониятларни билиш асосига қурилади. Имконият тушунчаси воқелик тушунчаси билан бевосита алоқадордир. Воқелик имкониятларнинг ифодаланиш шакли саналади... имконият бу янги нарса, ҳодиса ва тамойиллар келиб чиқишини ифодаловчи муайян шарт-шароит ва вазият мажмуасидир. Нарса ва ходисаларнинг ички табиатига кўра зарурий равишда реаллашиши лозим бўлган, бироқ ҳали юзага чиқмаган воқелиқдир... Имкониятлар конкрет вазият, шарт-шароит, омиллар билан боғлиқ

¹ Фалсафа. Қомусий лугат. Тошкент, 2004. 406-б.

² Шу лугат, 282-б.

бўлиб, турли шаклларда рўёбга чиқиши мумкин, яъни воқеликка айланиши мумкин»¹.

Сўзнинг семантикасида имконият ҳолида мавжуд бўлган тушунча умумий, бирлаштирувчи хусусиятга эга бўлади. У воқелангач, бирлаштирувчи белги сифатида, сўзларнинг гуруҳланишига – туркумланишига асос бўлади. Ана шундай умумий тушунчалар асосида юзага келадиган гуруҳлар *сўз туркумлари* ҳисобланади ва бу сўз бирикмаси ҳам илмий тушунчани билдирувчи термин ҳисобланади. Туркумлиқни қайд этувчи тушунчалар воқелангач, ҳар бир туркумга мансуб сўзлар учун умумий бўлган белгини билдирувчи сўзлар ҳам юзага келади ва улар ҳам лингвистик тушунчани қайд этувчи терминлар ҳисобланади. Масалан, *предмет, белги, ҳаракат* терминлари шулар жумласидандир. Ўз навбатида, ҳар бир туркумни номловчи лингвистик терминлар яратилади. Масалан, *от, сифат, феъл* терминлари шулар жумласидандир.

Маълум бўлдики, туркумлиқни билдирувчи тушунча мустақил сўзларнинг семантикасида имконият ҳолатида мавжуд бўлади. У воқелангач (воқелантирилгач), сўзларни гуруҳловчи, сўз туркумланини ташкил этувчи белгига айланади. Шу белги (тушунча) асосида сўзларнинг ҳар бир туркуми аниқ белгиланади ҳамда ҳар бир туркумни номловчи термин ҳам яратилади. Масалан, *от, сифат, феъл, равиш* терминлари шулар жумласидандир. Демак, *от, сифат, феъл, равиш* терминлари сўз туркумини номлайди. Бу номларнинг семантик таркибида туркумни қайд этувчи белги (тушунча) бўлади.

Хуллас, сўзлар семема ёки сема асосида эмас, балки тушунча асосида – туркумловчи тушунча асосида – 'предмет', 'белги', 'ҳаракат' каби тушунчалар асосида туркумланади.

Сўз охирида яна бир нарсага эътибор қаратишни истардик.

Лексеманинг семантик таркибида туркумлиқ семаси бўлиши ҳақида фикр юритилган ишларда бу сема семема таркибидаги семанинг ўзи эканлиги, бу сема лексеманинг ўзидан англашилиб туриши ҳақида гапирилганлиги, лекин бу гаплар исботланмаганлиги, исботланиши мумкин эмаслигининг гувоҳи бўлдиқ.

Туркумлиқ тушунчасининг моҳияти аниқлангач, шу нарса маълум бўляптики, бу тушунча, ҳар ҳолда, сўзнинг маъносидан бутунлай ажралган ҳолдаги тушунча эмас экан. Аниқроқ қилиб айтсак, бу

¹ Шу луғат, 157-158-б.

тушунча лексема семемаси таркибидаги умумий семада имконият тарзидаги, мавжуд тушунча экан. Эътибор берилса, от туркумига хос сўзларнинг семемаси таркибидаги умумий семадан 'наrsa' ('предмет') тушунчаси, сифат туркумига оид сўзларнинг умумий семасидан 'белги' тушунчаси, феъл туркумига оид сўзларнинг маъносидаги умумий семадан 'ҳаракат' тушунчаси сезилиб туради. Лекин улар мустақил сема мақомида эмас. Масалан, *сада, тол, терак* сўзларининг семемаси таркибидаги 'дарахт' умумий семаси, *дарахт, гул, қамши* сўзларининг семемаси таркибидаги 'ўсимлик' семаси, умуман олганда, **нарсани** билдиради. Илмий изланишлар натижасида маълум сўзлар семантикаси таркибида имконият ҳолидаги, мавҳум ҳолдаги «наrsa» тушунчаси мавжудлиги маълум бўлади ва бундай сўзларнинг барчаси бир туркумга бирлаштирилади. Бошқа туркумга оид сўзларда ҳам худди шундай ҳодиса кузатилади.

Туркумлик белгиси ҳақида айтилганларнинг барчасидан маълум бўлдики, лугавий маъно семеманинг таркибий қисми ҳам, яъни сема ҳам, шунингдек, семемага тенг бирлик ҳам эмас. Шу боис бу белгига нисбатан *семема* ёки *сема* терминларини қўллаш ҳам тўғри бўлмайди.

Туркумлик белгиси сўзнинг луғавий маъноси таркибидаги умумий семада имконият ҳолатидаги тушунча бўлганидек, у воқелангач, умумий семага хос умумийликдан ҳам кенг қамровли умумийликни ифодаловчи тил бирлигига айланади. Шу боис бу белги асосидаги гуруҳланиш ва гуруҳнинг ўзи ҳам умумий сема асосидаги гуруҳланишга (гуруҳга) нисбатан кенг қамровли бўлади ҳамда моҳиятан лексик-семантик гуруҳлардан бутунлай фарқланади. Лексик-семантик гуруҳлар бевосита кузатишдаги наrsa-ҳодисаларни қайд этса, туркумлик белгиси асосида бевосита кузатишда берилмаган, мавҳум наrsa-ҳодисалар гуруҳланади. Бундай гуруҳланишда умумий тушунча асосида шаклланувчи категориялар юзага келади. Шунинг учун ҳам бундай категорияларни шакллантирувчи тушунчага нисбатан *категориал маъно* терминини қўллаш мумкин бўлади. Демак, бу маъно луғавий маънодан ҳам, грамматик маънодан ҳам (морфологик ва синтактик бирликларга хос маънолардан ҳам) фарқланади.

Сўзнинг луғавий ва категориал маъноси ҳақида айтилганлардан маълум бўладики, сўз бундай моҳияти, белги-хусусиятлари билан тил амалиёти ва тараққиётида ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик тил

бирлиги ҳисобланади. Лугавий маъноси билан янги-янги сўзларнинг ясалишида асос бирлик (сўз ясалиш асоси) сифатида, туркумлик белгиси (маъноси) билан эса морфологик системани шакллантирувчи тил бирлигини, яъни сўз шаклини ҳосил қилишда ҳам асос бирлик, яъни шакл ясалиш асоси вазифасини бажаришининг ўзиёқ сўзнинг қандай муҳим аҳамиятга эга бўлган тил бирлиги экани ҳақида аниқ тасаввур беради (Булар ҳақида ишнинг кейинги қисмларида ҳам фикр билдирилади).

Хуллас:

1. Семема – лексеманинг маъноси. Сема эса семеманинг таркибий қисми, қисмлари. Шундай экан, сўзнинг (лексеманинг) маъноси ва унинг таркибий қисмларидан бошқа тил бирликларига нисбатан бу терминларни қўллаш мумкин эмас.

2. Лексеманинг семемаси таркибида номловчи ва коннотатив семадан бутунлай фаркли бўлган ҳамда «вазифа семаси» деб ёки бошқа ном билан аташ мумкин бўлган сема йўқ.

3. Туркумлик белгиси (туркумловчи белги) семема ёки семема тенг тил бирлиги эмас. У – сўз семантикасида имконият ҳолида мавжуд бўлган тушунча. Туркумлик белгиси воқелангач, сўзларни гуруҳловчи белги вазифасига эга бўлади ва сўзлар шу белги (маъно) асосида гуруҳларга, туркумларга бўлинади, гуруҳланади.

4. Туркумловчи маъно категориял маъно ҳисобланади. Лекин уни грамматик маъно ҳисоблаш мумкин эмас. Сўз бу маъноси билан грамматик бирликларнинг ҳосил бўлишида асос бирлик (ясалиш асоси) вазифасини бажаради.

5. Туркумланиш туркумлик маъносига эга бўлган тил бирликларига, яъни мустақил сўзларга хос экан, биринчидан, бу ходиса худди шу тил бирликлари мисолида тадқиқ этилиши, иккинчидан, бу ходисанинг берилиш ва ўрганилиш ўрнини ўйлаб кўриш керак бўлади.

Лексик системаларнинг шаклланиши

Лексеманинг ифода ва мазмун жиҳатига эгаллиги айтилди. Лексемаларнинг мазмун ва ифода (шакл) жиҳатига кўра турлича муносабатларда бўлиши билан лексик сатҳга мансуб системалар шаклланади.

Бунда лексик системанинг маъно (семема) асосида шаклланиши асосий ҳодиса ҳисобланади.

Лексемаларнинг мазмун жиҳатида номловчи ва коннотатив семалар бўлишини ҳам кўрдик. Номловчи семаларнинг ўзаро муносабати асосида лексик системанинг бир тури, семема ва коннотатив семаларнинг муносабати асосида иккинчи тури ташкил топади. Лексемаларнинг шакл ва маъно муносабатлари асосида эса лексик системанинг учинчи тури шаклланади. Шу боис буларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганган маъқул.

Лексик-семантик гуруҳ ва лексик парадигма

Объектив оламнинг системадан иборат эканлиги, унинг ифода-ловчиси бўлган тил ҳам система эканлиги, тилшунослик фани системани, яъни тил системаларини ўрганиши – эътироф этилган факт. Бу, айниқса, тилнинг луғат таркибида, лексикасида аниқ ифодасини топади. Демак, асосий мақсад объектив олам (борлик)ни ташкил этувчи гуруҳлар ва уларни тилда акс эттирувчи ҳодисаларнинг – системаларнинг моҳиятини белгилашдир. «Тил системаси», «лексик система», «лексик парадигма», «лексик-семантик гуруҳ», «семантик майдон» каби тушунчалар объектив олам системасига хос гуруҳланишларни акс эттирувчи тушунчалардир. Демак, ўзбек тили лексик системаларини тадқиқ этишда ана шу тушунчаларнинг моҳиятини тўғри белгилаш ва аниқ ёритиш асосий мақсад ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида ана шу ҳодисаларнинг моҳияти юзасидан бир фикрга келинганича йўқ. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, ўзга тилшуносликка оид адабиётларда шу масалалар юзасидан билдирилган нотўғри фикрларни ўзбек тилшунослигига кўчиришда бўлса, иккинчидан, парадигманинг моҳиятини, «умумийлик» тушунчасининг моҳиятини фарқламаслик, умумийлик ҳодисасини «ўхшашлик», «уядошлик» деб тушуниш ва шу каби салбий оқибатлардадир. Бирок умумтилшуносликка оид ишларда бу борадаги хатоликлар, уларнинг сабаблари қайд этилган ва аслида қандай бўлиши кераклиги ҳақида ҳам аниқ фикр билдирилган.

Ф.М. Березин, В.Н. Головиннинг «Общее языкознание» асарида Ф. де Соссюр ассоциатив муносабат деб тушунган ҳар қандай муносабатни парадигма билан боғлаш, парадигматик муносабат

ҳисоблаш мумкин эмаслиги, *ассоциатив муносабат* бирикмаси *парадигматик муносабат* бирикмасига нисбатан кенг тушунчани билдириши алоҳида қайд этилган. Ишда «маълум инвариант ва вариантлар муносабати аниқ ифодасини топган гуруҳ (бутунлик)га нисбатангина парадигма ва парадигматик муносабат ҳақида гапириш мумкинлиги, акс ҳолда, «парадигматик майдон», «парадигматик қатор» ҳақида гапириш мумкинлиги, ҳодисанинг моҳияти шундай йўл тутилгандагина аниқ ифодасини топиши аниқ тушунтирилган¹. Масалага шу тарзда ёндашилса, ўзбек тилида лексик-семантик гуруҳ деб қаралаётган ҳодисаларнинг бир турини лексик парадигма ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбек тилшунослигида «лексик-семантик гуруҳ», «лексик парадигма» терминлари бир хил маънода қўлланиб келаётгани маълум. Бироқ ҳар бир ҳодисанинг ўз моҳиятидан келиб чиқилса, «лексик-семантик гуруҳ» термини «лексик парадигма» терминига нисбатан кенг тушунчани билдиради, яъни бу термин хусусий маъноли лексемаларнинг умумий маъно асосида бирлашувчи гуруҳи (шундай бутунлик) ни ифодалаш учун, шунингдек, синонимик ва антонимик қаторларга нисбатан ҳам қўлланиб келяпти. Ваҳолонки, булар моҳиятан бири-биридан фарқли ҳодисалардир. Шундай экан, уларнинг ҳар бири ўзига мос, ҳодисанинг моҳиятини тўғри ва аниқ қайд этадиган термин билан аталиши ҳамда бир-биридан фарқли ҳодисалар сифатида, алоҳида-алоҳида ўрганилиши керак бўлади.

Бу билан «лексик-семантик гуруҳ» бирикмасини бутунлай қўлламаслик керак, демоқчи эмасмиз. Фақатгина «лексик-семантик гуруҳ» деб юритилиши мумкин бўлган гуруҳларнинг моҳиятан бири-биридан фарқли бўлган турларини аниқ белгилаш ва алоҳида ҳодиса сифатида ўрганиш лозимлигига эътиборни қаратмоқчимиз. Ана шундай гуруҳлардан, яъни «лексик-семантик гуруҳ» деб ҳам юритиш мумкин бўлган гуруҳлардан бир тури – бир умумий маъноси (семаси) асосида бирлашувчи лексемалардан тузилган лексик-семантик гуруҳлардир. Масалан, *бугдой, арпа, шиоли, мош* лексемаларининг ҳар бири дон экини ва унинг ҳосилини (донни) билдиради – бу уларнинг умумий белгиси, худди шу белгиси асосида бир лексик-семантик гуруҳни ташкил этади. Худди шу хусусияти билан бундай гуруҳлар

¹Березин Ф.М, Головин В.Н. Юкорида кўрсатилган асар, -С. 208.

синонимлар қаторидан, антоним жуфтликлардан ва бошқа типдаги лексик-семантик гуруҳлардан тубдан фарқланади. Бизнингча, «лексик парадигма» терминини шу типдаги лексик-семантик гуруҳларга нисбатангина қўллаган маъкул. Бу билан ўзбек тили системалари шаклланишининг бир йўли (усули) аниқ белгиланади, ажратилади, бу эса, ўз навбатида, лексик системаларнинг шу йўл билан шаклланиши жараёнида юз берадиган тил ҳодисаларининг моҳиятини тўғри ва аниқ белгилаш, ёритиш имконини яратади.

Лексик парадигмалар

Номловчи семалар объектив борлиқдаги нарсас-ҳодиса, белги, ҳаракат кабиларни номлайди. Номловчи семалардан таркиб топган семема ҳам воқелик билан бевосита боғланади, предмет, белги, ҳаракат кабиларни номлайди. Шу боис бундай маъно “номловчи маъно” деб ҳам юритилади. Номловчи маъно лексемаларнинг маълум гуруҳида уларнинг семемасидаги умумий (бирлаштирувчи) ва фарқловчи (дифференциал) семалардан таркиб топиши мумкин.

Объектив олам системадан иборатлиги, шу оламнинг ифодачиси бўлган тил ҳам системадан иборат эканлиги айтилди. Объектив олам жонсиз нарсалар, жониворлар ва инсоният олаmidан иборатлиги ҳам маълум. Ҳар бир олам системасининг шаклланишида ўзига хосликлар бўлиши шубҳасиз. Ўзбек тили материалларидан маълум бўлишича, бу тил сатҳларининг, жумладан, лексик системанинг, ички системаларнинг шаклланишида ҳам объектив асослар билан изоҳланувчи ўзига хосликлар бор. Шу боис лексик системаларнинг шаклланишини объектив оламнинг ҳар бир бўлимига (нарсас, жонивор, инсоният олами) мансуб воқеликни ифодаловчи лексемаларни гуруҳлаб ўрганиш орқали белгилаш мумкин. Бу билан лексик системаларни, уларнинг ички турларини тўғри белгилаш имкони тугилади, ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини тўғри тасаввур этиш осонлашади.

I. Нарсани номловчи лексемалардан тузилган парадигмалар. Моддий борлиқдаги *жонсиз нарсаларни* билдирадиган лексемалар муайян нарсани номлайди. Шу боис бундай лексемаларга хос маъно «номловчи сема», номловчи маънонинг (семеманинг) таркибий қисмлари – семалари «номловчи маъно» деб юритилади. Юқорида ай-

тилдики, тил тузилишига хос ҳар қандай система объектив борликда мавжуд бўлган ходисани (системани) акс эттиради. Бу ходиса, жумладан, жонсиз нарсаларни билдирувчи лексемалардан тузилган парадигмаларда ҳам кузатилади. Масалан, биргина ўсимликлар дунёсининг ўзи ўзаро алоқада бўлган бир қанча гуруҳлардан (системалардан) ташкил топган. Уларнинг ҳар бири муайян лексик парадигмаларда ўз ифодасини топади. Нарсани номловчи лексемалардан тузилган парадигмаларда парадигма аъзоларининг ҳар бири муайян нарсани номлайди. Мисол сифатида *чинор, сада, арча, терак, тол, бодом* лексемаларидан тузилган парадигмани келтириш мумкин. Бу лексемаларнинг ҳар бири дарахтнинг муайян турини номлайди. Шу билан бирга, бу лексемаларнинг семемалари таркибида дарахтга хос бўлган умумий белгини қайд этувчи сема ҳам бор. Масалан, келтирилган лексемалар билдирган ҳар бир нарсада (*чинор, сада ... кабиларда*) 'илдиз', 'тана', 'шоҳ', 'барг' ва ш.к. лар бор. Лекин буларнинг ҳар бири бир-биридан фарқли нарсалар бўлиши боис, уларни номловчи семалар ҳам бир-биридан фарқланади ва уларни умумий сема ҳисоблаш мумкин эмас.

Бу типдаги парадигмаларнинг тузилишида эътиборга лойиқ ходисалардан бири шуки, парадигмада таркибида бирлаштирувчи семани ифодаловчи лексема қатнашмайди. Масалан, *тарвуз, қовун, ҳандалак* лексик парадигмасидаги ҳар бир лексема полиз экини ва унинг маҳсулини билдиради. Лекин парадигмада *полиз экини* бирикмаси қатнашмайди. *Босволди, қизилтуруғ, чўғири, кўкча, амири* лексик парадигмасида бирлаштирувчи белги *қовун* лексемасига хос, лекин парадигмада бу сўз қатнашмайди. Бундай парадигмаларда бирлаштирувчи сема парадигма аъзоси бўлмаган лексема орқали ифодланади. Масалан, *чарос, ҳусайни, чиллаки, доройи, шивилгони* лексик парадигмасига хос бирлаштирувчи белги (сема) шу парадигмада қатнашмаган *узум* лексемаси билан, *босволди, қизилтуруғ...* парадигмасида *қовун* лексемаси билан қайд этилади. Бундай парадигмаларда (умуман, парадигмада) бирлаштирувчи семани қайд этувчи лексеманинг бўлмаслик сабаби шуки, умумийлик (инвариант) бевосита кузатишда берилмайди. Лекин парадигма аъзоларининг ҳар бирида парадигмага хос умумий белги мавжуд бўлади. Масалан, *чарос, чиллаки, ҳусайни* лексемаларининг ҳар бирида 'узум' белгиси сезилиб туради. Шунинг учун ҳам бирлаштирувчи семани қайд этувчи сўз (лексема)

бу типдаги парадигма аъзоларига бериладиган изоҳнинг охирида қўлланади (Демак, изоҳли луғат тузишда ана шу умумий ходиса, албатта, эътиборда тутилиши керак).

Маълум бўляптики, бундай парадигмаларда парадигма аъзолари муайян гуруҳга мансуб бўлган нарсаларни номлайди. Аъзолар ўртасида зидланиш, зидлик белгиси бўлмайди. Худди шу хусусиятдан келиб чиқилса, бу типдаги парадигма аъзоларига хос ўзаро муносабатни – парадигматик муносабатни «тенг қийматли муносабат» деб юритиш мумкин.

Хуллас, бу типдаги парадигмага хос асосий хусусиятлар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: 1) парадигма иккидан ортиқ лексемалардан тузилади; 2) парадигма аъзолари парадигмага мансуб бўлган нарсаларни номлайди, шу боис уларга хос семалар номловчи семалар бўлади, яъни бир хил қийматга эга бўлган семалар ҳисобланади; 3) парадигма таркибида бирлаштирувчи семани ифодаловчи сўз қатнашмайди, бу сема алоҳида лексема билан ифодаланади ва бу сема ҳам парадигмани шакллантирувчи сема мақомида (бирлаштирувчи сема мақомида) бўлади.

II. Жониворлар оламини номловчи лексемалардан тузилган парадигмалар. Жониворлар олами ҳам ниҳоятда мураккаб тузилишли бўлиб, уларга хос гуруҳлар турли-тумандир. Уларни ифодаловчи лексик парадигмалар ҳам ниҳоятда кўп ва турли-туман. Лекин ҳар қандай система умумийликлар асосида шаклланиши боис, жониворлар олами ҳам энг умумий белгилари асосида йирик-йирик гуруҳларга бўлинади. Умумий белгини билдирадиган лексемалар асосида эса шундай катта гуруҳларни қайд этувчи лексик парадигмалар ҳосил қилинади. Натижада жониворлар оламидаги гуруҳланишни акс эттирувчи лексик система шаклланади.

Жониворлар олами қуйидаги асосий белгилари билан жонсиз нарсалар оламидан фарқланади: 1) яшаш (ҳаёт) тарзи; 2) зоти (тури); 3) жинси; 4) ёши; 5) ранг-туси ва б. Ана шу айтилганлар нуктаи назардан улар умумий ва хусусий белгиларга эга бўлади ва шу белгилар асосида гуруҳланади, бу гуруҳлар тилда парадигмаларда ўз ифодасини топади. Бу айтилганларнинг барчасини биргина ҳайвонот оламига мансуб жониворларни билдирувчи лексемалардан шаклланадиган парадигмалар мисолида аниқ кўриш мумкин.

Жониворлар оламига мансуб жонзотларни билдирувчи лексемалардан парадигмалар шаклланишида икки асосий ҳолат кузатилади: 1) парадигма номловчи семаларни билдирувчи лексемалардан тузилади; 2) парадигма умумий ва хусусий белгига эга бўлган лексемалардан таркиб топади.

1. Биринчи турдаги парадигмалар моҳиятан жонсиз нарсани билдирувчи лексемалардан тузиладиган парадигмаларга ўхшайди, яъни бунда парадигма аъзоларининг барчаси бир хил семага (номловчи семага) эга бўлади, парадигмаларнинг ҳар бир аъзоси муайян гуруҳга мансуб нарсани номлайди. Парадигма таркибида бирлаштирувчи семани ифодаловчи лексема қатнашмайди. Лекин парадигма аъзоларининг ҳар бирида улар учун умумий бўлган белги – 'хайвон' белгиси (хайвон эканлиги) сезилиб туради, худди шу белги асосида лексемалар бир гуруҳга бирлашади. Шунинг учун парадигма аъзоларидан ҳар бирининг изоҳида *хайвон* лексемаси қатнашади Масалан, *иер, йўлбарс, қолон* лексемалари билдирадиган жониворлар ёввойилиги, мушуксимонлар оиласига мансублиги, йиртқичлиги билан хайвонот дунёсининг кичик бир гуруҳини ташкил этади. Бу хайвонларни номловчи лексемалар ана шу белгиларни қайд этувчи семаларга эга. Бу хайвонлар жинси, ёши, ранги ва б. жиҳатдан фарқли белгиларга эга. Лекин бу белгилар уларнинг турини белгиламайди. Шу боис тилда фарқли белгини қайд этувчи сўз ҳам бўлмайди ва улар фарқли белгилари билан гуруҳланмайди, бинобарин, тилда уларни (ўзи йўк гуруҳни) қайд этувчи парадигма ҳам бўлмайди. Масалан, келтирилган жониворларнинг эркак ва урғочиси бор, лекин ўзбек тилида уларнинг эркак ва урғочисини номлайдиган сўз йўк. Шу боис йўк сўзлар билан тузиладиган парадигма ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Хуллас, бу типдаги парадигма аъзолари ўртасидаги муносабатни ҳам тенг қийматли муносабат ҳисоблаш мумкин.

2. Жонли мавжудотларни номловчи лексемалардан ташкил топган (ташкил топадиган) парадигмаларнинг иккинчи турида ҳар бир парадигма умумий ва хусусий семага эга бўлган лексемалардан таркиб топади. Парадигма таркибидаги ўзаро фарқли белгига эга бўлган лексемага хос хусусиятлар турлича бўлиши, яъни ёшга кўра ёки яна бошқа жиҳатдан бўлиши мумкин. Масалан, *чўчқа* – *қобон* – *мегажин* лексик парадигмасида *чўчқа* умумий белгига эга. *Қобон, мегажин* лексемалари, шу белгига (семага) эга бўлгани ҳолда, «эркак» ва

«урғочи»лик белгиси билан бир-биридан фарқланади : *қобон* – эркак чўчка, *мегажин* – урғочи чўчка. *Дўнон–ғўнон–той* лексик парадигмасида фарқли белги ёшга кўрадир. (умумий белги – *от*): *дўнон* – тўрт ёшли от; *ғўнон* – икки яшар айғир (от); *той* – бир ёшдан икки ёшгача бўлган от. *От – айғир* – *бия* парадигмасида фарқли белги жинсга кўра: *айғир*– эркак от; *бия* – урғочи от. *Жийрон – тўриқ – чавкар* парадигмасида фарқлиниш ранг-тусга кўра. *Жийрон* – кизгиш малла *от*; *тўриқ* – қора кизил тусли *от*; *чавкар* – ола-була, қора холли, хол-хол тусли *от* ва б.

Кўриниб турибдики, *жийрон*, *тўриқ*, *чавкар* сўзлари умуман предметнинг рангини эмас, отга хос кўриниш-тусни билдиради, шу билан отнинг турини номлайди, шу билан парадигмани шакллантирувчи бирлик, парадигма аъзоси ҳисобланади.

Хуллас, жониворларни билдирувчи лексемалардан тузилган парадигмаларнинг бир тури умумий белгиларга эга бўлган лексемалардан тузилади. Иккинчи тури эса умумий белгини билдирувчи ва фарқловчи белгига эга бўлган лексемалардан тузилади. Бунда фарқли белги жинсга кўра бўлса, парадигма уч лексемадан, ёшга кўра бўлса, уч ва ундан ортик лексемадан тузилади. Шу типдаги парадигмаларнинг ўзаро фарқли белгига эга бўлган лексемалари шу белгилари асосида ўзаро нисбатланади. Масалан, *қўй – қўчқор – совлиқ* парадигмасида *қўчқор* ва *совлиқ* лексемалари эркаклик ва урғочилик белгиси билан ўзаро нисбатланади. Лекин зидланувчи қисмларнинг ўзи парадигмани ҳосил қилмайди, бу икки лексема умумий белгини билдирувчи лексема билан бир бутунликни, парадигмани ташкил этади. Демак, бу типдаги парадигмаларни зидланиш муносабатига асосланган, шу асосда тузилган парадигма ҳисоблаш мумкин эмас. Ўзбек тили материалларининг кўрсатишича, лексик парадигманинг ўзаро зид маънога эга бўлган, фақат шундай хусусиятли лексемалардан тузилган тури йўқ.

III. Инсоният оламини номловчи лексемалардан тузилган парадигмалар. Инсоният оламининг тузилиши янада мураккаб ва бу ҳолат ҳам тилнинг лексик системаларида ўз аксини топади, албатта. Инсоният оламига оид энг асосий тушунча 'шахе' тушунчасидир. Масалан, бу тушунчага қуйидагича таъриф берилади: «**Шахс** – алоҳида индивид, моҳиятан яхлит ижтимоий-ахлоқий олам. У ўзида инсон

моҳиятини, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини мужассам этади»¹. Шу таърифнинг ўзиданок маълум бўладики, 'шахс' – умумий тушунча, у инсоният оламига мансуб жонзотни билдирувчи лексемалар семемаси таркибида мавжуд бўлади – умумий сема ҳисобланади. Лексемалар ана шу сема асосида бирлашади, бутунликни (системани) ҳосил қилади. Бундай гуруҳларнинг, парадигмаларнинг тузилишида икки асосий фарқли хусусият кузатилади: 1) парадигма умумий ва фарқли белги (сема)га эга бўлган лексемалардан тузилади, лекин парадигманинг фарқли семали аъзолари ўртасида ўзаро нисбатланиш, оппозиция бўлмайди; 2) парадигма ўзаро нисбатланувчи қисмлардап ташкил топади.

1. Биринчи турдаги парадигмаларда парадигма аъзолари ўзаро нисбатланмайди. Масалан, *деҳқон*, *муаллим*, *санъаткор*, *спортчи* лексемалари 'шахс' семаси билан бир парадигмани ҳосил қилади, лекин парадигма аъзолари ўртасида ўзаро нисбатланиш, оппозиция ҳодисаси йўқ. Умумий сема парадигма аъзоларидан ҳар бирининг изоҳида *шахс* лексемаси билан ифодаланади – вокеланади: *деҳқон* – асосий касби ерга ишлов бериш, экин экиш, ҳосил олиш бўлган *шахс*. *Спортчи* – спорт билан шугулланувчи, спорт машқлари ва мусобақаларида қатнашувчи *шахс* ва б.

Бундай парадигмалар аъзоларига хос 'шахс' тушунчаси ҳамма вақт уларнинг изоҳида *шахс* лексемаси билан ифодаланиши шарт бўлавермайди. 'Шахс' тушунчаси шундай тушунчага эга бўлган бошқа лексема билан ифодаланиши мумкин. Масалан, *футбол*, *бокс*, *хоккей*, *теттис* лексемаларининг ҳар бири спортнинг бир турини билдиради ва 'спорт' семаси билан бир парадигмани ташкил этади, лекин парадигма таркибида *спорт* лексемаси йўқ. Бу белги парадигма таркибидаги лексемаларнинг изоҳида *шахс* ёки *спортчи* лексемаси билан вокеланади: «*футболчи* – спортнинг футбол тури билан шугулланувчи, шу турида фаолият кўрсатувчи *шахс*, *спортчи*». Маълум бўладики, бу типдаги парадигмаларнинг аъзоларида 'шахс' тушунчаси имконият ҳолида мавжуд бўлади. Парадигмадаги лексемаларнинг изоҳида у маълум лексема, масалан, *шахс* ёки *спортчи* лексемаси ёрдамида аниқ ифодаланади, вокеликка айланади.

Ўзбек тили материалларидан маълум бўлишича, 'шахс' семаси асосида тузиладиган парадигмалар инсон фаолиятига, касб-корига

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2005. 10-ж., 15-б.

оид тушунчалар, ҳаракат-ҳолатларни билдирадиган лексемалардан ташкил топади. Бунинг сабаби ақлий ва жисмоний меҳнат килиш, меҳнатнинг барча соҳаларида фаолият олиб бориш инсонга хос хусусият эканлигидадир. Бу типдаги парадигмаларнинг кўпгина қисми яъна шахс отларидан бўлишининг (*ишчи, комбайнчи, адабиётшунос қаби*) сабаби ҳам шунда.

Фактлар яна шуни кўрсатяптики, бу турдаги парадигмаларнинг асосий хусусияти жонсиз нарсалар ва жониворларни билдирувчи лексемалардан тузиладиган парадигмаларнинг 1-бандда кўрсатилганлари билан бир хил моҳиятга эга, яъни тенг қийматли лексемалардан тузиладиган парадигмалардир.

2. 'Шахс' семали лексемаларнинг парадигмаланишидаги иккинчи ҳодисанинг моҳияти шундан иборатки, биринчидан, бундай парадигмалар ўзаро нисбатланувчи (ўзаро муносабатда бўлган) лексемалардан тузилади. Иккинчидан, нисбатланувчи лексемаларнинг ҳар бирида умумий ва фарқловчи белги мавжуд бўлади. Масалан, *ака-ука, опасинги, тоға-амма* жуфтликларининг қисмлари 'шахе' семаси билан бир, жинс ва ёш жиҳатидан фарқли белгилари билан бошқа типдаги парадигмаларни ҳосил қилади. Буларнинг ҳар бирига тўхталишни лозим топмаймиз.

Объектив борлиқнинг жонсиз мавжудот, жониворлар ва инсоният оламига мансуб нарсаларни билдирувчи лексемалардан шаклландиган парадигмалар тадқиқидан маълум бўлдики, бундай парадигмалар икки ва ундан ортиқ лексемалардан тузилади. Парадигмаларни ўзига ёндош ҳодисалардан, лексик-семантик гуруҳлардан фарқлашда ана шу ҳодиса доимо эътиборда бўлиши лозим. Қолаверса, бундай парадигмалар аъзолари ўртасидаги муносабатни (парадигматик муносабатни) белгилаш, талқин этишда ўзбек тилшунослигида ҳар хил фикрлар, ҳодисанинг моҳиятини тўғри қайд этмайдиган нуқтаи назарлар мавжуд. Бу эса ишни шундай фикр-мулоҳаза, қарашлар ҳақида тўхталиб, уларга муносабат билдириш, сўнгра ҳар бир ҳодисанинг моҳияти ҳақида ўз фикримизни билдиришни тақозо этади. Шу асосда иш кўрилса, ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини тушуниш ва тушунтириш янада осонлашади.

Парадигматик муносабат. Юқорида объектив борлиққа оид нарсалар, жонзотлар ва инсоният оламига хос системаларнинг тил системасидаги, аниқроғи, лексик системадаги ифодаси юзасидан, яъни

лексик парадигмалар юзасидан умумий тарзда ўз мулоҳазаларимизни билдирдик. *Тил системаларини ўрганишдан мақсад тил бирликларини ўртасидаги алоқаларни, муносабатларни очиш.* деган муҳим эътирофдан келиб чиқилса, лексик системани ўрганишда ҳам бундай иш, яъни парадигма аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини ёритиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга моликлиги маълум бўлади.

Лексик парадигманинг икки ва ундан ортик лексик бирликлардан ташкил топиши, бу бирликларда парадигма аъзоларидан ҳар бирининг моҳияти, уларга хос ўзаро муносабатнинг моҳияти катта аҳамият касб этади. Ана шу муносабат муайян парадигманинг моҳиятини белгилайди. Шунинг учун ҳам парадигма ҳақида гап борганида, унинг неча компонентдан ташкил топиши, парадигма аъзоларининг ўзаро муносабати, албатта, тилга олинади. Лекин мазкур масала юзасидан билдирилган фикрлар кўп ҳолларда бир-бирига мос келмайди, баъзиларини ўзбек тили материаллари тасдиқламайди. Шу боис бу масалалар юзасидан ўзбек тилшунослигида билдирилган фикрларга эътибор қаратиб, улар юзасидан ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топамиз.

Ўзбек тилшунослигида проф. Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловнинг систем лексикология масалаларига бағишланган иши борлигини кўрдик. Бу ишда «муносабатлар» масаласига алоҳида эътибор берилган, ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини ўзбек тили материаллари асосида ёритишга, ҳал этишга ҳаракат қилинган, билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга лойик: «7-§. «Муносабатлар» деганда бир бутунлиكنинг таркибий қисмлари – бирликлари асосидаги ўзаро алоқалар, боғланишлар тушунилади. Бундай алоқалар турлича бўлиши мумкин. Шакл, маъно ёки вазифа жиҳатидан ўхшашлик ва фарқлар, тил бирликлари орасидаги ўзаро муносабатлар, алоқалар орасида, асосан, уч хил муносабат фарқланади: 1) ўхшашлик (парадигматик) муносабатлари; 2) поғонали (иерархик) муносабатлар; 3) қўшничилик (синтагматик) муносабатлар»¹.

Булардан бевосита фақат лексик системаларга тегишли бўлгани «ўхшашлик» («парадигматик») муносабатларидир. Шу боис ишимиз давомида шундай муносабатлар билан юзага келган, юзага келадиган лексик системалар ҳақида фикр юритилади. Булардан ҳар бири ҳақида фикр юритишдан олдин бу муносабатларга нисба-

¹ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Юкорида кўрсатилган асар, 14-15-б.

тан қўлланаётган терминларга тўхтаб ўтишга тўғри келади. Чунки ҳодисанинг моҳиятини қай даражада аниқ, тўғри тушуниш унга нисбатан қўлланаётган терминнинг қай даражада талабга жавоб бериш-бермаслигига боғлиқ бўлади.

«Парадигматик муносабат» термини парадигма ҳодисасининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳосил қилинган, шу боис бу ҳодисанинг моҳиятини тўғри қайд этишига шубҳа бўлмаса керак: «**Парадигматик муносабат** – бир парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабати»¹. Ўзбек тилшунослигига оид ишларда бундай муносабат «ўхшашлик муносабати», «уядошлик муносабати»² деб ҳам юритилапти. Бизнингча, терминни ўзбекчалаштириш мақсадида шундай қилинаётган бўлса керак. Лекин «ўхшашлик муносабати», «уядошлик муносабати» терминлари таркибидаги *ўхшашлик*, *уядошлик* сўзлари бу мақсад учун хизмат қила олмайди, яъни уларда «парадигматик муносабат»нинг моҳиятини *парадигма* сўзидан ҳам аниқроқ, тўғрироқ ифодалаш имконияти йўқ. Чунки парадигматик муносабатдаги асосий белги умумийликдир. Масалан, юқорида кўрилган *сада*, *терак*, *тол* лексемаларининг изохида бир хил сема, яъни умумий сема бор: 'илдиз', 'ёғочланган тана', 'шоҳ-шабба' ва б. Булар шу лексемалар учун бир хил – умумий белги, лекин ўхшаш белги эмас, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, бу белги *дарахт* лексемаси билдирган ўсимликда мавжуд, лекин *сада*, *чинор*, *терак*, *тол* сўзларининг илдизи, танаси, шоҳлари бир-бириникига ўхшамайди. Шунинг учун ҳам *парадигма* терминига «Умумий белгига кўра бирлашувчи, хусусий белгиси билан ўзаро фаркланувчи бирликлардан ташкил топган гуруҳ (бутунлик)» деган таъриф берилади ва бу таъриф мутахассислар томонидан тан олинган, жумладан, лексик системанинг ҳам ўзаро фаркли белгига эга бўлган лексемаларнинг бир умумий белги асосида бирлашувидан ташкил топган лексик-семантик гуруҳ (бутунлик) экани қайд этилади³. Парадигманинг бундай моҳиятини *ўхшашлик* сўзи қайд эта олмаслиги аниқ сезилиб турибди. «Уядошлик муносабати» термини ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин, яъни «парадигматик муносабат» ҳодисасининг моҳиятини «уядошлик муносабати» термини ҳам аниқ ва тўғри қайд эта олмайди. Шундай экан, «парадигматик

¹ Ҳо ж и е в А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати, 79-б.

² Н у р м о н о в А. ва бошқалар. Юқорида кўрсатилган асар, 9-б.

³ Лингвистический энциклопедический словарь. - С. 348.

муносабат» термини ўрнида «ўхшашлик муносабати» ёки «уядош-лик муносабати» терминларини қўллаш ҳеч қандай ижобий натижа бермайди, аксинча, бундай қилиш лексик парадигмаларнинг шаклланиши ва бу жараёнда юз берадиган ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишда салбий натижаларга олиб келади, хато фикр-мулоҳазаларнинг бир-бирига зид қарашларнинг юз беришига сабаб бўладики, амалда шундай ҳолатлар кузатиляпти ҳам. Буни биргина парадигматик муносабатлар юзасидан билдирилган фикрлар мисолида аниқ кўриш мумкин.

«Парадигматик (ўхшашлик) муносабатлар тил зиддиятларида (оппозицияларда) воқелашади, «кўринади» ... Бу зиддиятларнинг энг асосийлари тўрт хилдир. Улар қуйидагилар: 1) тенг қийматли (эквивалент) зиддиятлар; 2) мутаносиб (пропорционал) зиддиятлар; 3) даражали (градуал) зиддиятлар ва 4) ногўлик (приватив) зиддиятлар»¹. Бундай фикр умумтилшуносликка оид адабиётларда, шунингдек, ўзбек тилшунослигига оид адабиётларда ҳам мавжуд.

Лексик-семантик гуруҳ, яъни парадигма аъзоларининг ўзаро муносабатига нисбатан, шу муносабатнинг моҳиятини қайд этиш учун ўзга тилшуносликка оид ишларда *оппозиция* сўзи қўлланади. Бу сўз (термин)ни бошқа тиллар учун қўллашнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида аниқ бир фикр айта олмаймиз (Бу бизнинг вазифамизга кирмайди ҳам). Лекин ўзбек тилидаги мазкур ҳодисага нисбатан *оппозиция* ёки *зидланиш (зидлик)* терминларини қўллаш талабга жавоб бермайди. Чунки бу сўзлар лексик парадигманинг моҳиятини тўғри ва аниқ қайд эта олмайди, қайд этиш имкониятига эга эмас, ҳатто ҳодисанинг моҳиятини тўғри, осон тушунишга тўсқинлик қилади. Буни аниқ тасаввур этиш учун зиддиятнинг ҳар бир тури ҳақида билдирилган фикрларга алоҳида тўхташ ва уларга муносабат билдиришга тўғри келади.

«Парадигматик муносабатларнинг тил зиддиятларида воқеланиши» масаласига, бу ҳақдаги фикрларга тўхташдан олдин қуйидаги бир жумлага эътиборни қаратамиз: «Тил бирликлари орасидаги фарқ кучайиб, зиддият даражасига етиши ҳам мумкин. Қиёсланг: [ок]: [қора]; [кун]: [тун]...»². Бу икки мисолдаги лексемалар орасида зиддиятнинг кучайиши ҳодисаси йўқ, яъни лексемалар билдирган

¹ Неъматов Х., Расулов Р. Юқорида кўрсатилган асар, 16-б.

² Неъматов Х., Расулов Р. Шу иш, 14-б.

ҳолат (*оқ* ва *қора*, *кун* ва *тун* лексемалари билдирган ҳолатлар)нинг қандайдир бошқача ҳолатдан, бошқача даражадан кучайишини тасаввур этиш мумкин эмас. Умуман тилда, жумладан, парадигма аъзолари ўртасида зиддиятнинг кучайиши ҳодисаси кузатилмайди.

Парадигматик муносабатларнинг юқорида келтирилган тўрт туридан ҳар бирига тўхташдан олдин, умуман, парадигматик муносабатларда зидланиш, зидлик ҳодисаси бор-йўқлигини аниқ кўрсатувчи ва буни тасаввур этишни осонлаштирувчи бир фактга эътиборни қаратмоқчимиз.

Юқорида кўрдикки, *сада*, *арча*, *чинор*, *терақ*, *тол* лексемаларининг ҳар бири ўзига хос фарқли белгига (семага) эга. Шу билан бирга, улар бир умумий белгига ҳам эга ва худди шу белгиси, семаси асосида бирлашади, бир лексик парадигмани ҳосил қилади. Булардаги умумий белгини «ўхшашлик» ёки «уядошлик» белгиси дейиш, *умумийлик* сўзини *ўхшашлик*, *уядошлик* сўзлари билан алмаштириш мумкин бўлмаганидек, парадигма аъзолари (лексемалар) ўртасида зидлик муносабати, умуман, зидланиш ҳодисаси йўқлигига ҳам шубҳа қолмайди. Бундай парадигмаларда парадигма аъзоларининг бир умумий белги (сема) асосида бирлашуви, бутунлик ҳосил қилиши муҳимдир, шундай белгисиз парадигма ҳосил бўлиши ҳақида гапириш мумкин эмас. Демак, ҳар қандай парадигманинг аъзолари ўзаро зидланишда бўлади, деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди.

Энди парадигматик муносабатларда юқорида келтирилган зиддият турлари ва улар ҳақида билдирилган фикрларга қисқа тарзда тўхтаб ўтсак. «Тенг қийматли (эквиволент) зиддият деганда икки тил бирлигининг ўзига хос белги-хусусиятлари асосида ўзаро қарама-қарши кўйилиши, зиддияти тушунилади. Масалан: [она]:[бола]. Бу зиддиятда бир тил бирлиги вояга етган, нисбатан катта ёшдаги шахсни, иккинчиси эса вояга етмаган, нисбатан кичик ёшдаги шахсни ифода этади. Яна қиёсланг: [кўй]:[кўчқор]. Бу зиддиятдаги тил бирликларидан бири «урғочилик», иккинчиси эса «эркаклик» маъносига эга. Шунга кўра ушбу тил бирликлари ўзаро зид муносабатдадир. [китоб]:[дафтар]; [қўй]:[эчки]; [от]:[эшак]; [оқ]:[қора]; [қизил]:[сарик]; [мен]:[сен] каби тил бирликлари орасидаги зиддиятлар ҳам тенг қийматли зиддиятлардир»¹.

Аввало айтиш керакки, лексик парадигмалар лексемалар маъносидаги фарқ (зиддият)лар асосида (умумий белгисиз) ташкил топмайди (Буни юқорида кўрдик). Шунинг ўзиёқ ўзбек тилида лексик

¹Неъматов Х., Расулов Р. Ўша рисола, ўша бет.

парадигманинг бундай гури борлигини инкор этади. Қолаверса, бу таърифдан маълум бўладики, «тенг қийматли (эквиволент) зиддият» деганда икки нарса тан олинади: 1) парадигманинг икки қисм (компонент)дан таркиб топиши; 2) бу таркибдаги лексемаларнинг зид семаларга эга бўлиши. Бироқ масалага парадигманинг биз юқорида қайд этган (бошка ишларда ҳам қайд этилган) моҳияти асосида, яъни лексик парадигманинг ўзаро фаркли ва умумий белгига эга бўлган лексемалардан ташкил топиши асосида ёндашилса, келтирилган «ўзаро зид» бутунликнинг ўзи лексик парадигма бўла олмаслиги маълум бўлади. Келтирилган мисоллар ва улар ҳақида билдирилган фикрлар юзасидан эса қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, зиддиятнинг бу тури учун келтирилган [она]:[бола]; [қўй]:[кўчқор] ва [қўй]:[эчки], [от]:[эшак], [оқ]:[қора], [кизил]:[сарик] типидаги бутунликлар бир хил моҳиятга эга эмас. Масалан, [она]:[бола] бутунлигини олайлик. Биринчидан, бу икки лексема ўзаро фаркли белгига эгаллиги аниқ. Бунда бирлаштирувчи белги зидлик белгиси бўлиши ҳақида гапириш қийин. Иккинчидан, бу фарқ зидлик белгиси сифатида қабул қилинган тақдирда ҳам, шу белги асосида парадигма тузилиши ҳақида гапириш мумкин бўлмайди (Бу нарса юқорида алоҳида таъкидланди). «Бу зиддиятда бир тил бирлиги вояга етган, нисбатан катта ёшдаги шахсни, иккинчиси эса вояга етмаган, нисбатан кичик ёшдаги шахсни ифода этади» деган изохнинг ўзиёқ буни очик-ойдин тасдиқлайди.

Қўй ва кўчқор сўзлари, уларнинг ўзаро муносабати ва бу муносабат асосида парадигманинг шаклланиши масаласида ҳам муаллифларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки *қўй* лексемаси маъноси таркибида 'урғочи' семаси йўқ, қўйнинг урғочиси *совлиқ* дейилади, яъни 'урғочи' семаси *совлиқ* сўзи семемаси таркибида бор ва у фарқловчи сема ҳисобланади. *Қўй* лексемаси кўчқор ва совлиққа нисбатан қўлланаверади – у жинсга нисбатан бетараф. Демак, *қўй* умумий белгини билдиради, худди шу белги (умумий сема) асосида *қўй* – *кўчқор* – *совлиқ* лексемалари бир лексик-семантик гуруҳни, системани ташкил этади. Бинобарин, системанинг (парадигманинг) *қўй* ва *кўчқор* лексемалари маъно муносабати асосида шаклланиши ҳақидаги гап ҳақиқатга тўғри келмайди. Жонли мавжудотларни, жумладан, шахсни билдирувчи лексемаларнинг парадигма ҳосил қилишини, унинг моҳиятини белгилашда ана шу нарса доимо эътиборда тутилиши

талаб этилади. Бундай лексемалар система ҳосил қилишида турлича ҳолат бўлиши – зидланиш ҳодисаси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, *қўй* – *қўчқор* – *совлиқ* лексик-семантик гуруҳида умумий белги билдирувчи сема ('қўй') ҳам, фарқловчи сема ҳам бор ('эркак', 'урғочи'). Лекин зидланиш аҳамият касб этмайди, фарқли белги назарда тутилмайди, умумий белги аҳамият касб этади. *Отана, чол-камтир, ака-ука, опа-сингил* кабиларда ҳам шундай ҳодиса кузатилади, яъни бу жуфтликларда жинс ёки ёшга кўра фарқлиниш мавжуд, бу фарқ бирининг иккинчисига нисбатан «тескари» белгига эгаллигида ўз ифодасини топади. Шу жиҳатдан «зиддият», «зидланиш» ҳодисаси сифатида қаралади. Лекин улар парадигманинг аъзоси сифатида ўзаро фарқловчи белги (шундай мақомдаги белги) сифатида бўлади ва умумий белгиси билан бир парадигмани ташкил этади.

Шундай ҳолатлар борки, улар умумий ва бир хусусий белгилар билдирувчи лексема ҳам бир лексик-семантик гуруҳни (парадигмани) ташкил этиши мумкинлигини, шундай ҳодиса борлигини тасдиқлайди. Масалан, *эчки* сўзи сутэмизувчи хайвонларнинг бир турини билдиради (*қўй* сўзи каби). *Така* – эчкининг эркагини билдиради. Лекин ўзбек тилида эчкининг урғочисини билдирадиган сўз йўқ (Балки ўзбек тили шеваларида бордир). Демак, ўзаро зидланадиган жуфтлик йўқ. Шунга қарамай, *эчки* ва *така* сўзлари умумий ва хусусий белгиси асосида бир бутунликни, гуруҳни ҳосил қилади. Бу факт ўзбек тилида ҳар қандай лексик-семантик гуруҳ маънога кўра ўзаро зидланувчи сўзлардан ташкил топади, деган фикрни рад этади. Ҳ. Неъматов ва Р.Расулов ишида эса бундай ҳолатда ҳам зидланиш борлигини исботлашга ҳаракат қилинган ва бу зиддият «нотўлик (приватив) зиддият» деб таърифланган: «Нотўлик (приватив) зиддият иккита тил бирлиги (ёки бирликларнинг икки гуруҳи) орасида бўлади. Бу бирликлардан биттаси барқарор, доимий, ўзгармасдир. Масалан: [қўчқор] сўзи ҳамшиша фақат эркак қўйни англатиб келади, урғочи қўйни ифода эта олмайди. Шунга кўра [қўчқор] сўзининг маъно таркибидаги «эркаклик» белгиси доимий, барқарор, ўзгармасдир. [Қўй] сўзи эса [қўчқор] сўзига нисбатан акс хусусиятга эга. У асосан, урғочи қўйни атаб келишга хизмат қилади. Аммо баъзи ҳолларда [қўй] сўзи «урғочилик» маъносини йўқотиб, «эркак қўй» [қўчқор]ни ҳам англатиб кела олади»¹. Бу ва бундан кейинги гапларнинг бирон-

¹Неъматов Ҳ., Расулов Р. Кўрсатилган асар, 17-б.

таси ўзбек тилида шундай зиддиятли кисмлардан ташкил топадиган лексик-семантик гуруҳни, парадигмалар бўлишини тасдиқламайди. «Қўй сўзи баъзи ҳолларда «урғочилик» маъносини йўқотиб, «эркак қўй» [қўчқор]ни ҳам англаиб кела олади» деган гапнинг ўзиёқ бунинг исботи бўла олади, яъни [қўй] сўзи «эркаклик» ва «урғочилик» семасига эга бўлмаган, бу маънолар («эркаклик» ва «урғочилик» семаси) *қўчқор*, *совлиқ* лексемалари семемаси таркибида бўлган ва ҳозир ҳам бор. Бинобарин, *қўй* – *қўчқор* – *совлиқ* лексик-семантик гуруҳидан зиддиятни кидириш ва «урғочилик» семасига эга бўлган лексеманинг, яъни *совлиқ* сўзининг йўқлиги боис бундай зиддият «нотўлиқ зиддият» деб аталиши ва буни исботлаш учун келтирилган далил ҳамда ай-тилган бошқа гапларни ўзбек тили материаллари тасдиқламайди.

Маълум бўлдики, биринчидан, лексик парадигмалар икки ва ундан ортик лексемалардан ташкил топади. Иккинчидан, парадигманинг ўзаро фарқли белгига эга бўлган икки лексемаси фарқли белгининг ўзи билан парадигмани ҳосил қилмайди, зидланиш икки фарқли сема асосида, бирлашиш – умумий белги асосида юз беради. Зидланишнинг «нотўлиқлиги» масаласида шуни айтиш мумкинки, зиддият (бизнингча, фарқланиш) камида икки лексема ўртасида бўлади. Бир лексемада бундай ходиса бўлмайди. Шундай экан, жинсий белгининг биттасини (эркаклик ёки урғочилик белгисини) ифодалайдиган лексема бўладиган ҳолатларда зидланишнинг ўзи йўқ, унинг «нотўлиқлиги» ҳақида ҳам гапириш мумкин бўлмайди. Шу билан бирга, зидланувчи (фарқли) ва умумий белгини билдирадиган лексема қўлланмайдиган ҳолларда ҳам (аввало, бу ходиса кам учрайди) фарқли белги махсус лексема билан ифодаланади: *эчки*, *така* парадигмасида «урғочилик» белгиси *урғочи* лексемаси билан ифодаланади. Демак, бор белги ифодасиз қолмайди. Яна бир эътиборга лойиқ ходиса шуки, ўзаро фарқли белгини ифодаловчи лексемалардан биттаси қўлланишининг ўзиёқ унинг иккинчи тури ҳам борлигига ишора қилиб туради. Масалан, ўзбек тилида эчкининг эрагини билдирувчи *така* сўзининг қўлланиши бу жониворнинг (эчкининг) урғочиси ҳам борлигига ишора қилиб туради ва, эҳтиёж бўлган тақдирда, албатта ифодаланади («урғочи» сўзи билан).

Айтилганлардан ва келтирилган фактлардан маълум бўляптики, «нотўлиқлик» парадигма таркибида ўзаро муносабатда бўладиган

бир лексеманинг йўқлиги билан характерланади. Шундай экан, бу ходисани «зиддиятнинг нотўлиқлиги» эмас, парадигманинг нотўлиқлиги деб тушуниш ва бундай парадигмаларни «нотўлиқ парадигма» деб юритиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Кўрилган рисолада «Мутаносиб зиддият» ҳақида, қуйидагилар ёзилган: «Мутаносиб зиддиятлар деганда муайян бир белги асосида тузилган зиддият қатори тушунилади. Чунончи, «эркаклик» ва «ургочилик» белгиси асосида жуда кўплаб лугавий зиддиятлар ҳосил қилинади. Қиёсланг: [қиз]:[йигит]; [эр]:[хотин]; [она]:[ота]; [кампир]:[чол]; [опа]:[ака]; [мегажин]:[қобон]; [сигир]:[хўқиз]; [байтал]:[айғир]... каби зиддиятлар ўзаро мутаносибдир. Чунки бундай зиддиятлар айнан бир белги асосида ташкил топади. Мутаносиб зиддиятларни ҳисобга олиш тил бирликларининг моҳиятини аниқлашда, санокли хусусиятларга кўра кўплаб нарса-предметнинг моҳиятини очишда катта ёрдам беради»¹.

«Мутаносиб зиддият» термини таржима термин бўлиб, унинг моҳияти ҳақидаги гапларни ўзбек тили материаллари тасдиқламайди, термин таркибидаги *мутаносиб* сўзи бирон-бир моҳиятни қайд эта олмайди. Шунингдек, зиддиятнинг бу турига берилган таъриф ҳам зиддиятнинг муайян бир турини қайд эта олмайди. Чунки «муайян бир белги асосида тузилиш» умуман парадигма учун хос хусусиятдир. Келтирилган мисолларнинг моҳиятан бир-биридан фарқли ходисалар эканлигининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди.

Қолаверса, «эркаклик» ва «ургочилик» белгиси асосида лугавий зиддиятлар ҳосил қилинади» деган жумла фикрни аниқ ифодалай олмайди. Чунки бундай зиддиятли лексемалар, демакки, зиддиятли ҳолатлар ҳосил қилинмайди, балки тилда бор бўлади. Яна такрор айтишимизки, парадигма ҳақида гап борганида, асосий нарса парадигма таркибидаги ўзаро фарқли лексемалар ўртасидаги «зидлик»ни белгилаш, зиддиятли ҳолатлар ҳосил қилиш эмас, балки парадигманинг ўзини, уни ташкил этувчи компонентларни, улар ўртасидаги муносабатни белгилашдир. Парадигмадаги ўзаро фарқли семали лексемаларнинг муносабати зидланишли бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин, бу нарса ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди.

Хусусий белгига эга бўлган лексемалар муносабатининг моҳияти зиддиятли бўлишида эмас, умуман, фарқли бўлишида экани яна ўша

¹Неъматов Х, Расулов Р. Юкорида кўрсатилган асар, 16-17-б.

сада, арча, чинор, терак, тол лексемаларидан ташкил топган парадигма мисолида аниқ кўринади. Бу лексемалар учун умумий белги бақувват илдизли, ёғочланган танали, шохли бўлиши эканини кўрдик (дарахтга хос белгилар). Шу билан бирга, бу белгиларнинг ҳар бири ҳар бир лексема билдирган нарсада (*сада, арча, чинор, терак, толда*) кўриниши, тузилиши, ўсиши ва б. жиҳатдан фарқли бўлади ва буни сезиш қийин эмас. Лекин бу фарқланишда ҳеч қандай зидланиш йўқ. Демак, парадигма аъзоларидан ҳар бирига хос белги 'зидланиш' ('зидлик') белгиси эмас, балки 'фарқловчи' белги бўлишидир.

Кўрилган ишда келтирилган зиддиятлардан навбатдагиси «даражали (градуал) зиддият»дир. «Даражали зиддият энг камида учта тил бирлиги асосида бўлади ва бу бирликлар муайян бир белги-хусусиятнинг даражасига – оз-кўплигига кўра ўзаро қарама-қарши қўйилади. Масалан, [тузук]:[дуруст]; [яхши]:[ажойиб]. Бу тил бирликларининг барчаси ижобий баҳо белгисини ифодалайди. Айни вақтда ушбу белги [тузук]дан [ажойиб]га томон ўсиб боради. [шивирла]:[тичирла]:[айт]:[гатиp]:[бақир]:[ҳайқир]: ...қатори 'овоз миқдори' белгиси асосида тузилган бўлиб, бу белги [шивирла]дан [ҳайқир] га томон ўсиб боради...

Даражали зиддиятлар тилнинг луғат бойлигини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки даражали зиддиятлар тилнинг луғат тизимида жуда кенг тарқалган. [ҳужра]:[кулба]: [уй]:[ҳовли]:-[қасp]:[қошона]... каби луғавий бирликларнинг қаторлари шулар жумласидандир»¹.

Бу «зиддият» ҳақида айтилганлар ўзбек тили лексик парадигмаларида зиддиятнинг шундай тури борлигини исботлай олмаганидек, келтирилган мисоллар ҳам уларни тасдиқламайди. Биринчидан, *тузук, дуруст, яхши, ажайиб* каби сўзлардан ташкил топган гуруҳ, умуман, синоним гуруҳлар лексик парадигмалардан фарқли ҳодиса(лар) ҳисобланади (Бу ҳақда бир оз кейинроқ тўхталамиз). Иккинчидан, лексик парадигманинг таркибий қисми деб қаралаётган лексемалар, аслида, парадигма ҳосил қилмайди, бир парадигмага бирлашмайди. Масалан, *айт, гатиp, бақир, ҳайқир* лексемалари, шунингдек, *ҳужра, кулба, уй, ҳовли, қасp, қошона* лексемалари парадигма ҳосил қилмайди ва ҳоказо.

¹ Нёматов Ҳ., Расулов Р. Юкорида кўрсатилган иш, 17-б.

Хуллас, юкорида кўрилган тил фактларини ўрганишнинг муҳим аҳамиятга эғалигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ уларни зўрма-зўраки ҳолда лексик парадигмалар қаторига киритиш ҳамда қандайдир “зиддият”га ёпиштириш, шу асосда уларнинг моҳиятини белгилашга уриниш ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, аксинча, тилда мавжуд бўлган тил ходисаларини, улардан ҳар бирининг моҳиятини тўғри, тўла ва аниқ ёритишга тўсқинлик қилади. Бу ҳол, айниқса, инсонни билдирувчи лексемалардан тузилган парадигмаларда аниқ кўринади. Масалан, *ота-бола, она-бола, ака-ука, опа-сингил, опа-ука, ака-сингил, амаки-тоға, амма-хола* кабиларнинг барчасида нисбатланиш ҳодисаси бор. Изоҳли луғатларда, яъни шу сўзларнинг изоҳида муносабатнинг моҳияти қайд этилади: **Амаки...** Отанинг акаси ёки укаси (жиянларга нисбатан)¹. **Тоға...** Аёлнинг ака-укалари (унинг болаларига нисбатан)². **Амма...** Отанинг опаси ёки синглиси (жиянларга нисбатан)³ ва б. Умуман, қариндош-уруғчилик, туғишганлик муносабатини билдирувчи лексемалардан тузилган парадигмаларда парадигма аъзоларининг моҳияти турлича бўлади. Лекин бу муносабатларни зиддият деб қараш мумкин бўлмайди. Ҳатто *ака-ука, опа-сингил* каби жуфтликларни ҳам зиддиятли муносабат ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Шунинг учун ҳам жуфтликлар компоненти «Аканинг зидди (тескариси) ука»; «уканинг зидди (тескариси) ака» тарзида изоҳланмайди ва хоказо.

Юкорида айтилганлар ва келтирилган фактларнинг барчасидан маълум бўлдики, лексик парадигмаларни ташкил этувчи лексемалар икки хил белгига (семага) эга бўлади: 1) умумий (бирлаштирувчи) белги (сема); 2) фарқловчи белги (сема).

Бирлаштирувчи белги асосидаги муносабат билан лексик парадигма шаклланади. Парадигма аъзоларининг ўзаро фарқли маъно муносабати қандай бўлишидан, яъни зиддиятли, зиддиятсиз ёки бошқача бўлишидан қатъи назар, уларнинг парадигма таркибида тутган ўрни, мавқеи бир хил бўлади – фарқловчи белгили компонент ҳисобланади. Бунинг сабаби шуки, улар бир турдаги семаларни – номловчи семаларни ифодаловчи лексемалар бўлади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I жилд. Тошкент, 2006. 76-б.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, IV жилд. Тошкент, 2008. 164-б.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I жилд, 79-б.

Объектив оламга хос системаларнинг, яъни жонсиз нарсалар, жониворлар ва инсоният оламига хос системаларнинг лексик системадаги ифодаси ҳақидаги гапларни яқунлар эканмиз. яна бир муҳим ҳодисага эътибор қаратишни лозим топамиз.

Аввало айтиш керакки, тил – объектив оламдаги нарса-ҳодисаларнинг ифодаловчиси деган сўз тил – борлиқнинг айнан акси (кандай бўлса; шундай ифодаси) дегани эмас. Буни лексик парадигмалар юзасидан кузатишларимиз ҳам аниқ тасдиқлайди ва бунинг сабаблари бор, албатта. Масалан, ҳайвонот оламига мансуб жониворларнинг ёши, жинси, зоти ва бошқа жиҳатдан фарқланиши маълум. Бу фарқланиш тилда ўз ифодасини топади – маълум тил бирликлари, жумладан, сўзлар билан ифодаланади. Лекин бу фарқли белгилар фақат лексик парадигмаларда, яъни лексик парадигма аъзолари орқали ифодаланавермайди. Масалан, *қўчқор–совлиқ, қобон–мегажин* жуфтликларининг компонентлари умумийлик (қўй ва чўчка) ва хусусийлик (жинс) белгиларига эгаллиги билан – шу белгилар асосида алоҳида парадигмани; *сийир –бия; дўнон–ғўнон–той* лексемалари жинс ва ёшга кўра хусусий белгиси ҳамда 'от' умумий белгиси асосида алоҳида-алоҳида парадигмаларни ташкил этади. Биргина ҳайвонот оламининг ўзида уларнинг жуда кўп турлари жинсий жиҳатдан фарққа эга. Лекин уларнинг умумий ва хусусий белгисини бирга ифодалайдиган сўзлар ўзбек тилида йўқ. Бу ҳодисани *шер, йўлбарс, қоплон* сўзлари мисолида кўрдик ва бунинг сабаби ҳам айтилди. Бундай ҳодисанинг мавжудлигини инсоният оламига мансуб жонзотлар мисолида ҳам кўплаб кузатиш мумкин. Ўз-ўзидан, «бунинг сабаби нимада?» деган савол тугилади. Бизнингча, бунинг сабаби тилнинг ихчамликка, аниқликка интилиши каби қонуниятлар билан изоҳланади. Шу билан бирга, бунга объектив борлиқ системаларини тилда фақат парадигмалар билан ифодалаш талаб этилмаслиги, бунга эҳтиёж бўлмаслиги ҳам сабаб бўлади. Чунки, юқорида айтилганидек, объектив оламдаги нарса-ҳодисалар, эҳтиёж бўлган тақдирда, албатта, ўз ифодасини топади. Шундай экан, фарқли белгиларнинг парадигма ҳосил қилувчи лексемалардан бўлишига эҳтиёж нисбатан кам бўлади. Масалан, *эркак* ва *урғочи, ўғил* ва *қиз* каби лексемаларнинг мавжудлиги тилда жинсий белгига кўра фарқни ифодалашни таъминлайди. Демак, жинсга кўра фарқли белги (эркаклик ва урғочилик белгиси) билан умумий бел-

гини ('қўй' семасини) бирга ифодалаш талаби билан, шунга эҳтиёж бўлган ҳолларда парадигма ташкил этувчи лексемалар (*қўчқор*, *совлиқ* каби лексемалар) юзага келган. Қолган ҳолларда жинсий фарқ *эркак*, *урғочи* каби сўзлар билан ифодаланаверган.

Шу ўринда яна бир факт эътиборга лойиқ. Масалан, янги туғилган, жуда ёш жонивор ёки инсон боласи жинс жиҳатдан фарқли бўлади – эркак ёки урғочи (ўғил ёки қиз) бўлади. Уларнинг фарқли умумий белгисини бирликда ифодалаб, парадигма ҳосил қилувчи лексемалар ўзбек тилида йўқ. Жинсий фарқ *эркак*, *урғочи*; *ўғил*, *қиз* сўзлари билан ифодаланаверади: *эркак қўзи*, *урғочи қўзи*; *ўғил бола*, *қиз бола*. Талаб бўлганки, вақти келиб, яъни улар вояга етиши билан *қўчқор*, *совлиқ*; *йигит* сўзлари (атамалари) юзага келган ва лексемалар умумий семаси билан парадигма ҳосил қиладиган бўлган: *қўчқор* – эркак қўй; *совлиқ* – урғочи қўй; *йигит* – жинсий ва жисмоний жиҳатдан вояга етган эркак; ёш эркак. *Қиз* – балоғатга етган, лекин эрга тегмаган аёл жинсига мансуб шахс. Кўриниб турибдики, *қиз* сўзи жисмоний жиҳатдан йигитга қарама-қарши маъно ҳам касб этган ва худди шу маъноси асосида *йигит* сўзи билан лексик парадигмани ҳосил қилади (*йигит-қизлар*).

Хуллас, лексик парадигмалар умумий (бирлаштирувчи) ва фарқли семалар асосида юзага келади. Бунда куйидаги ҳолатлар кузатилади: 1) парадигмалар бирлаштирувчи ва фарқли лексемалардан тузилади. Бирлаштирувчи семани билдирувчи сўз парадигмада қатнашмайди, бу сема парадигма аъзоларининг ҳар бирида мавжуд бўлади ва парадигма аъзоларидан ҳар бирининг изоҳида намоён бўлади. Масалан, *сада*, *арча*, *чинор*, *терак*, *тол* лексемаларидан ташкил топган парадигманинг бирлаштирувчи семаси *дарахт* лексемасида намоён бўлади; 2) парадигмалар бирлаштирувчи ва ўзаро фарқли семага эга бўлган лексемалардан тузилади. Масалан, *қўй*, *қўчқор*, *совлиқ* лексемаларидан тузилган парадигмада *қўй* бирлаштирувчи семага, *қўчқор* ва *совлиқ* фарқли семага эга; 3) парадигма ўзаро фарқли белгига эга бўлган икки лексемадан тузилади: *ака* ва *ука*, *амма* ва *хола*, *келти* ва *куёв* лексемаларидан тузилган парадигмалар шулар жумласига киради. Булардаги муносабат (нисбатланиш) бошқа сўз ёки сўзлар орқали ифодаланади. Масалан, *тоға* – онанинг ака-укаси (фарзандга нисбатан); *жиян* – опа ёки сингилнинг фарзанди (акага нисбатан). Худди шу

хусусияти билан улар бошқа типдаги лексик-семантик гурухлардан, жумладан, антоним жуфтликлардан фарқланади.

Синоним лексемалар гурухи

Синонимия юн. *synonymia* “бир хил номга эгалик” ва **синоним** юн. *synonymos* “бир хил номли” маъноларини ифодалайди. Кўринадики, бу сўзлар таркибидаги *онута* – “ном” сўзи 'шакл' маъносини эмас, балки 'маъно' ('номловчи маъно')ни билдиради. Шунга кўра, **синонимия** – бир хил маънога эгалик ҳодисасини, **синоним** эса бир хил маънога эга бўлган тил бирликларини билдиради. Бундай ҳодиса, яъни бир хил маънога эга бўлиш ўз ифода ва мазмун жиҳатига эга бўлган тил бирликлари, масалан, лексемалар учун хосдир. Демак, синонимия лексик бир хил маънога эга бўлган лексемалардан ташкил топади: *мусобақа, беллашув, кураш; мусибат, қулфат, ташивиш; озод, эркин, ҳур; ривожланмоқ, тараққий қилмоқ, ўсмоқ, юксалмоқ* ва б.

Бу тил ҳодисаси ва у билан боғлиқ ҳодисалар ҳақида сўз борар экан, биринчи навбатда, уларга нисбатан қўлланиб келаётган терминларга муносабат билдиришга тўғри келади.

Синоним, синонимия сўзлари 'бир хил маъноли', 'бир хил маънога эгалик'ни ифодалашини кўрдик. 'Бир хил маъноли' бирикмасига хос маънони *маънодош* сўзи, 'бир хил маънога эгалик' ҳодисасини *маънодошлик* сўзи аниқ ифодалай олади. Шу боис ўрни билан бу сўзлардан фойдаланиш мумкин. Лекин асосий термин сифатида **синоним** ва **синонимия** терминларидан фойдаланган маъкул. Бу билан бошқа системадаги тиллар билан термин қўллашда бир хилликка эришилади, чунки шакл ва маъно муносабатига кўра баъзи тил бирликларига нисбатан **омоним** – **омонимия**, **антоним** – **антонимия** терминлари қўлланаётгани ҳолда, синоним, синонимия ҳодисасига келганда бу йўлдан чиқиш мақсадга мувофиқ бўлмайди ва бошқалар.

Синонимлар гуруҳини «синонимик қатор», «синонимик уя» («синонимлар уяси») деб юритилиши маълум. Лекин бу терминлар ҳодисанинг моҳиятини қайд эта олмайди, яъни бу сўз бирикмалари таркибидаги *қатор, уя* сўзлари синонимлардан ташкил топган бутунликнинг моҳиятини – 'бутунлик', 'гуруҳ' маъносини қайд эта олмайди,

бинобарин, *синонимик қатор, синонимик уя* бирикмалари талабга жавоб берадиган термин бўла олмайди.

Юқорида айтилдики, тил системаларини, жумладан, лексик системаларни умумий белгисига кўра бирлашган, уюшган тил бирликлари, лексик бирликлар гуруҳлари ташкил этади. Лексик парадигма ҳам шундай гуруҳлардан бири эканини кўрдик. Масалага шу нуқтаи назар, шу талаб асосида ёндашилса, синонимлардан тузилган бутунликка, синонимлар уюшмасига нисбатан ҳам *гуруҳ* сўзини қўллаш, *синонимлар гуруҳи* бирикмасини термин сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, бу термин ҳам, худди *лексик парадигма* термини каби, лексик системанинг бир турини, шу турга мансуб кичик бир системани билдиради. Бу айтилганлардан яна шу нарса маълум бўляптики, тил системасининг бу тури ҳақида гап борганида, биринчи навбатда, унинг лексик парадигмалардан фарқли хусусиятлари, шаклланишидаги ўзига хосликлар ҳақида фикр юритиш талаб этилади.

Лексик парадигмалар лексемаларга хос умумий (бирлаштирувчи) белги асосида шаклланишини кўрдик. Синонимлар гуруҳининг шаклланишида ҳам шундай ҳодиса кузатилади. Фарқ шундаки, биринчидан, лексик парадигмалар бир умумий сема асосида шаклланса, синонимлар бир умумий маъно (семема) асосида бирлашади ва муайян гуруҳни ташкил этади. Иккинчидан, синонимлар гуруҳини ташкил этувчи лексемалар ўзига хос фарқли белги-хусусиятларга эга бўлади. Бу белгилар синоним лексемаларнинг коннотатив белгилари (семалари) ҳисобланади. Масалан, *бечора, шўрлик, боёқиш, ўксиз, нотовон, ожиз, афтода* сўзлари 'ачиниш, таассуф уйғотувчи ҳолатли', 'ночор' маъноси (умумий маъно) билан бирлашади. *Бечора* қўшимча белги-хусусиятдан холи, *шўрлик* сўзида белги даражаси кучлироқ, *боёқиш* кўпроқ оддий сўзлашувга хос. *Ожиз, нотовон* сўзларида иложсизлик оттенкаси кучлироқ; *ўксиз* кам қўлланади; *афтода* – эскирган сўз. Демак, синонимик гуруҳ умумий семема ва коннотатив семаларга эга бўлган лексемалардан тузилади.

Синонимик гуруҳнинг коннотатив белгига эга бўлмаган сўзлардан тузилиши жуда кам, у ҳам бўлса, терминологик системада (терминлар доирасида) учрайди: *тилшунослик – лингвистика* каби. Бунинг сабаби шуки, ҳар жихатдан тенг белгига эга бўлган тил бирлигининг тилда мавжуд бўлишига (яшашига) эҳтиёж сезилмайди.

Лексик парадигмани шакллантирувчи умумий белгининг моҳияти масаласида бир хил фикр мавжуд, яъни бунда умумий (бирлаштирувчи) сема назарда тутилади ва бу сема «номловчи сема» деб ҳам юритилади. Синонимик гуруҳни шакллантирувчи семема масаласида эса аҳвол бир оз бошқачароқ.

Тил бирликларининг, жумладан, лексемаларнинг синонимлиги деганда, одатда, уларнинг бир хил ёки бир-бирига яқин маъноли бўлиши назарда тутилади. Лекин бир хил маънога эгалик билан маънога кўра бир-бирига яқинлик ўзаро фарқли ҳодисалардир. Шу боис айтиш мумкин, бир хил маъноли, «бир-бирига яқин маъноли» бирикмасини бефарқ қўллаш мумкин бўлмайди, бундай қилиш ҳодисанинг моҳиятини аниқ белгилаш, тасаввур этишга ҳалақит беради. Бинобарин, улардан бирини танлаш, ҳодисанинг моҳиятини тўғри ифодаладиганини белгилаш ва шунисини қўллаш керак бўлади.

Юқорида айтилдики, маъносига кўра бир хил, бир-бирига тенг бўлган тил бирликлари деярли учрамайди. Шунга кўра, синонимларнинг бир хил (тенг) маъноли бўлиши мумкин эмаслиги айтилади ва бунинг исботи учун синонимларнинг бир-биридан фарқли белгига эга бўлиши факт сифатида келтирилади. Синонимларнинг шундай фарқли белги-хусусиятларга эга бўлиши тўғри ва буни юқорида бир синонимик гуруҳ мисолида кўрдик. Лекин бу нарса синонимларнинг бир умумий белгига эга бўлишини ва шу белги асосида бирлашишини – синонимик гуруҳ ҳосил қилишини инкор эта олмайди, аксинча, шундай бўлиши қонуний ҳол эканини тасдиқлайди.

Синонимик гуруҳнинг, парадигмадан фарқли ҳолда, бир умумий (бирлаштирувчи) сема асосида эмас, умумий семема (номловчи маъно) асосида шаклланишини кўрдик. Бу маъно синонимик гуруҳ аъзоларида бир-бирига яқин моҳиятга эмас, бир хил моҳиятга (қийматга) эга бўлади. Худди шу хусусияти уларни бирлаштиради. Яна ҳам аниқроқ, соддароқ қилиб айтганда, тил бирликларини ўзаро яқинлик эмас, бир хиллик, яқинлик бирлаштиради. Демак, синоним лексемалар ўзаро умумий ва фарқли белгиларга эга бўлади.

Шу айтилганлар асосида синонимлар ва синонимия ҳодисасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *лексик синонимлар* – бир умумий семемага (маънога) эга бўлган лексемалар. *Лексик синонимия* – лек-

семаларнинг бир умумий семема билан бирлашиши, шундай муносабатда бўлиши ҳодисаси.

Лексик синонимия асосида лугавий маъно, луғавий маънонинг бир хил бўлиши ётар экан, шу билан боғлиқ баъзи ҳодисалар ҳақида тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Синонимия ҳодисаси (лексик синонимия) муайян сўз туркумлари доирасида мавжуд бўлади. Бунинг сабаби шуки, луғавий маъно номловчи маъно бўлади (Бу ҳақда юқорида ҳам айтилди). Лексемалар объектив воқеликдаги нарса, белги, ҳаракат кабиларни номлайди ва нима-ни номлашига кўра маълум гуруҳларга – сўз туркумларига бўлинади: от, сифат, феъл каби туркумларга мансуб бўлади. Лексик синонимия ҳодисаси ҳам сўз туркумларига мансуб бирликлар доирасида мавжуд бўлади: *бахс, тортишув, мунозара, мубоҳаса* – от-синонимлар; *иноқ, аҳил, қадрдон, тотув, иттифоқ, қалин, атоқ-чапоқ* – сифат-синонимлар; *кўнмоқ, унамоқ, рози бўлмоқ* – феъл-синонимлар ва бошқалар.

Сўзнинг узуал ва окказионал маънога эга бўлиши маълум. Лексемалар фақат узуал маъно билан бир-бирига синоним бўлиши мумкин. Окказионал маънолар синонимияни юзага келтирмайди: *Фан, санъатнинг гуллари бутун, тўпланганда суҳбатчи учун* (Ойбек). *Кун ҳалиям иссиқ бўлса-да, ҳар ҳолда шабада йўрғаларди* (М. Мусаев). Бу гаплардаги *гул, йўрғаламоқ* сўзлари шундай маънони билдирадиган тўғри (узуал) маъноли сўз билан синоним бўла олмайди.

Лексик синонимлар гуруҳи лексемаларнинг бир хил семемаси асосида шаклланар экан, кўп маъноли сўзларнинг бирдан ортик маъносида бошқа сўзлар билан синонимик муносабатга киришуви мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Масалан, *ҳаёт* сўзи уч маъносида учта сўз – *тириклик, турмуш, умр* сўзлари билан синонимдир: *Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам* (Зулфия). ...*ҳаёт учун энг азиз ва мўътабар бўлган нон қадрланмай, исроф қилинмоқда* (Газетадан). *Бундай нарсани ҳаётимда учратмаганман.* (Газетадан).

Кўп маъноли сўз бирор маъноси билан бошқа бир кўп маъноли сўзга синоним бўлиши мумкин. Масалан: *тоза, соф, бегубор, мусаффо* сўзларининг ҳар бири кўп маъноли. Лекин улар фақат бир маъноси билан – ‘чанг-губордан ҳоли’ маъноси билан синонимдир: *тоза ҳаво, соф ҳаво, бегубор ҳаво, ҳаво мусаффо*. Кўп маъноли сўзлар бирдан ортик маъносида ўзаро синоним бўлиши мумкин. *Алоҳида, айрим* сўзлари кўп маъноли, шулардан уч маъносида синоним: 1. ‘Ўзига

мустақил, бошқалардан холи' маъносида: *Алоҳида хона ажратмоқ. ...атрофи айрим-айрим эшикли хоналар билан ўралган ҳовлига кирди* (Ойбек). 2. 'Бошқалардан фарқли, ўзига хос' маъноси билан: *Паст гўзаларга алоҳида эътибор берилмоқда* (Газетадан). *Унга айрим эътибор қилиш, шубҳасиз, яхши* (А. Қаҳҳор). 3. 'Бошқаларга қўшмай, ўзини мустақил ҳолда' маъноси билан: *Бу ҳақда алоҳида тўхталамиз. Бу масалани айрим ҳал қиламиз* (П. Турсун).

Синонимларнинг семантик таркибида, номловчи маънодан ташқари, ифода семаси (коннотатив белги) ҳам бўлиши айтилди. Бундай белгилар синонимик гуруҳ аъзосининг ҳар бирида ўзига хос, бошқасидагидан фарқли бўлади. Ана шу фарқли белгилар синонимлардан ҳар бирининг ўзига хос, алоҳида тил бирлиги бўлишини, тилда ҳар бирининг ўз қўлланиш ўрнини белгилайди.

Синонимларнинг бир-биридан фарқли белгилари, қўлланишдаги ўзига хосликлари турлича бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Синонимлар бир-биридан маъно ҳажмига кўра фаркланади ва бу фарқ уларнинг қўлланиш имконини, қўлланиш доирасини белгилайди. Масалан, ўзаро синонимлардан бири қўшимча семага эга бўлмаслиги, бошқаси (бошқалари) ўзига хос белгига эга бўлиши мумкин. Мисолларга эътибор берайлик. *Ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ, қарамоқ, боқшимоқ* сўзлари 'ёрдам кўрсатмоқ' маъноси билан ўзаро синоним. Булардан *ёрадамлашмоқ* сўзининг маъно ҳажми кенг, у бирон қўшимча белгига (оттенкага) эга эмас. Бу сўз моддий жиҳатдан ёки иш-ҳаракат билан, ёки бошқа бир йўл билан ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш маъносига эга: *пул билан ёрдамлашмоқ, ўрнидан туришига ёрдамлашмоқ, масалани ечишига ёрдамлашмоқ* ва б. Шу хусусияти билан у маънодошларига нисбатан кенг қўлланади. *Кўмаклашмоқ, боқшимоқ* сўзлари эса, асосан, иш-ҳаракат билан ёрдамлашиш маъносида қўлланади, яъни маъно ҳажми *ёрдамлашмоқ* сўзаникига нисбатан тор. Шу хусусиятига кўра унинг қўлланиш доираси чегараланган. *Кўп, анча, талай, сероб, мўл* сўзлари 'сон-миқдори меъёрдан ортиқ' маъноси билан синоним. Булардан *кўп* сўзининг маъно ҳажми кенг. У миқдорнинг, соннинг ўлчами меъёрдан ортиқлигини, шунингдек, иш-ҳаракатнинг меъёрдан ортиқлигини ҳам ифодалайди: *одам кўп, сув кўп, вақт кўп, кўп ишлайди* ва б. *Мўл, сероб* сўзлари эса, асосан, нарсанинг миқдоран меъёрдан ортиқлигини ифодалаш учун қўлланади.

Шунга кўра кўп сўзининг қўлланиш доираси кенг, қолганларининг қўлланиши чегараланган.

2. Вақт, белги, миқдор, ҳаракат кабиларни билдирадиган синонимлар даражанинг меъёрга кўра қандайлигини ифодалашига кўра ўзаро фаркланади, яъни вақт, миқдор, белги кабиларнинг даражаси меъёрий ҳолатда, меъёрдан ортиқ (кучли) ёки кам (кучсиз) даражада ифодаланиши мумкин. Масалан, *аввал*, *олдин*, *илгари*, *бурун*, *қадим* синонимларидан *аввал*, *олдин* сўзлари меъёрий ҳолатни (ортиқ-камликка нисбатан бефарқ ҳолатни); *илгари* сўзи нисбатан ортиқроқ белгини, *бурун* сўзи яна ҳам ортиқроқ вақтни, *қадим* сўзи *бурун* сўзига нисбатан ҳам ортиқроқ вақтни (белгини) ифодалайди. *Куч*, *қувват*, *мадор*, *мажол*, *дармон* синонимларидан *мадор*, *мажол* сўзлари, асосан, куч-қувватнинг меъёрдан паст ҳолатини ифодалашда қўлланади. Демак, синонимлар белгининг қандай даражасини ифодалашига кўра ҳам бир-биридан фаркланади. Бу нарса синонимларнинг қўлланиш даражасига ҳам таъсир этади, яъни даражанинг меъёрий ҳолатини ифодалайдиган синонимлар (масалан *куч*, *қувват* сўзлари) даражанинг фарқли ҳолатини (кучли ёки кучсиз ҳолатини) ифодалайдиган синонимларга нисбатан кенг қўлланади.

3. Синонимик гуруҳ аъзолари эмоционал бўёкли ёки эмоционал бўёксиз бўлиши мумкин. Эмоционал бўёкли сўзлар салбий ёки ижобий бўёкли бўлиши (салбий ёки ижобий муносабатни ифодалаш) мумкин. Масалан, *бош*, *калла* синонимларидан *бош* эмоционал бўёксиз, *калла* сўзи кўпроқ салбий эмоционал бўёқ билан қўлланади. *Юз*, *бет*, *афт*, *башара*, *чехра*, *жамол* синонимларидан *юз*, *бет* сўзлари эмоционал бўёксиз, *афт*, *башара* сўзлари салбий эмоционал бўёкли ва ҳоказо. Эмоционал бўёксиз синонимлар эмоционал бўёкли синонимларга нисбатан кенг қўлланади.

4. Синонимлар услубга бўлган муносабатига кўра ўзаро фаркланиши, яъни услубнинг бирор турига мансуб бўлиши ёки услубга бефарқ (нейтрал) муносабатда бўлиши мумкин. Масалан, *совга*, *ҳадя*, *тортиқ*, *туҳфа*, *армуғон* синонимларидан *совга* сўзи услубга бетараф, *туҳфа*, *армуғон* сўзлари китобий услубга мансуб ва бошқалар. Бундай синонимик гуруҳ аъзоларидан услубга бетараф бўлганлари кенг қўлланади, бошқаларининг қўлланиши эса маълум даражада чегараланган бўлади.

5. Синонимик гуруҳ аъзоларидан бири (ёки бир-иккитаси) шева-

га мансуб бўлиши мумкин. Масалан, *қидирмоқ, изламоқ, ахтармоқ, истамоқ* синонимларидан *истамоқ* шевага хос (диалектал)дир.

Шу келтирилган фактларнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, синонимик гуруҳда ўзаро фарқли белгига эга бўлган лексемаларнинг ўзига хос фарқли хусусиятлари турли-тумандир. Шундай ҳоллар ҳам мавжудки, ўзаро синоним сўзларнинг бир-биридан фарқи сезиларсиз даражада бўлади. Лекин улар ҳам қўлланиш доирасининг кенглиги ёки чегараланганлиги билан фарқланади. Масалан, *бошқа, бўлак, ўзга* синонимларидан *бошқа* сўзи жуда кенг қўллангани ҳолда, *бўлак* сўзи нисбатан кам қўлланади. *Ўзга* сўзи эса *бўлак* сўзига нисбатан ҳам кам қўлланади.

Синонимлар бошқа сўзлар билан бирика олиши ёки бирика олмаслиги (валентлиги), маълум эркин ва турғун бирикмаларда қўлланиши ёки қўллана олмаслиги билан ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, *таг, ост* сўзлари ўзаро синоним бўлгани ҳолда *таги нозик, тагига етмоқ, таг-туби билан* бирикмаларидаги *таг* сўзи ўрнида *ост* сўзини қўллаб бўлмайди. *Оқ олтин* (пахта) бирикмасидаги *олтин* сўзини *тилла* сўзи билан алмаштириш мумкин бўлмаганидек, қоплама тишни билдирувчи *тилла тиши* бирикмасидаги *тилла* сўзи ўрнида *олтин* сўзи қўлланмайди ва ҳоказо.

Синонимик гуруҳдаги лексемалар кўриб ўтилган хусусиятлардан биттаси ёки бир нечтаси билан ўзига хосликка эга бўлиши, фарқланиши мумкин (Бу ҳол синонимик гуруҳ аъзоларининг миқдори – оз-кўплиги билан ҳам боғлиқ). Масалан, *яхши, тузук, дуруст, бинойи (бинойидек), жойида, соз, позандай, ажабтовур, авло, қойил, қойилмақом* синонимик гуруҳидаги *дуруст, тузук* сўзлари *яхши* сўзига нисбатан белгини кучсиз даражада ифодалаши билан; *соз* сўзи белгини кучли даражада ифодалаши билан; *бинойи, бинойидек, нозандай* сўзлари аёллар нутқида хослиги билан; *қойил, қойилмақом* сўзлари белгини кучли даража билан ифодалаши ва кўпроқ оддий сўзлашувда қўлланиши билан фарқланади.

Юқорида айтилганлар ва келтирилган фактлардан маълум бўладики, лексик синонимлар бир умумий белги (семема) билан бирлашсалар-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос, фарқли белги-хусусиятга ҳам эга бўлади. Синонимлардан фойдаланишда, у ёки буни-сини қўллашда улардан ҳар бирининг ўзига хос белгисини, фарқли

хусусиятини англаб етиш фикрни аниқ, равон, тўлалигича ифодалаш имконини беради. Демак, синонимларнинг ўзаро фарқли хусусиятлари тилнинг бойлигини, фикрни ифодалашдаги имконият даражасини ҳам белгилайди. Воқеликка оид бир нарса-ҳодиса, белги, ҳаракат кабиларни ифодалаш учун бирдан ортиқ сўзнинг бўлиши фикр ифодасида талаб даражасидаги натижага эришиш имконини беради. Бу нарса тилдаги имконият ҳисобланади. Ана шунинг ўзиёқ синонимия ҳодисасининг тил амалиётида нақадар катта аҳамиятга эгалигини, тилнинг лексик системасида синонимик гуруҳларнинг – синонимик категорияларнинг – синонимик системаларнинг тутган ўрнини аниқ кўрсатади.

Синонимик гуруҳнинг икки ва ундан ортиқ лексемадан тузилишини кўрдик. Ҳар бир гуруҳ, неча лексемадан таркиб топишидан қатъи назар, унда бир сўз асосий сўз ҳисобланади ва у *доминанта* деб юритилади. Синонимик гуруҳни, унинг таркибини белгилашда, таркибидаги ҳар бир лексеманинг ўзига хос белги-хусусиятини очишда шу гуруҳдаги доминантани тўғри белгилаш муҳим роль ўйнайди, яъни доминантани тўғри белгилаш синонимик гуруҳнинг чегараларини, унинг аъзоларини тўғри, аниқ белгилаш имконини беради. Бу эса, айниқса, турли мақсаддаги синонимлар луғатини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Синонимик гуруҳдаги доминанта ҳар жиҳатдан адабий меъёр талабига жавоб берадиган сўз ҳисобланади. Масалан, у эмоционал бўёқ ва услубга нисбатан бефарқ (нейтрал) бўлади, белгининг меъёрий даражасини ифодалайди ва ҳ. к. (Булар ҳақида юқорида гапирилди). Шу хусусиятларига кўра ўз маънодошларига нисбатан кенг қўлланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, синонимик гуруҳ аъзоларининг ўзига хос хусусиятлари бир-бирига қиёсан эмас, балки доминантага қиёсан белгиланади. Масалан, *жуда*, *гоят* (*гоятда*, *багоят*), *ниҳоятда* (*бениҳоя*), *ашиаддий*, *ўтакетган*, *роса*, *тоза*, *хўп*, *бирам*, *чунон*, *беқиёс*, *мислсиз*, *обдан*, *чапдон*, *зап*, *кўп*, *ўта*, *уввало*, *ўлғудай* (*ўларча*), *қаттиқ*... сўзларининг синонимлиги фарқли белгиси *тоза* билан *қаттиқ* ёки *ёмон* билан *кўп* сўзини бир-бирига қиёслаганда эмас, балки уларнинг ҳар бири (хаммаси) гуруҳда доминанта ҳисобланувчи *жуда* сўзига қиёсланганда аниқ сезилади.

Тил тараққиёти жараёнида, унинг лугат (лексик) қатламида бўлгани каби, синонимлар системаларида ҳам маълум ўзгаришлар

бўлиб туради. Бу жараён синонимлар гуруҳи аъзоларидан айримларининг истъемолдан чиқиши, айрим сўзларнинг тилда мавжуд бўлган бошқа сўз (сўзлар) билан маънодошлик касб этиши, янги синонимлар гуруҳларининг пайдо бўлиши каби ҳодисалар билан характерланади. Синонимлар гуруҳининг сўзнинг лугавий маъноси асосида шаклланишини кўрдик. Демак, синонимлар системасининг тараққиёти жараёнида икки ҳодиса кузатилади, яъни ўзгариш икки сабаб билан юз беради: 1) лугавий маъноли янги сўзнинг пайдо бўлиши ёки тилда мавжуд бўлган сўзнинг янги маъно касб этиши билан янги синонимик гуруҳ юзага келади. Масалан, ўзбек тилида *интеллигент* сўзи ўзлашуви билан у *зиёли* сўзининг маънодошига айланди ва *зиёли* – *интеллигент* жуфтлиги (синонимик гуруҳ) юзага келди. *Овора* сўзи 'бирор максад йўлида, бирор нарса илинжида кезиш, тентираш ҳолатида' деган маънони билдиради. Бу маъно билан у *сарсон*, *саргардон* сўзлари билан бир синонимик гуруҳни ташкил этади: *Бу сарсон эл, бу овора эл Золимлардан олди ўчини* (Миртемир). *Муҳтожликнинг золим куюни Қилмас энди уни саргардон* (Ойбек).

Овора сўзининг маъноси асосида 'бирор иш-юмушни бажариш билан банд (машгул)' деган маъно юзага келди ва шу маъно билан у *машгул*, *банд* синонимларининг маънодошига айланди; *машгул*, *банд*, *овора* синонимик гуруҳининг аъзосига айланди: *Ҳар ким ўз иши билан машгул. Меҳмонларни кутиб олиш билан банд. Болаларни тинчитиш билан овора*; 2) тилдаги бирор сўзнинг истъемолдан чиқиши, кўп маъноли сўзнинг бирор маъносини йўқотиши билан синонимик гуруҳ йўқолади ёки синонимик гуруҳнинг таркиби қисқаради. Масалан, ўзбек тилига *редактор* сўзи киритилиши билан у *муҳаррир* сўзининг маънодошига айланди ва *муҳаррир* – *редактор* синонимик гуруҳи юзага келади, *редактор* сўзи истъемолдан чиқиши билан синонимик гуруҳ ҳам йўқ бўлди ва б. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин бунга эҳтиёж йўқ деб ўйлаймиз. Гап ана шундай ҳодисанинг мавжудлигида, бунга эса шубҳа йўқ.

Синонимлар гуруҳи икки ва ундан ортиқ сўзлардан таркиб топиши ва бу гуруҳда бир сўз ҳар қандай кўшимча белгидан, яъни коннотатив семадан холи бўлишини кўрдик. Демак, бу ҳолат синонимик гуруҳларни бошқа типдаги лексик-семантик гуруҳлардан фарқлайди ва синонимик гуруҳларда шундай хусусиятли сўзнинг бўлиши конуний ҳолдир. Чунки объектив борликдаги нарса, белги, ҳаракат

кабиларнинг ҳар бирини номловчи сўзлардан тузилган гуруҳлар аъзоларининг ҳар бири айнан бир нарса, белги ёки ҳаракатни муайян бир фарқли белги билан ифодалайдиган сўз бўлиши мумкин эмас. Аксинча, нарса, белги, ҳаракатнинг кўшимча белги-хусусиятлардан холи бўлиши объектив ҳолат ҳисобланади ва шундай ҳолатга эга бўлган нарса, белги, ҳаракатни ифодалайдиган сўзнинг бўлиши қонуний ҳисобланади. Шундай хусусиятли сўз синонимлар гуруҳида асосий сўз – доминанта ҳисобланади (Бундай сўзнинг хусусиятларини юқорида кўрдик).

Антоним лексемалар жуфтлиги (гуруҳи)

Антоним юн. *anti* “қарши” ва *опута* “ном” сўзларидан иборат бўлиб, “ўзаро зид маъноли сўзлар” маъносини ифодалайди. Антонимлар бир сўз туркумига мансуб бўлади. **Антонимия** – ўзаро зид маъноли сўзларнинг семантик муносабати, шу типдаги семантик муносабат. Демак, антонимия ҳодисаси ҳам лексик парадигма ва синоним лексемалар гуруҳида, яъни синонимия ҳодисасида бўлгани каби, лексемаларнинг маъно муносабати асосида юз беради. Шу хусусияти билан ўзаро зид маъноли лексемалардан тузилган жуфтликлар (гуруҳлар) ҳам лексик системани ташкил этади. Икки асосий хусусияти (белгиси) билан эса бошқа типдаги лексик-семантик гуруҳлардан фарқланади: 1) икки компонентдан (лексемадан) тузилади; 2) компонентлари ўзаро зидлик муносабатида бўлади: *яхши-ёмон, катта-кичик, тун-кун, баланд-паст, ўнг-chap, бормоқ-келмоқ, секин-тез* ва б.

Лексик парадигмалар лексемаларнинг умумий семаси, лексик синонимлар гуруҳи эса лексемаларнинг умумий семемаси асосида тузилишини (шаклланишини) кўрдик. Антоним жуфтликлар эса қарама-қарши маъноли лексемалардан ташкил топади.

Лексик-семантик гуруҳлар, жумладан, лексик парадигмалар ва синонимлар гуруҳларида лексемаларнинг бирлашиши, бутунлик ҳосил қилишини кўрдик. Юзаки қараганда, антонимларда бундай ҳодиса йўқдек, аксинча, уларда ажралиш ҳодисаси бордек туюлади. Аслида эса бундай эмас, «антоним жуфтлик» деган сўзнинг ўзиёқ бирлашиш, бутунлик ҳодисаси борлигини кўрсатади, ҳақиқатда ҳам шундай. Ана шуни исботлаш антонимларнинг, антоним жуфтликлар-

нинг моҳиятини белгилашда асосий вазифа ҳисобланади, худди шу масалада бир-биридан фарқли мулоҳазалар мавжуд.

Юқорида кўрдикки, антоним жуфтликнинг ҳар бир аъзоси фарқли, ўзаро зид белгига эга бўлади. Бу фарқ, ўзаро зидлик муайян асосга кўра намоён бўлади, белгиланади. Бу асос «мантикий асос» деб ҳам юритилади¹. Шундай асосни ифодаловчи сўз қайд этган тушунча *жинс* тушунчаси бўлади. Ўзаро антоним сўз билдирадиган тушунча тур тушунчалари ҳисобланади². Масалан, *катта-кичик*, *кенг-тор* жуфтликларида зидланиш ҳажмга кўра, *иссиқ-совуқ* жуфтлигида ҳароратга кўра, *кўп-оз* жуфтлигида миқдорга кўра, *ширин-бемаза* жуфтлигида маза (таъм)га кўра, *келмоқ-кетмоқ* жуфтлигида ҳаракатнинг йўналиш нуктасига кўра бўлади ва ҳоказо. Демак, 'ҳажм', 'ҳарорат', 'миқдор', 'маза', 'йўналиш нуктаси' келтирилган антоним жуфтликлар компонентларининг зидланиш асоси (мантикий асос) ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигига оид ишларда «мантикий асос» ўрнида «мантикий марказ», «оралиқ тушунча» бирикмалари ҳам қўлланади³. Лекин бу нарсa бирикмаларнинг моҳиятини белгиловчи бирор тушунчани аниқ қайд эта олмайди. Шу боис улар асосида икки лексеманинг антоним ёки антоним эмаслигини тўғри белгилаш мумкин бўлавермайди. Бу ҳолни ўзбек тили антонимларига бағишланган ишларда аниқ кузатиш мумкин. Масалан, қариндошлик, тугишганлик муносабатини ифодаловчи *ака* ва *ука*, *ота* ва *сингил*, *амма* ва *хола*, *ота* ва *она* каби сўзлар баъзи ишларда антоним деб қаралса, бошқа ишларда бунга қарши фикр билдирилади. Бу жиҳатдан Х.А. Жамолхоновнинг *ёз*, *куз*, *қиш*, *баҳор* сўзларининг ўзаро антоним бўлиш ёки бўлмаслиги ҳақидаги фикрлари эътиборга лойик. Муаллиф бу сўзлардан *ёз* ва *қиш*, *баҳор* ва *куз* сўзларининг антонимлигини айтиб, бунга асос сифатида куз билан баҳор ўртасида киш борлиги, киш билан ёз ўртасида баҳор борлигини кўрсатади. Куз билан киш ўртасида оралиқ тушунча (мантикий марказ) йўқлиги боис улар (*куз* ва *қиш* сўзлари) антоним бўла олмаслиги айтилади⁴. Лекин фактлардан маълум бўляптики, «оралиқ тушунча» бирикмаси антонимия билан боғлиқ бирор моҳиятни қайд этолмайди. Шу боис «оралиқ тушунча» асосида иш кўриш антонимия

¹ Лингвистический энциклопедический словарь. -С. 39.

² Шу лугат, шу бет.

³ Жамолхонов Х.А. Юқорида кўрсатилган асар, 38-б.

⁴ Жамолхонов Х.А. Шу иш, 38-39-б.

ходисасини – антоним бўлиш ёки бўлолмасликни тўғри белгилаш имконини бермайди. Масалан, куз билан баҳор ўртасида киш борлиги учун куз ва баҳор сўзлари ўзаро антоним бўлади дейиш мумкин эмас. Бу тўрт сўздан фақат *ёз* ва *қиш* сўзлари ўзаро антоним, қолганлари, яъни *куз* ва *баҳор*, *баҳор* ва *ёз*, *ёз* ва *куз*, *куз* ва *қиш* сўзлари ўзаро антоним бўла олмайди. Чунки *куз*, *қиш*, *баҳор*: *қиш*, *баҳор*, *ёз*; *баҳор*, *ёз*, *куз* сўзлари орасидаги сўзлар мантикий марказни, оралик тушунчани билдирмайди. Шунинг учун ҳам бу уч сўз гуруҳланмайди, бутунлик ҳосил қилмайди. Демак, «оралик тушунча», «мантикий марказ» бирикмалари антонимия ходисасини белгиловчи бирор моҳиятни қайд эта олмайди. Шу боис бу «терминлар» антонимия ходисасини белгилашда нотўғри хулосаларга келиш учун хизмат қилади, холос.

«Мантикий асос» бирикмасининг моҳияти ҳам анчагина мавхум. Чунки, юқорида кўрганимиздек, *оз* ва *кўп*, *катта* ва *кичик* сўзларининг антонимлиги меъёрга нисбатан белгиланади (асос 'меъёр' ҳисобланади); *келмоқ* ва *кетмоқ* сўзларининг антонимлиги ҳаракатнинг йўналиш нуқтасига (ўрнига) кўра белгиланади, яъни 'меъёр' ва 'ҳаракатнинг йўналиш нуқтаси' асос тушунча ҳисобланади, *оз* ва *кўп*; *катта* ва *кичик*; *келмоқ* ва *кетмоқ* сўзларининг маънога кўра зидланиши асос ҳисобланади. *Ёз* ва *қиш*, *кеча* ва *кундуз*, *эрта* ва *кеч* сўзларининг ўзаро зидланиши эса бошқача моҳиятга эга. Бу сўзлар бутуннинг икки қисмини билдиради. Демак, бундай антонимларда бутун ва қисм муносабати мавжуд: йилнинг маънога кўра зид бўлган икки қисмини *ёз* ва *қиш* сўзлари; сутканинг ўзаро зид қисмларини *кеча* ва *кундуз* сўзлари; куннинг зидланувчи икки қисмини *эрта* ва *кеч* сўзлари билдиради ва улар антоним жуфтликлар ҳосил қилади ва ҳоказо. Биргина *қиш* ва *ёз* сўзларининг *Қиш ўлдирма ёз ўлдир*; *Ёз ёпинчигингни қўйма*, *қиш – ўзинг биласан* (Мақол); *Фузулий*, *икки оламда муҳаббат оиноси бўл*, *Муҳаббатсиз кишининг кўнгли қиш*, *асло у ёз ўлмас* (Фузулий) гапларидаги маъно муносабатига эътибор беринг.

Маълум бўлдики, антоним жуфтликлар ҳосил қилувчи сўзлар муайян нарса, белги, ҳаракат кабиларнинг ўзаро зидланувчи икки қисмини номлайди. Нимани номлашига кўра икки сўзнинг зидланиш асоси ҳам фарқли бўлади. Шу боис зидланиш асосини «оралик тушунча», «мантикий марказ» терминлари, ҳатто «мантикий асос» термини ҳам аниқ қайд эта олмайди. Шундай экан, «асос» тушунча-

сини сақлаган ҳолда, унинг моҳиятини, нимадан иборатлиги, антоним жуфтликлар аъзоларининг қайси туркумга мансублиги, нимани билдириши ва шу каби хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда яна бир эътиборга лойиқ фактга муурожаат қилиш мумкин, яъни антоним жуфтликдаги ҳар бир сўзнинг изоҳида ўзаро зид бўлган сема ва зидланишдаги асосни қайд этувчи сўз катнашади: *Катта* – ҳажми, ўлчами мёърдан *ортиқ*. *Кичик* – ҳажми, ўлчами мёърдан *кам*. Зидланувчи сема – 'ортиқ' ва 'кам'; зидланиш асоси – 'меъёр'. *Келмоқ* – юриш, учиш ёки бошқа йўл билан сўзловчи мавжуд бўлган жойга етмоқ, шу жойда ҳозир бўлмоқ. *Кетмоқ* – юриш, учиш ёки бошқа йўл билан сўзловчи мавжуд бўлган жойдан, маскандан бошқа томонга йўл олмоқ. Зидланувчи сема – 'сўзловчи томон' ва унга 'қарама-қарши томон'; зидланиш асоси – сўзловчи мавжуд бўлган 'ўрин'. *Ёз* – йилнинг иссиқлиги ва бошқа белгилари билан қишга зидланадиган қисми; йилнинг ярми. *Қиш* – йилнинг совуқлиги ва бошқа белгилари билан ёзга зидланадиган қисми; йилнинг ярми. Зидланувчи сема – ёз ва қишга хос белгилар; зидланиш асоси – 'йил'. Демак, антонимларнинг изоҳида ва уларни белгилашда ўзаро зид белги (белгилар) билан зидланиш асосини аниқлаш муҳимдир.

Ўзаро зид маънога эга бўлган икки лексема антоним жуфтлик ҳосил қилишини кўрдик. Антонимларни белгилашда ана шу икки нарса, яъни икки қисм (лексема)дан тузилиш ва қисмларнинг зид муносабатда бўлиши доим эътиборда тутилиши керак. Шу асосда иш кўрилса, ўзаро кетма-кетлик муносабатида бўладиган бирдан ортиқ лексемалардан антонимия юзага келмаслиги жуда аниқ бўлиб қолади. Мисол сифатида *ака* ва *ука*, *она* ва *сингил* жуфтликларини келтириш мумкин. Бу жуфтликлар ёшга кўра фаркланади, фарқни билдиради. Шунингдек, *ака* ва *сингил*, *она* ва *ука* жуфтликлари ёш ва жинсга кўра фаркланади. Лекин уларни антоним жуфтлик ҳисоблаш мумкин эмас. Чунки улар ёш ва жинсга кўра бутунлик ҳосил қилаётгани йўқ, балки 'бир ота-она фарзанди' белгиси билан бутунлик (гуруҳ) ҳосил қилади. Демак, улар моҳиятан антоним жуфтликлардан тубдан фаркланади. Қолаверса, *ака* ва *ука*, *она* ва *сингил*, *она* ва *ука*, *ака* ва *сингил* каби муносабатда унинг компонентларидан бири ёки ҳар иккиси бирдан ортиқ бўлиши мумкин: *ака-укалар* (ака ёки ука ёки ҳар иккиси бирдан ортиқ бўлиши мумкин), *она-сингиллар* (бунда ҳам бири ёки ҳар

иккиси бирдан ортиқ бўлиши мумкин) ва б. Мана бу факт уларнинг антоним жуфтликдан бошқа ходиса эканини жуда очик кўрсатади.

Юқорида *ёз*, *қиш*, *бахор*, *куз* сўзларида фақат *ёз* ва *қиш* сўзлари ўзаро антоним бўлиши, қолганлари антоним жуфтлик ҳосил қила олмаслиги ва бунинг сабаби ҳам маълум даражада айтилди. Лекин асосий сабаб бу сўзларнинг ўзаро кетма-кетлик муносабатидаги фаслларни билдиришидир. Фасл номлари сифатида бу сўзлар, ҳатто *ёз* билан *қиш* сўзлари ҳам антоним бўла олмайди. Чунки улар ҳам ўзаро кетма-кетликда юзага келадиган фасллардан бири, ўзаро зидланмайдиган фасллардан бирини билдиради. Шунингдек, кетма-кетлик муносабатини қайд этувчи *кеча*, *буғун*, *эртага* сўзлари (жумладан, *кеча* ва *эртага* сўзлари) антоним жуфтлик ҳосил қилмайди.

Антонимия икки сўзнинг маъноси (семемаси)даги ўзаро зидлик асосида юз берар экан, умуман, икки сўзнинг зидланиши (антонимлиги) ҳақида гапириш унчалик тўғри бўлмайди. Айниқса, буни кўп маъноли сўзлар мисолида аниқ кўриш мумкин. Кўп маъноли сўзлар барча маъноларида эмас, муайян маъноси (маънолари) билан ўзаро зидланиши – антоним бўлиши мумкин. Масалан, *кўп* ва *кам* сўзлари кўп маъноли. Нарсанинг меъёрдан (нисбатан) ортиқ ёки озлигини билдиришига кўра улар антоним: *Кўп ўйла*, *кам сўйла* (Мақол). Лекин *кам* сўзи *ундан нимаси кам* гапидаги маъноси билан *кўп* сўзига, *кўп* сўзи *Кўп яхши одам*, *Кўп пушаймон бўлди* гапларидаги маъноси билан *кам* сўзига антоним бўла олмайди ва ҳоказо. Бу факт ҳам сўз (лексема) ларнинг ҳар қандай турдаги гуруҳланиши – категория, система ҳосил қилиши семантик асосда юз беришини яна бир бор тасдиқлайди.

Антонимия ҳодисаси ҳақида гап борар экан, яна бир муҳим масалага, яъни антонимиядаги зидланиш ҳодисаси билан тасдиқ ва инкор ҳодисасининг ўзаро муносабати масаласига тўхтаб ўтиш шарт бўлади.

Тил фактларининг кўрсатишича, зидланиш икки тил бирлиги ўртасида мавжуд бўлади (Буни юқорида кўрдик). Бунда ўзаро зидланувчи ҳар бир бирлик ўз ифода ва мазмун жиҳатига эга бўлади, маъносига кўра ўзаро зидланади. Бу ҳодисани икки тил бирлигидан бирининг иккинчиси маъносини инкор этиши деб тушунмаслик керак. Ўзаро зидланиш билан бири иккинчисини инкор этиш бошқа-бошқа ҳодисалардир. Ана шунга етарли эътибор бермаслик тил ҳодисаларининг моҳиятини белгилашда турли чалкашликлар-

га, хатоликларга олиб келади. Ўзбек тилшунослигида от туркумига хос сон категорияси мавжудлиги, у бирлик ва кўплик шакли асосида шаклланиши; феъл туркумига хос бўлишли-бўлишсизлик категорияси мавжудлиги ва у инкор ва тасдиқ шаклларида ташкил топиши тан олинган. Бироқ ўзбек тили фактлари ҳақиқий ҳолат тамомила бошқача эканлигини кўрсатади. Ўзбек тилида отнинг фақат кўплик шакли мавжуд ва у *-лар* морфемаси билан ясалади: *болалар, китоблар, дарахлар...* Лекин предметнинг бирлигини билдирувчи морфема йўқ, бирлик сон шакли ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас. Шунингдек, феъл туркуми ҳаракатнинг инкорини билдирувчи шакл(лар) га эга: *кўрмадим, кўрган эмасман, кўрганам йўқ* каби. Лекин феълнинг бўлишли шаклини ясовчи морфема, умуман, тасдиқ маъносини билдирувчи феъл шакли ўзбек тилида йўқ¹. Шундай экан, ўзбек тилида отнинг сон категорияси, феълнинг бўлишли-бўлишсизлик категорияси борлиги ҳақида гапириш ҳам асосли бўлмайди.

Бу фактларни келтиришдан мақсад шу эдики, антонимияда лексик-семантик гуруҳни (категорияни, системани) ташкил этувчи икки тил бирлиги – икки лексема мавжуд бўлади. Иккинчидан, бу икки тил бирлигидан ҳар бири иккинчисининг маъносини инкор этувчи бўлмайди, балки зидликни қайд этади. Масалан, *катта-кичик* жуфтлигида *катта* лексемаси кичикликни ва, аксинча, *кичик* лексемаси катталикни инкор этмайди, яъни *катта-кичик* деганда, 'катта эмас' ёки 'кичик эмас' деган маъно ифодаланмайди. Шунингдек, *бормоқ-келмоқ* жуфтлигида унинг компонентларидан бири иккинчисининг маъносини инкор этмайди, яъни *бормоқ* феъли келиш ҳаракатини, *келмоқ* феъли бориш ҳаракатини инкор этмайди. Аксинча, *катта-кичик* жуфтлигида ҳажмнинг (меъёрга нисбатан) зидлиги, *бормоқ-келмоқ* жуфтлигида ҳаракат йўналишининг зидлиги ифодаланadi. Антонимик жуфтлик ҳосил қилувчи лексемаларнинг ҳар бири (алоҳида ҳолда) инкор билдирувчи восита билан қўлланганда, зидлик эмас, инкор маъноси ифодаланadi ва бунда антонимик муносабат бўлмайди – антонимия ҳодисаси юз бермайди. Масалан, *катта эмас (кичик эмас), бормади (келмади)* шаклларида фақат инкор

¹Бу ҳақда махсус мақолаларимизда фикр билдирилган: Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (8-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 5-сон, 26-33-б.; Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (11-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. 2-сон, 27-30-б.

ифодаланади, лекин зидланиш, антонимия ҳодисаси йўқ. Хуллас, ўзаро зидланиш билан тасдиқ-инкор тамомила бошқа-бошқа ҳодисалардир.

Антонимия ҳодисаси тадқиқ этилганда, яна бир ҳодиса ҳақида аниқ фикр билдириб ўтишга тўғри келади. Бу ўзаро зидликнинг тўлиқ ва нотўлиқ бўлиши масаласидир.

Антоним жуфтликни ҳосил қилувчи лексемаларнинг қўлланишида икки ҳолат кузатилади: 1) жуфтликни ҳосил қилувчи ҳар бир лексема иккинчисининг маъносига зид, қарама-қарши маънони билдиради, аниқроқ қилиб айтганда, антоним сўзлардан ҳар бирининг маъноси (семемаси) таркибида бир-бирига зидланувчи, зидликни ифодаловчи сема мавжуд бўлади, ана шу семалар ўзаро зидликни – антонимия ҳодисасини юзага келтиради. Масалан, *тун-кун, келмоқ-кетмоқ* жуфтликларида бу ҳол аниқ кузатилади. Бундай зидланиш “тўлиқ зидланиш”, “тўлиқ антонимлар” (“тўлиқ антонимия”) деб ҳам юритилади ва бунга эътироз бўлиши мумкин эмас. Бундай жуфтликлардаги бир лексеманинг қўлланиши билан унга зид маъноли бўлган жуфти ёдга келади, масалан, *тез-секин, ширин-бемаза, орқа-олд* жуфтликларига эътибор беринг; 2) иккинчи ҳолатда антоним сўзларнинг бири қўлланганда, иккинчисига бутунлай зид маъно ифодаланмаслиги мумкин. Масалан, *ёш ва кекса* ўзаро зид маънога эга. Шу билан бирга, *ёш* сўзи, умуман, ‘қари эмас’ деган маънони ҳам билдиради, яъни у ‘қари’ (‘кекса’)нинг зиддини эмас, умуман, кексаликни инкор этади – ёш билан кексалик оралиғидаги ҳолат ифодаланади. Ана шу ҳодиса адабиётларда «нотўлиқ зидланиш», «нотўлиқ антонимия» деб ҳам юритилади¹. Лекин кўриб ўтилган ҳар икки ҳолатни антонимия ҳодисаси, антонимиянинг икки тури деб ҳисоблаш мумкин эмас. Чунки, биринчидан, юқорида айтилганидек, зидланиш (зидлик) билан инкор тамомила бошқа-бошқа ҳодисалардир. Иккинчидан, «нотўлиқлик» («оралиқ ҳолат») бирон-бир тил бирлигининг моҳиятини акс эттира олмайди.

Қарама-қарши маъноли икки сўз билан антоним жуфтликнинг фарқи ёзувда бирининг вергул ёки боғловчи билан ажратилиши, иккинчисининг дефис орқали ёзилиши билан жуда аниқ ифодаланади: *дўст* ва *душман* (*дўст, душман*), *дўст-душман*...

Хуллас, лексик парадигмалар, синонимлар гуруҳи ва антоним жуфтликларнинг ҳар бири умумий (бирлаштирувчи) ва фарқловчи белги асосида гуруҳланади ҳамда лексик сатҳнинг кичик бир системасини ташкил

¹Лингвистический энциклопедический словарь. -С. 36.

этади. Бу системаларнинг, яъни лексик парадигма, синонимлар гуруҳи ва антоним жуфтликларнинг ҳар бири шаклланишидаги ўзига хосликлар билан бир-биридан фарқланади. Ана шу ўзига хосликларни белгилаш, ёритиш лексик системани ўрганишдаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Лексик парадигмалар икки ва ундан ортиқ лексемалардан тузилади. Бунда: 1) парадигма аъзолари маъносидан уларнинг барчаси учун умумий бўлган белги (тушунча) ҳам сезилиб туради ва бу лексемалар маъносининг изоҳида умумий тушунча махсус сўз билан ифодаланади. Масалан, *чиллаки*, *чарос*, *ҳусайни*, *шивилғони* парадигмаси аъзоларининг ҳар бирида 'узум' тушунчаси сезилиб туради ва бу лексемалар маъносининг изоҳида *узум* сўзи умумий белгини ифодаловчи сўз бўлиб катнашади; 2) умумий (бирлаштирувчи) белги ва фарқли белгилар алоҳида сўзлар билан ифодаланади: *от*: *айғир*:*байтал* парадигмасида *от* бирлаштирувчи семага, *айғир*, *байтал* сўзлари фарқли семага эга; 3) *ота* ва *она*; *амми* ва *хола*; *келин* ва *куёв* кабиларда нисбатланиш бошқа сўз (сўзлар) орқали воқеланади.

Синонимлар гуруҳи умумий семема ва коннотатив семага эга бўлган лексемалардан тузилади. Бундай гуруҳларда унинг бир аъзоси коннотатив белгидан холи бўлади ва у асосий сўз – доминанта деб юритилади.

Антоним жуфтликлар икки сўздан таркиб топади ва ундаги ҳар бир сўз муайян асосга кўра қарама-қарши (зид) маънони билдиради ҳамда шу белгилар асосида жуфтликни ҳосил қилади.

УЧИНЧИ ҚИСМ

СЎЗ ЯСАЛИШИ СИСТЕМАСИ. ТИЛ БИРЛИГИ – ЯСАМА СЎЗ

Ўзбек тили сўз ясалишининг ўрганилиши

Ўзбек тили сўз ясалиши системасининг назарий масалаларини тадқиқ этишга ўтишдан олдин, умуман сўз ясалиши тарихи, бу жараённинг ўзига хос белгилари билан бир-биридан фарқланувчи босқичларини ажратиш, ҳар бир босқичда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш билан мазкур масала бўйича навбатдаги вазифаларни белгилаш, кун тартибига қўйиш имкони тугилади. Шу боис ўзбек тили сўз ясалишининг ўрганилиш тарихига қисқача тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Ўзбек тили сўз ясалишининг ўрганилиш тарихини кузатишдан маълум бўляптики, бу тарихни икки асосий босқичга ажратиш мумкин: 1) сўз ясалишини тилшуносликнинг морфология бўлимида ўрганилиши босқичи; 2) тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажратилиши ва ўрганилиши босқичи. Бу босқични ўз навбатида, икки босқичга ажратиш мумкин: а) тилни система сифатида ўрганишгача бўлган босқич; б) сўз ясалишини система сифатида ўрганишга ўтиш босқичи – ҳозирги босқич.

Сўз ясалишининг морфология бўлимида ўрганилиши босқичи. Бунинг асосий сабаби, бизнингча, ясама сўз ва сўз шаклининг аффикс, қўшимча билан ҳосил қилинишидир. Бу эса сўз ясалиши ва сўз шаклининг қандай тил бирлиги деб тушунилиши билан боғлиқ. албатта. Бу босқичда сўз ясалиши ва ясама сўз билан боғлиқ кўпгина тушунчалар ҳақида умуман ёки етарли маълумот (тасаввур) бўлмаган. Масалан, 'ясама сўзнинг таркиби', 'сўз ясалиш асоси', 'сўз ясовчи' тушунчалари шулар жумласидандир.

Сўз ясалишининг тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажратилиши ва ўрганилиши босқичи. Бу босқич XX асрнинг иккинчи яримларидан ўзбек тилини система сифатида ўрганишга жид-

дий эътибор қаратилгунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқич юкорида кўрилган босқичдан қуйидаги асосий хусусиятлари, ижобий натижалари билан фаркланади: 1) сўз ясалишининг ўзбек тилшунос-лигининг мустақил бўлими сифатида ажратилиши, тан олиниши билан; 2) сўз ясалишига хос асосий тушунчаларнинг, улардан ҳар бирининг моҳияти белгиланиши билан. Масалан, ясама сўзнинг таркиби, сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи, сўз ясалиш маъноси, сўз ясалиш имконияти каби тушунчалар ва ҳар бирининг моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар шулар жумласидандир; 3) сўз ясалиши билан боғлиқ кўпгина ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида янгича қарашлар юзага келиши билан. Масалан, узоқ вақтлардан бери сўз ясалишининг бир неча усули борлиги тан олиб келинган бўлса, аслида, унинг биргина усули – аффиксация усули мавжудлиги исботланди ва бошқалар. Сўз яса-лишининг тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажратилиши, алоҳида бўлим сифатида ўрганилиши билан ана шундай ютуқларга эришиш имкониятлари юзага келди, десак муболаға бўлмайди. Булар ҳақида ўзбек тили сўз ясалишига бағишланган ишларда, жумладан, бизнинг илмий мақолаларимиз ва махсус рисоламизда кенг маълумот берилгани боис уларни такрорлашни лозим топмаймиз. Фақат алоҳида таъкидлаймизки, бу босқичда ўзбек тили сўз ясалиши бўйича жуда катта ютуқларга эришилган бўлса-да, лекин бирор ишда, жумладан, бизнинг махсус ишларимизда ҳам, сўз ясалиши морфологиядан ажратилиб, мустақил бўлим деб қаралгани билан ўзбек тилшунослигининг «Сўз ясалиши» деб аташ мумкин бўлган бўлими ва уни шакллантирувчи тил бирлиги борлиги исботлангани, бу бирликнинг моҳияти ёритилгани йўқ (Буларнинг сабаблари бор эди, албатта. Улар ҳақида кейинроқ тўхталамиз).

Ўзбек тилини система сифатида ўрганишга жиддий эътибор қаратилишидан ҳозиргача бўлган босқич. XX асрнинг охирлари-га келиб ўзбек тилини система сифатида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилганлиги ва шундай ўрганишга жиддий киришилганлиги, бу эса ўз ижобий натижаларини бераётганлиги маълум. Шунингдек, ўзбек тилини система сифатида ўрганиш билан эришилаётган ижобий натижалар бошка муҳим муаммоларни ҳам белгилашга ва ҳал этишга ижобий таъсирини кўрсатяпти. Шу боис ўзбек тилшунослиги тараққиётининг бу даврини алоҳида босқич сифатида ажратиш хато бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Зеро, тил системадан ибо-

рат экан, тилшунослик фани тил системаларини ўрганиши табиий – бошқача бўлиши мумкин эмас. Масалан, лексикологияда ҳар бир сўз туркумига мансуб сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари, морфологияда сўз шакллариининг категориялари (морфологик категори-ялар) ўрганилган. Булар тилнинг шу сатҳларига хос системалардир. Шу вақтгача тил сатҳларининг шундай системалари ўрганиб келин-ди. Лекин бу босқичларда тил системаларининг моҳияти, система-ни шакллантирувчи тил бирликлари ва ҳар бирининг моҳияти, бу тил бирликлари билан системаларнинг шаклланишида юз беради-ган ҳодисаларнинг моҳияти каби назарий масалаларга деярли эъти-бор берилгани йўқ. Тилшунослигимизнинг ҳозирги босқичи, бошқа муаммолар билан бир қаторда, тил сатҳлари, уларнинг системала-ниши билан боғлиқ энг муҳим назарий масалаларни ҳал этиш би-лан жиддий шуғулланаётганлиги, бу ҳаракатлар ўз ижобий натижа-ларини бераётганлиги билан характерланади.

Ўзбек тили сўз ясалишининг ўрганилиш тарихига қисқача тўхталар эканмиз, бир нарсани алоҳида таъкидлашни лозим топа-миз. Умумтилшуносликда тилни система сифатида ўрганиш анча ил-гаридан бошланган бўлиб, бу борада эътиборга лойиқ натижаларга эришилган. Ана шундай ишларнинг, эришилган натижаларнинг таъ-сирида ўзбек тилшунослигида ҳам ўзбек тилини система сифатида ўрганишга жиддий эътибор қаратила бошланди ва бу масала юзасидан муайян ишлар ҳам юзага кела бошлади. Бироқ ўзбек тилини система сифатида ўрганишда умумтилшуносликда эришилган ютуқлардан са-марали, тўла ва тўғри фойдаланилди дея олмаймиз. Бу ҳол, айниқса, ўзбек тили сўз ясалиши системалари билан боғлиқ ҳодисаларнинг ёритилишида яққол кўзга ташланади¹.

Сўз ясалиши системаси

Тилнинг ҳар бир сатҳи, системаси шу сатҳ, шу системани шакл-лантирувчи тил бирлигига эга бўлади. Бундан сўз ясалиши системаси ҳам мустасно эмас. Шу боис тилнинг ҳар бир системасининг тадқиқи шу системани шакллантирувчи тил бирлигини белгилашдан бошла-нади – бу ҳам маълум факт. Бироқ ўзбек тили сўз ясалиши система-

¹ Булар ҳақида ишимизнинг лексик системага бағишланган қисмида ҳамда «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» номли ишимизда (Тошкент: 2007) фикр билдирилган.

сини тадқиқ этишда ана шу асосий, муҳим ва маълум фактга эътибор берилмади, яъни ўзбек тили сўз ясалиши тизими ва унинг тил бирлиги – шакллантирувчиси борми, деган масала ўртага қўйилгани ва бу ҳақда аниқ бир фикр билдирилгани йўқ. Бунинг сабаблари бор, албатта. Бизнингча, бунинг асосий сабаби сўз ясалиши системаси тил бирлигининг, яъни ясама сўзнинг бошқа системалар тил бирлигига нисбатан мураккаб моҳиятга эгаллиги ҳамда тил системаларининг шаклланиши масаласида тўғри тасаввурга эга бўлмасликдир. Лекин сўз ясалиши системасини шакллантирувчи тил бирлигининг моҳияти қай даражада мураккаб бўлмасин, бу тил бирлигини ва унинг моҳиятини аниқ белгиламай туриб, сўз ясалиши ва ясама сўзлар билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятини тўғри ёритиш мумкин бўлмайди.

Ўзбек тилини система сифатида ўрганишга бағишланган баъзи ишларда системани шакллантирувчи тил бирликларини белгилаш ва уларнинг моҳиятини талқин этишда бутунлай нотўғри асосда иш кўрилди ҳамда жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Масалан, лексема ва сўз масаласидаги қарашлар бунга мисол бўла олади. Натижада лексема лисоний бирлик. сўз эса нутқ бирлиги, деган хулоса чиқарилди. Бундай нотўғри хулоса, ўз навбатида, янги-янги хатоликларнинг юзага келишига сабаб бўлди, сабаб бўляптики, уларни бартараф этишнинг ўзи ҳам муҳим ва долзарб муаммоларга айланяпти¹. Ана шундай нохуш ҳолат ясама сўз масаласида ҳам юзага келди, ясама сўзнинг лисоний ёки нутқий бирлик экани ҳақида фикр билдирилган ишларда унинг нутқ бирлиги бўлиши таъкидланди – жиддий хатога йўл қўйилди. Ҳатто ясама сўз бирор тил системасининг тил бирлиги деб қаралмади. Сўз ясалиш системасининг тил бирлиги сифатида «қолип» («сўз ясалиш қолипи») тушунилди². Бу ҳам сўз ясалиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларнинг моҳияти масаласида ўзига хос хатоликларнинг юз беришига олиб келди. Хайриятки, бундай қарашларнинг хато, нотўғри эканлиги шу масалага бағишланган ишларда ўз вақтида ис-

¹ Булар ҳақида махсус мақоламизда ва ишнинг лексик системага бағишланган қисмида фикр билдирилган: Ҳ о ж и е в А . Ясама сўз лисоний бирликми ёки нутқ бирлигими? / Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 1-сон. 49-52-б.

² Бу қарашнинг нотўғрилиги ҳам махсус мақоламизда исботланган: Ҳ о ж и е в А . Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (2-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2006. 3-сон, 30-36-б.

ботланди¹. Шу боис уларни такрорлаб ўтирмай, ясама сўзнинг қайси системанинг тил бирлиги бўлиши ва унинг хусусиятлари ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдириш билан чекланамиз.

Ясама сўз – лисоний бирлик

Ясама сўзнинг лисоний бирлик экани шу мавзуда фикр юритилган ишларда, жумладан, бизнинг юқорида кўрилган ишларимизда етарли далиллар билан исботланган. Шунинг учун бу ўринда ясама сўзнинг тилнинг қайси системасини шакллантирувчи тил бирлиги бўлиши ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдириш билан чекланамиз.

Ясама сўзнинг моҳияти бошқа системалар тил бирлигининг моҳиятига нисбатан мураккаблиги ва бу мураккаблик унинг ясалма бирлик бўлиши билан боғлиқлиги юқорида айтилди. Ҳақиқатда ҳам шундай.

Ўзбек тилини система сифатида ўрганишга бағишланган ишларда ясама сўз нутқ бирлиги деб қаралганини кўрдик. Ана шу нуктаи назарнинг ўзиёқ ясама сўзнинг моҳияти – тилнинг қайси системасини шакллантириши ва бошқа энг муҳим масалаларнинг моҳияти ҳақида тўғри хулосаларга келишга йўл қўймас эди. Чунки ясама сўзни нутқ бирлиги деб тан олишнинг ўзиёқ унинг синтактик бирлик эканини тан олишга мажбур этади. Ваҳолонки, ясама сўзни шундай система тил бирлиги ҳисоблаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Хуллас, тилни система сифатида ўрганиш даъво қилинган ишларда, жумладан, лексик системани, ўзбек тили сўз ясалишини ўрганишга бағишланган ишларда сўз ясалиши, ясама сўз ва унинг амалиёти билан боғлиқ ҳодисалар – сўз ясалиш системаси билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳияти, ҳатто ўзбек тилида сўз ясалиши системаси бор-йўқлиги масаласи ҳал этилмаганича қолаверди.

Проф. Ш. Раҳматуллаев сўз яшаш ҳодисасини «лексема яшаш» деб ҳам атайди, демак, ясама сўзнинг лексема бўлишини эътироф этади. Бироқ муаллифнинг тил қурилишининг асосий бирликларига бағишланган рисоласида ясама сўзнинг тил қурилиши бирлиги бўлиш-бўлмаслиги ҳақида ҳеч гап йўқ. Шунингдек, ишнинг тилшунослик соҳалари берилган жадвалида «сўз ясалиши» соҳаси келтирилмаган, лекин бунинг сабаби ҳақида ҳам бирор гап йўқ².

¹ Юқорида келтирилган ишларимизга қаранг.

² Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент: Университет, 2002.

Юқорида ясама сўзнинг мураккаб моҳиятли бирлик экани айтилди. Бунда унинг луғавий маъноли сўз, яъни лексема экани ва ясалма бирликка хос моҳияти назарда тутилади. Худди шундай моҳияти асосида ясама сўз тилнинг икки системасига мансуб, икки системани шакллантирувчи тил бирлиги бўлади: 1) луғат системасининг (лексик системанинг) тил бирлиги; 2) сўз ясалиши системасининг тил бирлиги.

Ясалма бирлик (лексик бирлик) сифатида ясама сўз жуда мураккаб моҳиятга эга тил бирлигидир. Унинг таркибий қисмларига хос хусусиятларни, уларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган ясама сўзга хос хусусиятларни тўла ва тўғри белгиламай туриб, ясама сўзлар асосида сўз ясалиши системаларининг шаклланиши билан боғлиқ ходисаларнинг моҳиятини тўғри англаш ва ёритиш мумкин бўлмайди. Шу боис ўзбек тили сўз ясалиши билан боғлиқ масалаларга ўтишдан олдин, умуман, сўз ясалиши, ясама сўз билан боғлиқ ходисаларнинг моҳияти ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топамиз.

Ясама сўз – лексик системанинг тил бирлиги

Сўз ясовчи морфемалар билан ҳосил қилинган ясама сўзлар луғавий маъноли тил бирлиги бўлиши билан туб ёки ўзи ясалган сўзлардан фарқланмайди. Масалан, *ми*, *шила*, *шисиз* сўзларининг ҳар бири луғавий маъноли сўз (лексема). Бу моҳияти билан уларнинг учаласи лексик системанинг тил бирлиги, лексик системани шакллантирувчи бирликлар ҳисобланади. Худди шу хусусияти туфайли изоҳли, икки тилли ва бошқа типдаги лугатларда ясама сўзлар ҳам берилади. Худди туб сўзлар каби ясама сўзларнинг маъноси ҳам изоҳланади. Худди туб сўзлардаги каби ясама сўзларнинг семемаси (маъноси) ҳам семалардан ташкил топди. Ясама сўзлар ҳам, худди туб сўзлар каби, муайян сўз туркумига мансуб бўлади ва ҳоказо.

Хуллас, ясама сўзнинг луғавий маъноли бирлик сифатида лексик системанинг тил бирлиги бўлишини, лексик системани шакллантирувчи тил бирлиги эканини инкор этиб бўлмайди. Лекин бунда бир нарсани доим эътиборда тутиш лозим бўлади, яъни ясама сўз туб ёки ясама сўз билан муайян луғавий маъно асосида, бир луғавий маънога эга бўлган сўзларнинг умумий семаси асосида лексик-семантик гуруҳ – кичик бир системани ташкил этади. Масалан, *шичи*, *деҳқон*,

муаллим, галлакор сўзлари бир умумий сема – ‘шахс’ семаси билан бир лексик-семантик гуруҳни – системани ташкил этади. Бу сема *деҳқон, муаллим* сўзларининг семемаси таркибида мавжуд бўлса, *ишчи, галлакор* сўзларининг сўз ясовчи компонентида (-*чи, -кор* морфемаларида) мавжуд бўлади. Лексик-семантик гуруҳдаги ҳар бир сўзнинг маъноси туб сўзларда умумий ва фарқли семалар асосида; ясама сўзларда эса сўз ясашиш асоси ва сўз ясовчи морфемага хос семалар асосида шаклланади. Сўз ясашиши системасининг тил бирлиги, унинг моҳиятида, бу тил бирлиги билан тил системасининг шаклланишида тамомила фарқли хусусиятлар, фарқли ходисалар кузатилади (Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз).

“Ясалма бирлик” ҳақида. Ишнинг морфемаларга бағишланган биринчи қисмида морфеманинг ясовчи бирлик экани, сўз ёки сўз шаклини ясаши айтилди. Шунинг ўзиёқ ясалма бирликнинг нимадандир ҳосил қилинишига, ясашиш асоси борлигига ишора қилади. Ана шу “нарса” – сўздир.

Ишнинг лексик система таҳлилига бағишланган иккинчи қисмида сўз тил бирлиги сифатида икки муҳим белгига, яъни лугавий маъно ва туркумлик маъносига эғалиги айтилди. Ана шу икки хусусияти билан у моҳиятан бир-биридан фарқли бўлган икки турдаги ясалма бирликларнинг ҳосил бўлишида асос бирлик (ясашиш асоси) вазифасини бажаради – шундай вазифали тил бирлиги ҳисобланади. Бу тил бирлигининг сўзнинг қандай белгисига эга бўлишига кўра ясалма бирликнинг икки тури – ясама сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлади, яъни сўзнинг лугавий маъноси асосида ясалган тил бирлиги ясама сўз, туркумлик маъноси асосида ясалган тил бирлиги сўз шакли (морфологик бирлик) бўлади. Ясалма бирликнинг ясашиш асоси ҳисобланувчи бирлик шу моҳияти билан сўз ясовчи бирликка зидланади. Масалан, *ишла, ишини* сўзларининг бирида *иш* сўзи сўз ясашиш асоси, иккинчисида эса шакл ясашиш асоси мақомидадир. -*ла, -ни* аффикслари ясовчи бирлик – биринчиси сўз ясовчи, иккинчиси шакл ясовчи бирлик ҳисобланади.

Морфемалар мустақил тил бирлиги бўлмаганидек, ясалма бирликнинг иккинчи қисми ҳам мустақил бирлик ҳисобланмайди. Ясалма бирликлар сўз ясашиши ва морфологик системанинг тил бирликларидир.

Ясама сўзнинг таркиби¹. Ҳар бир ясама сўз икки таркибий қисмдан, яъни сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчидан ташкил топади: *ишчан* < *иш* + *чан*, *ишчи* < *иш* + *чи*, *ишла* < *иш* + *ла* каби. Ясама сўзнинг маъноси ва бошка хусусиятлари унинг таркибий қисмлари маъноси, шу қисмларга хос хусусиятлар асосида юзага келади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши ва ясама сўз билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишда сўз ясалиш асоси ҳамда сўз ясовчи бирликка хос хусусиятларни тўғри, аниқ белгилаш муҳим аҳамият касб этади, шу мақсадга эришиш билан ясама сўз асосида сўз ясалиши системасининг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг, демакки, сўз ясалиши система-сининг моҳиятини тўла ва тўғри белгилаш имкони тугилади.

Сўз ясалиш асоси. Бу термин ўзбек тилшунослигида нисбатан кейинги вақтларда юзага келди. Унгача ясама сўзнинг бу қисмига нисбатан сўз термини қўлланар эди. Ясама сўзнинг бу қисмини «сўз ясалиш асоси» деб аташ, яъни шу сўз бирикмасининг термин сифатида истеъмолга киритилиши тушунчанинг моҳиятини тўла ва тўғри англаш имконини берди. Бу эса, умуман, ясама сўзнинг моҳиятини тўғри аниқлашга ёрдам беради. Бироқ ўзбек тилшунослигида сўз ясалишига бағишланган ишларда бунга, яъни сўз ясалиш асоси ва унинг моҳияти масаласига ҳозирда ҳам жиддий эътибор берилаётгани йўқ. Аниқроқ қилиб айтганда, сўз ясалиш асосига нисбатан ҳам сўз, *лексема* терминлари бефарқ қўлланиб келмоқда. Масалан, *ишчанлик* ясама сўзининг *ишчан* қисмини «сўз» («ясама сўз»), «лексема» деб, *ишчан* ясама сўзининг *иш* қисмини «сўз» («туб сўз»), «лексема» деб юри-тиш ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу эса сўз ясалиши ва ясама сўз билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишда ўзига хос салбий натижаларини беряпти, албатта.

Сўз ясалиш асосининг моҳиятини белгилашда куйидаги икки нарсага асосланиш керак бўлади: 1) ясама сўз умуман сўз (лексема)дан эмас, балки унинг муайян маъноси асосида ясалади. Масалан, *ҳаракатчан* сўзи *ҳаракат* сўзининг бир маъноси асосида *-чан* сўз ясовчи морфемаси ёрдамида ясалади. Ана шу маъно *ҳаракатчан* ясама сўзи маъносининг юзага келишида асос маъно ҳисобланади.

¹ Сўз ясалишига оид асосий тушунчалар ҳақида юқорида келтирилган «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» номли ишимизда ҳам маълумот берилгани учун уларни такрорлаб ўтирмаймиз. Фақатгина сўз ясалиши системасининг шаклланишида амал киладиган тушунчалар, уларни билдирувчи терминлар ҳақида фикр билдириш билан чекланамиз.

Бу ясама сўз таркибида *ҳаракат* сўзи ва унинг маъноси шундай хусусиятга (моҳиятга) эга экан, бу сўзнинг ўзи ва унинг маъноси ҳам мустақил маъно ҳисобланмайди. Бу эса *ҳаракатчан* ясама сўзи таркибида «ҳаракат»ни мустақил бирлик, яъни сўз (от) ҳисоблашга йўл қўймайди. Демак, *ҳаракатчан* ясама сўзи таркибидаги «ҳаракат»ни сўз ясалиш асоси дейиш – шундай термин билан юритиш, биринчидан, унинг мустақил бирлик эмаслигини аниқ қайд этса, иккинчидан, *сўз ясалиш асоси* термини ясама сўзнинг таркибий қисми эканини аниқ қайд этади. Бу билан *ҳаракатчан* ясама сўзининг моҳиятини тўғри англаш, талқин этиш осонлашади. Сўз ясалиш асоси ясама сўзда ясама сўз, ҳаттоки қўшма сўздан бўлиши мумкин. Лекин улар ҳам ясама сўз таркибида мустақил бирлик ҳисобланмайди, чунки ҳар қандай ясама сўзда сўз ясалиш асоси битта бўлади. Масалан, *терилчи* сўзининг сўз ясалиш асоси – *терим*, *белбоғли* ясама сўзининг сўз ясалиш асоси – *белбоғ*. Шу икки фактнинг ўзиёқ *сўз* (мустақил сўз), *лексема* ва *сўз ясалиш асоси* бир-бирдан фарқли тушунчаларни билдиришини, бири ўрнида иккинчисини бефарқ қўллавериш мумкин эмаслигини – бири лексик системанинг тил бирлиги эканини, иккинчиси (сўз ясалиш асоси) тилнинг бирор системасини шакллантирувчи бирлик эмаслигини аниқ тасдиқлайди.

Сўз ясалиш асоси ҳақидаги гапни яқунлар эканмиз, сўзнинг лугавий маъноли бирлик сифатида сўз ясалишида, лугавий системанинг тил бирлигини ҳосил қилишда қатнашиши ҳамда сўз ясалиши системасининг тил бирлиги ҳисобланувчи ясама сўзнинг таркибий қисми (сўз ясалиш асоси) вазифасини бажариши билан нақадар муҳим моҳиятга, вазифага эга бўлган тил бирлиги эканини алоҳида таъкидлашни лозим топамиз. Бу вазифаларда сўз нутқ бирлиги ҳисобланмайди. Чунки сўз ясалиши ҳодисаси ва бунда қатнашувчи тил бирликларининг нутққа алоқаси йўқ – улар “нутққача” бўлган ҳодисалар, нутққача мавжуд тил бирликларидир. Демак, «лексема – лисоний бирлик, сўз – нутқ бирлиги», «лексема намоён бўлиши билан сўзга айланади» деган гаплар бирон-бир тил бирлигининг, бирон-бир тил ҳодисасининг моҳиятини қайд эта олмайдиган қуруқ гаплардир.

Юқорида айтилганлардан яна шу нарса аниқ бўлдики, ясама сўз лексемадан эмас, сўздан ясалади (Чунки лексема сўздан фарқли, ўзича мустақил тил бирлиги эмаслиги боис сўз ясалиш асосида қўлланиши мумкин эмас). “Феълдан от ясалиши”, “отдан сифат ясалиши” би-

рикмаларидаги *фезл, от, сифат* сўзлари ўрнида лексема сўзини қўллаш мумкин эмаслиги ҳам шу фикрни ҳамда ясалма бирлик ҳам сўз бўлишини аниқ тасдиқлайди.

Сўз ясовчи. Ҳар қандай ясама сўз икки таркибий қисмдан – сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчидан иборат бўлишини кўрдик. Ясама сўзнинг таркибий қисми сифатида сўз ясовчи ҳам сўз ясалиш асосига хос баъзи умумий хусусиятларга эга бўлади. Биринчидан, сўз ясалиш асоси каби, сўз ясовчи ҳам ясама сўзда битта бўлади: *терим* < *тер+им*, *теримчи* < *терим+чи* каби. Иккинчидан, сўз ясовчи бирлик аффикс (қўшимча) ёки сўз кўринишида бўлиши мумкин: *ишчи, ишхона, камдаромад* каби. Булар умуман ясовчи бирлик бўлиши билан морфем сатҳга (морфемикага) мансуб тил бирлиги ҳисобланади. Лекин, ясама сўзнинг таркибий қисми бўлган сўз ясалиш асосига нисбатан сўз терминини қўллаш асосли бўлмаганидек, сўз ясовчини «морфема» деб юритиш ҳам мақбул бўлмайди. Шунинг учун тилшуносликнинг сўз ясалиши бўлимида сўз ёки морфеманинг моҳияти эмас, балки, ясама сўзнинг таркибий қисми сифатида, ‘сўз ясалиш асоси’ ва ‘сўз ясовчи’ тил бирлиларининг моҳияти ўрганилади. Лекин улар мустақил тил бирлиги эмас, мустақил тил бирлигининг – ясама сўзнинг қисмлари ҳисобланади.

Ўзбек тилида сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчидан таркиб топмаган, қандайдир бошка йўл билан ҳосил бўлган сўзлар ҳам бор. Масалан, “қўшма сўз” деб юритилаётган *белбоғ, отқулоқ, бодомқовоқ* каби сўзлар, *устқурма* каби калькалаш йўли билан ҳосил қилинган сўзлар шулар жумласидандир. Бундай сўзлар ясама сўз (сўз яшаш йўли билан ҳосил қилинган сўз) ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам ясама сўзларга хос моҳиятга эга бўлмайди ва ясама сўзлар каби гуруҳланиш, система ҳосил қилиш хусусиятига ҳам эга эмас. Бинобарин, улар сўз ясалишининг, сўз ясалиши системасининг объектига кирмайди¹.

Ясама сўзнинг маъноси сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг маъноси асосида юзага келиши, бунда сўз ясалиш асоси муайян бир луғавий маъноси билан қатнашиши айtilди. Сўз ясовчи эса мустақил тил бирлиги ҳисобланмайдиган ва мустақил маънога эга бўлмайдиган тил бирликлари – морфемалардан бўлади. Демак, ясама сўзнинг таркибидаги сўз ясалиш асоси сўз ясалишида муайян бир маъноси би-

¹ Булар ҳақида юқорида келтирилган «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» номли ишимизда фикр билдирилган.

лан қатнашса, сўз ясовчи умумий маъно билан қатнашади. Шу хусусиятларига кўра, биринчидан, ҳар қандай ясама сўз таркибида сўз ясалиш асоси вазифасида муайян сўз қатнашса, сўз ясовчи бирдан ортиқ сўзлар ясади. Иккинчидан, сўз ясовчининг маъноси сўз ясалиш асосининг маъноси негизида воқеланади. Масалан, *гулламоқ, куртакламоқ, текисламоқ, тахминламоқ* ясама феълларининг сўз ясалиш асоси алоҳида сўзлардан бўлса, сўз ясовчи *-ла* аффикси уларнинг барчасидан ва бошқа сўзлардан ҳам феъл ясади. Учинчидан, муайянлик, умумийлик хусусиятига эга бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ясама сўз таркибида сўз ясалиш асоси ҳам, сўз ясовчи ҳам бир маъноси билан қатнашади. Тўртинчидан, сўз ясалиш асоси вазифасида қўлланган сўз, лексик бирлик ҳолатида, кўп маъноли бўлиши мумкин. Лекин сўз ясовчи, мофема сифатида ҳам, кўп маънога эга бўлмайди (Булар ҳақида кейинроқ яна тўхталамиз).

Сўз ясалиши, ясама сўз, унинг таркибий қисмларининг моҳияти ҳақида айтилганлар сўз ясалиши системасининг тил бирлиги, яъни ясама сўзлар шаклланишида юзага келадиган ҳодисаларнинг моҳиятини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, сўз ясалиш системасини тадқиқ этишда шу айтилганларни эътиборда тутган ҳолда иш қўриш ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Ясама сўз – сўз ясалиши системасининг тил бирлиги

Ясама сўз ясалма бирлик сифатида сўз (лексема)дан фаркли моҳиятга эга бўлади, шу моҳияти билан алоҳида тил бирлиги бўлади. У алоҳида тил бирлиги экан, муайян системанинг тил бирлиги (муайян системани шакллантирувчи бирлик) ҳисобланади. Бу эса ўзбек тилида ясама сўзлар асосида шаклландиган системалар борлигига ишора қилади. Демак, асосий масала ўзбек тилида ясама сўзлар асосида шаклландиган системалар борлигини исботлаш ва бу системаларнинг шаклланиши билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятини ёритишдан иборатдир. Афсуски, ўзбек тилшунослигида ана шу вазифа бажарилгани, асосий масала ҳал этилгани йўқ. Бунинг асосий сабабини ўзбек тилшунослигида ясама сўз, сўз ясалиши ҳодисаси бўйича қилинган ишлар, эришилган ютуқларимизнинг савия даражаси ҳамда бу борадаги муаммоларнинг ниҳоятда мураккаблиги билан изоҳлаш мумкин.

Ишимизнинг лексик системага багишланган қисмида лексема-лар лугавий маъноси, семемаси таркибидаги умумий семаси асосида бирлашиб, лексик-семантик гуруҳни, яъни кичик бир лексик системаи ташкил этишини, бир оз юқорида эса ясама сўзлар ҳам лугавий бирлик сифатида шундай лексик-семантик гуруҳларда қатнашиши, лексик-семантик гуруҳнинг таркибий қисми бўлишини кўрдик. Сўз ясалиши системасининг шаклланишида эса икки муҳим ўзига хослик кузатилади: 1. Энг кичик сўз ясалиши гуруҳи (системаси) фақат ясама сўзлардан ташкил топади. 2. Бундай гуруҳлар ҳам муайян лугавий маъно асосида ташкил топади. Лекин бу маъно лугавий маънодан бутунлай фарқли моҳиятга эга бўлади ва у умумтилшуносликка оид адабиётларда “сўз ясалиш маъноси” деб ҳам юритилади. Шу маънони аниқ белгилаш, тўғри англаш сўз ясалиши системасининг шаклланиши билан боглиқ ходисаларнинг моҳиятини тўғри ёритишга имкон яратади. Аниқроқ қилиб айтганда, ана шу маънонинг моҳиятини аниқ белгиламай, у ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлмай туриб, сўз ясалиши системаси билан боглиқ ходисаларнинг моҳиятини ҳам, ҳар бир системанинг моҳиятини ҳам тўғри белгилаш мумкин бўлмайди.

Шу ўринда ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши билан боглиқ ходисалар учун қўлланаётган баъзи терминлар ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдириб ўтишни лозим топдик. Чунки тил ходисаларининг моҳиятини тўғри англаш ва талқин этишда ҳар бир ходисанинг моҳиятини тўғри, аниқ қайд эта оладиган терминни белгилаш муҳим аҳамият касб этади (Бу ҳақда юқорида айтилди). Шу жиҳатдан ёндашилганда, сўз ясалишига оид баъзи терминларнинг талабга жавоб бермаслиги ёки нотўғри қўлланиш ҳолатлари кузатилади. Ҳар икки ҳолатнинг сўз ясалишига оид масалаларни ёритишда, тадқиқ этишда ўзига хос салбий натижаларга олиб келиши шубҳасиз. Қуйидаги терминлар шундай терминлар жумласига киради: *сўз ясалиши маъноси; категориял маъно; сўз ясалиши категорияси; сўз ясалиши тити; сўз ясалиши парадигмаси.*

Сўз ясалиши маъноси термини

Бу терминнинг қўлланишида бир-биридан фарқли икки ҳолат кузатилади: 1) сўз ясалишига оид тайинли бир тушунчани қайд эта

олмаслиги – шундай «термин» сифатида қўлланиши; 2) бир-бирдан фаркли ҳодисаларнинг атамаси сифатида қўлланиши.

1. Ш. Ў. Мирзақуловнинг номзодлик диссертациясидаги фактлар биринчи ҳолатга мисол бўла олади. Диссертациянинг «Ўзбек тилида сўз ясалиши маъноси ва парадигмаси» деб номланишидан у худди шу масалага бағишлангандек туюлади. Бирок ишда на сўз ясалиши маъноси, на сўз ясалиши парадигмаси тўғри ёритилганини, тўғри талкин этилганини кўрамиз. Эътибор беринг: «Сўз ясалиш маъно типи бошқа сатҳларга хос маъно типлари билан боғлиқ бўлса-да, маълум белгилари билан улардан фарқланиб туради. Бу маъно категориялараро маъноларнинг синтезлашуви тарзида чикувчи интегротив маъно характерида бўлиб, турли сўз туркумлари ва сўз гуруҳлари орасидаги маъноларнинг чатишувидан пайдо бўлади»¹. Бу жумлалар сўз ясалиши маъносинигина эмас, умуман, тилдаги бирор ҳодисанинг моҳиятини қайд эта олмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, ўзбек тилида бу жумлаларда айтилган гапларни тасдиқлайдиган тил бирлиги ёки тил ҳодисасининг ўзи йўқ. Қуйидаги жумлалар эса диссертантнинг сўз ясалиши маъносининг моҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслигини, тилда бошқа моҳиятга эга бўлган ҳодисаларни сўз ясалиши маъноси деб тушунишини янада очиқ кўрсатади: «Ташқи ва ички ясалиш билан боғлиқ маъноларда айрим фарқлар ҳам кўзга ташланади. Ташқи ясалишда, масалан, феълдан от ясалганда, ясама сўз маъносида албатта предметлик маъноси устун туради ва аксинча. Ички ясалишда эса ҳосила (янги) сўзнинг лексик-семантик маъносида ўзгариш бўлади: бир лексик-семантик майдонга оид сўз бошқа лексик-семантик майдон ихтиёрига ўтади, муҳими, ясама сўзнинг семантик структурасида кейинги майдонга хос белгилар асосий семантик бирлик тусини олади, имтиёзга эга бўлади»². Биринчидан, ташқи ва ички ясалишда ҳам янги луғавий маъноли ясама сўз ҳосил бўлади, яъни ҳар икки ясалишда ҳам лексик маъно юзага келади. Иккинчидан, сўз туркумини «семантик майдон» деб талкин этиш ўта қўпол, ҳеч бир ишда учрамайдиган хато. Ана шу фактларнинг ўзиёқ диссертантнинг сўз ясалиши маъноси ҳақида умуман тасаввурга эга эмасли-

¹Мирзақулов Ш. Ў. Ўзбек тилида сўз ясалиши маъноси ва парадигмаси. Филол.фан. номз. дисс... автореф.: Самарқанд: 1995. 16-17-б.

²Шу автореферат. шу бетлар.

гини аниқ кўрсатади (Шу боис диссертантнинг бу масаладаги бошқа нотўғри карашларини келтириб ўтирмаймиз).

2. Бу терминнинг бир-биридан фаркли икки тушунчани ифодалаш учун қўлланиши: 1) “ясама сўзларнинг маъноси” учун, яъни шу тушунчани ифодалаш учун; 2) “ясама сўзларни гуруҳловчи маъно” учун.

Бу терминнинг (“сўз ясалиши маъноси” терминининг) ясама сўзнинг лексик маъносини ифодалаш учун қўлланиши хато бўлмаслигини кўрдик. Унинг “ясама сўзларни гуруҳловчи маъно” учун қўлланиши баъзи ишларда кузатилади. Биз ҳам «сўз ясалиши маъноси» терминидан фойдаланганмиз. Лекин бизнинг ишларимизда бу термин “ясама сўзнинг маъноси” (лексик маъноси) тушунчасини билдириш учун қўлланмаган, аксинча, бу тушунчадан фаркли тушунчани ифодалаш учун, шу талаб билан қўлланган. Демак, бу термин сўз ясалишида мавжуд бўлган ходисани “ясама сўзнинг маъноси” тушунчасидан фарқлаш талаби билан қўлланган. Лекин кейинги кузатишларимиздан маълум бўляптики, у сўз ясалиши билан боглик муҳим бир ходисанинг, аниқроғи, ўзбек тили сўз ясалишига оид ишларда келтирилмаган ходисанинг моҳиятини қайд эта олмас экан. Ана шу ходисанинг моҳияти ҳақида, унга нисбатан қўлланиши мумкин ва мақбул бўлган термин ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришга ҳаракат қиламиз.

Юқорида айтилдики, муайян ясама сўзнинг маъноси унинг таркибий қисмлари, яъни сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг маъноси асосида шаклланади, вокеланади. Шунинг учун ҳам ясама сўзнинг маъноси сўз ясалиш асоси ҳамда сўз ясовчининг маъноси билан изоҳланади: *Боксчи* – ‘бокс билан шуғулланувчи шахс’, ‘асосий касби бокс (тушиш) бўлган шахс’. Бундай сўз (лексема)ларнинг қандай гуруҳланишини – система ҳосил қилишини кўрдик, яъни бунда фарқловчи семаларга эга бўлган лексемалар умумий семаси асосида гуруҳланади. Бирдан ортиқ ясама сўзларнинг гуруҳланиши эса бутунлай бошқа моҳиятга эга.

Юзаки караганда, *боксчи, хоккейчи, футболчи, ...* сўзлари сўз ясовчи бирлик – *-чи* аффиксининг маъноси асосида гуруҳланаётгандек туюлади. Бундай гуруҳланиш ҳам бор, яъни *-чи* аффикси билан ясалган ясама сўзларнинг барчаси шахс отлари ҳисобланади. Лекин сўз ясовчининг маъноси асосида гуруҳланиш ясама сўзларнинг система-

сини шакллантирмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, ясама сўзларнинг гуруҳланиши, система ҳосил қилиши ясовчи бирликнинг маъноси асосида юз бермайди.

Диққат билан қаралса, бу ясама сўзларнинг гуруҳланиши ҳар бир ясама сўздаги сўз ясалиш асосига хос хусусийлик ва сўз ясовчига хос умумийлик белгиси асосида юз бераётгани йўқ, балки сўз ясалиш асосларига хос умумий белги (маъно) асосида *-чи* аффиксига хос ‘шахс’ белгиси (‘шахс’ маъноси) асосида юз беряпти. Аниқроқ қилиб айтганда, бу ясама сўзлар гуруҳида ҳар бир ясама сўзнинг ясалиш асоси (*бокс, хоккей, футбол.*), умуман олганда, спортнинг бир турини билдиради – бу улардаги умумийлик. Демак, ясама сўзлар улар таркибидаги ҳар бир ясама сўз асосига (сўз ясалиш асосига) хос маъно билан эмас, балки сўз ясалиш асослари учун умумий бўлган белги (маъно) асосида гуруҳланади. Шунинг учун ҳам ясама сўзлар гуруҳининг маъноси изоҳланмайди, балки сўз ясалиш асосларига хос умумий маъно ҳамда сўз ясовчининг маъноси билан таърифланади. Масалан, келтирилган *боксчи, хоккейчи, футболчи, шахматчи* ясама сўзлар гуруҳининг таърифи: “Сўз ясалиш асосларига хос умумий маъно+‘шахс’ маъноси” (сўз ясовчининг маъноси)дан юзага келади. Демак, “сўз ясалиш асосларига хос умумий маъно” бирикмаси сўз ясалиш асосларига хос умумийликни қайд этади. Бу умумийлик эса “спортнинг тури” маъносидир, яъни гуруҳдаги ҳар бир сўз спортнинг турини билдиради. Бундан яна шу нарса маълум бўляптики, бундай ясама сўзлар гуруҳидаги ҳар бир сўз “спортнинг тури” маъноси билан ҳам ўзаро бирлашади, гуруҳланади ва бир лексик-семантик гуруҳни ташкил этади – лексик системани шакллантиради. Бошқа сўз туркумига мансуб ясама сўзларнинг гуруҳланиши ҳам худди шу тарзда юз беради. Масалан, *аррала, ранда, эговла, дазмолла* ясама феъллар гуруҳи “сўз ясалиш асослари билдирган нарса билан бажариладиган ишни қилмоқ, бажармоқ” маъносига эга. Сўз ясалиш асосларига хос умумийлик шуки, улар, умуман олганда, ‘асбоб’ маъносини (иш куралини) билдиради. Шу умумийлик белгиси билан *арра, ранда, эгов, дазмол* бир лексик-семантик гуруҳни – лексик системани ташкил этади. Бу гуруҳдаги ҳар бир сўздан *-ла* аффикси ёрдамида феъл ясалиши билан умумий маънога кўра бирлашувчи ясама сўзлар гуруҳи юзага келади. Демак, гуруҳланиш сўз ясалиш асосларига хос умумий маъно – ‘асбоб’ (‘иш курали’) маъноси ҳамда *-ла* аффиксига хос маъ-

но — ‘килмок’ (‘бажармок’) маъноси асосида юз беради. Ана шу маъно бизнинг ишларимизда “сўз ясалиш маъноси” деб таърифланаётган эди. Бирок, ходисанинг моҳиятидан маълум бўляптики, *сўз ясалиши маъноси* бирикмаси бу гурухланишнинг моҳиятини аниқ қайд эта олмади. Бизнингча, бу маънонинг терминини белгилашда унинг бирлаштириш, гурухлаш хусусиятидан келиб чиқилса, муносиб (маъкул) термин белгилаш мумкин бўлади. Шундай қилинганда, бу маънони *гурухловчи маъно* сўз бирикмаси тўғри ифодалайди деб ўйлаймиз ва шу бирикмани термин сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Айнан шу сўз бирикмаси терминга қўйиладиган талабларга жавоб бера олади, ходисанинг моҳиятини аниқ қайд этади.

Маълум бўлдики, ясама сўзларнинг гурухланишида ҳам сўз ясалиш асосларига хос умумий белги муҳим роль ўйнайди. Ясама сўзларнинг сўз ясовчи бирикка хос маъно асосида бирлашиши, гурухланиши бутунлай бошқа ходиса бўлиб, бундай гурухланишда сўз ясалиш системасига хос моҳиятлар ўз ифодасини топмайди. Ҳар бир ясама сўзга хос моҳият ҳам, ҳар бир ясама сўзлар гуруҳига хос моҳият ҳам сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи, ясама сўзлар асослари ва сўз ясовчига хос хусусиятлар, белгилар асосида юзага келади.

Сўз ясалиши типини

Бир гурухловчи маънога эга бўлган ясама сўзлар гуруҳи “сўз ясалиши типини” деб юритилади. Масалан, юқорида келтирилган ясама сўзларнинг ҳар бир гуруҳи сўз ясалиши типларидир.

Сўз ясалиши типини термини ходисанинг моҳиятини аниқ белгилашда, уни сўз ясалиши системаси билан боғлиқ бошқа ходисалардан фарқлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бу термин билдирадиган ходисанинг моҳиятини тўғри белгилаш ва уни фақат шу ходисага нисбатан қўллаш талаб этилади. Бирок амалда шундай бўлаётгани йўқ. Бу термин сўз ясалишига оид ишларда умуман тилга олинмайди. Айрим ишларда эса биз юқорида қайд этган сўз ясалиши типининг моҳиятига тўғри келмайдиган ходисага, ҳатто моҳиятан бир-биридан бутунлай фарқли бўлган тил ходисаларига нисбатан қўлланиб келмоқда. Бу сўз ясалиши системаси билан боғлиқ ходисаларни тадқиқ этиш ва моҳиятини ёритишда фақат нотўғри хулосаларга олиб келиши табиий ва амалда шундай бўляпти ҳам.

Проф. А. Ғуломовнинг сўз ясалишига оид ишларида *тип* сўзи сўз ясовчи воситаларга, сўз яшаш усулига нисбатан қўлланади. Эътибор беринг: "...ўзбек тилида сўз яшашнинг воситалари ҳар хил бўлиб, уларнинг типлари шундай кўринишларга эга...

...сўз яшашнинг кенг қўлланадиган энг унумли, етакчи типлари аффиксал йўл ва композиция – сўз қўшиш йўлидир”¹. Шу ишда "тип" маъносида *модель* сўзи ҳам қўлланади (21-24- бетлар). Демак, "сўз яшашнинг типи" бирикмаси сўз ясалишига оид муайян ҳодисани, тушунчани қайд этмаган.

Бир гуруҳловчи маънога эга бўлган ясама сўзлар сўз ясалишининг бир типи ҳисобланиши айтилди. Бир хил гуруҳловчи маънога эга бўлишининг сабаби эса бундай ясама сўзларнинг бир хил лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан бир сўз ясовчи ёрдамида ҳосил килинишидир².

Ясама сўзларни ўзаро бирлаштирувчи маъно, бир томондан, бир типга оид ясама сўзларнинг ҳаммасини уларнинг сўз ясалиши асосларидан фарқлайди. Иккинчи томондан, сўз ясалишининг шу типини бошқа сўз ясалиши типларидан фарқлайди. Учинчи томондан, бир типга оид ҳар бир ясама сўзнинг маъноси гуруҳловчи маънога тенг бўлмаслигини кўрсатади.

Сўз ясалиши типининг таърифига эътибор берилса, унда *бир, бир хил (бир лексик-семантик гуруҳ, бир категориал маъно, бир сўз ясовчи)* сўзларининг, сўз бирикмаларининг такрорланишини кўрамиз. Бу нарса мазкур ҳодиса (сўз ясалиши типи) "умумийлик" билан характерланишини кўрсатади. Умумийлик эса системага хос, системани белгиловчилардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши типининг ўзиёқ сўз ясалиши сатҳи ўз системасига эгалигидан дарак беради. Яна шуниси ҳам муҳимки, умуман сўз ясалиши сатҳигина эмас, балки сўз ясалиши ҳодисасига эга бўлган сўз туркумларининг барчасида сўз ясалиши типлари мавжуд. Ҳар бир сўз туркуми сўз ясалишидаги сўз ясалиши типлари мажмуи шу сўз туркуми сўз ясалиши системасини ташкил этади ва "от ясалиши системаси", "феъл ясалиши системаси" каби атамалар билан юритилади.

Муайян тилнинг ўзаро алоқадаги сўз ясалиш типлари мажмуи *сўз ясалиши системаси* ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши

¹ Ўзбек тили грамматикаси, 1 т., Морфология, 22-б.

² Бу – гуруҳланишдаги бир кўриниш. Бошқаси ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

билан боғлиқ ходисалар ва уларнинг моҳияти ҳар бир ясама сўзнинг ёки ҳар бир сўз ясалишининг ўзи мисолида эмас, сўз ясалиши типи (типлари) мисолида ёритилиши керак. Шу асосда сўз ясалиш системасининг таҳлили юзага келади.

Ҳозирга қадар сўз ясалиши ҳар бир сўз туркуми доирасида ўрганилди ва бунда асосий эътибор шу туркумдаги сўз ясовчининг хусусиятлари – қандай сўз ясаши, унумли-унумсизлиги ва бошқа хусусиятларига қаратилди. Натижада, ўзбек тили сўз ясалиши бўйича жуда кўп ишлар қилинган бўлса-да, у система сифатида талаб даражасида ёритилмади.

Бирдан ортиқ семантик гуруҳ сўзларидан бир сўз ясовчи ёрдамида ясалган сўзлар сўз ясалишининг бирдан ортиқ типига мансуб бўлади, яъни бунда айнан бир сўз ясовчи бирдан ортиқ сўз ясалиши типига оид сўзлар ясайди. Масалан, феъл ясовчи *-ла* аффикси ёрдамида ҳосил қилинган *зираламоқ*, *тузламоқ*, *ўғитламоқ* феъллари сўз (феъл) ясалишининг бир типиди; *бурдаламоқ*, *бўлакламоқ*, *тилимламоқ* феъллари бошқа типи ҳисобланади.

Бу ҳодиса, яъни бир сўз ясовчи ёрдамида бирдан ортиқ сўз ясалиши типига мансуб сўзларнинг ҳосил қилиниши, одатда, сўз ясовчининг кўп маънолилиги (бирдан ортиқ маънога эғалиги) деб тушунтирилади. Сўз ясовчи аффиксларни "бир маъноли" ва "кўп маъноли" каби гуруҳларга ажратиш ва таърифлашнинг сабаби ҳам шунда. Бирок бу ҳам тўғри эмас. Чунки, масалан, *-ла* сўз ясовчиси юқорида кўрилган феъллардан бошқа типдаги феълларни ҳам ясайди: *орқаламоқ*, *елкаламоқ*, *қўлтиқламоқ*, *қучоқламоқ*, *чангалламоқ*; *бошоқламоқ*, *кўсакламоқ*, *гулламоқ* ва бошқалар. Лекин бу нарса мазкур аффиксининг кўп маънога эғалигини кўрсатмайди. Чунки, келтирилган икки типдаги ясама феълларнинг ўзиданоқ кўриш мумкинки, бу ясама сўзларнинг икки хил сўз ясалиши типига мансублиги сўз ясалиш асосларининг икки хил семантик гуруҳга мансублигидандир.

Сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг таҳлилида айтилдики, ясама сўз сўз ясалиш асосининг маълум маъноси ёки маънолари негизида ҳосил қилинади. Агар кўп маъноли сўзнинг бирдан ортиқ маъноси асосида сўз ясалса, ясама сўз ҳам кўп маъноли бўлади. Савол туғилади: бундай ясама сўзларнинг сўз ясалиши типига муносабати қандай бўлади? Бошқача айтганда, кўп маъноли ясама сўз ҳар бир

маъноси билан сўз ясалишининг алоҳида типига (типларига) кирадими ёки бу нарса (кўп маънолилик) сўз ясалиши типига мансубликни белгилловчи омил бўла олмайдими?

Сўз ясалиши типининг таърифидан кўрдикки, уни белгилловчилардан бири ясама сўзларнинг ҳар бирига хос муайян маъно эмас, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган маъно – гуруҳловчи маънодир. Кўп маъноли ясама сўзнинг ҳар бир маъноси эса шу сўзнинг муайян маъноларидир. Ўз-ўзидан, кўп маъноли ясама сўзнинг бирдан ортиқ сўз ясалиши типига киришини унинг кўп маънога эгаллиги белгиламайди, балки бир ёки бирдан ортиқ гуруҳловчи маънога эгаллиги белгилайди. Масалан, кўп маъноли *огирлашмоқ* феъли *огир* сўзининг 'вазн' семаси асосида ясалган сўз сифатида шундай семали *енгил* сўзидан ясалган *енгиллашмоқ* сўзи билан бир хил гуруҳловчи маънога эга бўлади ва улар сўз ясалишининг бир типини ташкил этади. *Огир* сўзининг бошқа семаси асосида ясалган *огирлашмоқ* феъли эса *ёмонлашмоқ* феъли билан бир сўз ясалиши типини ташкил этади: *аҳвол огирлашди*.

Хуллас, муайян бир сўз ясовчининг сўз ясалишининг бир ёки бирдан ортиқ типига мансуб сўзлар ясаши асос бўлувчи сўзнинг бир маъноли ёки кўп маъноли бўлишига эмас, балки бир ёки бирдан ортиқ семантик гуруҳга оид сўзлардан сўз ясалишига боғлиқ. Бу нарса келтирилган *огирлашмоқ* ва *енгиллашмоқ* сўзларида яна ҳам аниқ сезилади, яъни *огир* ва *енгил* сўзлари бир-бирига зид маъноли сўзлардир. Бу зидлик ҳар икки сўзнинг ўзига хос семаси асосида вокеланади. *-лаш* ясовчиси эса бу сўзлар учун умумий бўлган сема – 'вазн' семаси асосида сўз (*огирлашмоқ*, *енгиллашмоқ* сўзларини) ясайди. Шунинг учун ҳам улар бир хил категориал маънога эга бўлади ва сўз ясалишининг бир типига мансуб бўлади.

Ясама сўз кўп маъноли бўлиши, лекин унинг бирор маъноси сўз ясалиши асосида эмас, балки маъно кўчиши асосида ҳосил бўлган бўлиши мумкин. Бу маъносида у гуруҳловчи маънога эга бўлмайди ва сўз ясалишининг бирор типига мансуб бўлмайди. Масалан, *ишламоқ* феъли *иш* сўзига *-ла* қўшимчасининг қўшилуvidан ҳосил бўлган ясама сўз сифатида шу қўшимча ёрдамида ясалган феъллар билан сўз ясалишининг бир типини ташкил этади. Лекин "топмоқ", "қўлга киритмоқ" маъноси билан (*нул ишламоқ*, *даромад ишламоқ*) феъл ясалишининг бирор типини ҳосил қилмайди, унинг бирор типига кир-

майди. Чунки унинг бу маъноси *шила* сўзи юзага келгандан кейин маъно кўчиши йўли билан ҳосил бўлган. Худди шунингдек, *гулламоқ* феъли 'гул чиқармоқ' маъноси асосида "кўкламоқ" феъли билан феъл ясалишининг бир типини ташкил этади, лекин маъно кўчиши асосида ҳосил бўлган "ривожланмоқ" "тараққий қилмоқ" маъноси билан феълнинг бирон сўз ясалиши типига кирмайди.

Маълумки, ҳаётда ҳамма нарса ўзаро алоқада, боғланишда бўлади. Буни инсон фаолиятига оид нарса-ҳодисаларда ҳам кузатиш мумкин. Бу нарса-ҳодисалар умумий белги-хусусиятларига кўра энг йирик турларни, бу турларга мансуб нарса-ҳодисалар ўзаро умумий белгиларига кўра ички тур ва турчаларни ташкил этади. Ана шу ўзаро боғланишдаги тур ва турчаларга мансуб нарсаларни билдирувчи (атовчи) сўзлар ҳам ўзаро боғланишда бўлиб, маълум бир лексик-семантик гуруҳни ташкил этади. Масалан, *санъат* ва *спорт* сўзлари фаолиятнинг икки йирик соҳасини билдиради. Шу хусусияти билан бир семантик гуруҳга оид сўзлар ҳисобланади. Шу гуруҳга оид сўзлардан (ҳатто шу икки сўздан) *-чи* аффикси ёрдамида ясалган сўзлар (*санъатчи, спортчи*) сўз ясалишининг бир типини ҳосил қилади. Спортнинг турини билдирувчи *кураш, футбол, теннис* сўзларидан шу аффикс ёрдамида ясалган *курашчи, футболчи, теннисчи* сўзлари сўз ясалишининг бир типини ташкил этади. Курашнинг турини билдирувчи *самбо, дзюдо* сўзларидан ясалган *самбочи, дзюдочи* сўзлари сўз ясалишининг яна бир типини ташкил этади ва ҳоказо. Фаолиятнинг бошқа соҳаларига, жумладан, санъат, кишлоқ хўжалиги соҳасига оид тушунчаларни билдирувчи сўзлар ясалишида ҳам худди шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Муайян лексик-семантик гуруҳларга мансуб сўзлардан ясалган сўзларнинг бир сўз ясалиши типи ҳисобланиши гуруҳланишнинг бир кўриниши экани юқорида айтилди. Маълум бўлдики, бундай сўз ясалиши типларида сўз ясалиши асоси ҳам, сўз ясовчи ҳам умумий маъноси билан қатнашади. Айни бир сўз ясовчи ёрдамида ясалган ясама сўзларнинг бирдан ортик гуруҳни ташкил этишлари сўз ясалиши асосларининг умумий маъноси асосида юз беради. Масалан, *арраламоқ, рандаламоқ, эговламоқ* феълларининг гуруҳланиши сўз ясалиши асосларининг 'асбоб' ('иш қуроли') умумий маъносига эгаллиги туфайли юз беради – шу маъно гуруҳланишга асос бўлади. Шу билан бирга, хусусий белгилар ҳам сўз ясалиш асосига – *арра, ранда,*

эгов кисмларига хос бўлади. Демак, бу типдаги ясама сўзлар гуруҳида умумийлик ҳам, хусусийлик белгиси ҳам сўз ясалиш асосига тегишли бўлади. Сўз ясовчи бирлик эса бир умумий маъноси билан қатнашади, гуруҳларни фарқламайди. Масалан, от ясовчи *-чи*, феъл ясовчи *-ла* аффикслари шундай хусусиятга эга. Бу факт ҳам ясовчиларга (морфемаларга) нисбатан кўп маънолилиқ ҳақида гапириш мумкин эмаслигини яна бир бор аниқ тасдиқлайди.

Ясама сўзлар гуруҳланишининг иккинчи кўриниши сўз ясалиш асосларининг бир лексик-семантик гуруҳни ташкил этмаслиги, бир лексик-семантик гуруҳга мансуб бўлмаслиги билан характерланади. Масалан, *-фуруш* шахс оти ясовчиси билан ясалган *атласфуруш*, *мевафуруш*, *чайфуруш*, *гиламфуруш*, *чопонфуруш* сўзлари сўз ясалишининг бир типи ҳисобланади. Уларнинг сўз ясалиш асослари бир лексик-семантик гуруҳни, демакки, лексик системани ташкил этмайди. Бу нарса сўз ясалишининг бундай типлари сўз ясовчига хос умумий белги (умумий маъно) асосида шаклланадигандай қилиб кўрсатади. Аслида эса бундай эмас. Ҳар қандай ясама сўзнинг маъноси сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг маъноси асосида юзага келганидек, гарчи сўз ясалиш асослари бир лексик-семантик гуруҳни ташкил этмасда, уларнинг барчасида умумий белги мавжуд бўлади, ана шу умумий белги уларни бирлаштиради ва бундай сўзлардан муайян сўз ясовчи ёрдамида ясалган ясама сўзлар сўз ясалишининг муайян бир типини ташкил этади. Эътибор билан қаралса, *-фуруш* сўз ясовчиси билан ҳосил қилинган ясама сўзларнинг сўз ясалиш асослари (*атлас*, *мева*, *чай*, *гилам*, *чопон*), умумий олганда, сотиладиган нарсани билдиради, *-фуруш* сўз ясовчиси сўз ясалиш асослари билдирган нарсани сотиш билан шуғулланувчи шахсни билдиради – ‘сотувчи шахс’ семасига эга бўлади.

Маълум бўляптики, лугавий маъносида умумий сема бўлмаган, шу боис бир лексик-семантик гуруҳни – лексик системани ташкил этмайдиган сўзлардан сўз ясалишида ҳар бир сўз ясалиш асоси (асослари) маълум бир умумий белгига эга бўлади, шу белги асосида унга сўз ясовчи бирикиши ва янги сўз ҳосил қилиши имкони туғилади. Ана шундай моҳиятга эга бўлган бирдан ортик ясама сўзлар ўзаро бирлашиб, сўз ясалишининг бир типини ҳосил қилади. Қизиги шундаки, бундай ясама сўзлар гуруҳидаги ҳар бир ясама сўзнинг сўз ясалиш асоси касб этган янги белги, масалан, келтирилган мисоллардаги сўз

ясашиш асосининг ‘сотилиш’ белгиси сўз ясовчида ҳам ўз ифодасини топади (-*фуруш* сўз ясовчисигадаги ‘сотувчи’ белгисига эътибор беринг).

Демак, ҳар бир ясама сўзнинг маъноси (лугавий маъноси) сўз ясашиш асоси ва сўз ясовчига хос маъно асосида юзага келади. Ясашиш эса муайян маъно асосида юз беради. Ясама сўзлар эса бирдан ортик сўз ясашиш асослари учун умумий бўлган белги (маъно) ва сўз ясовчига хос сема (умумий сема) асосида гуруҳланади.

Хуллас, “сўз ясашиши типи” тушунчаси сўз ясашиши системасининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, унинг моҳиятини тўғри англаш сўз ясашиши билан боғлиқ кўпгина асосий ходисаларнинг моҳиятини белгилашга ёрдам беради. Сўз ясашиши типи ҳақида айтилганларнинг ўзиёқ сўз ясашиши системасини сўз ясовчиларни таҳлил этиш йўли билан эмас, сўз ясашиши типларини таҳлил этиш йўли билан ёритиш тўғри йўл эканлигини кўрсатади. Шундай йўл билан иш кўрилганда, биринчидан, сўз ясашишига ўхшаб кўринган, лекин сўз ясашиши ҳисобланмайдиган ходисалар аниқ белгиланади ва сўз ясашиши объектига киритилмайди. Иккинчидан, шу вақтгача сўз ясовчига боғлаб ўрганилган кўпгина ходисалар (масалалар) энди сўз ясашиши типлари мисолида ўрганилади. (Масалан, маҳсулли-маҳсулсизлик ходисаси). Натижада ҳар бир ходисанинг моҳиятини тўғри, тўла ва аниқ ёритиш имкони туғилади. Бу билан сўз ясашиши системасини талаб даражасида таҳлил этиш ва ёритиш мумкин бўлади.

Сўз ясашиши парадигмаси (категорияси) термини

Сўз ясашиши парадигмаси масаласига ўтишдан олдин, умуман, “парадигма” тушунчаси ҳақида қисқача фикр билдиришга тўғри келади.

Парадигма деганда, асосан, бир умумий маъносида бирлашувчи хусусий маъноли шакллар гуруҳи тушунилади¹. Бу гуруҳ ва унга хос маъно тилнинг маълум сатҳига хос категория ҳисобланади. Бу категориянинг таърифи унинг моҳиятини акс эттиради. Хусусийликлар эса шу парадигмага мансуб, ўзига хос маъноли шаклларда акс этади. Масалан, феълнинг замон категорияси ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабатини ифодалайди. Бу – замон шаклларининг ҳаммаси учун умумий хусусият – замон категориясининг моҳияти шундан иборат. Демак,

¹А х м а н о в а О . С . , Словарь лингвистических терминов. М.: 1966. -С. 310.

замон шаклларининг ҳаммаси шу умумий хусусияти билан бир парадигмани ташкил этади. Замоннинг ҳар бир тури эса ўзича умумийлик ва хусусийликларга эга. Масалан, ўтган замон феъли ҳаракатнинг нутк пайтигача бўлишини билдиради, бу умумийлик – ўтган замон феълининг моҳияти. Бу замоннинг шакллари ана шу умумий маъно асосида бирлашади. Ҳар бири эса ўзига хос хусусиятга эга (Бу маълум факт бўлгани учун мисоллар келтириб ўтирмаймиз). Сўз ясалиши сатҳида ҳам ана шундай ходиса, яъни бир умумий маъносида бирлашувчи, хусусий маъноси билан фарқланувчи ясама сўзлар гуруҳлари бор. “Гуруҳловчи маъно”, “сўз ясалиши тип”га оид таҳлилларда бу нарсa ёритилди ва худди шу ходисалар сўз ясалиши системасини белгилаши қайд этилди. Лекин ҳаммамизга маълумки, ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши системасини ёритишда ясама сўзлар парадигмалар асосида ўрганилмаган, тўғрироғи, бунда “парадигма” ёки “категория” сўзи қўлланмаган.

Сўз ясалиши парадигмаси, сўз ясалиши категорияси масаласига келсак, бу масала Ш. Ў. Мирзақуловнинг номзодлик диссертациясидагина махсус ўрганилган. Муаллиф сўз ясалиши парадигмаси бўйича, жумладан, қуйидагиларни ёзади: "...сўз ясалиш парадигмаси ва уни ташкил этувчиларни қуйидаги тартибда кўрсатмоқчимиз.

I. Фонология, морфемика, лексикология, морфология, синтаксисга зидлик, боғлиқлик асосида бош парадигма – сўз ясалиш системаси парадигмаси.

II. Сўз ясалиш сатҳининг бош – максимал парадигмаси таркиби қуйидагича бирликлардан ташкил топади: 1. Сўз ясау усуллари парадигмаси. 2. Сўз ясалиш категорияси парадигмаси. 3. Сўз ясалиш типлари парадигмаси. 4. Конкрет типли ясалмалар парадигмаси¹.

Бевосита парадигма тушунчасининг моҳиятидан келиб чиқилганда, яъни парадигманинг адабиётлардаги "бир умумий маънога эга бўлган (шу асосда бирлашувчи) шакллар гуруҳи" таърифидан келиб чиқилса, фақатгина муаллифнинг "Сўз ясалиш категорияси парадигмаси" деб атаётган парадигманинг борлигини тан олиш мумкин. Буни ҳам муаллиф тушунган тарзда қабул қилиш мумкин эмас. (Бу ҳақда бир оз кейинроқ тўхтаймиз). Ажратилган бошқа парадигмалар "парадигма" деб аташ мумкин бўлган ходисалар эмас. Масалан, "сўз ясалиш системаси парадигмаси" деганда нима тушунилиши, қандай

¹ Мирзақулов Ш. Ў. Кўрсатилган автореферат, 12-б.

парадигма назарда тутилишини тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, "сўз яшаш усуллари парадигмаси" ҳақида ҳам гапириш мумкин эмас. Чунки, аввало, усулларнинг парадигмаси бўлмайди. Қолаверса, ўзбек тилида сўз ясалишининг аффикс ва ёрдамчи сўз (сўз-морфема) ёрдамида сўз ясалишидан бошқа усули, жумладан, муаллиф қайд этаётган "композиция усули" йўқ. Шундай экан, "сўз яшаш усули парадигмаси" ҳақида гапириш мумкин эмас. Келтирилган бошқа парадигмалар ҳам "парадигма" дейиш мумкин бўлган ҳодисалар эмас (Булар ҳақида ўз ўрнида гапирилади).

Диссертация муаллифи бир умумий маънога эга бўлган сўз ясашиш шакллари гуруҳи бир парадигма экани ҳақидаги фикрни тан олади. Лекин унинг парадигма билан категорияни таърифлаши, бу ҳодисаларни тушуниши аниқ, қатъий ва тўғри эмаслиги аён бўлади. Эътибор беринг: "Сўз ясалиши парадигмасининг муҳим тушунчаларидан бири сўз ясалиши категорияси тушунчасидир... отларда шахс оти ясовчи қўшимчалар *-чи* (*ишчи, гулчи...*), *-дош* (*ватандош, юртдош...*), *-бон* (*боғбон, дарвозабон...*), *-паз* (*ошпаз, сомсапаз...*) бир категория (шахс отлари ясалиши категорияси)ни ташкил этса..."¹.

Сўз ясалиши категорияси тушунчаси сўз ясалиши парадигмасининг тушунчаларидан бири, дейиш нотўғри. Бу жумла нафақат сўз ясалиши категориясини, умуман бирон-бир ҳодисани, унинг моҳиятини билдира олмайди, чунки парадигма маълум бир категорияга оид (шу категорияники) бўлади. Масалан, от туркумига хос эгалик категориясининг шакллари мажмуи шу категориянинг парадигмаси ҳисобланади.

"Сўз ясалиш типлари парадигмаси" деганда муаллиф сўз ясалиш типлари асосидаги парадигмани, "сўз ясалиш типи" деганда эса маълум бир сўз ясовчи ёрдамида ясалган сўзлар гуруҳини тушунади. Масалан, *-чи* аффиксли шахс отлари ясалиши типи; *-дош* аффиксли шахс отлари ясалиши типи ва б.²

Биринчидан, "сўз ясалиши типи" ҳодисасини бундай тушуниш тўғри эмас. Иккинчидан, парадигмани сўз ясовчиларга қараб белгилаш юқоридагидан (сўз ясалиши категорияси парадигмасидан) фарқланмайди.

¹ М и р з а к у л о в Ш. Ў. Кўрсатилган автореферат, 13- б.

² М и р з а к у л о в Ш. Ў. Кўрсатилган автореферат, 13- б.

Нихоят, "конкрет типли ясалмалар парадигмаси" деганда диссертант маълум бир типдаги сўз ясалиш асосидан ҳосил қилинувчи ясалмалар парадигмасини тушунади. Масалан, ранг-тус билдирувчи сўзлар асос бўлган ясалмалар. Бизнингча, сўз ясалишининг бундай парадигмаси йўқ.

Маълум бўлдики, сўз ясалиши парадигмаси махсус таҳлил этилган ягона бу ишда (номзодлик диссертациясида) ҳам мазкур ҳодиса аниқ белгиланмаган, ўз-ўзидан, унинг моҳияти ҳам очилмаган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сўз ясалиши парадигмаси ва категорияси ҳақида фикр юритилган ишларнинг биронтасида, парадигманинг турлари аниқ белгиланмаганлигидан ташқари (буни юқорида кўрдик), сўз ясалиши категориясининг, улардан биронтасининг моҳияти очиб берилмаган, яъни биронтасининг аниқ ва тўғри таърифи берилмаган. Масалан, Ш.Ў. Мирзақуловнинг ишида шахс оти ясовчилар бир сўз ясалиши категорияси (шахс отлари ясалиши категорияси)ни ташкил этиши айтилганини кўрдик. Лекин бу гап, шахс оти ясалишининг ўзи, от ясалиши системасининг моҳиятини акс эттира олмайди, яъни системани белгилаш учун хизмат қила олмайди. Чунки у бу ҳодисанинг бир томонини, яъни шахс оти ясовчисининг шакли (шакллари) ва маъносини акс эттиради, холос. Бунда ясама отлар таркибининг иккинчи қисми (сўз ясалиш асоси) ва унинг маъноси акс этмайди. Ўз-ўзидан, от ясалишининг бу тури ҳақидаги гап унинг категория сифатидаги таърифи бўла олмайди.

Сўз туркумларига хос морфологик категорияларнинг таърифига эътибор берилса, таъриф шу туркумга оид сўзнинг категорияси маъносини билдирувчи сўз билан бошланади, сўнгра морфологик категорияга оид шаклнинг маъноси қайд этилади. Масалан, эгалик категориясининг таърифи "предметнинг" деб, замон категориясининг таърифи "ҳаракатнинг" деб бошланади. Сўнгра эгалик ва замон шакли ясовчисининг маъноси айтилади. Масалан, ҳаракатнинг нутқ пайтига муносабатини кўрсатувчи феъл шакллари умумий ва хусусий маъноси (маънолари) билан феълнинг замон категориясига хос парадигмани ҳосил қилади. Ана шундай умумий ва хусусий маънолар асосидаги феъл шакллари ва улар билан белгиланадиган грамматик категорияларнинг ҳар бири феъл морфологиясидаги кичик система ҳисобланади. Уларнинг барчаси биргаликда эса феъл морфологияси системасини белгилайди. Сўз ясалиши системасида эса бундай ҳолни

кузатмаймиз. Масалан, “шахс отлари категорияси” деганда, от ясаши системасига хос бирор белги, хусусият акс этмайди. Чунки у сўз ясаши таркибининг биттасига, яъни сўз ясовчига тааллуқлидир. Категорияга хос маъно, яъни системани белгиловчи маъно эса ясама сўз таркибининг ҳар икки қисми (сўз ясаши асоси ва сўз ясовчи маъноси)дан келиб чиқувчи, сўз ясаши типини белгиловчи маънодир. Юқорида кўрдикки, сўз ясаши системасини сўз ясаши типлари белгилайди.

Хуллас, сўз ясаши системасининг тахлилида ясама сўз таркибига хос бирликларнинг (сўз ясаши асоси ва сўз ясовчининг) моҳиятини, уларнинг бирикишидан ҳосил бўладиган ясама сўз билан боғлиқ “гуруҳловчи маъно”, “сўз ясаши типи” каби тушунчаларнинг моҳиятини тўғри ва аниқ белгилаш муҳимдир. Шунга эришилса, сўз ясашига оид бошқа ҳодисаларнинг (масалан, маҳсулламаҳсулсизлик, сўз ясаши имконияти каби ҳодисаларнинг) моҳиятини ёритишга имкон туғилади ва, охир-оқибат, сўз ясаши системасини тўғри ва тўла ёритиш мумкин бўлади.

Шундай экан, “сўз ясаши системасини белгиловчи, яъни кичик бир сўз ясаши системаси ҳисобланувчи ясама сўзлар гуруҳига нисбатан *категория, парадигма* сўзларини қўллаш шартми?” деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, аниқроғи, ўзбек тили материалларининг кўрсатишича, бу сўзларни термин сифатида қўллашга унчалик эҳтиёж йўқ. Чунки, юқорида айтилганлардан маълум бўляптики, сўз ясаши системаси билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишда ‘гуруҳловчи маъно’, ‘ясама сўзлар гуруҳи’, ‘сўз ясаши типи’ терминлари, улар билдирадиган тушунчалар асосида иш кўришнинг ўзи кифоя қилади. *Сўз ясаши категорияси, сўз ясаши парадигмаси* каби сўз бирикмалари мазкур терминлар билдирадиган (сўз ясаши системасига оид) тушунчаларни шу терминлардан аниқроқ қайд эта олмайди ёки улардан фаркли бўлган бирон-бир тушунчани билдирмайди. Ўз-ўзидан, бу сўзларни термин сифатида қўллаш сўз ясаши системасига оид ҳодисаларнинг, тушунчаларнинг моҳиятини тўғри белгилашга, осон англашга эмас, балки бунинг аксига, яъни масалани мураккаблаштиришга, тадқиқотчини чалғитишга хизмат қилиши мумкин. Бу эса сўз ясаши системасини тадқиқ этишда *категория, парадигма* сўзларини термин сифатида қўллашга эҳтиёж йўқлигини кўрсатади.

Маҳсулли ва маҳсулсизлик термини

Ўзбек тилшунослигида бу термин сўз ясовчиларга ва сўз яшаш усулига нисбатан қўллаб келинди, яъни маҳсулли ва маҳсулсизлик сўз ясовчиларга ва сўз яшаш усулларига, ҳатто сўз яшаш моделлари, сўз яшаш қолипларига ҳос ҳодиса деб қаралмоқда¹. Бу ҳол ҳар бир ҳодиса (тушунча)нинг моҳиятини тўғри англамаслик, моҳиятни тўғри акс эттирувчи термин қўллаганлигининг оқибатидир, ҳодисанинг моҳияти тўғри белгиланмаганлигини (ёритилмаганлигини) кўрсатувчи факт-дир.

Хуллас, маҳсулли-маҳсулсизлик ҳақида гап борар экан, аввало, унинг моҳиятини ва сўз ясалишига оид қайси тушунча билан боғлиқлигини аниқ белгилаб, шу асосда иш кўриш талаб этилади. Содда қилиб айтганда, биринчидан, "маҳсулли ва маҳсулсиз" деганда қандай ҳодиса тушунилиши, иккинчидан, бу ҳодисанинг сўз ясовчига, сўз яшаш усулига ёки сўз ясалиш моделига (қолипига) оидлиги аниқ белгиланиши ҳамда ўзи алоқадор бўлган ҳодиса доирасида ўрганилиши лозим бўлади.

"Маҳсулли-маҳсулсизлик" ("унумли-унумсизлик") терминидаги *маҳсулли* (*унумли*) сўзи "маҳсули бор" ва "сермаҳсул" ("унуми бор" ва "унумдор", "серунум") маъноларида бефарқ қўлланиб келаётгани маълум. Бизнингча, бу ўринда, биринчи навбатда, икки ҳодисани фарқлаш лозим: 1) янги сўз ясалиши ёки ясалмаслиги; 2) кам миқдорда ёки кўп миқдорда сўз ясалиши.

Биринчи ҳодисанинг моҳиятини "маҳсулли-маҳсулсизлик" термини тўғри ва аниқ акс эттиради, яъни янги сўз ясалаётган (ҳосил қилинаётган) бўлса – маҳсулли (маҳсули бор), янги сўз ясалиши йўқ бўлса – маҳсулсиз (маҳсули йўқ) бўлади. Иккинчи ҳодисанинг моҳиятига эса "сермаҳсул-каммаҳсуллик" термини мос келади, яъни кам миқдорда сўз ясалса – каммаҳсул, кўп миқдорда сўз ясалса – сермаҳсул бўлади. Ана шу икки терминдан бошқасини қўллашга эҳтиёж йўқ.

¹Қаранг: «Ўзбек тили грамматикаси». 1 т. Морфология, 21-24-бетлар. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Акабировова З. Сўз яшаш қолиплари. уларда унумлилик ва унумсизлик / Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. 6-сон, 68-70-бетлар.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиш керакки, мазкур ҳодисага нисбатан "фаол-нофаол" ("актив" ва "пассив") терминлари қўлланиши ҳам кузатилади. Лекин буни маъқуллаб бўлмайди. Чунки *фаол, нофаол* сўзлари қўлланиш даражасига нисбатан бўлган белгини акс эттиради, уларда маҳсул бериш-бермаслик акс этмайди. Қолаверса, айтиб ўтганимиздек, *маҳсулли-маҳсулсизлик* ва *сермаҳсул-каммаҳсуллик* терминлари ходисанинг моҳиятини тўғри ва аниқ акс эттиргани ҳолда, айтиб бир ҳодиса учун яна бошқа терминга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди.

Сўз ясаш усули ҳақида фикр юритилган ишларимизда ўзбек тили сўз ясаши системасида фонетик, композиция каби сўз ясаш усуллари йўклиги ишонарли далиллар билан асосланган. Шундай экан, умуман, сўз ясаш усулига нисбатан "маҳсулли-маҳсулсизлик" терминини (шунингдек, "сермаҳсул-каммаҳсуллик" терминини) қўллашга эҳтиёж йўқ. Қолаверса, бирор сўз ясовчи билан кўп ёки кам миқдорда сўз ясашига қараб уни маҳсулли ёки маҳсулсиз (сермаҳсул ёки каммаҳсул) деб баҳолаган билан бу нарса сўз ясашига оид бирор тушунчанинг (ёки тушунчаларнинг), охир-оқибат, сўз ясаши системасининг моҳиятини ёритиш учун бирон нарса бермайди. Масалан, "ўзбек тилида аффиксация усули сўз ясашининг сермаҳсул усули" дейиш билан шу усулда кўп миқдорда сўз ясаши қайд этилади, ҳолос.

Шуни айтиш керакки, у ёки бу сўз ясовчига нисбатан бу терминни қўллаш хато бўлмайди. Чунки улар ичида маҳсулли ва маҳсулсизи ҳам, сермаҳсул ва каммаҳсули ҳам бор. Шунинг учун ҳар бир сўз ясовчи ҳақида гап борганида, унинг ана шундай хусусияти айтилиши мумкин. Лекин бунда ҳам у ёки бу аффикс ёрдамида ҳозирда янги сўз ясаши ёки ясалмаслиги, кам ёки кўп миқдорда сўз ясаши қайд этилади, ҳолос. Унинг сўз ясаши системасидаги бошқа хусусиятлари ёритилмай қолаверади. Юқорида сўз ясаши системасини сўз ясаши типлари белгилаши айтилди. Шундай экан, сўз ясаши системасини ёритишда сўз ясаши типларининг маҳсулли-маҳсулсизлигини (сермаҳсул-каммаҳсуллигини) белгилаш, бунинг сабаб-асосларини аниқлаш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, у ёки бу сўз ясовчи ёрдамида кам ёки кўп миқдорда сўз ясаши фақат шу ясовчининг хусусияти билангина

изоҳланмайди, балки бунда сўз ясалиш асосининг хусусияти ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу ҳол ҳам мазкур ҳодисани сўз ясалиши типига нисбатан қўллашни такозо этади.

Сўз ясалишининг бир типига оид сўзлар бир сўз ясовчи ёки бирдан ортиқ (вазифадош) сўз ясовчилар билан ҳосил қилиниши мумкин. Агар бир типдаги сўзлар биргина ясовчи ёрдамида ҳосил қилинса, бу сўз ясовчининг ва бу сўз ясалиши типининг маҳсулли ёки маҳсулсиз бўлиши сўз ясалишига асос бўладиган лексик-семантик гуруҳнинг ҳолати билан боғлиқ бўлади. Яъни шу лексик-семантик гуруҳга кирадиган янги-янги сўзлар пайдо бўлиб турса, шу типга оид сўзлар ясалиши давом этади ва сўз ясовчи ҳам, сўз ясалиши типи ҳам маҳсулли бўлади. Акс ҳолда, яъни сўз ясалишига асос бўладиган янги сўзлар юзага келмаса, семантик жиҳатдан бир турдаги сўзлар гуруҳида ҳеч қандай янгиланиш (бойиш) бўлмаса, сўз ясовчи шу типдаги янги сўз ясамайди ва сўз ясовчи ҳам, сўз ясалиши типи ҳам маҳсулсизга айланади. Масалан, сифат + *-ай* типига сўз ясалиши (*кенгай, тораай, зўрай* каби) ҳозирда йўқ. Демак, сўз ясовчи *-й* ҳам, сўз ясалиши типи ҳам маҳсулсиз ҳисобланади. Демак, “сўз ясалиши типининг маҳсулсизлиги” деганда, ясама сўзлар гуруҳининг янги ясама сўзлар билан бойимаслиги назарда тутилади ва, аксинча, “сўз ясалиши типининг маҳсуллилиги” деганда, ясама сўзлар гуруҳининг янги ясама сўзлар билан тўлиб, кенгайиб бораётганлиги назарда тутилади.

Агар бирор сўз ясалиши типига оид сўз бирдан ортиқ (вазифадош) сўз ясовчи ёрдамида ясаладиган бўлса, икки ҳолат кузатилиши мумкин: 1) сўз ясалишига асос бўладиган бир типдаги сўзларнинг янги-янгилари юзага келмаса, бу семантик гуруҳга оид сўзларнинг ҳаммаси сўз ясаш вазифасини тўхтатади ва сўз ясалиши типи ҳам маҳсулсиз типга айланади; 2) акс ҳолда, яъни сўз ясалишига асос бўладиган сўзлар гуруҳи янги-янги сўзлар билан тўлиб (бойиб) бораётган бўлса, улардан, сўз ясовчи вазифадош аффикслардан бири шундай сўзлар ясаш вазифасини тўхтатиши мумкин, бошқаси ёки бошқалари эса сўз ясашда давом этади. Бинобарин, сўз ясалишининг бу типи маҳсулли тип ҳисобланаверади. Масалан, *-чи* қўшимчаси *тилчи, адабиётчи, тарихчи* каби бир сўз ясалиш типига мансуб бўлган сўзлар ҳосил қилган. Ҳозирда эса бу вазифасини тўхтатган. Лекин бундай сўз ясалиш маъносига эга бўлган сўзлар *-иунос* қўшимчаси ёрдами билан ясалади: *тилшунос, адабиётшунос, тарихшунос, сийёсатшунос* ва б.

Бир сўз ясовчи бирдан ортиқ лексик-семантик гуруҳ сўзларидан сўз ясаши, бунда сўз ясалишининг бирдан ортиқ типи мавжуд бўлиши айтилди. Бундай сўз ясалиши типларининг айримлари маҳсулли, баъзилари маҳсулсиз бўлиши мумкин. Буни биргина феъл ясовчи *-ла* ёрдамида ҳосил қилинган сўзлар мисолида аниқ кўриш мумкин. Масалан, унинг ёрдамида ясалган *мойламоқ, зираламоқ, никелламоқ* ва *дасталамоқ, гарамламоқ, рулонламоқ* каби феъллар (феъл ясалишининг икки типи) маҳсулли типлар; *баландламоқ, настламоқ, ичкариламоқ* ва *иссиқламоқ, салқинламоқ, томошаламоқ* типдаги феъл ясалиши маҳсулсиз сўз ясалиши типлари ҳисобланади. Феъл ясалишининг келтирилган типларига ҳос маҳсулли-маҳсулсизлик ҳам сўз ясалишига асос бўладиган сўзлар семантик гуруҳидаги янгиланиш, янги сўзларнинг юзага келиши ёки бундай ҳолатнинг йўқлиги билан боғлиқ эканини сезиш қийин эмас.

Маҳсулли-маҳсулсизлик ҳақида айтилганлар ва келтирилган фактларнинг ўзиданоқ аён бўлдики, бу ҳодиса бевосита сўз ясовчига боғлиқ эмас, яъни сўз ясовчининг хусусиятидан келиб чиқадиган ҳодиса эмас. Бу ҳодиса объектив сабабга эга бўлиб, у ҳам бўлса, сўз яшаш учун асос бўладиган, маълум лексик-семантик гуруҳга оид янги сўзларнинг юзага келиши ёки келмаслигидир. Шунинг учун ҳам маҳсулли-маҳсулсизлик ҳодисасини фақат сўз ясовчига боғлаб (сўз ясовчи мисолида) ўрганиш тўғри бўлмайди ва у керакли натижани бермайди. Сўз ясалиши типи тушунчаси эса ана шу хулосага келиш имконини беради. Бу билан маҳсулли-маҳсулсизликка алоқадор бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини, сабаб ва қонуниятларини ёритиш, белгилаш имкони ҳам тугилади.

Сермаҳсул-каммаҳсуллик масаласига келганда шуни айтиш керакки, биринчидан, бу ҳодиса ҳозирги сўз ясалишининг маҳсулли типларига ҳос, яъни маҳсулли сўз ясалиши типи нисбатан кам ёки кўп ясама сўзларга эгаллиги, бу типга кирадиган ясама сўзлар кам ёки кўп ясалаётганлигига кўра сермаҳсул ёки каммаҳсул бўлиши мумкин. Масалан, *-чи* аффикси ёрдамида *динамоччи, спартакчи, пахтакорчи* типдаги сўз ясалиши каммаҳсул; *футболчи, теннисчи, курашчи* типдаги сўз ясалиши эса нисбатан сермаҳсул. Иккинчидан, сермаҳсул-каммаҳсуллик ҳодисаси ҳам сўз ясалишига асос бўладиган янги-янги сўзларнинг юзага келиш-келмаслиги билан боғлиқ.

Сермахсул-каммахсуллик ҳодисаси ҳақида гап борганда, яна бир нарсани қайд этишга тўғри келади. Юкорида айтдикки, бир турдаги ясама сўзлар бирдан ортик сўз ясовчилар ёрдамида ҳосил қилиниши мумкин. Масалан, шахс оти ясовчилар. Бундай (бир сўз ясалиши парадигмасига мансуб) сўз ясовчиларнинг айримлари кўп миқдорда. баъзилари кам миқдорда сўз ясаши, яъни каммахсул ёки сермахсул бўлиши мумкин. Бу ҳодиса ҳар бир сўз ясовчининг хусусияти (хусусиятлари) билан боғлиқ бўлади. Масалан, шахс оти ясовчи *-чи* аффикси шу типдаги бошқа аффиксларга нисбатан, бирдан ортик типдаги шахс отлари ясаши билан ҳам, ясаган (ясаётган) сўзларининг миқдори жиҳатидан ҳам сермахсул ҳисобланади. Шахс оти ясовчи *-фуруши, -наз* аффикслари эса жуда кам миқдорда сўз ясайди. Бунинг сабаби *-чи* аффиксининг бирон-бир кўшимча маънога ёки бошқа хусусиятга эга эмаслиги, *-фуруши, -наз* аффиксларининг 'шахс' маъносидан ташқари 'сотиш', 'пишириш'ни ҳам ифодалашидир: *атласфуруши, кабобпаз* каби.

Махсулли-махсулсизлик ҳодисаси ҳақидаги гапни яқунлар эканмиз, махсулли сўз ясалиши типи (типлари) янги-янги сўзларни ясаш учун намуна бўлиб хизмат қилишини алоҳида қайд этамиз. Чунки янги-янги сўзларни ҳосил қилиш муайян сўз ясовчи билан боғлиқ ҳолда эмас, балки муайян сўз ясалиши типи (типлари) намунаси асосида амалга ошади. Буни ҳатто сўз ясалишининг янги-янги типлари юзга келиши мисолида ҳам кўриш мумкин. (Масалан, *-ий/-вий* аффикси ёрдамида сифат ясалиши ва унинг сермахсул сўз ясалиши типига айлана бориши бунга мисол бўла олади).

Сўз ясалиши имконияти термини

Бу ҳодиса сўз ясалишига оид кўпчилик ишларда умуман тилга олинмайди. Ваҳолонки, сўз ясалишидаги махсулли-махсулсизлик, сермахсул-каммахсуллик ва бошқа айрим муҳим ҳодисаларнинг сабаби, моҳияти худди мана шу сўз ясалиши имконияти билан боғлиқ, шу ҳодиса билан белгиланади. Ўзбек тилшунослигига оид ишларда "сўз ясовчи аффиксларнинг қўлланиш доираси сўз ўзгартувчи аффиксларникига нисбатан торроқ" эканлиги қайд этилган¹. Ана шунинг ўзиёқ сўз ясовчиларнинг сўз ясаш имконияти чекланганлиги ҳақидаги гап-

¹ Ўзбек тили грамматикаси, I т., Морфология, 30-б.

дир ва бунга қўшилмаслик мумкин эмас. Лекин сўз яшаш имконияти ходисасини фақат сўз ясовчининг ўзига боғлаб қўйиш, сўз яшашдаги чекланганлик-чекланмаганлик ходисасини сўз ясовчилар мисолида таҳлил этиш тўғри эмас ва бундай йўл тутиш ҳақиқий ҳолатни тўла акс эттириш имконини бермайди.

Х. Неъматов, Р. Расуловнинг юқорида қайд этилган ишида (37–38-бетлар) сўз ясашиш қолипнинг имконияти чексизлиги ҳақида гапирилади. Лекин, биринчидан, сўз ясашиш қолипи имкониятининг чексиз ёки чекланганлиги ҳақидаги гап умумий гапдан нарига ўтмайди, яъни сўз ясашишидаги бирор ходисанинг моҳиятини, сўз ясашишидаги чекланиш, чекланмаслик ҳамда унинг сабаблари ва бошқа нарсаларни кўрсата олмайди. Иккинчидан, сўз яшаш модели (қолипи)нинг имконияти чекланганлиги инкор этиб бўлмайдиган факт. Бу ҳолнинг ўзбек тилшунослигида қайд этилганлиги юқорида айтилди ва бунинг маълум сабаблари бор.

Ҳозирги ўзбек тили материалларининг кўрсатишича, сўз яшаш имкониятининг чекланганлиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ: 1) сўз ясашиш асосининг хусусияти билан; 2) сўз ясовчининг хусусияти билан; 3) объектив ҳолат билан.

Сўз ясашиши типи, маҳсулли-маҳсулсизлик каби ходисаларнинг таҳлилида кўрдикки, сўз ясовчиларнинг қўлланиши (сўз ясаши) ҳатто сўз туркумлари доирасида ҳам чекланган. Шунинг ўзиёқ сўз яшаш имконияти нуктаи назаридан катта чекланиш ҳисобланади ва бу ҳол сўз ясашиш асоси, унинг "танланиши" билан боғлиқ.

Яна шу нарса ҳам маълумки, бир ёки ундан ортик сўз туркумига оид сўзлардан сўз ясовчилар ҳам уларнинг маълум лексик-семантик гуруҳи (гуруҳлари)га оид сўзлардангина сўз ҳосил қилади. Масалан, энг маҳсулдор сўз ясовчи ҳисобланувчи *-чи* аффикси ҳам фақат от туркумига оид сўзлардан, уларнинг ҳам маълум лексик-семантик гуруҳига оидларидан янги сўз ясайди, холос. Шунинг ўзиёқ сўз ясашиш имкониятидаги, сўз ясашиш асоси билан боғлиқ яна бир катта чекланишни кўрсатади.

Бу айтилган чекланиш ҳоллари сўз ясашиш асоси билан бирга сўз ясовчига ҳам оид, яъни ҳар қандай сўздан янги сўз ҳосил қилавермаслиги сўз ясовчининг ҳам имконий чекланишидир. Бундан ташқари, сўз ясовчи ўз хусусияти билан боғлиқ ва шу сўз ясовчининг ўзига хос сўз яшаш имконияти-

нинг чекланиши ҳам бор. Буни сўз ясалиши парадигмасига мансуб бирдан ортик маънодош сўз ясовчилар мисолида яққол кўриш мумкин.

Аввало айтиш керакки, бир типдаги сўзларни яшаш учун бирдан ортик сўз ясовчи бўлишининг ўзиёқ уларнинг қўлланишида (сўз ясашида) чекланиш бўлишига олиб келади. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос белгига эга бўлиб, бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлмайди ёки мумкин бўлавермайди. Масалан, шахс оти ясовчи энг маҳсулдор *-чи* қўшимчаси *оштаз* типдаги сўз ясамайди. Ўз навбатида *-паз* қўшимчасининг сўз яшаш имконияти ниҳоятда чегараланган. Чунки унинг маъносида "пишириш" тушунчаси ҳам бор ва бу аффикс қўшиладиган сўз пишириб тайёрланадиган нарсани билдириши шарт. Қолаверса, у пишириб тайёрланадиган нарсани билдирадиган сўзларнинг ҳаммасидан ҳам шахс оти ясайвермайди. Масалан, ўзбек тилида *маставапаз* деган сўз йўқ. (Бунинг сабаблари ўз ўрнида айтилади).

Хуллас, сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчига хос хусусият (лар) нинг ўзиёқ муайян сўз билан сўз ясовчини бириктириб, сўз яшаш имкониятини чеклаб қўяди.

Булардан ташқари, бирор сўзда ва сўз ясовчида уларни бириктириб сўз ҳосил қилиш имконияти мавжуд бўлгани ҳолда, маълум бир объектив ҳолат бунга йўл қўймайди. Масалан, *-хона* қўшимчаси "сўз ясалиш асосидан англашилган иш, ҳаракат, нарса амалга ошириладиган жой" маъноли отлар ясайди: *дорихона*, *қабулхона*, *тўйхона* каби. Шу хусусиятига кўра *-хона* ясовчиси *танқид* сўзига бирикиб, сўз ҳосил қилиши мумкин эди, яъни *танқид* сўзи билан *-хона* сўз ясовчисининг бирикиш имконияти (сўз яшаш имконияти) бор. Лекин ўзбек тилида *танқидхона* сўзи йўқлиги ва бундай сўз ҳосил қилинмаслиги маълум. Сабаби шуки, *танқид* учун маҳсус жой бўлмайди (маҳсус жой белгиланмайди). Демак, бу – сўз яшаш имкониятининг объектив ҳолат билан чекланишидир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Маълум бўлдики, ҳар қандай сермаҳсул сўз ясовчининг имкониятида турли сабаблар билан боғлиқ чекланишлар бор. Буларга эътибор қаратишдан мақсад шу фактни қайд этишдан иборатгина эмас. Гап шундаки, сўз ясалишидаги имкониятларни, имкониятдаги чекланишларни аниқ белгилаш, амалиётда улар билан ҳисоблашиш муҳим аҳамиятга эга. Бу билан, бир томондан, сўз ясалишидаги маҳсуллимаслиқ ҳодисасининг сабабини тўғри белгилаш имконияти туғилса, иккинчи томондан, унутли сўз ясалиши типлари намунаси

асосида янги-янги сўзлар ҳосил қилишда хатога йўл қўймаслик имкониятига эга бўлинади.

Бундан ташқари, тил тараққиёти жараёнида сўз ясалиши системасининг ривожланиши айрим ҳодисаларнинг йўқ бўлиши ва янгиларининг пайдо бўлиши билан характерланади. Ана шундай ҳодисаларнинг юз бериши ва ундаги қонуниятларни белгилашда ҳам сўз ясалиши имконияти асосида иш кўриш тўғри хулосаларга олиб келади¹.

Сўз туркумларида сўз ясалиши масаласи

Ишнинг олдинги бўлимларида ўзбек тили сўз ясалиши системаси, уни шакллантирувчи тил бирлиги, шу тил бирлиги асосида сўз ясалиши системасининг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисалар, сўз ясалиши системасига оид асосий тушунчалар, улардан ҳар бирининг моҳияти каби масалалар юзасидан маълумот берилди. Ҳар бир сўз туркумидаги сўз ясалиши системасини тадқиқ этишда ана шу айтилганлар асосида иш кўриш талаб этилади. Шундай йўл тутилганда, ҳар бир сўз туркумидаги сўз ясалиши системаси юзасидан ижобий натижаларга эришиш, тўғри хулосаларга келиш билан бирга бу масалада ҳар бир сўз туркумига мансуб ўзига хосликлар ҳам намоён бўлади. Шунингдек, муайян сўз туркумидаги сўз ясалиши системасига оид баъзи ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри белгилаш сўз ясалиши системаси учун умумий бўлган баъзи мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри англашга ёрдам беради. Бу ишда барча сўз туркумларидаги сўз ясалиши системаси тадқиқ этилмайди. Фақатгина бир масала, яъни сўз туркумларида сўз ясалиши системасининг бор-йўқлиги ва бунинг сабаблари ҳақида қисқа тарзда ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топамиз.

Сўз ясалиши системасининг тил бирлиги ясама сўз бўлар экан, аввало, у ёки бу сўз туркумида сўз ясалиши тизимининг бўлиш-бўлмаслиги, унда ясама сўзга хос моҳиятга, хусусиятларга эга бўлган тил бирлигининг – шу туркумга мансуб ясама сўз(лар)нинг бор-йўқлиги ва бунинг сабаблари асосида масалани ҳал этиш керак

¹ Булар ҳақида махсус мақоламизда фикр билдирилган. Ҳ о ж и е в А. Сўз ясалиши имкониятидан тўғри фойдаланайлик / Ўзбек тили ва адабиёти, 1996. 1-сон, 23-29-б.

бўлади. Қолаверса, сўз ясаши системасини ташкил этувчи ҳар бир ясама сўзлар гуруҳи бирдан ортиқ ясама сўздан ташкил топар экан, ҳар бир сўз туркумида шундай гуруҳ(лар)ни ташкил этувчи ясама сўзлар бор-йўклиги аниқ белгиланиши ва масалани шу асосда ҳал этиш керак бўлади.

Масалага шу асосда ёндашилса, сўз ясаши ҳодисасининг, сўз ясаши системасининг фақат мустақил сўз туркумлари учун хос бўлиши табиий ҳолдир. Худди шу талабга кўра мустақил сўз туркумларидан сон ва олмош туркумлари сўз ясаши ҳодисасига, сўз ясаши системасига эга эмас (Шу боис ҳам ўқув юртлари учун чиқарилган ўзбек тилидан қўлланма ва дарсликларда сон ва олмош туркумларига бағишланган бўлимларда сўз ясаши ҳодисаси келтирилмайди). Фақатгина равиш туркумида сўз ясаши масаласида турли фикр-мулоҳазалар давом этипти.

Маълумки, олий ўқув юртлари учун нашр этилган ўзбек тили дарсликларининг барчасида, бошқа мустақил сўз туркумлари қатори, равиш туркумида ҳам равиш ясаши алоҳида мавзу сифатида берилди. Демак, ўзбек тилида равиш ясаши ҳодисаси борлиги деярли барча мутахассислар томонидан тан олинади. Бироқ масалага юқорида айтилган талаблар асосида ёндашилса, ўзбек тилида равиш сўз туркумининг сўз ясаши системасига эга эмаслиги инкор этиб бўлмайдиган факт эканлиги маълум бўлади. Бу ҳақда махсус мақоламизда ўз мулоҳазаларимизни билдирган эдик¹. Лекин ўзбек тилида равиш ясаши ҳодисаси борлигини тасдиқловчи фикрлар келтирилмаган ҳолда, жумладан, бу масаладаги бизнинг қарашларимизни инкор этадиган далиллар келтирилмаган ҳолда ўзбек тилида равиш ясаши ҳодисаси, равиш ясаши системаси борлигини даъво қилувчи ишларнинг янги-янгиларини ҳозир ҳам кузатиш мумкин. Равиш туркумига бағишланган биргина номзодлик диссертациясининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди². Ана шу ҳолат бу масалага жиддийроқ муносабат билдиришни такозо этипти. Қолаверса, ўзбек тили сўз ясаши системасининг назарий масалаларига бағишланган кейинги ишларимиз ўзбек тилида равиш туркуми сўз ясаши систе-

¹ Х о ж и е в А. Ўзбек тилида равиш ясаши тизими масаласига доир / Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. 2-сон, 42-46-б.

² А с а д о в Т. Х. Сўз туркумлари тизимида равиш. Филол. фан. номз. дисс... автореф. Тошкент: 2009. 10-12-б.

масига эга эмаслигини янада аниқлаштирди. Ана шу далилларни ҳам мутахассислар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Бирор сўз туркумида сўз ясалиши системаси бор-йўқлиги ҳақида фикр юритилар экан, аввало, бу сўз туркумида ясама сўзга хос моҳиятга эга бўлган тил бирлиги, аниқроғи, сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчидан иборат таркибга эга бўлган тил бирликлари – ясама сўзлар бор-йўқлиги белгиланиши керак бўлади. Масалага шу тарзда ёндашишнинг ўзиёқ ўзбек тилида равиш сўз туркуми сўз ясалиши системасига эга эмаслигини маълум қилиб қўяди. Буни ўзбек тилида энг фаол, сермахсул равиш ясовчи деб таърифланаётган биргина *-ча* аффикси мисолида аниқ кўриш мумкин. Ўзбек тили равиш ясалиши системаси ҳақида фикр юритилган ишларнинг барчасида *-ча* аффиксининг сермахсул равиш ясовчи эканлиги айтилади ва бу фикрни тасдиқлаш учун мисоллар келтирилади. Бироқ келтирилган мисоллар уларнинг таркибидага *-ча* аффиксининг равиш ясовчи, умуман, сўз ясовчи эмаслигини, унинг маъноси(қандай маъноли равиш ясаши) ҳақида айтилган гаплар ҳам мазкур аффикс сўз ясовчи бўла олмаслигини аниқ тасдиқлайди: «1. *-ча*. Бу аффикс от, сифат, олмош ва феълларга қўшилиб, ҳаракатнинг қай тарзда бажарилиши, ҳаракат процесси сўзнинг негизида ифодаланган предмет, ҳолатга ўхшатирилганлиги ёки бир белгининг бошқа белги билан ўхшашлиги маъноларини англатган равишлар ясаиди: *ҳозирча, йиғитча, болача, яширинча, эскича, янгича, шонганича, сенча, бизнингча, атрофлича, нлгарича, кейинча, буттургича,.. ўзбекча, украинча, кечагича, қисқача, ўзимча, билганимча*”¹ (Бошқа ишларда ҳам бу аффикс ҳақида деярли шундай фикрлар билдирилган). Диккат билан қаралса, берилган таъриф ва келтирилган мисолларнинг ўзиёқ *-ча* аффикси сўз ясовчига хос хусусиятларга эга эмаслигини аниқ кўрсатади. Масалан, *-ча* аффиксли сўз “ҳаракат процесси сўзнинг негизида ифодаланган предмет, ҳолатга ўхшатирилганлиги ёки бир белгининг бошқа белги билан ўхшашлиги маъноларини англатар” экан, бу сўзлар таркибидаги “*-ча*” ни сўз ясовчи (равиш ясовчи) дейиш мумкин бўлмайди, демак, айтилган фикр (муаллифлар фикри) “*-ча*” нинг сўз ясовчи эмаслигини тасдиқлапти. Чунки ўхшатиш, ўхшашлигини ифодалаш сўз ясовчиларга хос хусусият эмас, сўз ясовчи янги лугавий маъноли тил бирлиги – ясама сўз ҳосил қилади. Қолаверса, биринчидан, *ҳозирча, йиғитча, бо-*

¹ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1975. 231-232-б.

лача, атрофлича ... сўзлари ‘сўз ясалиш асоси + сўз ясовчи’дан иборат таркибли бирлик – ясама сўз эмас, иккинчидан, *шошганича, бизнингча, ўзимча, билганимча* сўзларидаги *-ча* сўз шаклига қўшиляпти. Сўз ясовчи бирлик эса бундай хусусиятга эга эмас. Учинчидан, *украинча, болача, шгаригича* ясама сўз – лугавий бирлик эмас, шунинг учун изоҳли лугатларда бош сўз (изохланувчи сўз) сифатида берилмайди ва ҳоказо.

Хуллас, ўзбек тилидаги *-ча* аффикси сўз ясовчига хос хусусиятларга эга эмас. У ўз моҳиятига кўра шакл ясовчи морфемаларга, шунингдек, кўмакчиларга ўхшайди.

-ча аффикси сўз ясовчи бирликка хос хусусиятларга эга эмаслиги боис баъзи сўз шаклларига бирикканда ҳам ўз маъносини, мустақиллигини саклайди. Масалан, *дўстларча, қаҳрамонларча* сўзларидаги *-ча* аффикси отнинг кўплик шаклига: *тикилганча, югурганча* сўзларида феълнинг сифатдош шаклига қўшилган. Ўзбек тили равиш ясалиши ҳақида фикр юритилган ишларда бундай сўзлар таркибидаги “ларча” ва “ганча” *-ча* аффиксининг *-лар*, *-ган* аффиксига бирикишидан ҳосил бўлган кўшма аффикслар деб таърифланади. Ваҳолонки, бундай сўзларда унинг таркибидаги *-лар* ва *-ча*, *-ган* ва *-ча* аффиксларининг бирикишидан равиш ясовчи *-ларча* ва *-ганча* кўшма аффикслари юзага келган эмас, аксинча, *-лар*, *ган* ва *-ча* аффикслари алоҳида-алоҳида, мустақил морфемалар ҳисобланади¹. Қолаверса, сўз ясовчи кўшма аффиксларнинг (морфемаларнинг) юзага келишида амал қиладиган қонуниятларга кўра ҳам *-ча* морфемасининг отнинг кўплик шаклини ясовчи *-лар*, феълнинг сифатдош ясовчи *-ган* аффиксига бирикиши ва кўшма аффикс (*-ларча*, *-ганча* “аффикслари”) юзага келиши мумкинлигини инкор этади. Аниқроқ қилиб айтганда, ўзбек тилида бирдан ортиқ шакл ясовчи морфеманинг ўзаро бирикувидан сўз ясовчи, жумладан, равиш ясовчи кўшма аффикснинг юзага келиши ходисаси йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас.

Айтилганларнинг барчасидан маълум бўлдики, *-ча* морфемаси сўз ясовчи морфемаларга хос моҳиятга эга эмас. Шунингдек, унинг бошқа бирон-бир морфема билан бирикишидан янги бир равиш ясов-

¹ Булар ҳақида куйидаги мақолаларимизда кенг маълумот берилган: Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (13-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. 5-сон, 47-53-б.; Шу номдаги 14- мақола, шу журнал, 2008. 6-сон. 30-43-б.; Шу номдаги 15- мақола. шу журнал, 2009. 2-сон, 25-35-б.; шу номдаги 16- мақола, Шу журнал, 2009. 3-сон, 27-30-б.

чи юзага келган эмас. Равиш ясалиши ҳақида фикр юритилган ишларда равиш ясовчи деб қаралган аффиксларнинг бирортаси ҳам равиш ясовчи, умуман, сўз ясовчи эмас (Буларнинг ҳар бири ҳақида тўхташни лозим топмаймиз). Шундай экан, яъни сўз ясалиши гуруҳлари (системалари) бирдан ортиқ ясама сўзлардан ташкил топар экан. Ўзбек тили равиш туркумининг сўз ясалиши системасига эгалиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бизнингча, *-ча* морфемасини нокатегориал сўз шаклини ясовчилар қаторида, яъни тилшуносликнинг морфология бўлимида ўрганиш тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади. Равиш ясовчи деб қаралаётган бошқа аффиксларнинг баъзилари, умуман, сўз ясовчи эмас (масалан, *-дек* аффикси) ёки санокли сўзлар таркибида учрайди, демакки, сўз ясалиши системасини ёки шакл ясалиши системасини (морфологик системани) шакллантирувчи бирликларни ҳосил қилмайди (масалан, *қунига, ётасига, йигитчасига* сўзлари таркибидаги *-ига, -сига, -часига* шулар жумласига киради).

Равиш ясалиши ҳақидаги гапларни яқунлар эканмиз, бир фактни алоҳида таъкидлашни лозим топамиз. Қизиғи шундаки, ўзбек тили равиш ясалиши ҳақида фикр юритилган ишларда ясама равиш деб келтирилган факт-мисолларнинг барчаси ўзбек тилида равиш ясалиши ходисаси, равиш ясалиши системаси борлигини эмас, аксинча, йўқлигини исботлашга хизмат қилади. Бу ҳолат амалда қандай натижалар беришини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги эса сўз ясалиши системаси тил бирлигининг моҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслик, равиш туркумида шундай тил бирлиги бор-йўқлигини белгилашда ясама сўзга хос юқорида кўрилган хусусиятлар асосида иш кўрмаслик оқибатидир.

Хуллас, ясама сўз – лисоний бирлик. Чунки у киши мияси хотираси марказида мавжуд ҳолдаги бирлик ҳисобланади. Ясама сўз бир марта ясалади ва луғат сатҳининг бирлигига айланади. Тайёр ҳолдаги тил бирлиги бўлганидан янги сўзлар ясалишида сўз ясалиш асоси вазифасида ҳам қатнашади. Луғавий бирлик сифатида луғатларда берилади, изоҳли луғатларда маъноси изоҳланади. Луғавий бирлик сифатида лексикологиянинг предмети – ўрганиш объекти ҳисобланади. Ясама сўз луғавий бирлик сифатида лексик-семантик гуруҳларни шакллантириш учун хизмат қилади – лексик-семантик гуруҳларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ясама сўз ясалма бирлик сифатида сўз ясалиши системасининг тил бирлиги ҳисобланади. Бу тил бирлиги билан боғлиқ ҳолда юз берадиган барча ҳодисалар тилшуносликнинг «Сўз ясалиши» бўлимида ўрганилади.

Ясама сўзнинг ҳар бири ўзига хос моҳиятга эга бўлган икки қисмдан – сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчидан таркиб топади. Сўз ясалиш асоси вазифасида луғавий маъноли бирлик – туб ёки ясама сўз қўлланади: *терим* (*тер* – сўз ясалиш асоси), *теримчи* (*терим* – сўз ясалиш асоси). Ясама сўз таркибида сўз ясалиш асоси мустақил тил бирлиги, яъни сўз (лексема) ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам «сўз ясалиш асоси» термини лексикология эмас, сўз ясалиш баҳсига хос тушунчани билдиради. Ҳар бир ясама сўз сўз ясалиш асосининг муайян маъносидан ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам бир сўз ясовчи ёрдамида ясалган бир неча ясама сўз таркибида сўз ясалиш асоси муайян маънога эга бўлган луғавий бирликлардан бўлади. Масалан, *-чи* аффикси билан ясалган отлар, *-ла* аффикси билан ясалган феълларнинг сўз ясалиш асосларига эътибор беринг.

Ясама сўзнинг иккинчи таркибий қисми сўз ясовчи морфема ҳисобланади. Ҳар бир ясама сўзда сўз ясалиш асоси битта бўлганидек, сўз ясовчи ҳам битта бўлади. Масалан, *темирчилик* ясама сўзининг (қасб отининг) сўз ясалиш асоси *темирчи* (ясама сўз), *-лик* сўз ясовчи (қасб оти ясовчи) морфема.

Сўз ясалиш асоси ҳар бир ясама сўзда битта бўлса, ҳар бир сўз ясовчи бирдан ортик сўз ясайди, бинобарин, бирдан ортиқ ясама сўзлар таркибида мавжуд бўлади. Бу ҳол сўз ясовчининг маъноси умумий маъно бўлиши билан боғлиқ. Масалан, *-чи* сўз ясовчиси жуда кўп миқдорда шахс оти ясайди ва шу шахс отларининг таркибида мавжуд бўлади, уларнинг барчасида ‘шахс’ маъноси билан (умумий маъно билан) қатнашади. Сўз ясалиш асоси эса бу ясама отларнинг ҳар бирида алоҳида сўздан бўлади ва муайян луғавий маъно билан қатнашади. Сўз ясовчи бирлик умумий маъноси билан ясама сўзларни бирлаштиради, гуруҳлайди.

Ясама сўзнинг маъноси сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг маъносидан юзага келади ва бу маъно луғавий маъно (лексик маъно) ҳисобланади. Бу маъноси билан ясама сўз лексик сатҳнинг тил бирлиги ҳисобланиши юқорида айтилди. Ясалма бирлик сифатида сўз сўз ясалиши системасининг тил бирлиги бўлиши ҳам айтилди. Сўз яса-

лиши системасининг тил бирлиги – ясама сўзлар маълум умумий белги асосида муайян гуруҳларни ташкил этади. Ана шу умумий белги, умумий маъно ясама сўзларни гуруҳловчи маъно ҳисобланади. Шунга кўра бу маънони, ўз моҳиятига кўра, ‘гуруҳловчи маъно’ деб юриши, яъни шу сўз бирикмасини термин сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Бир гуруҳловчи маъно билан бирлашган ясама сўзлар сўз ясалишининг бир типини ташкил этади ва ҳар бир сўз ясалиши типи кичик бир сўз ясалиши системаси ҳисобланади. Демак, сўз ясалиши системаси сўз ясалиши типлари мисолида тадқиқ этилади. Бу билан сўз ясалиши системасининг шаклланиши билан боғлиқ барча ҳодисаларнинг моҳиятини аниқ ва тўла ёритиш мумкин бўлади. Сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодисаларни сўз ясовчилар мисолида ўрганиш эса бу системага ҳос барча ҳодисаларни қамраб ололмайди, чунки ҳар бир ясама сўзнинг, ясама сўзлар гуруҳининг моҳиятини сўз ясалиши асосидан холи ҳолда ёритиш мутлақо мумкин эмас, зеро, сўз ясалиши системасининг тил бирлиги сўз ясовчи эмас, балки ясама сўзdir. Ясама сўзнинг моҳиятини фақат сўз ясовчининг ўзи қайд эта олмас экан, сўз ясалиши билан боғлиқ, сўз ясалиши системасига оид ҳодисаларнинг моҳиятини сўз ясовчи мисолида ёритиш мумкин эмаслиги ўз-ўзидан маълум.

Сўз ясалиши типларининг ҳар бири сўз ясалишининг кичик бир системасини ташкил этар экан, сўз ясалиши системаси билан боғлиқ, сўз ясалиши системасининг шаклланиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини сўз ясалиши типлари асосида ёритиш мумкин экан, бунда *сўз ясалиши категорияси, сўз ясалиши парадигмаси* бирикмаларини термин сифатида қўллашга эҳтиёж қолмайди.

Ясама сўз сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчидан юзага келар экан, бу тил бирлигига ҳос хусусиятларни ана шу икки қисм мисолида ёритиш, изоҳлаш керак бўлади. Масалан, сўз ясалишидаги маҳсуллик-маҳсулсизлик, сермаҳсул-каммаҳсуллик ҳодисаси шу вақтга қадар сўз ясовчига тегишли ҳодиса деб қаралади ва сўз ясовчи мисолида ўрганиб келинади. Ваҳолонки, сўз ясовчининг маҳсуллик-маҳсулсиз ёки сермаҳсул-каммаҳсул бўлиши тилда янги сўз ясалиши учун асос (сўз ясалиш асоси) бўладиган янги сўзларнинг пайдо бўлаётган-бўлмаётганлиги, бундай сўзларнинг кўплиги ёки кам бўлишига

боғлик. Шунга қараб сўз ясалишининг янги типлари юзага келади ёки юзага келмайди; тилда бор ясама сўзлар гуруҳи янги ясама сўзлар билан тўлади, кенгаяди ёки бундай ҳодиса юз бермайди. Демак, бу ҳодисалар сўз ясовчининг ўзига тегишли эмас.

Сўз ясалиши ҳодисаси мустақил сўз туркумларида мавжуд. Мустақил сўз туркумларининг ҳам от, сифат ва феъл туркумлари сўз ясалиши системасига эга. Ясама сўзнинг ва сўз ясалиши типларининг моҳияти асосида иш қўрилса, бунинг сабаблари, жумладан, ўзбек тилида равиш ясалиши ҳодисаси йўқлиги, равиш туркуми сўз ясалиши системасига эга эмаслиги ҳам маълум бўлади. Шу асосда эътибор билан қаралса, ясама равиш деб келтирилатган факт-мисолларнинг барчаси ўзбек тилида равиш ясалиши ҳодисаси ҳам, ясама равишлар ҳам йўқлигини тасдиқлайди.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

МОРФОЛОГИК СИСТЕМА. ТИЛ БИРЛИГИ – СЎЗ ШАКЛИ

Тил сатхларининг ҳар бирига хос ходисалар, шунингдек, тил сатхларининг системаларини, уларнинг шаклланиши билан боғлиқ ходисаларни тадқиқ этишда, ёритишда шу система тил бирлигини, унинг моҳиятини тўла ва тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга бўлишини ишнинг аввалги бўлимларида кўрдик. Бу гапни морфологик системанинг тил бирлигига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Морфологик системанинг тил бирлиги сўз шакли экани, морфология сўз шакллари ҳақидаги таълимот экани тилшуносликка оид адабиётларда тўғри қайд этилган. Лекин бу тил бирлиги ва унинг таркибий қисмларига хос хусусиятлар ўзбек тилшунослигида тўла ва тўғри ёритилган дея олмаймиз. Булар ҳақидаги қарашларнинг тўлиқ эмаслиги, бор фикрларнинг бир-бирига мос келавермаслиги, ҳатто бир-бирига зидлигининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди (Ўз ўрнида буларнинг ҳар бирига махсус тўхталамиз).

Ўзбек тили морфологиясига оид ишларда сўз шаклининг аффикслар ва ёрдамчи (қўмакчи)лар билан ясалиши, аффикслар ёрдамида ясалувчи сўз шакллари “синтетик шакл”, қўмакчилар ёрдамида ясаладиган сўз шакллари “аналитик шакл” деб юритилиши маълум. Сўз шаклининг бу икки тури моҳиятан бир-биридан бутунлай фарқланади. Бу фарқли хусусиятларни аниқ тасаввур этиш учун уларнинг ҳар бирини, яъни синтетик ва аналитик шаклларни, улар асосида юз берадиган ходисаларни алоҳида-алоҳида тадқиқ этишни лозим топамиз.

Синтетик шакллар

Ўзбек тилшунослигининг морфология бўлимида, одатда, сўз шаклининг аффикслар ёрдамида ясаладиган тури, яъни синтетик шакллар ва улар билан боғлиқ морфологик ходисалар ўрганилади, уларнинг моҳияти ёритилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки сўз шакли билан боғлиқ морфологик ходисаларнинг барчасига хос хусусиятлар синтетик шаклларда ўз ифодасини топади. Шу боис

бизнинг ишимизда ҳам, асосан, морфологик система билан боғлиқ назарий муаммоларни синтетик шакллар мисолида ёритишга ҳаракат қилинди.

Сўз шаклининг таркиби

Ишнинг сўз ясалиши системасига бағишланган қисмида кўрдикки, ясалма бирлик сифатида ясама сўзнинг таркибий қисмларини, улардан ҳар бирининг моҳиятини аниқ белгилаш ясама сўз билан боғлиқ барча ҳодисаларнинг моҳиятини тадқиқ этишда, ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Буни ясалма бирлик бўлмиш сўз шакли ва у билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятида ҳам аниқ кузатиш мумкин. Шу боис сўз шакллари билан морфологик системаларнинг шаклланишини тадқиқ этишдан олдин морфологик бирликнинг (сўз шаклининг) таркибий қисмлари, улардан ҳар бирининг моҳияти ҳамда бу қисмлардан юзага келадиган сўз шаклига ҳос умумий хусусиятлар ҳақида фикр юритишга тўғри келади.

Ишнинг морфемикага бағишланган қисмида айтилдики, ясама сўз ҳам, сўз шакли ҳам морфемалар ёрдамида ясалади. Ҳар қандай ясама сўз сўзнинг луғавий маъноси асосида ясалади. Сўз ясалиш асоси туб ёки ясама сўздан бўлиши мумкин, лекин бу ҳолат сўз ясалиш асоси ва ясама сўзнинг моҳиятига таъсир этмайди. Шакл ясалишида эса бошқача ҳолат кузатилади. Масалан, шакл ясовчиларнинг асосий қисми фақат сўзнинг шаклсиз ҳолатидан, унинг туркумлиқ маъноси асосида сўз шаклини ясайди. Шу билан бирга, фақат сўз шаклидан шакл ясовчи морфемалар ҳам бор. Ҳар икки ҳолатда моҳиятан бир-биридан фарқли бўлган сўз шакллари ҳосил бўлади. Биринчи ҳолатда категориал шакллар, иккинчисида нокатегориал сўз шакллари ҳосил бўлади. Бироқ ўзбек тилшунослигида бунга етарли эътибор берилгани йўқ, категориал ва нокатегориал сўз шакллари деганда бутунлай бошқа ҳодисалар назарда тутилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида, яъни унинг морфология бўлимида, асосан, сўз шаклини ясовчи бирликлар, улар ёрдамида ясалган сўз шакллари ва улар билан боғлиқ тил ҳодисалари ўрганилади. 'Шакл ясалиш асоси', 'сўз шаклининг таркиби' каби тушунчалар шу вақтга қадар ўз аксини топмаган. Ваҳолонки, бу тушунчалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмай туриб, сўз шакли билан боғлиқ ҳодисаларни, улардан ҳар бирининг моҳиятини тўла ва тўғри ёритиб бўлмайди.

Аввало айтиш керакки, шакл ясалиш ҳодисаси фақат от ва феъл туркумларида мавжуд. Ҳар икки сўз туркумидаги сўз шакллари шакл

ясалиш асоси ва шакл ясовчидан таркиб топади¹. Шу билан бирга, шакл ясалиш асосининг қандай тил бирлигидан бўлиши, сўз шаклида шакл ясовчининг миқдори ва шу кабиларда от ва феъл туркумига мансуб сўз шакллари ўзаро фаркли хусусиятларга эга. Шу боис уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

От туркумига мансуб сўз шаклларининг таркиби. Ясама сўзларнинг сўз ясалиш асоси туб ёки ясама сўздан бўлиши мумкинлигини кўрдик. Сўз шаклининг асоси (шакл ясалиш асоси) ҳам туб ёки ясама сўзлардан бўлиши мумкин: *теримни (терим+ни), теримчини (теримчи+ни)*. Лекин от туркумига мансуб сўз шакллари сўз шаклидан ясалмайди, демак, сўз шакли шакл ясалиш асоси вазифасида қўлланмайди. Масалан, *теримчиларимизни* сўзида шакл ясалиш асоси – *теримчи, -лар, -(и)миз, -ни* эса шакл ясовчилардир. Демак, бу сўзнинг *теримчи* қисми сўз шакли эмас. Шунингдек, *китобларимни* сўзида ҳам *-лар* қисми *китоб* сўзининг кўплик шаклини, *-(и)м* эгалик шаклини, *-ни* келишик шаклини ҳосил қилади – ҳаммаси шакл ясовчилар, *китоб* эса шакл ясалиш асоси, лекин сўз шакли эмас. Шунинг учун ҳам, биринчидан, *китобларимни* сўз шаклидаги кўплик, эгалик ва келишик шакллари (шу шаклларни ясовчилар) бир-бирининг маъносига таъсир кўрсатмайди. Иккинчидан, ундаги қайси шакл ясовчи туширилса, шу шаклга хос маъно йўқолади: *китобларим, китоблар, китоб; китобим, китобни ...*

Сўз ясалишида кўрдикки, ҳар қандай ясама сўз сўзнинг луғавий маъноси асосида ҳосил қилинади. Сўз шакли эса сўзнинг туркумлик маъноси – ‘предмет’ маъноси асосида ясалади. Содда қилиб айтганда, кўплик, эгалик, келишик шакллари от туркумига оид сўздан ясалади.

Маълум бўляптики, ясама сўз бир сўз ясалиш асоси ва бир сўз ясовчидан таркиб топса, от туркумига хос сўз шакллари бир шакл ясалиш асоси ва бир ёки бирдан ортик шакл ясовчидан таркиб топиши мумкин. Шакл ясовчи бирдан ортик бўлганида, ҳар бир шакл ясовчи шакл ясалиш асосидан отнинг алоҳида, мустақил бир шаклини ҳосил қилади. Масалан, *китобларимни* сўз шаклидаги *-лар, -(и)м, -ни* шакл ясовчиларнинг ҳар бири отнинг алоҳида шакллари – сон, эгалик ва ке-

¹ Ўзбек тилшунослигига оид ишларда «сўзшакл» термини ҳам қўлланади. Бу термин рус тилидаги *словоформа* терминининг таржима-кўчирмасидир. Ўзбек тили материалларининг кўрсатишича, уни қўллаш учун асос ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ.

лишик шакллари ясайди. Шунинг ўзиёк от туркумида сўз шаклидан сўзнинг категориал шакли ясадиш ходисаси йўклигини кўрсатади.

Феъл туркумига мансуб сўз шаклларининг таркиби. Ўзбек тили материалларидан маълум бўлишича, феъл шакллари моҳиятан бир-биридан фарқли бўлган икки хил сўз ясадиш асосидан ясалади: 1. Феълнинг шаклсиз ҳолатидан шакл ясадиши. Бунда шакл ясовчи бирлик феълнинг туркумлик маъноси – ‘ҳаракат’ маъноси асосида феъл шаклини ясайди: *келди*<*кел+ди*, *келсин*<*кел+син*, *келмоқчи*<*кел+моқчи*, *келса*<*кел+са*, *келган*<*кел+ган* каби. 2. Феъл шаклининг феъл шаклидан ясадиши. Бунда икки ҳолат кузатилади: 1) феълнинг айнан бир категориясига мансуб шакли шу категорияга мансуб бошқа шаклдан ясалади. Масалан, *келтирилди*<*келтир+ил*, *илинтирди*<*илин+тир...*; 2) феълнинг бирор шаклидан бутунлай бошқа моҳиятга эга бўлган феъл шакли ясадиши. Масалан, *келтирди*<*келтир+ди* (нисбат шаклидан ўтган замон шакли ясадиши), *келтириб*< *келтир+иб* (нисбат шаклидан равишдош шакли ясадиши), *келаман*< *кела+ман* (равишдош шаклидан ҳозирги-келаси замон, 1-шахс шакли ясадиши) ва бошқалар.

Феъл шаклини ясовчи аффикснинг феълнинг қандай шаклига бирикиши ва феълнинг қандай шаклини ясаши мумкин ёки мумкин эмаслигининг ўз сабаблари бор, бунда маълум қонуниятлар амал қилади.

От туркумидаги сўзлардан шакл ясадишида кўрдикки, бу туркумга мансуб сўз шакллари сўз (от)нинг шаклсиз ҳолатидан, отнинг туркумлик маъноси асосида ясади. Феъл туркумига мансуб барча сўз шакллари ҳам феълнинг туркумлик маъноси – ‘ҳаракат’ маъноси асосида ясади ва бу қонуний ҳол, исбот талаб қилмайди, мисол келтириш ҳам шарт эмас.

Феъл шаклининг феъл шаклидан ясадиши ёки ясалмаслиги шакл ясадишига асос бўладиган қисм, яъни феъл шакли билан ундан шакл ясовчи бирлик ҳосил қиладиган феъл шаклининг моҳиятига боғлиқ бўлади. Масалан, феълнинг барча шакллари унинг нисбат шаклидан ясадиши мумкин: *ёздириб*, *ёздирган* (равишдош ва сифатдош шакли), *ёздирса* (шарт майли шакли), *ёздирди*, *ёздиряпти* (ўтган ва ҳозирги замон шакллари) ва бошқалар. Бунинг сабаби шуки, нисбат шакллари фақат грамматик маънога эга бўлмай, феълнинг семантикасида ҳам маълум ўзгариш юзага келтиради. Масалан, орттирма нисбат шак-

ли объектсиз феълни объектли феълга айлантиради: *кел* – *келтир*, *ухла* – *ухлат* каби. Шунинг учун ҳам ортгирма нисбат шакли феълнинг шаклсиз ҳолатидан ёки бир нисбат шакли бошқа нисбат шаклидан ясалади. Аниқроқ қилиб айтганда, феълга биринчи навбатда нисбат шакли бирикади. Феъл шаклини ясовчи аффиксларнинг бирикиш тартибида бундан бошқа қонуниятлар ҳам амал қилади. Масалан, ҳар қандай ҳаракат инкор этилиши мумкин. Шунга кўра феълнинг бўлишсиз шаклини ясовчи аффикс феълга нисбат шаклидан кейин қўшилади. Шунингдек, ҳаракат макон ва замонда юз беради. Бу қонуний ҳол. Шунга кўра майл ва замон шакллари феълга унинг бўлишсиз шаклидан сўнг қўшилади. Шахс-сон шаклини ясовчи морфема эса майл ва замон шаклларида кейин қўшилади: *ёздирмаяпти*, *ёздирмасанг*, *ёздирмайман* ва бошқалар.

Демак, феъл шаклини ясовчи ҳар бир аффикс ўз маъносига эга бўлган феъл шаклини ҳосил қилади ва у ўзи бириккан феъл шаклининг моҳиятига таъсир этмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир феъл шаклида ясама феъл шакли эмас, балки феълнинг ‘ҳаракат’ маъноли қисми шакл ясалиш асоси вазифасида бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай феъл шакли маъносининг таърифи феълнинг турқумлик маъноси – ‘ҳаракат’ маъноси билан бошланади, феъл шаклининг маъноси шакл ясалиш асоси ва шакл ясовчи аффикснинг маъноси асосида юзага келади: *ёзди*р – ҳаракатни (ёзишни) сўзловчидан ўзга шахс бажариши; *ёздир*ма – ҳаракатнинг бўлишсиз маъноси; *ёздир*маса – ҳаракатнинг бажарилмаслик шартли маъноси, *ёздир*маяпсан – ҳаракатнинг ҳозирги замонга, иккинчи шахсга оидлиги маъноси; *ёздир*моқчиман – ҳаракатнинг бажарилиши мақсади ва биринчи шахсга оидлиги маъноси ва бошқалар.

Шакл ясалиши ва сўз шакли ҳақида айтилганлардан маълум бўлдики, ҳар қандай сўз шакли ҳам икки қисмдан – шакл ясалиш асоси ва шакл ясовчидан таркиб топади. Бу таркибда шакл ясалиш асоси мустақил бирлик ҳисобланмайди.

Хуллас, шакл ясалиши, сўз шакли ва унинг таркибий қисмлари, ҳар бир қисмнинг моҳияти ҳақида айтилганлар морфологик система ва унинг шаклланиши билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятини ёритишда, бу борадаги назарий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади, ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш ва тушунтиришни осонлаштиради. Энди шундай муаммоларни белгилаш ва

моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз. Шулардан бири шакл ясовчисиз сўз шаклининг бўлиш-бўлмаслиги масаласидир. Шундай шакл бўлишини, борлигини тан олувчилар уни “ноль кўрсаткичли шакл”, “ноль шакл” деб юритадилар. Лекин ўзбек тилшунослигида ноль кўрсаткичли шакл деб қаралаётган “шакл”ларнинг моҳияти шу вақтга қадар тўғри ёритилмаган. Бу эса улар билан боғлиқ тил ходисаларининг моҳиятини тўла ва тўғри ёритишга тўсқинлик қиляпти. Шу боис, категориал ва нокатегориал сўз шакллари масаласига ўтишдан олдин грамматик категорияга бетараф бўлган тил бирлиги билан ноль кўрсаткичли шаклни, яъни бир-биридан фаркли икки ходисанинг моҳиятини аниқ фарқлаб олиш талаб этилади.

Бетараф тил бирлиги ва ноль кўрсаткичли шакл

Ўзбек тилшунослигига оид адабиётларда “ноль шакл” деганда, отнинг бирлик сон ва бош келишиқ шакли, феълнинг бош нисбат ва бўлишли шакли назарда тутилади, шу “шакллар”нинг маъно ва вазифалари ҳақида фикр юритилади. Бошданок шуни айтишни истардикки, бу “сўз шакллари”нинг моҳияти, маъно ва вазифалари ҳақида айтилган гапларни тасдиқлаш учун келтирилган факт-мисолларнинг ўзи ўзбек тилида сўзнинг шундай шакллари борлигини тасдиқлай олмайди, аксинча, шундай сўз шакллари йўқлигини тасдиқлаш учун хизмат қилади. Эътибор беринг: **“Сўзшакл ва унинг асосий типлари: ноль шакл, синтетик, аналитик, аралаш, жуфт ва такрорий шакллар.** Лексема нутққа чикқанда, албатга, грамматик шакланган бўлади... *Мен саргузашт китобларни севиб ўқийман* гапидаги сўзларга диққат қилайлик. *Мен* олмоши онгда лексема сифатида ҳеч қандай грамматик шаклга эга эмас. Бироқ у мазкур гапда бош келишиқ шаклида ва бирлик сонда... Лексеманинг нутқда вокеланган кўриниши **сўзшакл** атамаси билан юритилади... сўз ясовчилардан бошқа кўшимчаларнинг барчаси **грамматик шакл** деб юритилади.

Бир лексеманинг бир системага кирувчи грамматик шакллари бир бутун ҳолда парадигмани ташкил этади. Масалан, *олма, олманинг, олмани, олмага, олмада, олмадан* сўзшакллари *олма* лексемасининг келишиқ парадигмасидир...

Ўзбек тилида сўз бир грамматик кўрсаткичли ёки бир неча грамматик кўрсаткичли бўлиши мумкин. Масалан, юқорида келтирилган

саргузаит сўзи бир грамматик кўрсаткичли (оддий даража)...¹. Бу жумлаларда нафақат ноль шаклнинг, умуман, сўз шаклининг моҳияти ҳам тўғри талқинини топмаган. Биринчидан, лексема нутққа чиқиб сўз шаклига айланмайди, балки муайян сўздан шакл ясовчи ёрдамида сўз шакли ҳосил қилинади. Келтирилган парадигма ҳам *олма* лексемасининг эмас, *олма* сўздан ҳосил қилинган сўз шакларининг парадигмаси ҳисобланади. Иккинчидан, “сўз ясовчилардан бошқа кўшимчаларнинг барчаси грамматик шакл деб юритилмайди”, балки улар ёрдамида ясалган сўз шакллари грамматик шакл (морфологик бирлик) ҳисобланади. Учинчидан, келтирилган мисолдаги *саргузаит* сўзи бир грамматик кўрсаткичли эмас, балки грамматик кўрсаткичсиз (шакл ясовчисиз) сўз ва у оддий даража шаклида эмас ва бошқалар.

Сўз шаклининг, жумладан, ноль шаклнинг моҳиятини шу тарзда тушуниш ноль шакл деб юритилувчи бирлик сон, бош келишиқ, бош нисбат, бўлишлиқлик “шакллари”нинг талқинида ўзига хос ноаниқликларни, хатоликларни келтириб чиқариши шубҳасиз. Буни ўзбек тили морфологиясига оид бошқа ишларда ҳам кузатиш мумкин.

Ноль шакллар бор-йўқлиги ҳақида гап борар экан, икки ходисани алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади: 1) парадигматик шакллардаги ноль шакл масаласи; 2) муайян бир сўз шаклига нисбатан белгиланувчи ноль шакл масаласи.

Ана шу икки ходисани алоҳида-алоҳида олиб қараш уларнинг моҳиятини, улар ҳақида билдирилган фикрларнинг қай даражада асосли ёки асосли эмаслигини тушуниш ва тушунтиришни осонлаштиради.

Парадигматик шакллардаги ноль шакл деганда, келишиқ категорияси парадигмасидаги ноль кўрсаткичли шакл, яъни бош келишиқ шакли ҳамда нисбат категорияси парадигмасидаги ноль кўрсаткичли шакл, яъни бош нисбат шакли назарда тутилади.

Отнинг ноль кўрсаткичли шакли ҳақида гап борар экан, аввало, унга нисбатан қўлланаётган «бош келишиқ» термини, унинг нимани англатиши ҳақида қисқача тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Келишиқ шакллари ҳақида фикр юритилган ишларнинг деярли барчасида бош келишиқнинг бошқа келишиқ шаклларига нисбатан

¹ С а й ф у л л а е в а Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология, II (ўқув қўлланма). Тошкент: 2005. 29-30-б.

(нисбатлаб) белгиланиши айтилади. Эътибор беринг: «Бош келишикнинг формаси қолган беш (аффиксли) келишикка зидлаб, ноль кўрсаткичли форма деб белгиланади.

Бош келишикнинг грамматик табиати анчагина мураккаб»¹. «Отнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабатини кўрсатувчи маънолар ва бу маъноларни ифодаловчи формалар системаси **келишик категорияси** дейилади...

50-§. Бош келишикдаги сўз ким?, нима? деган сўроқларнинг бирига жавоб бўлади. Бош келишик формаси махсус морфологик кўрсаткичга эга эмас. Шунинг учун ҳам у ноль кўрсаткичли форма ҳисобланади»². «**Бош келишик.** Бош келишик (*қисқ.* БК) 0 шаклли келишик бўлиб, унинг моҳияти бошқа келишикларга қарама-қарши қўйилиши асосида белгиланади»³. Бошқа ишларда ҳам келишикка деярли шундай таъриф берилади.

Бош келишикка берилган таърифларнинг барчасида бу келишикнинг бошқа келишикларга нисбатланиб (зидланиб, қарама-қарши қўйилиб) белгиланиши таъкидланади. Лекин зидланишнинг (нисбатланишнинг) моҳиятини тушунишда бир хиллик йўқ. Масалан, кўпгина ишларда бош келишикнинг, шакл кўрсаткичига эга бўлмаса ҳам, келишик шакли ҳисобланиши назарда тутилади. Лекин шунинг ўзи ўзбек тилида келишикнинг шаклсиз тури бор дейиш ва уни “бош келишик” деб аташ учун асос бўла олмайди. Чунки ҳар қандай тил бирлиги, жумладан, сўз шакли (морфологик бирлик) маънодан холи бўлмайди. Келишик шакллариининг таърифида ҳам уларнинг шакл ва мазмун жиҳати акс этади. Бош келишик шаклининг таърифларида эса унинг мазмун жиҳати ўз аксини топмайди ва бу бесабаб эмас, яъни от туркумига мансуб шаклсиз сўз морфологик маънога эга бўлмаслиги табиий. Тўғри, бош келишик ҳақида фикр юритилган ишларда, жумладан, келтирилган «Ўзбек тили грамматикаси»да бош келишикнинг табиати анчагина мураккаблиги таъкидланиб, унинг моҳияти, хусусиятлари ҳақида кўп гаплар айтилади. Лекин айтилган гаплар ва уларни тасдиқлаш учун келтирилган мисоллар ўзбек тилида отнинг ўз шакл, маъносига эга бўлмаган ва бош келишик деб аташ мумкин бўлган ке-

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I т., Морфология. Тошкент: Фан, 1975. 191-б.

² Ш о а б д у р а х м о н о в Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 226-б.

³ С а й ф у л л а е в а Р. ва бошқалар. Келтирилган иш, 50-б.

лишиқ тури борлигини тасдиқламайди (Шу грамматиканинг 191-204-бетларига қаранг).

Р. Сайфуллаеваларнинг келтирилган ишида ҳар қандай сўз шаклининг ўзига хос моҳиятга эга бўлиши назарда тутилган. Бирок бош келишиқнинг моҳияти ҳам бошқа келишиқларга қарама-қарши қўйилиши қайд этилган. Демак, таърифда бош келишиқ шаклининг моҳияти, мазмун жиҳати ўз ифодасини топмаган (Шундай бўлишининг табиийлиги ва сабаби юқорида айтилди).

Бош келишиқнинг моҳияти, семантикасига эътибор қаратилган баъзи ишларда унинг семантик жиҳатдан жуда бойлиги, кенг қамровли экани, бу хусусиятлари унинг барча келишиқлар ўрнини боса олишидан келиб чиқиши ҳақида гапирилади. Лекин бу гаплар ҳам ўз ибтотини топмаган ва топиши ҳам мумкин эмас. Чунки бош келишиқ “шакли”нинг бошқа барча келишиқлар ўрнида қўлланиши ўзбек тилида учрамайди. Аслида, ана шу хусусиятидан келиб чиқилса, шакл кўрсаткичига эга бўлмаган отни келишиқ шакли ҳисоблаш ва “бош келишиқ” деб аташ мумкин эмаслиги маълум бўлиб қолади.

Баъзи ишларда бош келишиқдаги сўзнинг ким? нима? деган сўроқларнинг бирига жавоб бўлиши айтилади (Буни юқорида кўрдик. Р. Сайфуллаеваларнинг юқорида кўрилган ишида ҳам шу фикр билдирилган; 110-б.). Шу фикрнинг ўзиёқ ўзбек тилида келишиқнинг шаклисиз тури борлигини эмас, аксинча, йўқлигини тасдиқлайди. Яъни *ким?* *нима?* сўроғига жавоб бўлиш от туркумига мансуб бирор сўз шаклига эмас, балки от туркумига мансуб сўзга хос белги – худди шу сўроқлардан бирига жавоб бўлиши билан, ‘предметлик’ маъноси билан сўзлар от туркумига киритилади, “от” деб аталади.

Ниҳоят, ўзбек тили морфологиясига оид ишларда келишиқ категориясининг, келишиқлар шаклларининг умумий белгиси ҳақида айтилган гапнинг ўзиёқ бу тилда “бош келишиқ” деб аталиши мумкин бўлган келишиқ тури йўқлигини тасдиқлайди. Келишиқ категориясига, келишиқ шакллари парадигмасига таъриф берилган ишларнинг барчасида уларнинг (келишиқ шаклларининг) барчаси муносабат кўрсатиши қайд этилади. Ҳақиқатда ҳам шундай. Масалан, *китоб* сўзининг, *китобни*, *китобнинг*, *китобга*, *китобда*, *китобдан* шакллари умуман муносабат кўрсатиши шу ҳолатида ҳам, яъни матндан ташқарида ҳам сезилиб туради. *Китоб* нинг ўзи эса бундай хусуси-

ятга эга эмас. Бу эса унинг келишик шакли бўла олмаслигига шубҳа қолдирмайди.

Юқорида айтилганлар ва келтирилган фактлар шакл кўрсаткичига эга бўлмаган отни сўз шакли (морфологик бирлик) ҳисоблаш ва уни келишиклар каторига (парадигмасига) киритиш мумкин эмаслигини тасдиқлайди, деб ўйлаймиз. Шу боис бу ҳақда гапни давом эттиришни ортиқча деб биламиз. Шу билан бирга, бош келишикнинг моҳияти ҳақидаги бир фикрни келтиришни лозим топамиз: "Келишик бир сўзнинг бошқасига тобелигини кўрсатадиган грамматик категория дейилган умумий таърифдан бош келишик мустаснодир"¹. Ана шу фикрнинг ўзи шакл кўрсаткичига эга бўлмаган отнинг келишик шаклларида бутунлай бошқа моҳиятга эга бўлган тил бирлиги эканини тасдиқлайди, уни келишиклар сирасига киритиш мумкин эмаслигига эътироз бўлишига ўрин қолдирмайди. Афсуски, бош келишик ҳақида фикр юритилган ишларнинг бирортасида ана шу фикр, ана шу эътироф эътиборга олинмади, унинг нотўғрилиги ҳақида ҳам ҳеч қандай фикр билдирилмади. Ҳатто муаллифнинг ўзи ҳам бош келишикнинг борлигини тан олган ҳолда унинг моҳиятини бошқача талқин этди. Муаллиф фикрнинг давомини келтиради: "Чунки қараткич, жўналиш, тушум, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари бир сўзни бошқа сўзга тобелаш учун хизмат қилса, бош келишик, аксинча, бошқа сўзни бош келишикдаги отга тобелайди. Масалан, кесим вазифасидаги сўз эгага – бош келишикдаги сўзга тобе бўлади. Шунинг учун бош келишик тўғри келишик (прямой падеж) дейилади, қолган бешта келишик эса воситали келишик (косвенные падежи) деб ҳам юритилади"². Лекин шу жумлада билдирилган фикрлар бош келишик борлигини кўрсата олмаганидек, унинг моҳияти ҳақидаги гаплар ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, биринчидан, шакл кўрсаткичига эга бўлмаган от ҳеч қандай муносабат кўрсата олмайди. Иккинчидан, эга-кесим муносабатида муносабат кўрсатиш кесимга (кесим вазифасидаги сўз шаклига) хос. Бунда эганинг ҳоким (тобеловчи) бўлак экани ҳақидаги гап ҳақиқатга тўғри келмайди³. Учинчидан, "тўғри ке-

¹ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент: Ўқитувчи. 1978. 88-б.

² Келтирилган асар, шу бет.

³ Кейинги пайтлардаги кесимнинг ҳоким бўлак бўлиши ҳақидаги қарашлар ҳам келишик кўрсаткичсиз шаклнинг муносабат кўрсата олмаслиги ҳақидаги фикримизни қувватлайди. Қаранг: Маҳмудов Н. Кесимнинг гапдаги мақоми /

лишиқ” бирикмаси келишиқ категориясига хос бирор моҳиятни қайд эта олмайди, бинобарин, термин ҳам бўла олмайди.

Бош келишиқ ҳақида айтилган шу фикр-мулоҳазалардан сўнг қуйидаги ҳақли бир савол туғилиши табиий: “Келишиқ категорияси ҳақида фикр юритилган ишларнинг барчасида бош келишиқнинг борлиги тан олингани ва унинг моҳияти (маъноси ва бошқа хусусиятлари) ҳақида жуда кўп гаплар айтилгани ҳолда бу фикрларнинг исботланмай қолиши, тил фактлари уларни тасдиқламаслигининг сабаби борми? Аслида, келишиқ кўрсаткичига эга бўлмаган отнинг моҳияти ҳақида нималар дейиш мумкин?” Бу саволни жавобсиз қолдириш мумкин эмас.

Авалло айтиш керакки, масалага бевосита ўзбек тили морфологик бирлиги, яъни сўз шаклининг моҳиятидан келиб чиқиб эмас, балки умумтилшуносликда мавжуд бўлган тушунча асосида ёндашиш шундай ҳолат юз беришига сабаб бўлган. Яъни у ёки бу сўз туркумига мансуб морфологик категорияга, парадигмага шакл кўрсаткичига эга бўлмаган шу туркумга оид сўз ҳам қиради, деган тушунча ҳозир ҳам мавжуд. Ўзбек тилида келишиқнинг «бош келишиқ» деб аталувчи тури бор дейишда ҳам худди шу “тушунча”, шу ақида асосида иш кўрилган (Оқибатини кўрдик).

Тилдаги ҳар бир ҳодиса маълум бир сабаб ва тил таракқиётининг қонуниятлари асосида юз беради. Бу гап шаклсиз (шакл кўрсаткичисиз) тил бирлиги бўлиш-бўлмаслигига ҳам тегишли. Яна шу нарса ҳам аниқки, тилда бирор маъно ёки бошқа хусусиятни ифодалаш талаби бўлса, албатта, у яратилади, юзага келади. Жумладан, тилдаги муайян грамматик (морфологик) маънонинг ифодаси учун муайян шакл юзага келади ва шундай бўлиши қонуний. Чунки шаклсиз мазмун, мазмунсиз шакл бўлмаслиги қонунияти шуни талаб этади¹. Шундай экан, морфологик тил бирлигининг шакл кўрсаткичига эга бўлмаслиги ҳақида гапиришнинг ўзи мантиқсиз бўлади, шунингдек, морфологик бирлик ҳисобланмайдиган тил бирлигидан, масалан, шакл кўрсаткичига эга бўлмаган отдан грамматик (морфологик) маъно ахтариш ҳам кулгили гап бўлади, холос. Шакл кўрсаткичига эга бўлмаган отнинг келишиқ шакли бўлиши, унинг келишиқ эканлиги

Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. 1-сон, 44-48-б.

¹ Фалсафа. Комусий дугат. 232-233-б.

бошқа келишиқ шакллариға нисбатланиб (зидланиб) белгиланиши, бош келишиқ шаклининг табиати мураккаблиғи, семантик жиҳатдан жуда бойлиғи, кенг қамровли экани ва бошқа хусусиятлари ҳақида билдирилган фикрларнинг бирортаси исботланмаганлигининг, қурук гаплиғича қолганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Демак, шакл кўрсаткичига эга бўлмаган отни парадигматик шакллар – келишиқ шакллари қаторига киритиш ва шундай шакл сифатида эмас, шаклсиз бирлик сифатида ўрганиш тўғри бўлади. Шундай қилинганда, ўзбек тилида шаклсиз тил бирлиғи ҳам борлиғи қонуний ҳол экани маълум бўлади ва унинг моҳиятини, барча хусусиятларини тўла ва тўғри белгилаш мумкин бўлади.

Ўзбек тили материалларининг кўрсатишича, отнинг шакл кўрсаткичига эга бўлмаган ҳолати мавжудлиғи, шундай ҳолатда қўлланиши тилдаги катта имкониятлардан бири ҳисобланади. Адабиётларда бош келишиқ шакли ҳақида айтилаётган гапларнинг барчаси шакл кўрсаткичига эга бўлмаган отга тегишли экани, ҳатто барча келишиқ шакллари келишиққа бетараф бўлган отдан ясалиши маълум бўлади ва ҳоказо. Демак, бу нарса шакл кўрсаткичисиз отнинг тилда мавжудлиғи қонуний ҳолат эканлиғини, тилда шундай тил бирлиғига эҳтиёж бўлганлиғини ва борлиғини кўрсатади. Унинг моҳиятини, имкониятларини ёритиш эса асосий вазифалардан ҳисобланади. “Келишиқ категорияси” мавзуида шакл ва мазмун жиҳатига эга бўлган тушум, қараткич, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиқларини ўрганишнинг ўзи кифоя, бу билан ҳеч нарса йўқотилмайди. Хуллас, келишиқ категориясига бетарафлик, мансуб эмаслик отнинг шаклсиз ҳолатига, шаклсиз тил бирлиғига хос хусусиятдир. Шу боис бу тил бирлиғига нисбатан “ноль кўрсаткичли шакл”, “ноль шакл” атаmalarини қўллаш ҳам тўғри бўлмайди. Уни ўз моҳиятига кўра номлаш, яъни морфологик категорияга бетарафлиғи асосида “бетараф тил бирлиғи” деб юритиш тўғри бўлади. Бу билан мазкур тил бирлиғининг ўзига хос моҳиятга – маъно, вазифага эга бўлиши инкор этилмайди. Шунингдек, келишиқ категориясида, келишиқлар парадигмасида йўқотиш бўлмайди, аксинча, бу парадигма келишиқ шакли ҳисоблаш мумкин бўлган сўз шаклларида таркиб топади – ҳақиқий ҳолат ўз ифодасини топади.

Бош нисбат, унинг шакли ва бу шаклнинг моҳияти, маъноси ва

бошқа хусусиятлари масаласида ҳам худди бош келишик ҳақида юқорида кўрилган ҳолатлар кузатилади.

Ўзбек тилидаги нисбат категорияси ҳақида фикр билдирилган ишларда у ҳаракатнинг объект ва субъектга муносабатини билдирувчи категория сифатида таърифланади. Демак, ҳаракатнинг объект ёки субъектга муносабатини кўрсатиш нисбат категориясининг барча шакллари (турлари) учун умумий хусусият, шу хусусияти билан улар бир парадигмани ҳосил қилади, бир категорияни ташкил этади. Шу билан бирга, уларнинг (нисбат шаклларининг) ҳар бири ўзига хос маъно ва хусусиятга эга бўлиши алоҳида таъкидланади. Бу фикрларга қўшилмаслик мумкин эмас. Шундай экан, бирон-бир бирликнинг нисбат категориясига муносабатини белгилашда, аввало, унинг нисбат категориясига хос умумий белгига эга ёки эга эмаслигига (ҳаракатнинг объект ва субъектга муносабатини кўрсатувчи шаклга эга ёки эга эмаслигига), сўнгра унинг нисбат парадигмасига мансуб бошқа шакллардан фарқли белги-хусусияти бор-йўқлигига эътибор қаратиш керак бўлади.

Феълга хос бу категорияга, унинг биз фикр юритмоқчи бўлган турига нисбатан қўлланаётган терминларга қисқача тўхтаб ўтамыз.

Дастлабки даврларда бу категория “даража категорияси” деб юритилар эди¹. Лекин термин таркибидаги “даража” сўзи мазкур категориянинг хусусиятини (моҳиятини) қайд эта олмаслиги боис у кейинча “нисбат категорияси” термини билан алмаштирилди.

Феълнинг “ноль кўрсаткичли нисбат тури” учун қўлланаётган “бош нисбат”, “аниқ нисбат” терминларига келганда шунини айтиш керакки, *аниқ нисбат* термини нисбат категориясининг бирор турини, унинг моҳиятини қайд эта олмайди, яъни нисбат категориясининг бошқа нисбат шаклларида аниқликни ифодалаш билан фарқланадиган тури йўқ. “Бош нисбат” термини таркибидаги “бош” сўзи эса, “бош келишик”, “бош даража” каби терминлардаги “бош” сўзи каби, шаклсиз ҳолатни (“ноль кўрсаткичли ҳолат”ни) қайд этади, лекин у ҳам мазкур категориянинг ўз шаклига эга бўлган турларидан фарқли бўлган алоҳида турини қайд эта олмайди, нисбатнинг бундай турининг ўзи йўқ.

Юқорида айтилдики, нисбат категориясининг ҳар бир тури муай-

¹ Фуломов А. Феъл. Т. 1954. 56-б.; Ҳозирги адабий ўзбек гили. I. Тошкент: Фан, 1966. 269-б.; Шобдуррахмонов Ш. ва бошқалар. Кўрсатилган дарслик, 328-б.

ян шакл ясовчи морфема билан ҳосил қилинади, уларнинг ҳар бири ўзига хос (бир-бирдан фарқли) ҳамда бирлаштирувчи маъно (белгилхусусият)га эга бўлади. Нисбат категориясига берилган таърифда бу факт алоҳида таъкидланади. Эътибор беринг: “Феъллардаги даража категорияси ҳаракатнинг субъекти ва объекти орасидаги муносабатни – уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатади. Бу муносабат феълдаги махсус аффикслар орқали ифодаланиб туради”¹. “Феъл нисбати махсус форма ясовчи аффикслар ёрдами билан ясалади”².

Нисбат категорияси ҳақидаги бу фикр, бу таъриф унинг моҳиятини жуда тўғри акс эттиради, шу билан бирга, унга кўра шакл кўрсаткичига эга бўлмаган феълни нисбат шакллари сирасига кириштиш (нисбат шакли ҳисоблаш) мумкин эмаслиги ҳам маълум бўлади. Бироқ, нисбат категориясининг моҳияти шундай тушунилгани ҳолда, деярли барча ишларда унинг ноль кўрсаткичли шакли борлиги ҳам эътироф этилади ва у “бош нисбат” (“аниқ нисбат”) деб номланади. Ҳатто унинг моҳияти ҳақида фикр билдирилади (унга таъриф бериллади). Бироқ бу таърифларнинг бирортаси ўзбек тилида нисбат категориясининг шундай тури борлигини кўрсата олмайди. Қуйидаги икки таърифга эътибор беринг: “Бош нисбатда феъл англатган ҳаракатни билдирувчи шахс субъектга тенг келади. Бош нисбатнинг махсус аффикси йўқ. Бу нисбат маъноси феъл асоси орқали ифодаланади”³. “Бош даража. Бу даража маъноси феълларнинг ўзак шакли орқали, даража ясовчи формантсиз ифодаланади”⁴. Кўриниб турибдики, ҳар икки таърифда ҳам бош нисбатнинг махсус шакли йўқлиги, унга хос маънонинг феъл асоси, ўзак шакли орқали ифодаланиши эътироф этилади. Шу эътирофнинг ўзиёқ нисбат категориясининг “бош нисбат” деб аташ мумкин бўлган тури йўқлигини аниқ кўрсатади. Чунки морфологик категорияга хос маъно сўзнинг (жумладан, феълнинг) ўзаги ёки асоси билан эмас, балки муайян сўз шакли (феъл шакли) – морфологик birlik билан ифодаланади.

Баъзи ишларда бош нисбатдаги феъл “ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилишини кўрсатиши”

¹ Ғ у л о м о в А. Кўрсатилган иш, 56-б.

² М и р з а е в М. ва бошқалар. Келтирилган асар. 120-б.

³ Г у р с у н о в У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 269-б.

⁴ Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Фан, 1966. 269-б.

айтилади¹. Бирок бундай таърифнинг нисбат категориясига мутлақо дахли йўқ, яъни унда ҳаракатнинг объект ва субъектга бўлган муносабати (ҳар бир нисбат шаклига хос хусусият) ўз ифодасини топмайди.

Яна бир ўқув қўлланмасида бу нисбат “тури” “аниқ нисбат” деб аталади ва унинг “моҳияти” ҳақида кенг маълумот берилади: “**Аниқ нисбат**. Бу нисбатда субъектга муносабат феълнинг лугавий маъноси орқали ифодаланади ва шакл УГМси “ҳаракатнинг эга билан ифодаланган шахс ёки предмет томонидан бажарилиши ёки бажрилмаслигини билдириш”дир... Бу нисбатдаги феъл ўтимли (*олди*) ёки ўтимсиз (*ухлади*) бўлиши мумкин.

Ноль шакл УГМсида ўзи мансуб категориянинг моҳиятини бошқаларига нисбатан тўлароқ акс эттиради. Маълумки, феълнинг барча шакллари иккига – категория ичидаги шаклларнинг ўзаро зиддиятида аниқ бир белгига эга бўлган шаклларга (масалан, аниқ нисбатдан бошқа нисбат шакллари) ва бу зиддиятда аниқ белгига эга бўлмаган шаклларга (масалан, аниқ нисбат шакли) ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ шакллар ўзлари мансуб категориянинг УГМсидан аниқ бир кўринишни “хусусийлаштириб” олади. Иккинчи гуруҳ шаклларида хусусийлашма ноаниқ бўлади. Иккинчи гуруҳ шакллари (бизнингча, аниқ нисбат) ўзи мансуб категориянинг умумий намояндаси бўлади. Шунинг учун улар матн ва шароит талаби билан бошқа шакллар маъносини ифодалаши мумкин. Аниқ нисбат ҳам белгисиз шакл сифатида бошқа нисбат шакллари ўрнида бемалол қўлланавериши мумкин”².

Аниқ нисбат ва унинг моҳияти ҳақидаги фикрларни тўла ҳолда келтиришдан мақсад шуки, бу гаплар ўзбек тилида нисбат категориясининг шундай тури (шакли) борлиги ва унинг “аниқ нисбат” деб аташ кераклиги ҳақида эмас, аксинча, унинг йўқлиги ҳақида аниқ тасаввур беради. Чунки, биринчидан, “бу нисбатда субъектга муносабат феълнинг лугавий маъноси орқали ифодаланади” деган гапнинг ўзи бу маънонинг грамматик шаклга (“аниқ нисбат шакли”га) алоқаси йўқлигини эътироф этишдир (Буни юкорида ҳам кўрдик). Иккинчидан, “аниқлик нисбати нисбат категориясининг умумий намояндаси” деган гап нисбат категориясига хос бирор хусусиятни кайд эта олмай-

¹Ғ у л о м о в А. Кўрсатилган иш, 57-б.; М и р з а е в М. ва бошқалар. Кўрсатилган асар, 120-б.

²С а й ф у л л а с в а Р. ва бошқалар. Келтирилган иш, 69-б.

ди, яъни “умумий намояндаси” жумласи ҳеч нарсани билдирмайди (ҳатто нисбатнинг бир тури эканлигини инкор этади). Учинчидан, “аниқлик нисбат” шакли матн ва шароит талаби билан бошқа шакллар маъносида қўлланиши мумкин... белгисиз шакл сифатида бошқа нисбат шакллари ўрнида бемалол қўлланавериши мумкин” деган гап ҳам ўзбек тилида нисбат категориясининг ўзига хос маънога эга бўлган ва “аниқ нисбат” деб аталиши лозим бўлган нисбат тури йўқлигини кўрсатади ва ҳоказо.

Янги бир ўқув қўлланмаси ва бир дарслиқда нисбат категориясининг умумий моҳияти, шунингдек, “бош нисбат” (“аниқ нисбат”) ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалардан маълум бўлдики, нисбат категориясининг моҳиятини аниқ ёритишдан кўра, унинг моҳиятига тўғри келмайдиган фикрлар кўпайган. Айниқса, “аниқ нисбат” ва унинг “моҳияти” ҳақидаги фикрларни ўзбек тили материаллари мутлақо тасдиқламайди.

Рус тилида ёзилган туркий тилларга оид ишларда нисбат кўрсаткичига эга бўлмаган феълга нисбатан “действительный залог”, “основной залог”, “прямой залог”, “исходный залог” терминлари қўлланади¹. Лекин бу терминларнинг бирортаси нисбат категорияси (нисбат шакли) билан боғлиқ бирор ҳодисани, нисбат категориясининг шундай тури борлигини қайд эта олмайди. Аксинча, “бош нисбат” деб аталувчи феъл “шакл”ининг нисбат категориясига хос шакл сифатида аниқ бир моҳиятга – нисбат категориясига хос моҳиятга эга эмаслигини жуда аниқ кўрсатади. Шунингдек, баъзи ишларда нисбатнинг шундай тури тилга олинса-да, фақат унинг махсус шакли йўқлиги айтилиб, моҳияти ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмайди, шакл кўрсаткичига эга бўлган нисбат турлари таҳлил этилади, холос². Шунинг ўзиёқ кўрсатадики, ўз шакл кўрсаткичига эга бўлган нисбат шакллари қаторида шаклсиз ҳолат ҳам алоҳида нисбат тури сифатида тилга олинса-да, лекин бирон ишда нисбат категориясининг шундай тури борлиги исботини топмаган, унинг моҳияти ҳақида ҳам бир хил

¹ Грамматика современного башкирского литературного языка. М.: Наука, 1981. -С. 244; Баскаков Н. А. Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология. ч. 1. М.:1952. -С.334.

² Серебренников Б. А., Гаджиева Н. З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. М., 1986. -С. 200-205; Грамматика азербайджанского языка. Баку: 1971. -С. 224; Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1973. 186-б.

фикрга келинмаган ва шундай бўлиши табиий, яъни ўзи йўқ шаклнинг “моҳияти” ҳақида нима ҳам дейиш, уни қандай исботлаш мумкин?

Маълум бўлдики, феъл туркуми категорияларига, унинг парадигмаларига мансуб эмаслик, бетарафлик “бош нисбат” деб юритилаётган тил бирлигига хос хусусият. Шунинг учун бу бирликка нисбатан “ноль кўрсаткичли шакл”, “ноль шакл” терминларини қўллаш ҳам тўғри бўлмайди.

Ўзбек тилидаги отнинг бош келиши шакли масаласида айтилдики, уни “ноль шакл” деб қараш ҳамда келиши категориясининг бир тури (шакли) ҳисоблаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўзбек тилида шаклсизлик ҳолатининг мавжудлиги шу тилга хос катта имкониятлардандир. Бу гапни “бош нисбат шакли”га нисбатан ҳам айтиш мумкин, яъни феълнинг нисбат кўрсаткичига эга бўлмаган ҳолатининг (“шакл”нинг) “барча нисбат шакллари ўрнида қўллана олиши” ҳам ана шундай имкониятни кўрсатади. Шундай экан, нисбат шаклига эга бўлмаган феълни махсус кўрсаткичли ва ўзига хос маъноли нисбат шакллари каторига киритиб, зўрма-зўраки ҳолда унга нисбатлик белгисини ёпиштиришга уринишдан кўра, шаклсиз ҳолатнинг моҳиятини ёритишга эътибор қаратиш муҳимдир. Шундай қилинганда, бу борадаги ортикчаликлар, хатоликлар, бир-бирига зид фикр-мулоҳазалар ва шу каби салбий оқибатларнинг барчасига чек қўйилади.

Отнинг бирлик сон, феълнинг бўлишли шакли масаласи. Ўзбек тилшунослигида отнинг шакл кўрсаткичига эга бўлмаган, ноль кўрсаткичли “шакли” **бирлик сон шакли** деб, феълнинг шакл кўрсаткичига эга бўлмаган шакли, бўлишсиз шаклига нисбатланиб, **бўлишли шакл** деб қаралади. Шундай тушуниш сабабли ўзбек тилида отнинг бирлик ва кўплик шакли асосида сон категориясининг, феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шакли асосида бўлишли-бўлишсизлик категориясининг шаклланиши қайд этилади. Лекин бирор ишда от ва феъл туркумида сўзнинг шундай шакллари (бирлик сон ва бўлишли шакллари) борлиги ва бу шаклларнинг кўплик ва бўлишсиз шакллари билан биргаликда сон ва бўлишли-бўлишсизлик категориялари юзага келиши исботланмаган; бу “категориялар”нинг моҳияти ҳақида билдирилган фикрлар ҳам қуруқ гаплигича қоляпти. Энди шу фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Юқорида кўрдикки, от туркумида бош келиши шакли, феъл туркумида бош нисбат шакли бор дейишга у ёки бу сўз туркумига

мансуб сўз шу туркумдаги грамматик категориялардан, категорияларнинг шакллар парадигмасидан четда қолиши, четда бўлиши мумкин эмас, деган ақида асосида иш кўриш сабаб бўлган. Бирлик сон ва бўлишли шакл масаласида ҳам ана шундай ақидалардан бирига таяниб иш кўриш бутунлай нотўғри хулосалар чиқаришга сабаб бўлган. Аниқроқ қилиб айтганда, якка ҳодисалар категория ҳисобланмайди, грамматик категориялар камида икки ва ундан ортиқ сўз шаклларида юзага келади, деган нуқтаи назар асосида иш кўриш оқибатида бирор ҳодиса ва унинг моҳияти ёритилмаганича қолган. Эътибор беринг: ”Умумий тилшунослик нуқтаи назаридан тилларда турли грамматик маънолар учрайди. Лекин бу грамматик маънолар ва уларнинг ифодаланиши ҳамма тиллар учун умумий, универсал эмас. Ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик маънолари, уларни ифода қилувчи воситалари мавжуд. Улар айрим-айрим мавжуд бўлмай, балки маъно турларининг яқинлигига қараб гуруҳ-гуруҳларга бирлаштирилади. Бундай гуруҳларда улар сон жиҳатидан камида иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ана шундай бирикмалар тилшуносликка оид адабиётларда *грамматик категориялар* деб номланади. Шундай қилиб, грамматик категория – умумлашган грамматик маъно бўлиб, у тилнинг қайси морфологик типига киришини кўрсатади... Умумий грамматик маънони ташкил этувчи хусусий маънолар бир-бирига зид бўлади, бир-бирини инкор қилади ва шу билан бирга бир-бирини доимо тақозо қилади. Масалан: *уй – уйлар, китоб – китоблар, чироқ – чироқлар...*

Чап ва ўнг томондаги сўзларнинг грамматик маънолари бир-бирига зид: бирлик ва кўплик. Лекин ана шу бир-бирига зид икки грамматик маъно биргаликда сон категориясини ташкил этади. Шу билан бирга, бу категорияга кирувчи бирлик ва кўплик маънолари доимо бири иккинчисини тақозо қилади: тилларда бирлик маъноси борлиги учун кўпликни ажрата оламиз ва аксинча, тилларда кўплик маъноси борлиги учун бирликни фарқлаймиз”¹ (Бу жумлалардаги бирлик ва кўплик сон турига тегишли бўлмаган хато ва камчиликларга тўхташни лозим топмаймиз).

Авалло айтиш керакки, умумтилшуносликка оид ишларда бир-икки тилга оид ҳодисалар ҳақида эмас, умуман, тилларга оид ҳодисалар ҳақида фикр юритлади ва тиллар материаллари асосида хулоса чиқарилади.

¹ Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент: Ўқитувчи, 1981. 154-155-б.

Бошқа системага оид тиллар учун бу фикрларнинг қай даражада ҳақиқатга мос келиш-келмаслиги ҳақида фикр билдира олмаймиз (Бу бизнинг вази-фамизга кирмайди ҳам). Лекин ўзбек тили нуктаи назаридан бу фикрлар куруқ гапдан бошқа нарса эмас, дея оламиз – ўзбек тили материаллари грамматик категориянинг моҳияти, бирлик ва кўплик соннинг хусусият-лари ҳақидаги фикрларни мутлақо тасдиқламайди.

Масалага бевосита ўзбек тили материаллари асосида ёндашилса, юқоридаги жумлада билдирилган фикрларни уч гуруҳга ажратиб, уларга ўз муносабатимизни билдириш мақсадга мувофиқ бўлади: 1) грамматик категория учун ўзаро муносабатда бўлган камида икки хил маънонинг бўлиши шартлиги; 2) бу икки хил маънонинг бир-бирига нисбатан (бир-бирига зидланиб) белгиланиши; 3) буларнинг бир-бирини тақозо этувчи маънолар бўлиши.

Биринчи масала юзасидан аввало шуни айтиш керакки, нима учун-дир грамматик категория ҳақида гап борганида, фақат грамматик маъно, бир-бирини тақозо қилувчи маънолар назарда тутилади, грамматик шакл ҳақида эса ҳеч нарса дейилмайди. Бундай ҳолда эса бир-бирини тақозо қилувчи маънолар бўлишини, борлигини исботлаб бўлмайди. Қолаверса, бир сўз шаклининг (морфологик бирликнинг) грамматик категория ҳосил қилмаслиги умумий ва хусусий тилшуносликка оид ишларда кўп бора айтилган ва айтилмоқда. Лекин бирон-бир ишда бунинг исботини кўрмадик. Ўзбек тили нуктаи назаридан эса бу ҳам куруқ гап, холос (Бу ҳақда кейинроқ, грамматик категория ва грамматик шакллар юзасидан фикр юритилган ўринларда тўхтаймиз).

Иккинчи масалага келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек тилининг от туркумига мансуб сон категорияси ҳақида фикр юритилган ишларнинг барчасида бирлик ва кўплик сон шаклларининг, шунингдек, бирлик ва кўплик маъносининг бир-бирига нисбатан белгиланиши ҳақида эмас, балки фақат бирлик сон шаклининг кўплик сон шаклига нисбатланиб белгиланиши айтилади, холос. Яъни кўплик сон шаклининг ва маъносининг бирлик сон шакли ва маъносига нисбатланиб белгиланиши ҳақида ҳеч қандай гап йўқ ва бу бежиз эмас, албатта. Чунки кўплик сон шакли ва маъносининг бирлик сонга нисба-тан белгиланиши мантиқсиз, кулгили гапдан бошқа нарса эмас. Ахир, кўплик сон шакли шакл ясовчи махсус аффикс (-лар аффикси) билан ҳосил қилинар экан, яъни отнинг кўплигини билдирувчи махсус шакл бор экан, бу шакл ва маънонинг шаклсиз ва бирлик маъносига эга

бўлмаган отга нисбатлаб белгиланиши ҳақида гапириш мумкинми?! Бу бор нарсанинг борлиги йўқ нарсага нисбатлаб белгиланади, дейишнинг ўзи-ку!

Учинчи масалага, яъни бирлик сон маъносининг кўплик сон шакли маъносига қараб белгиланиши масаласига келганда шуни айтиш мукинки, ўзбек тилида отнинг махсус шакли ифодаладиган кўплик маъносининг борлиги бу тилда шу шаклга зидланадиган шакл бор ва у бирлик маъносини билдиради, дейиш ҳам қуруқ гапдан бошқа нарса эмас. Масалан, юқорида бирлик ва кўплик деб келтирилган *уй – уйлар, китоб – китоблар, чироқ – чироқлар*, аслида, шакл ва маъно жиҳатдан зидланадиган жуфтликни ҳосил қилмайди. Булардаги *уй, китоб* ва *чироқ* сон шаклига ҳам, бирлик сон маъносига ҳам эга эмас, шундай маънони билдира олмайди.

Хуллас, бу иш умумтилшуносликка оид бўлса ҳам, унда сон категорияси, бирлик ва кўплик сон турлари, ҳар бирининг моҳияти тиллар, жумладан, ўзбек тили нуктаи назаридан тўғри, ишонарли тарзда ҳал этилмаган. Бу ҳам яққа ҳодисалар, яққа сўз шакллари категорияни ташкил этмайди, бундай категориялар бўлиши мумкин эмас, деган ақида билан иш кўришнинг оқибатидир.

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихига оид ишларда бирлик сон шакли тарихан бўлмаганлиги ва ҳозир ҳам йўқлиги алоҳида таъкидланади. Шу билан бирга, от туркумига оид сон категорияси таҳлил этилганида, сон кўрсаткичига эга бўлмаган от сон (микдор) нуктаи назаридан бирор маъно, жумладан, бирлик (бирлик сон) маъносини ифодалай олмаслиги айтилади ва отнинг кўплик шакли таҳлил этилади, холос¹. Бу эса тилдаги ҳақиқий ҳолатни тўғри акс этдиради. Фақат шуни айтиш керакки, бу ишларда тилдаги ана шу ҳодисанинг (шаклсиз ҳолатнинг) сабаби, унинг моҳияти масаласига етарли эътибор берилмаган. Кейинчалик бу масалага эътибор қаратилди, лекин ҳодисанинг моҳияти бевосита тил фактларидан келиб чиқиб ҳал этилгани йўқ.

Ўзбек тилидаги бирлик сон шакли ва унинг маъноси ҳақидаги фикрларга диққат билан қаралса, ҳодисанинг моҳияти тўғри илгангани сезилади. Эътибор беринг; “Сўзнинг предмет тушунча-

¹ Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М.: 1962. -С.117; Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Келтирилган асар, 28-б; Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З. Келтирилган асар, 76-б.

сини ифода қилувчи ҳолатининг ўзи, яъни ноль кўрсаткичли формаси бирликдир”¹. “Сўзнинг предмет тушунчасини ифода қилувчи ҳолатининг ўзи... бирликдир” деган жумла отнинг шакл кўрсаткичига эга бўлмаган ҳолати предмет тушунчасини ифодалашини жуда тўғри қайд этади. Бу маънонинг сўз (от)нинг шаклига алоқаси йўқ. Бинобарин, отнинг шундай моҳиятга эга бўлган ҳолатини “бирликдир” дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди.

Бу масалада проф. Ш. Раҳматуллаевнинг эътиборга лойик фикрлари бор; “Ҳақиқатда, ўзбек тилида яккани ифодаловчи форма (форма единичности) йўқ, турдош от лексема маълум контекстдагина якка предметни билдира олади, ўзича эса сон жиҳатдан ноаниқ бўлади. Асли *бола* каби формага биринчи галда “умуман” маъноси хос, “битта” маъноси эса *-лар* аффиксининг “бир неча” маъносига зидланишда юзага келади. Демак, *бола* каби сўз асли грамматик сон жиҳатдан нейтрал. Ана шундай нейтраллик сабабли бу формадаги от олдидан ортиқни ифодалайдиган сифатловчи келтиравериш мумкин: *битта бола, бир неча бола, анча бола* каби. *Кўринадики, маъно тараққиёти қуйидагича бўлган*: умуман бола – битта ёки бир неча бола. Кейинги *болалар* кўплик формаси асосида *бола* бирлик формаси юзага келган”².

Таърифдаги эътиборга лойик фикр – ноль кўрсаткичли ҳолатнинг (шаклсиз ҳолатнинг) бирлик ва кўплика, умуман, сон маъносига бетараф бўлишидир. Шу ҳодиса, шу факт ҳозир ҳам мавжуд. Қолган гаплар, яъни ноль шаклнинг маъно тарақиёти, бу жараёнда юз берган ўзгаришлар, охир-оқибат унинг кўплик шаклига нисбатан бирлик сон маъносини касб этиши ва шу каби фикрлар исботлаб бўлмайдиган гаплардир. Таърифдаги «Асли *бола* каби формага биринчи галда “умуман” маъноси хос» жумласида «умуман бола» бирикмаси ҳодисанинг моҳиятини жуда тўғри қайд этади. Бу бирикма шаклсиз отнинг воқеликни (болани) номлашини, унинг грамматик маънога дахлсизлигини билдиради ва ҳозир ҳам шундай. Худди шу моҳият асосида иш олиб борилганида эди, шубҳасиз, отнинг шаклсиз ҳолати ҳақида тўғри хулосаларга келинган бўлуver эди.

Отнинг бош келишик, феълнинг бош нисбат тури ҳақида фикр юритилган ўринларда айтилдики, ўзбек тилида келишик ва нисбат ка-

¹ Ш о а б д у р а х м о н о в Ш. ва бошқалар. Келтирилган асар, 217-218-б.

² Ўзбек тили грамматикаси. I. Морфология. Тошкент: 1975. 105-б.

тегориялари, уларни шаклантирувчи парадигмалар бор, лекин ноль кўрсаткичли от ва ноль кўрсаткичли феълни келишик ва нисбат парадигмасига киритиш мумкин эмас (Бунинг сабаби ҳам айтилди). Ноль кўрсаткичли (шаклсиз) отнинг сон шакли эмаслигини, кўплик шакли билан зидлана олмаслиги, демакки, парадигма ҳосил қила олмаслигини унинг шаклсизлиги асосида асослаш, англаш яна ҳам осонроқ кўчади.

Ўзбек тили морфологиясига оид ишларда парадигма, унинг аъзоларининг моҳияти жуда тўғри ва аниқ таърифланган. Уларда хусусий белгисига кўра ўзаро фаркли, умумий белгисига кўра бирлашувчи сўз шакллари парадигмани ташкил этиши таъкидланади: “Парадигма аъзолари ўз ичида ўзаро зидлик муносабатида бўлади. Ана шу муносабат парадигма аъзосини тўғри тасвирлаш ва унинг системадаги қийматини тўғри белгилаш имконини беради”¹. Масалага ана шу фикрлар асосида ёндашилганда ҳам “бирлик сон шакли” деб қаралаётган шаклсиз отни бирлик сон шакли, умуман, сон шакли ҳисоблаш асоссиз эканлиги маълум бўлиб қолади. Хусусий маъноси билан фаркланувчи, умумий маъноси билан бирлашувчи сўз шакллари парадигмани ҳосил қилар экан, бу факт шаклсиз от билан кўплик шаклининг ўзаро зидланиши, шундай муносабатда бўлиши ҳақида гапиришга ўрин қолдирмайди. Демак, отнинг ноль кўрсаткичли шакли кўплик сон шаклига зидланади, шу асосда от туркумига хос сон категорияси юзага келади деган гаплар яқка ҳодисалар (бу ўринда кўплик шакли) категория ҳосил қилмайди, деган ақида асосида иш кўриш оқибатида юзага келган қараш, шу йўл билан уни асослашга ҳаракат қилиш билан юзага келган қуруқ гаплардан бошқа нарса эмас. Шу боис ҳам бу фикрлар ханузгача ўз исботини топгани йўқ ва топиши мумкин ҳам эмас.

Бу масалада эътиборга лойиқ яна бир факт шуки, ўзбек тилида *сон категорияси*, *кўплик категорияси* терминлари кўп ишлатилади. Лекин “бирлик категорияси” термини қўлланганини учратмадик. Бу – бир томондан. Иккинчи томондан, адабиётларда бирлик сон тури борлиги тан олинса-да, лекин, асосан, кўплик шаклининг маъноси (маънолари) ва бошқа хусусиятлари ҳақида фикр билдирилади. Бирлик сон шакли ҳақида эса, яъни унинг маъноси (маънолари) ва бошқа

¹ Н у р м о н о в А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. 101-б.

хусусиятлари ҳақида ҳеч гап йўқ. Бунинг ҳам сабаби бор, албатта, яъни ўзи йўқ нарсанинг маъноси, моҳияти ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?!

Сўз охирида яна бир ҳодисага эътиборни қаратмоқчи эдик. Сўз шакли ҳақида умумий маълумот берилган ўринларда айтилдики, сўз шакллари, жумладан, парадигматик шакллар бир-биридан эмас, балки сўзнинг туркумлик маъноси асосида ясалади. Бу гап отнинг кўплик шакли ясалишига ҳам тааллуқли, яъни кўплик шакли ҳам *-лар* аффикси ёрдамида отнинг туркумлик маъноси – ‘предмет’ маъноси асосида ясалади. Отнинг шакл кўрсаткичига эга бўлмаган ҳолатини бирлик сон шакли деб ва унинг бирлик сон маъносини ифодалаши тан олиндиган бўлса, кўплик шаклининг бирлик шаклидан ясалишини тан олиш керак бўладики, бундай ҳодисани исботлаш мутлақо мумкин эмас. Чунки бундай бўлиши шакл ясалишида амал қиладиган қонунга зиддир. Қолаверса, бир-бирига қиёсланиш бир турдаги тил бирликларида бўлади, сўз шакллари парадигмасида ҳам шундай. Яъни маълум бир парадигмага мансуб сўз шакллари бир-бирига қиёсланади, лекин шаклсиз бирлик билан сўз шакли бир-бирига қиёсланмайди. Демак, бирлик сон деб қаралаётган шаклсиз тил бирлигининг (отнинг) *-лар* аффикси билан ясалувчи кўплик шаклига нисбатланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу тил бирлиги ҳам, яъни шаклсиз от ҳам грамматик категорияга бетараф. Унинг хусусиятларини ёритишда унинг “бетараф”лиги асосида иш кўриш тўғри ҳулосаларга келиш имконини беради.

Хуллас, ўзбек тилида отнинг бирлик сон маъносига эга бўлган ва кўплик сон шаклига зидланадиган ноль кўрсаткичли шакли йўқ. Шундай шаклни бор дейиш шаклсиз отнинг моҳиятини ёритишга тўсқинлик қилади, холос. Бунинг ўрнига отнинг грамматик (морфологик) бирлик ҳисобланмайдиган, шаклсиз ҳолати мавжудлигини, бунинг қонуний ҳолат эканини, ўзига хос имкониятларини тўла ёритиш илмий, амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадики, масаланинг шу томонига эътиборни қаратиш асосий вазифа ҳисобланади.

Феъл туркумига оид грамматик категориялар ҳақида фикр юритилган ишларда бўлишли-бўлишсизлик категориясининг келтирилиши маълум. Бу ишларнинг деярли барчасида бўлишли турнинг шакл кўрсаткичига эга эмаслиги (ноль кўрсаткичли шакл экани), бўлишсиз

шаклнинг асосан *-ма* аффикси билан ҳосил қилиниши, бўлишли шаклнинг тасдиқ, бўлишсиз шаклнинг инкор маъносига эгалиги айтилади. Бу ўринда бўлишли ва бўлишсизлик шаклларининг маъноси (маънолари), қўлланишидаги хусусиятлари ҳақида батафсил тўхташни лозим топмаймиз. Фақат бўлишли-бўлишсизлик ва тасдиқ-инкор ходисаси ҳамда “ноль кўрсаткичли шакл” деб таърифланувчи “шакл” ҳақида ўз мулохазаларимизни билдириш билан чекланамиз.

Аввало айтиш керакки, бу ходиса “бўлишли-бўлишсизлик категорияси” деб номланса-да, аслида тасдиқ ва инкор ходисаси ҳақида гап боради. Таърифларга эътибор берайлик: “Ҳар бир феълнинг бўлишли ёки бўлишсиз формада туриши унинг феъллик белгиларидан биридир. Бўлишли феъл тасдиқ билдиради, бўлишсиз формадаги феъл инкор билдиради”... “Феълнинг бўлишли формаси инкор формасининг йўқлиги билан характерланади¹. “Бўлишли ёки бўлишсиз формада бўлиши феълга хос асосий хусусиятлардан ҳисобланади. Ҳар қандай феъл ё бўлишли ёки бўлишсиз формада бўлади. Бўлишли форма ҳаракатнинг тасдиғини, бўлишсиз форма эса инкорини билдиради: *ёзди – ёзмади*. Бўлишли форманинг махсус грамматик кўрсаткичи йўқ”². “Феъллар бўлишли ва бўлишсиз шаклда бўлади. Феълнинг бўлишли шакли ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида тасдиқни билдирса, бўлишсиз шакли эса ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида инкорни билдиради... Феълнинг бўлишли шакли махсус аффиксга эга эмас”³.

Бу таърифларни ўқигач, қуйидаги бир саволнинг тугилиши табиий, яъни: “Феълга хос бу категориянинг моҳияти тасдиқ ва инкорни ифодалаш бўлса, нима учун у “тасдиқ ва инкор категорияси” деб аталмайди, шундай аташ мумкин эмасми?” Бизнингча, мумкин эмас. Чунки тасдиқ ва инкор – тафаккур шакли бўлмиш ҳукм билан боғлиқ ходиса. Ҳукм эса “доимо тасдиқ ёки инкор шаклидаги фикрдан иборат бўлади... Ҳукмлар тилда ... асосан дарак гаплар орқали ифодаланади. Фақат дарак гаплардагина фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади”⁴.

Демак, тасдиқ ёки инкор феълларга (феъл туркумига) хос тусунча эмас, феълнинг “бўлишли” ва “бўлишсиз” деб аталаётган шакли тасдиқ ёки инкор маъносини билдирмайди. Шунинг учун

¹ Ғ у л о м о в А. Кўрсатилган иш. 7-8-б.

² Ўзбек тили грамматикаси. I т. Морфология. 455-б.

³ Т у р с у н о в У. ва бошқалар. Кўрсатилган иш. 317-б.

⁴ Фалсафа. Комусий лугат. 491-492-б.

хам феълларга хос бу ҳодиса учун “бўлишли-бўлишсизлик категорияси”, “бўлишли-бўлишсизлик шакли” терминлари кўлланган деб ўйлаймиз. Тўғри, “бўлишли”, “бўлишсиз” сўзлари ҳодисанинг моҳиятини аниқ қайд эта олмайди (Тилда бундай луғавий бирликлар йўқ). Лекин ҳодисанинг моҳиятини тўғри ва аниқ белгилагунча ҳамда уни тўғри ифодаладиган термин топилгунча, мавжуд терминларнинг ўзини кўллаб турган маъқул.

Асосий гап терминда ҳам эмас. Масаланинг муҳим томони шундаки, ўзбек тили материаллари бу тилда “бўлишли-бўлишсизлик категорияси” ҳамда “бўлишли шакл” борлигини тасдиқламайди. Шунингдек, тасдиқ ва инкор, юқорида кўрилганидек, гапга (фикрга) хос. Феъллар эса, биринчидан, бўлишлиликни билдирувчи шаклга эга эмас, бинобарин, “бўлишли маъно” ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас. Иккинчидан, феълнинг *-ма* аффикси, эмас, *йўқ* ёрдамчилари билан ясаладиган шакллари инкор эмас, бўлишсизлик маъносини билдиради.

Дарак гапнинг кесими бўлишсиз шаклдаги феъл билан ифодаланганда, гап инкор мазмунли бўлади. Лекин шундай ҳолларда ҳам инкор маъноси гапга (фикрга) оид бўлиб, бўлишсизлик маъноси феълга (феълнинг бўлишсиз шаклига) хос бўлади. Масалан, *Мажлис ўз вақтида бошланмади* гапи инкор мазмунли гап, *бошланмади* феъл шакли эса бўлишсизликни, яъни ҳаракатнинг юзага келмаганини, бўлмаганлигини билдиради. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳаракатнинг юз бермаганлиги (бўлмаганлиги) маъноси шу феъл шаклининг ўзига хос¹.

Феълнинг ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош шакллари *-ма* аффикси билан (бўлишсиз шаклда) кўлланганида, унинг инкорга дахли йўқлиги (фақат бўлишсизлик ифодаланиши) янада ойдинлашади. Қуйидаги мисолларга эътибор берайлик: *Бу воқеани ҳеч кимга айтмасликка қарор қилди. Тўйга таклиф этилмаган кишилар ҳам келди. Хонага рухсат сўрамай кирди.* Учала гап ҳам тасдиқ мазмунли. Улардаги ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош бўлишсиз шаклда ва бўлишсизлик маъносини билдиради, холос. Маълумки, кесимлар феълдан бошқа сўзлар билан ҳам ифодаланади ва эмас, *йўқ* сўзлари улар таркибида кўлланганда, инкор ифодаланади. *Ҳовлининг сатҳи унчалик катта эмас.* Бу факт ҳам инкорнинг феълнинг бўлишсиз шаклига дахли йўқлигини кўрсатади.

¹ Баъзи ишларда феълга хос бўлишсизлик (“инкор”) маъноси шундай изоҳланади ҳам. Қаранг: Гуломов А. Кўрсатилган иш, 7-б; Турсунов У. ва бошқалар. Кўрсатилган асар, 317-б.

Феълнинг бўлишли-бўлишсизлик категорияси ҳақида фикр юритилган ишларда инкор маъносининг *на* ёрдамчисини такрор қўллаш билан ифодаланиши айтилади: *У на ўқиди, на ёзди* каби. Бундай гапларда инкор ифодаланиши тўғри. Лекин бу ходисани феълнинг бўлишсизлик шакли ҳисоблаш ва бунда бўлишсизлик ифодаланиши ҳақида гапириш тўғри бўлмайди.

Маълум бўлдики, гап мазмунига (фикрга) оид инкор билан феъл шаклига хос бўлишсизлик маъносини фарқлаш керак. Тасдиқ ва бўлишлилик ходисаси бунда янада очиқроқ кўрсатади.

Бўлишли-бўлишсизлик ҳақида фикр юритилган ишларнинг барчасида бўлишли шаклнинг махсус кўрсаткичи йўқлиги (ноль кўрсаткичли шакл экани) эътироф этилиши юқорида айтилди: *келди – келмади, ёзди – ёзмади* каби. Шунингдек, бўлишсиз шаклнинг, бўлишлилик маъносининг бўлишсиз шаклга зидланишида белгиланиши ҳам эътироф этилади. Аслида эса феъллар (феъл туркуми) бўлишлилик маъносини ифодаловчи шаклга эга эмас. Уларни “бўлишли шакл экани, бўлишсиз шаклга ва унинг маъносига зидланишда белгиланиши” ҳақидаги фикр курук гаплардир, холос. Ҳатто шундай гапларнинг ўзи феълнинг бўлишли шакли (шаклнинг шундай тури) борлигини эмас, аксинча, йўқлигини тан олиш бўлади. Чунки морфологик бирликларнинг ўзаро зидланиши (зидлиги) ҳақида гапириш учун зидланувчининг ҳар бири зидланувчи маънога ва уни ифодаловчи шаклга эга бўлиши шарт. Шаклсиз бирлик (сўз) билан шаклли бирлик (сўз шакли) ўзаро зидланмайди (Бу ҳақда юқорида ҳам гапирилди).

Ноль кўрсаткичли шакллар ҳақида фикр юритилган ўринларда кўп бора таъкидланадики, мустақил сўзлар нарса (предмет), белги ёки ҳаракатни номлаш (аташ) вазифасига эга. Масалан, *гул, яхши, сўрамоқ* сўзлари шу ҳолатида от, сифат, феъл туркумига хос бирор грамматик шаклга (грамматик шаклга хос маънога) эга эмас. Лекин бу сўзларнинг ҳар бири муайян нарса, белги, ҳаракатни қайд этади, номлайди. Қайд этилар (ифодаланар) экан, ўз-ўзидан, у бор нарса, бор белги, бор ҳаракат ҳолатида бўлади. Бошқача айтганда, бу сўзлар муайян нарса, белги, ҳаракатни “борлайди” (сунъийроқ бўлса-да, шу сўзни қўлладик). Демак, мавжудлик, бўлишлилик тушунчаси шу сўзларнинг номлаш (аташ) хусусияти билан боғланган. Бу тушунчани ифодалаш учун мазкур сўзларнинг қандайдир

шаклда (сўз шаклида) бўлишига эҳтиёж йўқ. Уларнинг инкори, бўлишсизлиги эса инкор, бўлишсиз маъноли махсус бирликлар (-ма, эмас, йўқ кабилар) ёрдамида ифодаланadi: *гул эмас, яхши эмас, сўрама, сўраганим йўқ каби*.

Маълум бўлдики, бўлишлилик тушунчаси (маъноси) феълнинг, бошқа сўз туркумларига мансуб сўзлардаги каби, номлаш (аташ) вазифаси билан боғлиқ ҳолда воқеланади. Бу эса бўлишлиликнинг ифодаланиши учун тарихан ва ҳозир ҳам эҳтиёж бўлмаганлигини, эҳтиёж йўқлигини, шу боис ўзбек тилида феълнинг бўлишлиликни ифодаловчи махсус шакли юзага келмаганлигини аниқ тасдиқлайди. Шундай экан, ўзи йўқ “шакл”ни бор деб, уни “ноль шакл” (“ноль кўрсаткичли шакл”) деб аташ, ўзи йўқ нарсанинг (“шакл”нинг) “ўзига хос хусусиятлари” ҳақида қуруқ гапларни айтиш тил ҳодисасининг моҳиятини тўғри ёритишга тўсқинлик қилади, холос ва бунга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Хуллас, ўзбек тилида феъл фақат бўлишсиз шаклга эга. Феъл туркумининг морфологик системаси таҳлил этилганда, шу шаклнинг маъноси, қўлланишидаги хусусиятлари ёритилса, шунинг ўзи кифоя. Бу билан ҳеч нарса йўқотилмайди. Аксинча, биринчидан, ўзбек тили учун характерли бўлган ҳодиса тўғри, аниқ ифодасини топади, бу ҳодисани тушунтириш ва тушуниш жуда осонлашади. Иккинчидан, ҳодисанинг моҳиятини аниқ қайд эта олмайдиган “бўлишли-бўлишсизлик” терминидан воз кечиб, “феълнинг бўлишсизлик шакли” ёки “инкор шакли” терминини қўллаш мумкин бўлади. Бу билан гапга (фикрга) хос инкор ҳодисаси билан феълга хос инкор бир хил бўлиб қолмайди. Чунки, биринчидан, ҳукмга хос инкор ҳамма вақт тасдиққа зидланишда бўлади (тасдиқнинг зидди бўлади). Феълда эса, юқорида кўрганмиздек, тасдиқ шакли йўқ. “Инкор шакли” деб аталадиган шакллар эса фақат феълга хос ва феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилмаслигини-бажарилишининг инкорини ифодалайди.

Демак, феълнинг шаклсиз ҳолати, “бирлик сон”, “бош келишик”, “бош нисбат” деб юритилаётган тил бирликлари каби, морфологик категорияга бетараф, парадигматик шакллар билан муносабатда бўлмайдиган тил бирлигидир.

Ноль шакл деб юритилаётган бирлик сон, бош келишик, бош нисбат ва бўлишсиз “шакллар” ҳақида айтилганлардан маълум

бўлдики, уларнинг барчаси шаклсиз, грамматик (морфологик) категорияларга бетараф тил бирликларидир. Ана шу бетарафлик уларнинг тилда парадигматик шакллардан фаркли хусусиятларга эга бўлган тил бирликлари сифатида амал қилишини белгилайди. Ҳатто грамматик (морфологик) категорияларга эга бўлган сўз туркумларида, масалан, от ва феъл туркумларида шундай тил бирликлари, яъни бетараф тил бирликлари мавжудлигининг ўзи ҳам тилда шундай бирликларга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Бетараф тил бирликлари (“бирлик сон”, “бош келишик”, “бош нисбат”, “бўлишли шакл” деб юритилаётган тил бирликлари) туркумлик маъноси билан от ва феъл туркумларига мансуб бўлади. Ана шу хусусиятнинг ўзи, яъни муайян сўз туркумига мансублик от ва феълларга хос категориал белгидир. Чунки туркумлик маъноси асосида гуруҳланиш ҳам категорияланиш ҳисобланади, ҳар бир сўз туркуми категориал гуруҳ (категория) ҳисобланади. Ҳар бир туркумга мансуб сўзлар ҳам категориал бирлик ҳисобланади. Демак, мазкур тил бирликларининг морфологик категорияларга дахли йўқ. Шу боис бундай тил бирликларининг моҳияти, маъно ва вазифаси ўзи мансуб бўлган сўз туркуми доирасида тадқиқ этилади.

Бу тил бирликларига “ноль кўрсаткичли шакл”, “ноль шакл” тамгасини ёпиштириш мумкин эмас. Бетарафлик билан шакл кўрсаткичига эга эмаслик (ноль кўрсаткичилилик) бутунлай бошқа-бошқа ҳодисалардир. Бу ҳақда фикр юритишдан олдин “бетараф шакл” ҳақидаги қарашларимизга муносабат билдирилган бир мақолага ўз мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топамиз.

Бирлик сон, бош келишик, бош нисбат ва бўлишлилик “шакли” ҳақида эълон қилинган мақолаларимиз билан танишган баъзи тилшуносларимиз бу шакллар парадигматик шакллардан чиқарилмоқчи, деган хаёлга бораётганга, уларда шундай тасаввур пайдо бўлаётганга ўхшайди. Р. Сайфуллаева, Ш. Шаҳобиддиноваларнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида чоп этилган мақоласида шундай тасаввур, шундай тушунча ўз ифодасини топган.

Муаллифларнинг фикрича, бу муаммо «лисоний парадигмалар структураси ва бирликларининг табиати билан шуғулланган юзлаб тилшунослар ишида муҳокама этилди. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу муаммо – истаган турдаги лисоний категория/парадигмада шу парадигманинг бошқа аъзоларидан семантик-функционал жиҳатдан жид-

дий фаркланадиган битта нейтрал бирликнинг зарурийлиги ва у бу парадигмада ўзига хос вазифа бажариши, парадигма бутунлигини таъминлаши, парадигманинг ҳам маркази, ҳам умумий намоёндаси (репрезентанти) сифатида намоён бўлиши ўрганилган¹. Шундан кейин бу муаммо бўйича эълон қилинган ишлар кўрсатилиб, сўнгра проф. Х. Неъматовнинг монографиясида лисоний микросистеманинг бундай бирлигига берилган таъриф келтирилади: «Грамматик категория шакллари сирасида биттаси шу категориянинг бошқа аъзолари учун хос бўлган белги-хусусият ва вазифаларга нисбатан нейтрал, бепарк бўлиши шарт. Бу категория шаклларининг ҳар бири учун зарур ва имконли бўлган маъно, вазифа хусусиятлардан ҳеч бири нейтрал шакл учун мажбурий/зарурий ҳам, имконсиз ҳам эмас; у қўшимча семантик, лексик, грамматик, контекстуал ва ҳ.к. воситалар ёрдами ва таъсирида бундай маъно ва вазифаларининг барчасини ифодалай олади. Нейтрал шакл ўзи мансуб бўлган грамматик категориянинг умумий намоёндаси (репрезентанти) мавқеида бўлиб, категориянинг барча шакллари бир-бирига боғлаб, унинг бутунлигини, шу категориянинг бошқа категориялар билан алоқаларини таъминлайди»².

Аввало айтиш керакки, бу муаммони неча юзлаб тилшунослар муҳокама этгани эмас, шунча муҳокамадан сўнг унинг ҳал этилган ёки ҳал этилмаганлиги муҳимдир. Ҳал этилган бўлса, ҳал этилган иш ёки ишлар келтирилиши керак эди. Лекин бундай иш (ишлар) кўрсатилмаган. Мақоладан маълум бўлишича, муаллифлар ўзбек тилшунослигида бу муаммо Х.Неъматов томонидан ҳал этилганлигини тан оладилар, унинг бу ҳақдаги фикрларини келтирадилар. Бунга қарши эмасмиз, албатта. Гап шундаки, Х. Неъматовнинг ишларидан биз ҳам хабардормиз. Лекин уларда, жумладан, Л.Х. Неъматованинг номзодлик диссертациясидан келтирилган фактда «бетараф бирлик» деб олинган бирликнинг парадигмага мансуб бўлиши ва унинг моҳияти ҳақида билдирилган фикрларни ўзбек тили материаллари тасдиқламайди. Шундай экан, мақола муаллифлари ўз фактлари, материаллари билан бу ишларда «бетараф бирлик» ҳақида билдирилган фикрларни асослашлари, тасдиқлашлари керак эди. Акс ҳолда, ўзбек тилшунослигида маълум бўлган фикр-мулоҳазаларни такрор келти-

¹ Сайфуллаева Р., Шахобиддинова Ш. Нейтрал лисоний бирлик формал ва структурал тилшуносликда / Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. 5-сон. 64-бет.

² Ўша мақола, ўша бет.

риш фан учун нима беради?! Демак, мақолада бетараф тил бирлиги ҳақидаги бизнинг фикрларимизни Ҳ. Неъматовнинг фикрлари билан инкор этишга ҳаракат қилинган, холос. Шундай экан, журналдаги мақола ҳақида эмас, асосан, Ҳ. Неъматовнинг бетараф тил бирлиги ҳақидаги фикрларига ўз муносабатимизни билдиришга тўғри келади.

1. Морфологик категория, парадигматик шакллар ҳақида, уларни ташкил этувчи бирликлар ҳақида гап борар экан, фақат сўз шакли, морфологик бирлик назарда тутилиши, шу тил бирлиги билан боғлиқ ҳодисалар ҳақида фикр юритилиши керак бўлади. Шундай экан, сўз шакли ҳисобланмайдиган тил бирлиги билан шакл кўрсаткичига эга бўлмаган шаклни, яъни ноль кўрсаткичли шаклни бир-биридан аниқ фарқлаш талаб этилади. Чунки шаклсиз тил бирлиги билан сўз шакли бир-биридан фарқли бирликлардир. Бунга бефарқ қараш сўз шакли, парадигматик шакллар, уларни шакллантирувчи аъзоларнинг моҳиятини ёритишда турлича хатоларга йўл қўйилишига олиб келади. Буни Ҳ. Неъматовнинг келтирилган ишида ҳам кузатиш мумкин.

“Бетараф бирлик” деганда, тил бирлигининг шакл кўрсаткичисиз бўлиши эмас, балки сўзнинг шаклсиз бўлиши, шаклсиз ҳолати – шаклсиз сўз назарда тутилади. Шунинг учун ҳам, яъни шаклсиз бирлик бўлгани учун ҳам морфологик категорияга, парадигмага мансуб бўлмайди, бетараф бирлик ҳисобланади. Сўз шакли эса, кўрсаткичли ёки шакл кўрсаткичига эга бўлмаслигидан қатъи назар, морфологик бирлик сифатида категорияга, парадигмага мансуб бўлади. Ҳ. Неъматовнинг монографиясида, ҳатто журналдаги мақолада нейтрал бирликнинг қўшимчали ва қўшимчасиз бўлиши тасдиқланади¹. Ана шу тушунча ўзига хос хатоларнинг юз беришига сабаб бўлган.

2. Бетараф тил бирлиги билан ноль кўрсаткичли шаклни фарқламаслик оқибатида «Грамматик категория шакллари сирасида биттаси шу категориянинг бошқа аъзолари учун хос бўлган белги-хусусият ва вазифаларга нисбатан нейтрал, бефарқ бўлиши шарт. Бу категория шаклларининг ҳар бири учун зарур ва имконли бўлган маъно, вазифа хусусиятлардан ҳеч бири нейтрал шакл учун мажбурий/зарурий ҳам, имконсиз ҳам эмас; у қўшимча семантик, лексик, грамматик, контекстуал ва ҳ.к. воситалар ёрдами ва таъсирида бундай маъно ва вазифаларининг барчасини ифодалай олади. Нейтрал

¹Қаранг: Ўша мақола. 64-65- бетлар.

шакл ўзи мансуб бўлган грамматик категориянинг умумий намоянда-си (репрезентанти) мавқеида бўлиб, категориянинг барча шакллари-ни бир-бирига боғлаб, унинг бутунлигини, шу категориянинг бошқа категориялар билан алоқаларини таъминлайди», деган гаплар айтиладики, бу гаплар сўз шакли (яъни морфологик бирлик) мисолида тил қонуниятлари асосида ўзбек тили материаллари билан исботланмаган, исботланиши мумкин ҳам эмас. Бу гаплар юзасидан қуйидаги саволлар бўлиши табиий ва жавоб берилиши ҳам шартдир.

Биринчидан, ҳар қандай сўз шакли (шакл кўрсаткичига эга ёки эга эмаслигидан қатъи назар) морфологик бирлик сифатида, ўз маъносига эга бўлади (бошқача бўлиши мумкин эмас). Шу сабабли ҳар бир сўз шакли парадигмани ҳосил қилувчи бирлик, парадигма аъзоси ҳисобланади. Шундай экан, грамматик категория шакллари сирасида биттасининг шу категориянинг бошқа аъзолари учун хос бўлган белги-хусусият ва вазифаларга нисбатан нейтрал, бефарқ бўлиши, умуман, тилда шундай сўз шакли бўлишини қандай исботлаш мумкин? Бизнингча, исботлаш мумкин эмас; бу нарса бирор ишда, жумладан, Х. Неъматовнинг мазкур ишида ҳам исботланмаган. Масалан, келишиклар парадигмасидаги ҳар бир сўз шакли хусусий белгисига ва уларни бирлаштирувчи умумий белгига эга. Шу белгиси билан улар бир парадигмани (гуруҳни, бутунликни) ташкил этади. Шундай хусусиятга эга бўлмаган тил бирлиги қандай қилиб категория парадигмасига мансуб шакл – нейтрал шакл бўлиши мумкин?! Монографияда айтилган гапларнинг бирортаси бунга жавоб бўла олмайди. Иккинчидан, нейтрал шакл парадигманинг барча аъзоларига хос маъно ва вазифаларда қўллана олар экан, ўз шакл ва маъносига эга бўлган тил бирликларининг (масалан, келишик шаклларининг) мавжудлигини нима билан исботлаш мумкин, яъни ортиқчалик тил табиатига тўғри келмайди-ку! Учинчидан, парадигма аъзолари бир умумий белгиси асосида парадигмани, бутунликни ташкил этар экан, парадигма аъзоларини бир-бирига боғлайдиган, унинг бутунлигини таъминлайдиган қандайдир бетараф бирликка тилда эҳтиёж бўлиши мумкинми? ва ҳоказо. Бу саволларнинг бирортасига жавоб йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Шундай экан, бетараф шакл (нейтрал шакл) ҳақидаги гапларнинг барчаси қурук гаплигича қолаверади. Ана шундай гапларга йўл қўймаслик учун аввало, бетараф (шаклсиз) тил бирлигини шакл кўрсаткичи бор ёки шакл кўрсаткичи йўқ бўлган сўз шаклидан

фарқлаш, морфологик системага хос ҳодисаларни фақат сўз шакли мисолида тадқиқ этиш, баён қилиш талаб этилади. Шу талаб нуқтаи назаридан ёндашилганда, ўзбек тилшунослигида бирор ишда бу икки тил ҳодисаси бир-биридан фарқланганини кўрмаймиз. Бу эса бетараф тил бирлиги билан сўз шаклини тадқиқ этишда улардан ҳар бирининг моҳиятини тўла ва тўғри ёритишга тўсқинлик қиладики, ҳозирда бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ҳ. Неъматовнинг ишидан келтирилган иқтибосда турли грамматик категорияларда қуйидагилар нейтрал бирлик мавқеида бўлиши қайд этилади:

– сўз туркумлари тизимида – морфологик энг ривожланган феъл ва диффуз таклид туркумлар;

– сон категорияси тизимида – бирлик сон шакли;

– келишиқлар тизимида – бош келишиқ шакли;

– шахс-сон тизимида – III шахс, бирлик сон шакли;

– феълнинг функционал формалари тизимида – сифатдошлар;

– замон тизимида – ҳозирги-келаси замон (аорист) шакли;

– майллар тизимида – хабар/дарак майли¹.

Шу иқтибос асосида мақола муаллифлари қуйидаги фикрни билдирадilar: «Бу иқтибосдан – бундан қарийб 40 йил олдин шарҳланган умумий қонуниятдан кўриниб турибдики:

– биринчидан, нейтрал бирлик қўшимчали ҳам, қўшимчасиз ҳам, ҳатто бир қуршовда қўшимчали (чунончи, шахс/сон тизимида III шахс бирлик сон шакли *ёзади* сўзшаклида *-ди* қўшимчасига эга), қўшимчасиз ҳам (чунончи, *ёзди* шаклида) бўлиши мумкин; ...»².

Кўриниб турибдики, мақола муаллифлари Ҳ. Неъматов фикрларининг ўз материаллари билан далиллаётганлари йўқ, фақат уни шарҳлаптилар, тушунтиряптилар, холос. Бу билан Ҳ. Неъматов қарашларини асослаш, тасдиқлаш мумкин эмас. Ҳақиқатда ҳам, шундай бўлган.

Ҳ. Неъматовнинг ишидан келтирилган иқтибос ҳақида фикр билдиришга келганда, аввало шунини айтиш керакки, бетараф тил бирлиги билан сўз шакли, яъни морфологик бирлик умуман фарқланмаган (Бу нарса фақат Ҳ. Неъматов ишлари учун эмас, умуман, ўзбек тилшунослиги учун хос бўлган ҳолат). Масалан, морфологик категорияга, пара-

¹ Ўша мақола, 64- бет.

² Ўша мақола, 65- бет.

дигмага бетараф бўлган отнинг шаклсиз ҳолатлари билан категорияга мансуб бўлган, парадигманинг аъзоси ҳисобланувчи III шахс шакли, ҳозирги-келаси замон шакли бир хил факт деб, яъни бетараф (нейтрал) бирлик деб қаралапти. Ваҳолонки, «бирлик сон», «бош келишик», «бош нисбат», «бўлишли шакл» деб юритилаётган бирликларга хос умумий хусусиятлар «ноль кўрсаткичли шакл», «ноль шакл» деб юритилаётган тил бирликларига хос эмас. Ноль кўрсаткичли шакллар ҳар қандай ҳолатда морфологик категорияга, парадигмага мансуб бўлади ҳамда ўзига хос маънога ҳам эга бўлади (Буни исботлашга эҳтиёж бўлмаса керак). Шундай экан, уларнинг грамматик категория ва парадигмага бетараф (нейтрал) бирлик эканини тасаввур этиб бўладими?!

Ўзбек тили тарихи ва ҳозирги ўзбек тили материалларидан шу нарса маълум бўляптики, морфологик категорияга бетараф бўлган тил бирликлари тилнинг кейинги тараққиётида ҳам шундай тил бирлиги бўлиб қолади, яъни грамматик категория ва парадигмаларга кирмайди, демакки, грамматик шаклга ҳам эга бўлмайди. Чунки тилда шундай бирликларга (бетараф бирликларга) эҳтиёж бор, грамматик шаклларнинг бирортаси, ҳатто янгиси пайдо бўлган тақдирда ҳам, бетараф бирликлар ўрнини, улардан бирортасининг ўрнини боса олмайди. «Ноль кўрсаткичли шакл», «ноль шакл» деб қаралаётган шаклларда эса тамомила бошқача ҳодисалар, бетараф тил бирликларида кузатилмайдиган белги-хусусиятлар мавжуд.

Энг асосий хусусияти шуки, улар грамматик категорияга мансуб бўлади. Шундай экан, албатта, грамматик маънога ҳам эга бўлади¹ ҳамда бу маъно қай тарзда бўлса ҳам, ифодаланади, воқеланади. Масалан, ижро майлининг (*дарак майли*, *хабар майли* деб ҳам юритилади) махсус кўрсаткичи йўқ. Лекин бу майлга хос моҳият феълнинг замон шаклларининг ўзида воқеланади, яъни замон шаклларининг ўзи ҳаракатнинг воқеликка муносабатини кўрсатади². Демак, бу майл тури учун махсус кўрсаткич бўлиши учун эҳтиёж йўқ (Тил ортиқчаликка йўл қўймайди). Бу ҳодисага зид ўлароқ, тилдаги талаб эҳтиёж туфайли, янги-янги сўз шаклларининг пайдо бўлиши ҳам бор факт. Мақсад маъноли феъл шаклининг юзага келиши (*кўрмоқчи*) бунга мисол бўла олади³.

¹ Ана шунинг ўзидек уларни бетараф бирлик ҳисоблашга йўл қўймайди.

² Ҳожиёв А. Феъл. Тошкент, 1973. 127-бет.

³ Ҳожиёв А. -моқчи аффикси билан ясалган феъл формаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, 4-сон, 25-29-бет.

Парадигмага мансуб шаклнинг нейтрал бирлик бўла олмаслигининг асосий сабабини айтдик. Уларнинг кўрсаткичли ва кўрсаткичсиз бўлишининг эса ўз сабаблари бор. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида *-сан* аффиксли сифатдошдан ясалувчи ўтган замон феълининг учинчи шахси шахс кўрсаткичига эга эмас: *борганман, боргансан, борган*. Ҳозирги ва ҳозирги-келаси замон феълларининг учинчи шахси ҳам аслида шахс кўрсаткичига эга бўлмаган: *келяпти, келади* шаклларидаги *-ти/-ди* кўрсаткичлари *турур/дурур* боғламасининг қисқарувидан фақат учинчи шахсда қолган ва шу шахснинг кўрсаткичига айланган¹. Демак, тилда шунга эҳтиёж (аниқликка эришиш эҳтиёжи) ва унинг юзага келишига имконият ҳам бўлган. Агар учинчи шахс категорияга, парадигмага бетараф (нейтрал) бўлганида, бундай ҳодиса юз бермас эди ва ҳоказо. Бу фактлар ҳам бетараф тил бирликлари билан шакл кўрсаткичига эга эмаслик тамомила бошқа-бошқа ҳодисалар эканини аниқ тасдиқлайди.

Ана шу айтилганларнинг ўзиёқ кўрсатадики, бетарафлик, бетараф бирлик масаласи, мақола муаллифлари ўйлаганидек, бундан 40 йиллар олдин кимнингдир ишларида ҳал этилган эмас, ҳатто ўзбек тилшунослигида бу масалада ҳозир ҳам бир фикрга келинганича йўқ. Бизнинг ҳам бу масалани ҳал қилдик, деган даъвоимиз йўқ. Шу боис бу ҳақдаги гапни давом эттиришни лозим топмаймиз ва муаллифларнинг «бундай нейтрал бирликни (бирлик сон, бош келишиқ кабиларни – А.Х) категория бирликлари сирасидан, тизимидан чиқариб қўйиш мумкинми? мазмунидаги саволига қисқа тарзда ўз муносабатимизни билдирамиз. Муаллифлар бундай қилиш мумкин эмаслигини Л.Ҳ. Неъматованинг номзодлик диссертациясидаги факт ва фикрлар билан асосламоқчи бўлганлар-у, лекин асослай олмаганлар (Келтирилган фактнинг грамматик категорияга, парадигмага алоқаси йўқ).

Аслини олганда, бизнинг ишларимизда ҳам гап бетараф шаклларни категориядан чиқариш ҳақида бораётгани йўқ, балки кўриб ўтилган тил бирликларининг категорияга, парадигмага бетарафлиги ҳақида борапти, шу нарсани исботлашга ҳаракат қилинди. Бу тил бирликларининг шу вақтга қадар морфологик категорияларда берилаётганлиги сабабли бизнинг фикрларимиз муаллифлар назарида, уларни категория (парадигма)лардан чиқариш ҳаракатидек бўлиб ту-

¹ Булар ҳақида «Ўзбек тилида ҳозирги замон феъли» номли номзодлик диссертациясизда (Тошкент, 1959) тўлиқ маълумот берилган.

юлган. Ахир парадигмага (категорияга) бетараф бўлган (категорияга, парадигмага мансуб бўлмаган) тил бирлигини категориядан чиқариш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Демак, муаллифларнинг бетараф тил бирликларини категорияларга киритиш ҳақида мулоҳазалари бўлса, шу ҳақдаги фикрларини билишни истардик.

Ноль кўрсаткичли шакл, ноль шакл ҳақида айтилдики, булар категорияга бетараф бирлик эмас, балки категорияда бор, парадигмага мансуб бирликлар. Шундай экан, уларни категорияга киритиш ёки категориядан чиқариш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Категориал ва нокатегориал сўз шакллари

Категориал ва нокатегориал сўз шакллари масаласи ўзбек тилшунослигида тўғри ҳал этилмаган. Шу мавзуда фикр юритилган ишларнинг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди. Бетараф тил бирлиги ва ноль шакл (ноль кўрсаткичли шакл) юзасидан юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларимиз ҳам бу ҳақда аниқ тасаввур беради. Морфологик тил бирлигининг, яъни сўз шаклининг бу икки турини аниқ фарқламай, ҳар бирининг асосий моҳиятини аниқ белгиламай туриб, морфологик системага оид тил ҳодисаларини, уларнинг моҳиятини тўғри ёритиб бўлмайди.

Категориал ва нокатегориал сўз шакли ҳақида гап борар экан, аввало, уларни қандай белги асосида шундай икки турга ажратилиши масаласида аниқ ва тўғри ҳулосага келиб олиш керак бўлади, яъни фаркланишнинг асоси тўғри белгиланиши талаб этилади. Худди шу масалада шу вақтга қадар тўғри бир фикрга келинганича йўқ.

Ўзбек тили морфологиясига оид ишларда “категориал сўз шакли” деганда, морфологик категорияларга мансуб шакллар, яъни парадигмани ҳосил қилувчи сўз шакллари назарда тутилади. Масалан, отнинг келишик ва эгалик категорияларини шакллантирувчи, феълнинг замон, шах-сон категорияларини шакллантирувчи сўз шакллари категориал сўз шакллари ҳисобланади. Ана шундай моҳиятга эга бўлмаган сўз шаклларининг барчаси “нокатегориал шакл”, “функционал шакл” каби номлар билан юритилади. Бироқ бу ҳол масалага илмий асосда ёндашишнинг эмас, балки “морфологик категорияга мансуб бўлса, категориал шакл, акс ҳолда, нокатегориал шакл бўлади” деган ўта жўн қарашнинг самарасидир. Шу боис ҳам масалага бу тарзда ёндашиш

уни тўғри ҳал этиш имконини бермади, аксинча, бу борада ҳақиқатга тўғри келмайдиган хулосаларга олиб келди.

Шакл ясалиши ва сўз шаклининг таркиби ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалардан маълум бўлдики, сўз шакли моҳиятан ўзаро фарқли бўлган икки тил бирлигидан ясалади: 1) сўздан (сўзнинг шаклсиз ҳолатидан) унинг туркумлик маъноси асосида ҳосил қилинади; 2) сўзнинг муайян шаклидан ҳосил қилинади. Ана шу нарса сўз шакллارининг икки турини ва ҳар бир турнинг моҳиятини белгилайди, яъни шакл ясалиш асосининг қандай тил бирлиги бўлиши сўз шаклларининг моҳиятини белгилайди; биринчисида, яъни сўздан ясалганида – категориал шакл, иккинчисида (сўз шаклидан ясалганида), нокатегориал шакл ҳосил бўлади. Қуйида буларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида фикр юритилади.

Категориал сўз шакли

Категориал шакл бирикмаси ‘категорияга мансуб’ маъносини, *нокатегориал шакл* бирикмаси ‘категорияга мансуб эмас’ деган маънони билдиради. Шундай экан, биринчи навбатда, “категория” тушунчасининг моҳиятини аниқ белгилаш керак бўлади. Шу мақсадга эришилса ва масалага категориянинг моҳияти асосида ёндашилса, сўз шаклининг иккала турини бир-бирдан аниқ ва тўғри фарқлаш мумкин бўлади.

Ишимизнинг лексик системага бағишланган қисмида айтилдики, сўзлар лугавий маъноси асосида гуруҳларга бирлашади, гуруҳларни ташкил этади, бу гуруҳларнинг ҳар бири кичик бир лексик система ҳисобланади ҳамда шундай гуруҳларга нисбатан ҳам *парадигма*, *категория* терминлари қўлланади. Бунинг сабаби гуруҳнинг умумийлик белгиси асосида юзага келишидир. Масалага шу тушунча, яъни ‘категория’ тушунчаси асосида ёндашилганда, сўз туркумига нисбатан ҳам *категория* терминини қўллаш мумкин бўлади. Чунки сўз туркумида ҳам умумийлик ва хусусийлик белгиси, булар асосидаги ўзаро муносабат, боғланиш ҳодисаси мавжуд.

Қолаверса, “Умумлаштириш амалининг чегараси энг умумий тушунча, яъни категория”¹ экани ҳисобга олинса, туркумлики қайд этувчи маънони (тушунчани) категориал маъно ҳисоблаш тўғри

¹ Фалсафа. Қомусий лугат. 408-б.

бўлади деб ўйлаймиз. Шундай экан, категориал маъно (туркумлик маъноси) асосида юзага келадиган сўзлар гуруҳи, яъни сўз туркумлари ҳам категориялар ҳисобланади ва ҳар бир туркумга мансуб сўз ҳам категориал бирлик ҳисобланиши керак бўлади. Лекин у, айтиб ўтилган моҳияти билан, лексик системанинг тил бирлиги бўлмиш сўз (лексема)дан ҳам, морфологик системанинг тил бирлиги бўлмиш сўз шаклидан ҳам фарқланади¹. Туркумлик маъноси грамматик (морфологик) маъно эмас. Ана шу факт ҳам туркумлик маъносига эга бўлган шаклсиз сўзнинг грамматик категорияларга (парадигмаларга) бетараф бўлишини яна бир бор тасдиқлайди. Бундан келиб чиқадиган яна бир муҳим хулоса шуки, сўзнинг туркумлик маъноси асосида ясалган ҳар қандай сўз шакли ҳам муайян категорияга (сўз туркумига) мансуб бўлади. Бу эса уларни категориал шакл ҳисоблаш мумкинлигини, шартлигини кўрсатади, шундай шакл ҳисоблашга асос бўлади.

Масалага шундай асос билан ёндашилса, ҳар бир сўз туркумидаги (асосан, от ва феъл туркумидаги) категориал шакллари белгилаш осонлашади ҳамда тўғри хулосаларга келиш имкони тугилади. Аввало, категориал шакллар камида икки ва ундан ортиқ, ўзаро муносабатда, бир-бирига зидланишда бўладиган компонентлардан ташкил топади, деган фикр шаклларга хос асосий моҳиятни қайд эта олмайди.

От туркумига мансуб сўз шакли деб қаралаётган бирликнинг морфологик категорияга бетараф бирлик, шаклсиз бирлик экани, шунингдек, унинг кўплик шакли билан зидланишда бўла олмаслиги айtilди. Шундай экан, ўзбек тилида отнинг сон категорияси борлигини эмас, балки отнинг туркумлик маъноси асосида *-лар* аффикси ёрдамида ясаладиган кўплик шакли борлигини ва у от туркумига мансуб категориал шакл бўлишини тан олишга тўғри келади. От туркуми морфологиясида шу сўз шаклининг маъноси ва бошқа хусусиятлари ўрганилади.

Ана шундай моҳиятга эга бўлган от туркумига мансуб сўз шакллари билан бири *-ники* аффикси билан ясаладиган қарашлилиқ шаклидир. *От қимниги минганники* (Мақол). *Талабаларники, раисники*. Бу шакл ҳам отнинг туркумлик маъноси асосида ясалади ва шунинг ўзи уни от туркумига мансуб сўз шакли – категориал шакл ҳисоблаш учун

¹ Туркумлик маъноси, сўзларнинг туркумланиши билан боғлиқ ходисалар ҳақида махсус мақоламизда кенг маълумот берилган: Ҳо ж и е в А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (6-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. 3-сон, 3-13-б.

асос бўла олади. *-лар* ва *-ники* аффикслари билан ясалган сўз шакли от туркумига мансуб бўлгани учун уларнинг таърифида туркумликни қайд этувчи сўз – *предмет* сўзи (*махс ёки нарса* сўзи) қатнашади: *зуллар* – кўплик шакли: шакл ясашиш асосидан англашилган предметнинг кўплигини билдиради.

-ники аффиксли сўз шакли, аслида, қаратқич келишиги кўрсаткичи шаклига *-ки* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўладиган сўз шакли, яъни сўз шаклидан ясалувчи сўз шакли бўлган. Ундаги қаратқич келишиги кўрсаткичи ўз шаклини йўқотиши билан *-ники* морфемаси юзга келган: *-нингки* > *-ники*. Натижада *-ники* сўзнинг ўзидан (шаклсиз ҳолатидан) унинг туркумлик маъноси асосида категориал сўз шаклини ясовчи морфемага айланган.

Хуллас, от туркумидаги эгалик ва келишик категорияларига мансуб сўз шакллари ҳамда *-лар* аффикси билан ясалувчи кўплик шакли, *-ники* аффикси билан ҳосил бўладиган қарашлилик шакли категориал шакллар ҳисобланади.

Феъл морфологиясига оид ишларда фақат морфологик категорияларга оид парадигматик шакллар категориал шакллар ҳисобланади. Категория (парадигма) ҳосил қилмайдиган феъл шаклларининг барчаси функционал ёки нокатегориал шакл деб қаралади. Лекин масалага юқорида қайд этилган белги, яъни категориал шаклнинг туркумлик маъноси асосида ясашиш хусусиятидан келиб чиқилса, категория (парадигма) ҳосил қилмайдиган шаклларни ҳам категориал шакл ҳисоблаш кераклиги маълум бўлади. Масалан, феълнинг функционал шакллари деб қараладиган сифатдош ва равишдош шаклларининг барчаси феълнинг туркумлик маъноси асосида ясалади ва шу туркумга мансуб тил бирликлари – феъл шакллари ҳисобланади. Шунинг ўзи уларни категориал шакл ҳисоблаш учун асос бўла олади. Қолаверса, сифатдош ва равишдош шакллари замон категорияси (морфологик категория)нинг шаклланишида ҳам хизмат қилади, яъни замон шаклининг таркибий қисми ҳисобланади: *келибман, келибсан, келибди (келиб – ўтган замон эшитилганлик феълининг асоси); келаман, келасан, келади (кела – ҳозирги-келаси замон феълининг асоси); ишлайман, ишлайсан, ишлайди (ишлай – ҳозирги-келаси замон феълининг асоси)*. Демак, ўзбек тилидаги *-ган* аффиксли сифатдош шакли предметнинг ҳаракат-ҳолат белгисини билдириш (*келган меҳмон* каби) ва феълнинг ўтган замон шаклини яшаш учун хизмат қилади. *-(и)б, -а/-й*

аффикслари ҳаракат белгисини билдирувчи феъл шаклини (*қулиб га-пирди, тура қочди, югура-югура чарчади* каби) ясайди, бу шакл эса ўтган замон ва ҳозирги-келаси замон шаклларининг асоси вазифасида қўлланади. Ҳар икки вазифасида ҳам қайд этилган сифатдош ва равишдош шакллари категориал сўз шакли ҳисобланади: биринчиси парадигма ҳосил қилмаслиги, иккинчиси эса парадигмага мансуб шакл бўлиши билан ўзаро фаркланади. Бу билан ҳар бир ходиса, унинг моҳияти тўғри талқин этилади.

От туркумига мансуб *-ники* аффикси билан ясалувчи сўз шакли ҳақида фикр юритилган ўринда маълум бўлдики, бу шакл, асли нокатегориал шакл бўлган, кейинчалик категориал шаклга айланган. Бундай ходиса, яъни нокатегориал шаклнинг категориал шаклга айланиши феъл туркумида кўпроқ кузатилади (Булар хусусида нокатегориал шакллар ҳақида фикр юритилган қисмда маълумот берилади).

Хуллас, ҳар қандай тил ходисасининг моҳиятини белгилашда муайян тилнинг ўз материалларини тадқиқ этиш асосида хулоса чиқариш керак бўлади. Масалага шу талаб асосида ёндашилганда, ўзбек тилидаги отнинг кўплик шаклини, феълнинг бўлишсизлик шаклини, парадигма ҳосил қилмаслигидан қатъи назар, категориал шакл (морфологик тил бирлиги) ҳисоблашга эътироз бўлиши мумкин эмас. Морфологик системанинг тил бирлиги, бинобарин, ўрганиш объекти категориал сўз шакллариدير.

Нокатегориал сўз шакли

Ўзбек тилшунослигида “категориал шакл” деб аталиши мумкин бўлган сўз шакллари нисбатан яхши ўрганилган, уларнинг асосий хусусияти ҳақида бир хил фикрга келинган. Аниқроқ қилиб айтганда, ўзбек тили морфологик системасини худди шу турдаги сўз шакллари ташкил этади, шакллантиради. Шу билан бирга, баъзи сўз шаклларининг сўз шаклидан ясалиши, ўзбек тилида шундай ходиса ҳам борлиги ва моҳиятан категориал шакллардан тубдан фаркланиши ҳам айтилди. Тан олиш керакки, бундай сўз шаклларига ўзбек тилшунослигида етарли эътибор қаратилмаган, баъзилари умуман тилга олинмаган, айримларининг моҳияти ҳақида хато, бир-бирига зид фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ваҳолонки, ўзбек тилида сўз шакли билан боғлиқ кўпгина тил ходисаларининг тўғри ва тўла ёритилиши

сўз шаклидан ясалувчи шакллар моҳиятининг тўғри белгиланишига ҳам боғлиқ. Демак, бундай сўз шакллари ва уларнинг амалиёти билан боғлиқ тил ҳодисаларининг моҳиятини ёритиш ўзбек тилшунослигининг муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Бу турдаги сўз шакллари яхлит ҳолда (алоҳида тур сифатида) ўрганилмагани боис уларга нисбатан ягона термин ҳам қўлланмаган. Биз ҳам уларни категориал шаклга зидлаган ҳолда, уларга нисбатан “нокатегориал шакл” терминини қўллаб турамыз (Термин масаласига кейинроқ тўхталамиз).

Нокатегориал шакллардан ҳар бирининг моҳиятини, шунингдек, барчаси учун умумий хусусият(лар)ни тўғри белгилаш ва тўғри, аниқ тасаввур этиш учун уларни сўз туркумлари бўйича алоҳида-алоҳида ўрганиш яхши натижа беради. Бунда ҳар бир нокатегориал шаклнинг ясалишида асос (шакл ясалиш асоси) бўладиган шакл билан нокатегориал шакл ясовчини, ҳар бирининг моҳиятини аниқ белгилаш билан ҳар бир нокатегориал шаклнинг моҳиятини тўғри ёритиш имкони юзга келади.

От туркумига мансуб категориал шакллардан нокатегориал шакл ясалишида, асосан, *-ча* ва *-ги* морфемалари қўлланади. Ўзбек тилшунослигига оид бирор ишда бу морфемалар нокатегориал шакл ясовчи сифатида ўрганилмаган, умуман, бу икки морфема билан ясаладиган сўз шаклларининг моҳияти юзасидан бир фикрга келинмаган.

От туркумига оид категориал шакллардан нокатегориал сўз шакли ясалишида шакл ясалиш асоси вазифасида кўплик шакли, эгалик шакли ва жўналиш келишиги шакли қўлланади: *оталар+ча >оталарча*, *фикрим+ча >фикримча*, *уйга+ча >уйгача*.

Демак, *-ча* аффикси ёрдамида ясаладиган бу нокатегориал шаклларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш керак бўлади. Чунки нокатегориал шаклнинг асоси (шакл ясалиш асоси)нинг қандай тил бирлигидан бўлиши нокатегориал шаклнинг моҳиятини белгилайди.

Ҳозирги ўзбек тилида *-ча* аффиксининг сўзга (сўзнинг шаклсиз ҳолатига) бирикиши ҳам бор. Лекин бу ҳол санокли сўзлар доирасида учрайди ва бунда икки ҳодиса кузатилади: 1) бу сўзларда *-ча* аффиксининг мустақиллиги сезилиб туради: *осонликча < осонлик+ча*, *яширинча <яширин+ча* каби: *Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурму, ҳай-ҳай.. Кўнгилнинг нозиклиги қилча бўлурму, ҳай-ҳай.. Қаноатда Саида филча бўлурму, ҳай-ҳай.* (С.Зуннунова). Лекин *-ча* аффиксининг

бундай қўлланиши санокли сўзлардагина учрашидан ташқари, келтирилган мисолдаги *йилча*, *қилча*, *филча* сўз шаклларининг қўлланиши шеъриятга хосдир. Уларга хос қиёс, ўхшатиш маъноси шу маънога эга бўлган *сингари*, *каби*, *ўхшаш* каби сўз-морфемалар ёки бошқа воситалар (*-дек*, *-чалик* морфемалари) билан ифодаланadi.

Хуллас, *-ча* морфемасининг сўзнинг шаклсиз ҳолатига қўшиб қўлланиши (*йилча*, *қилча* каби) ҳозирги ўзбек адабий тили учун умумий ҳолат деб қараш, сўз шаклининг ўзини эса категориал шакл ҳисоблаш мумкин эмас. Бу ҳодиса нокатегориал шаклга хос маънони шеъриятда категориал шаклда ифодалаш имкониятидан фойдаланиш деб баҳоланиши керак.

Кўплик шаклидан ясалувчи нокатегориал шакл. Ўзбек тилидаги *оталарча*, *болаларча*, *дўстларча* сўз шаклидаги “*ларча*” қисми адабиётларда яхлит бир аффикс – қўшма аффикс деб қаралиши ва у равиш ясовчи ҳисобланиши юқорида айтилди. Бироқ ўзбек тили материаллари бу фикрни мутлақо тасдиқламайди. Юқорида кўрганимиздек, *-ча* морфемаси сўз ясовчи ҳам, отнинг категориал шаклини ясовчи ҳам эмас, балки нокатегориал сўз шаклини ясовчи морфемадир. *-лар* эса отнинг кўплик шаклини ясаши маълум. Юқоридаги сўз шаклларида ҳам ҳар икки морфема (*-лар* ва *-ча*) ўзига хос хусусиятини саклайди, яъни уларда *-лар* аффиксига хос кўплик маъноси, *-ча* морфемасига хос қиёс, ўхшатиш маъноси (“каби”, “сингари”, “ўхшаш” деган маъно) сезилиб туради. Шу икки фактнинг ўзиёқ бундай сўз шаклларида *-лар* ва *-ча* морфемасидан фаркли бўлган мустакил (сўз ясовчи) морфема бор дейишга ўрин қолдирмайди. Аксинча, уни отнинг *-лар* аффиксли шаклига *-ча* аффиксининг бирикувидан ҳосил бўладиган, қиёс, ўхшатиш маъноли, шундай маъноли муносабат кўрсатувчи нокатегориал сўз шакли ҳисоблаш ҳақиқатга тўғри келади.

Шу ўринда яна бир фактга эътибор қаратишни лозим топамиз. Маълумки, муайян сўз туркумига мансуб сўз шаклини, яъни категориал шаклни ясовчи морфемалар шу туркумга оид деярли барча сўзлар доирасида амал қилади, яъни шу туркум сўзларининг деярли барчасидан сўз шаклини ясайди. *-лар* морфемаси ҳам от туркумига мансуб сўзларнинг деярли барчасидан кўплик шаклини ясайди. *-ча* аффикси билан отнинг *-лар* аффиксли шаклидан нокатегориал шакл ясалиши эса жуда кам сўзлар доирасида чегараланган. Бундай шакл ясалиши, асосан, инсонга оид нарса ёки белгини билдирувчи сўзлар доираси-

да кузатилади. Белги билдирувчи баъзи сўзлардан шундай шакл яса-лиши ҳам бор. Лекин бу сўзлар ҳам отлашган бўлади: *телбаларча, ваҳшийларча, шармандаларча, ҳаёсизларча* ва б. Бу мисоллардан яна шу нарса ҳам маълум бўляптики, мазкур сўз шаклида *-лар* морфема-си (шу морфемали шакл) кўплик маъноси билан эмас, балки жамлик, умумлаштириш маъноси билан қатнашади, яъни бу шаклда унинг шу маъноси устун туради. Масалан, *оталарча, болаларча* сўз шакллари-да ота ёки боланинг бирдан ортиқлиги эмас, ‘барча ота’, ‘умуман ота’, ‘барча бола’, ‘умуман бола’ маъноси устун туради.

Қолаверса, *-лар+ча* аффиксли сўз шакли от туркумига оид икки-учта сўздагина учрайди. Бу типдаги сўз шакли, асосан, белги бил-дирувчи сўзлар доирасида кузатилади ва бундай сўз шаклларида *-лар* морфемасининг кўплик ифодаламаслиги аниқ сезилади: *дўстларча, сурбетларча, ваҳшийларча, телбаларча* ва б. Бу типдаги сўз шаклла-рининг тожикча *-она* аффиксли шаклда ҳам қўлланиши, биринчидан, улардаги “*лар*”нинг кўплик ифодаловчи эмаслигини, иккинчидан, бу шаклнинг тожикча *-она* морфемаси билан ясаладиган сўз шакли таъсирида юзага келганлигини аниқ тасдиқлайди: *қаҳрамонларча – қаҳрамонона, дўстларча – дўстона, ваҳшийларча – ваҳшиёна, фидо-корларча – фидокорона* ва б. *-лар+ча* шаклидаги баъзи сўзлар “лар” морфемасисиз ҳам қўлланади: *чапанларча – чапанича, чапаничасига* ва б. Бу факт ҳам кўриб ўтилган шаклларда *-лар* морфемасининг асо-сий вазифаси кўплик (бирдан ортиқлик) маъносини ифодалаш эмас-лигини тасдиқлайди.

Хуллас, кўплик шаклидан *-ча* аффикси ёрдамида ясалган нокате-гориал сўз шакли ўзи боғланиб келган сўзга хос белги, хусусиятни шакл ясашиш асоси билдирган шахс(лар) учун хос умумий белгига киёсан ифодалайди: *оталарча ғамхўрлик – ота(лар)га хос ғамхўрлик, дўстларча муносабат – дўст(лар)га хос муносабат* ва б. Демак, булар-да киёсланиш асоси шакл ясашиш асосига (*оталар, дўстлар* шаклига) хос бўлиб, *-ча* морфемаси муносабат билдиради. Шу икки хусусият асосида *оталар, дўстлар* шаклига *-ча* аффиксининг бирикиши билан белгини киёсан ифодаловчи нокатегориал сўз шакли ҳосил бўлади.

Сўз охирида яна бир нарсени айтишга тўғри келади. У ҳам бўлса, кўриб ўтилган шаклларга ҳеч қандай шакл ясовчи морфема қўшилмаслигидир. Бунинг сабаби *оталарча, дўстларча* сўз шакли-нинг боғловчи шакл эканлигидир, яъни бу шакллар сўзни ўздан ке-

йинги сўзга боғлайди. Бундай сўз шаклига яна қандайдир морфеманинг бирикуви мумкин эмас¹.

Хуллас, кўриб ўтилган типдаги сўз шаклида шакл ясалиш асоси *-лар* аффиксли шакл бўлса-да, лекин у кўплик категорияси (кўплик шакли) мақомида бўлмайди, балки у *-ча* аффикси билан ясалувчи шаклнинг асоси ҳисобланади. Ундан ясалган шакл эса от туркумига мансуб сўз шакли ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам бу шаклга от туркумига мансуб сўз шаклига бериладиган таъриф каби таъриф бериб бўлмайди. Масалан, от туркумига мансуб категориал шаклларнинг таърифида “предмет”, “нарсас” сўзи қўлланса, *оталарча, дўстларча* сўз шакли таърифида бу хол кузатилмайди. Юқорида кўрдикки, *оталарча, дўстларча* типдаги сўз шаклининг асоси (асос шакли) *-лар* аффикси қўшилган асос (*ота, дўст*)га хос умумий белгини, хусусият-ни билдиради. *-ча* морфемаси эса бошқа сўз (асосан, белги оти) билдирган нарсанинг хусусиятини шакл ясалиш асосига хос хусусиятга киёслайди, шу тарзда киёсий муносабат юзага келади, шунинг учун ҳам бу сўз шакли *каби, сингари* морфемаси билан ҳосил бўладиган сўз шаклларига маънодош (синоним) шакл бўлади: *оталарча – оталар каби, дўстларча – дўстлар сингари*. Муносабат ифодалаш эса “кўмакчи” деб юритилаётган барча сўз-морфемаларга хос хусусиятдир. Бундай сўз шакли таркибида *-ча* морфемасининг кўмакчиларга маънодош, вазифадош бўлишининг ўзиёқ унинг сўз ясовчи ёки категориал шакл ясовчи бўла олмаслигини тасдиқлайди.

Ана шу айтилган хусусиятларнинг барчаси, яъни, биринчидан, *-ча* аффиксининг сўздан эмас, сўз шаклидан (*-лар* аффиксли шаклдан) шакл ясаши, иккинчидан, асос шаклнинг (*оталарча* каби шакл) таркибида категориал шакл бўлмаслиги, учинчидан, ясама шаклнинг от туркумига мансуб сўз шакли ҳисобланмаслиги категориал шаклга хос бўлмаган, категориал шакл хусусиятларига зид бўлган белгилардир – шу хусусиятлари билан у категориал шаклларга зидланади. Бинобарин, бу фактлар мазкур сўз шаклини (*оталарча, дўстларча* типдаги шаклни) “нокатегориал шакл” деб аташга йўл қўяди, деб ўйлаймиз.

-ча морфемасининг эгалик шаклига бирикиши ҳам фикр, тахмин каби санокли сўзлар доирасида кузатилади: *Унинг фикрича, энди қатъий ҳаракат қилиш вақти етган эди* (Т.Малик).

¹ Бундай сўз шаклига хос хусусият *-лар* аффиксиз қўлланган *йигитча, чапанича* каби уч-тўрт сўзда ҳам кузатилади.

Бу вазифада *-ча* морфемаси феълнинг *-(и)ш* аффиксли ҳаракат номи шаклига, ҳаракат номининг ҳам шахе шаклига бирикади: *билишимча, айтишларича* каби. Бундай қўлланиш ҳам *айтмоқ, билмоқ, сезмоқ* каби санокли сўзлар доираси билан чекланган. Кўриниб турибдики, буларда ҳам *-ча* аффикси ҳаракат номи шаклининг ўзига эмас, балки унинг шахс (эгаллик) шаклига бирикади. Чунки ҳаракат номи шакли ҳам, худди сифатдош ва равишдош шакли каби, феъл туркумига мансуб шакл – категориал шакл ҳисобланади. Демак, ҳаракат номи шакли унинг шахс шаклида (от туркумига хос шаклда) қўлланиши учун имкон бўлса, шахе шакли унга *-ча* морфемасининг бирикиши учун имкон ҳисобланади.

Демак, биринчидан, *-ча* аффиксининг шахс шаклига бирикиши от туркумига оид сўзлар учун умумий ҳодиса эмас. Иккинчидан, бундай шаклларда эгаллик шакли мустақил шакл (категориал шакл) бўлмайди, балки шакл ясашиш асоси – асос бирлик ҳисобланади, *-ча* аффиксли шаклнинг таркибий қисми бўлади. Бу шаклда эгаллик маъноси бўлмайди, фақат шахе маъноси сақланади. Натижада унга *-ча* аффиксининг бирикуви билан бошқа бир гапга хос фикр асос шакл билдирган шахсга (I, II ёки III шахсга) нисбатланади, шундай муносабатни ифодаловчи сўз шакли ҳосил бўлади: *Фикримча, бунга рози бўлмайди. Айтишларича, бу ишлардан уларнинг хабари йўқ.* Бундай қўлланишда *-ча* морфемаси ва унинг ёрдамида ясалувчи сўз шаклига *кўра, қараганда* сўз-морфемалари ва улар ёрдамида ясалган шакл билан вазифадош, маънодош бўлади: *тахминимча – тахминимга кўра (қараганда), айтишларича – айтишларига қараганда.*

Бу шаклдаги сўз *-лар* аффиксли морфема билан қўлланиши мумкин. Лекин унинг маъносида, қўлланишида ўзгариш бўлмайди. Чунки буларда шакл ясашиш асоси (асос шакл) шахс кўрсаткичли шакл ҳисобланади: *уларнинг айтишларича (-лар* кўпликни билдиради); *дадамнинг айтишларича (-лар* ҳурмат билдиради). Нима учундир, *-ча* морфемасининг от туркумига оид сўз ва феълнинг *-(и)ш* аффиксли ҳаракат номига (уларнинг шахе шаклига) бирикишидан ҳосил бўладиган бундай нокатегориал сўз шакли, унинг моҳияти ҳақида ўзбек тилшунослигига оид ишларда бирон-бир фикр-мулоҳаза билдирилмаган. Шахс олмоши *-ча* морфемаси билан қўлланганда, *фикр, тахмин* каби сўзлар (улардан бири) қўлланмаслиги мумкин. Бунинг

сабаби, биринчидан, олмошларнинг шахсни (I, II ёки III шахсни) аниқ ифодалашни бўлса, иккинчидан, фикрнинг алоҳида гап билан ифодаланишидир. Масалан, *Менинг ҳисобимча, маблағ етарли гапи Менимча, маблағ етарли* тарзида ифодаланиши мумкин. Бунда асосий фикр “маблағ етарли” жумласи билан, шахс маъноси *мен* олмоши билан ифодаланади. Демак, бундай тузилмалар учун талаб этилаётган икки компонент – «фикр» ва «шахс» компоненти мавжуд бўлади. Ана шу нарса бундай гапларда *фикр, тахмин, ҳисоб* каби сўзларнинг қўлланмаслигига, эллипсисга учрашига йўл қўяди.

Умуман, бундай сўз шаклларида эгалик аффикси шахсни (уч шахсдан бирини) аниқ ифодалаш талаби билан қўлланади (лекин бу шакл яъни асос шакл “эгалик” маъносига эга бўлмайди). Қуйидаги бир мисолда буни аниқ кўриш мумкин: *Алланарсаларни ўзича шивирлади. Кейин, одатича, ариқ бўйида ювиниб, ҳужрага кирди* (Ў.Умарбеков). *-ча* морфемасининг сўз шаклига бирикиши айtilди. Шу талабга кўра келтирилган мисолда *одат* сўзининг учинчи шахс шаклига бирикиши ва шу шаклга хос маънонинг ифодаланиши қонуний ҳол. Агар шахс маъноси ифодаланмайдиган бўлса, ифодаланиши талаб этилмаса, *одат* сўзи бу шаклда қўлланмайди, унга *-ча* аффикси бирикмайди. *-ча* аффиксига хос маъно кўра сўз-морфемаси билан ифодаланади: *одатга кўра, таомилга кўра* каби.

Хуллас, *-ча* аффиксининг шахс кўрсаткичли шаклга бирикувидан ҳосил бўладиган сўз шаклларида ҳам шакл ясалиш асоси (шахс кўрсаткичли шакл) мустақил бирлик эмас, сўз шаклининг таркибий қисми мақомида бўлади. Шу боис у отнинг эгалик категорияси шаклларида хос моҳиятга эга бўлмайди – категориал шакл ҳисобланмайди.

-ча аффикси отнинг келишик шаклларида фақат жўналиш келишиги шаклига бирикади: *уйгача, мактабгача, баҳоргача* каби. Маълумки, жўналиш келишиги шакли кўп маъноли бўлиб, шулардан бири “йўналиш” маъносидир. *-ча* морфемаси жўналиш келишиги шаклига унинг худди шу маъноси асосида бирикади. Аниқроқ қилиб айтганда, жўналиш келишиги шакли худди шу маъноси билан *уйгача, кузгача* типидagi сўз шаклида шакл ясалиш асоси вазифасида бўлади: *уйга+ча, кузга+ча*. Лекин ана шу шаклнинг моҳияти анча мураккаб бўлиб, уларнинг баъзилари ҳақида шу вақтга қадар бир фикрга келинмаган, айримлари эса умуман эътибордан четда қолиб келмоқда. Масалан, бу шаклнинг таркибий қисми, уни ташкил этувчи бирлик-

лар ҳақида узоқ вақтлардан бери турлича мулоҳазалар давом этиб келмоқда. Баъзи ишларда бундай шакллар таркибидаги “гача” яхлит бир морфема – қўшма морфема деб қаралса, баъзи мутахассислар бу фикрга қўшилмайди. Демак, бундай шакллар моҳиятини аниқ белгилаш учун улар таркибидаги “-га” ва “-ча”нинг мустақил морфема эканини ёки ўзбек тилида *-гача* қўшма морфемаси борлигини аниқ белгилаб олиш керак бўлади. Чунки бу шакллардаги “-га” ва “-ча” мустақил тил бирликлари бўлса, улар иштирокида ҳосил бўлувчи сўз шакли ўзига хос моҳиятга эга бўлган тил бирлиги ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, ўзбек тилида чегара маъносини билдирувчи (чегара маъноли сўз шаклини ясовчи) *-гача* қўшма аффикси борлигини тан олувчилар ҳам бу аффикс ва унинг ёрдамида ясалувчи сўз шаклининг моҳияти ҳақида бир хил фикрда эмаслар. Масалан, проф. Ҳ. Неъматов шу масалага бағишланган махсус мақоласида *-гача* аффикси отнинг келишик шаклини ҳосил қилишини айтиб, бу шаклни чегара келишиги шакли ҳисоблайди¹. Лекин бу фикр етарли даражада асосланмаган. Бунинг учун *уйгача*, *қўчагача* типидagi келишикнинг алоҳида турига, жуда бўлмаганда, ўзбек тилида келишикнинг шундай турига (уни ифодаловчи шаклга) эҳтиёж борлиги, *-га* ва *-ча* аффиксларида эса ўзаро бирикиб, шундай келишик шаклини ҳосил қилувчи тил бирлигини юзага келтириш имкони борлиги исботланиши керак эди, шунингдек, жўналиш келишиги шакли асосида бошқа (янги) келишикнинг юзага келиши мумкин ёки мумкин эмаслигига ҳам эътибор қаратиш талаб этилар эди. Мақолада эса бу талабларга жавоб йўқ².

Ш. Раҳматуллаев *уйгача*, *қўчагача* типидagi сўз шаклидаги *-га* ва *-ча* ни мустақил тил бирликлари ҳисоблайди ва бу масала юзасидан икки мақола эълон қилган. Биринчи мақоласида бу шаклдаги *-ча* нинг юклама эканлигини таъкидлайди³. Лекин бу фикр ҳам асосланган эмас.

Биз отнинг бундай шаклларида “*гача*”ни бир аффикс (қўшма аффикс) ҳисоблашда икки ҳодисани назарда тутган эдик: 1) чегара маъносининг ифодаланишида *-га* ва *-ча* нинг доим бирга қўлланиши;

¹ Неъматов Ҳ. Чегара келишиги / Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. 4-сон, 38-39-б.

² Аслида бу фикр А.М. Шчербакнинг ишларида айтилган: Шчербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М.-Л.: 1962. -С.109-110.

³ Раҳматуллаев Ш. От лексемага қўшиладиган баъзи форма ясовчилар / Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. 2-сон, 39-40-б.

2) бу шаклда жўналиш келишиги кўшимчаси (-га) ўз моҳиятини тўла сакламаслиги, аниқроқ қилиб айтганда, масалан, *уйгача* шаклини ҳам келишик, ҳам чегара шакли дейиш мумкин эмаслиги¹. Лекин -ча морфемасининг муайян сўз шаклларига кўшилишидан хосил бўладиган турли типдаги шаклларнинг тахлилидан маълум бўляптики, бундай шаклларнинг барчасида -ча морфемаси ўз хусусиятини, мустақиллигини саклайди. Шу билан бирга, бу морфема кўшиладиган сўз шакли (асос шакл) ҳам ўзига хос моҳиятга эга бўлган бирлик – асос бирлик ҳисобланади. Булар эса мазкур сўз шаклидаги -га ва -ча ўзаро бирикиб, бир аффиксга (кўшма аффиксга) айланган дейишга йўл қўймайди.

Хуллас, *уйгача*, *кўчагача* типдаги сўз шаклида -га ва -ча морфемалари моҳиятан бир-бирдан фарқли бўлган сўз шаклини ясовчи мустақил морфема ҳисобланади. -га аффикси отнинг туркумлик маъноси асосида категориал сўз шаклини ҳосил қилса, -ча морфемаси жўналиш келишиги шаклидан нокатегориал сўз шаклини ясайди. Жўналиш келишигининг ясалишида туркумлик маъносига эга бўлган сўз (от) шакл ясалиш асоси вазифасида бўлса (*уй+га*), -ча аффикси билан сўз шакли ясалишида жўналиш келишиги шакли шакл ясалиш асоси бўлади: *уйга+ча*. Шу фактнинг ўзиёқ *уйгача* сўз шаклида “ча” нинг мустақил тил бирлиги – нокатегориал сўз шаклини ясовчи морфема эканлигини кўрсатади.

Демак, -га ва -ча аффиксли *уйгача* типдаги сўз шакли ҳақида гап борганида, ҳал этилиши лозим бўлган асосий масала нима учун чегара маъносининг ифодаланишида -ча аффиксининг жўналиш келишиги шаклига бирикиши, бунда жўналиш келишиги шаклининг асос шакл (шакл ясалиш асоси) бўлиб хизмат қилиши сабаби ҳамда унга -ча аффиксининг кўшилиши билан “чегара” маъносининг ифодаланиши ва бошқа ҳодисаларнинг сабабини исботлаш талаб этилади.

А.М. Шчербак -ча ва -гача аффикси отнинг чегара келишиги шаклини ясовчи ҳисоблаганини кўрдик. Аммо бу фикрга кўшилиш қийин. Чунки, биринчидан, -ча аффикси тарихан ҳам келишик шаклигина эмас, умуман, чегара маъноли сўз шаклини ясовчи бўлмаган. Асарда келтирилган фактлар ҳам муаллиф фикрини тасдиқламайди.

¹ Х о ж и е в А. Отнинг чегара формаси / Ўзбек тили ва адабиёти, 1977. 4-сон, 63-66-бетлар; Ш о а б д у р а х м о н о в Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент: Ўқитувчи. 1980. 248-249-б.

Юқорида кўрдикки, *-ча* аффикси ҳозирги ўзбек тилида санокли сўзларга қўшилгандагина “чегара” маъноси ёки шунга яқин маъно ифодалайди. Буни А.М. Шчербак асарида келтирилган мисоллар ҳам тасдиқлайди. Демак, *-ча* аффиксининг чегара маъносини ифодалаши от туркумига мансуб сўзлар учун умумий ҳодиса бўлмаган, ҳозир ҳам шундай. Иккинчидан, агар *-ча* аффикси чегара маъносига эга бўлганида, шундай маъноли сўз шаклини ясай олганида, унинг худди шу маънони ифодалаш учун жўналиш келишиги шаклига қўшилиб, чегара маъноли шаклни ҳосил қилишига ва *-га+ча* аффиксли сўз шаклининг юзага келишига эҳтиёж бўлмас эди.

-ча аффиксининг жўналиш келишиги шаклига бирикиши ва “чегара” маъноли сўз шаклини ҳосил қилишига келганда шуни айтиш мумкинки, бундай шаклнинг ясалиши учун асос вазифасини бажариш (асос шакл бўлиш) имконияти жўналиш келишиги шаклида мавжуд, худди шу шакл чегара маъносининг аниқ вокеланиши учун хизмат қилади.

Оталарча, қадрдонларча типигаги сўз шаклида *оталар, қадрдонлар* шакли кўплик (бирдан ортиклик) маъноси билан эмас, балки жамлаш, умумлаштириш маъноси билан қатнашишини, шу хусусияти асосида унга *-ча* морфемаси бирикишини кўрдик. Бу морфеманинг жўналиш келишиги шаклига бирикишида ҳам шундай ҳодиса кузатилади. Демак, *-ча* морфемасининг жўналиш келишиги шаклига унинг қайси хусусияти асосида бирикиши, қайси хусусияти билан жўналиш келишиги шакли шакл ясалиш асоси бўлишини белгилаш керак бўлади. Бу билан *уйғача, кўчагача* типигаги нокатегориал шаклнинг моҳиятини тўғри белгилаш мумкин бўлади. Бу ишни эса адабиётларда жўналиш келишиги шаклига берилган таърифлардан бошлашга тўғри келади. Чунки бу келишик шаклининг моҳияти масаласида ҳам аниқ ва тўғри бир фикрга келингани йўқ. Эътибор беринг: “Отларда жўналиш келишиги битта маънони – ҳаракатнинг йўналиш нуқтасини ифодалайди. Объект, ўрин, пайт оттенкаларининг ифодаланиши бу келишик формасини олган ва уни бошқарган негизнинг лексик маъносига боғлиқ”¹. “Бу келишикдаги от иш-ҳаракат йўналган предметни англатади: мактаб+га – мактабга, иш+га – ишга, завод+га – заводга...”². Юзаки қараганда, бу икки таъриф, асосан, бир хилдек туюлади. Бирок

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I, Морфология. Тошкент: Фан, 1975. 138-б.

² Ҳозирги ўзбек адабий тили, I қисм. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 236-237-б.

иккинчи таъриф мутлақо талабга жавоб бермайди. Чунки, биринчидан, ‘предмет’ маъноси сўз шаклига эмас, сўзнинг ўзига мансуб маънодир. Масалан, *китобни, китобнинг, китобга, китобдан, китобда* шаклларининг барчасида ‘предмет’ маъноси *китоб* сўзига хос. Ундан ясалган келишик шаклларининг ҳар бири ўз маъносига эга. Иккинчидан, келтирилган *мактабга, ишга, заводга* шаклларининг ўзи (якка ҳолда) ҳеч қандай маънони қайд эта олмайди. Биринчи таърифга келганда шуни айтиш керакки, биринчидан, ‘харакатнинг йўналиш нуктаси’ маъноси бу келишик шакли ҳар қандай феълларга бирикканда эмас, балки ‘йўналиш’ семали феълларга бириккан ҳоллардагина ифодаланади. Бинобарин, “жўналиш келишиги шакли бир маънога эга”, дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди (Деярли барча ишларда унинг бирдан ортик маънога эгаллиги қайд этилган). Иккинчидан, объект, ўрин, пайт маънолари жўналиш келишиги шаклининг маъно оттенкалари эмас, балки шакл ясалиш асосига – сўзга хос маънолардир¹.

Жўналиш келишиги шакли ҳақида фикр юритилган ишлардан маълум бўлдики, уларнинг кўпчилигида “харакатнинг йўналиши” ва “харакатнинг қаратилиши” бирикмаси бефарқ қўлланади. Баъзи ишларда бу икки ҳодиса фарқлангандек кўринади-ю, лекин келтирилган фактлар уни тасдиқламайди. Қуйидаги икки таърифга, яъни бу келишикнинг икки хил маъноси ҳақидаги фикрга эътибор беринг: “Жўналиш келишигида келган сўз қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Ҳаракат ва ҳолат йўналган шахс ёки предметни билдиради. *Комила хурсанд бўлиб, қалам-қоғозни ўртоғига тутқазди* (О.).

2. Жўналиш келишигида келган сўз пайт, ўрин билдирувчи сўз бўлганда, ҳаракат қаратилган вақт, ўрин маъноларини билдиради: (электростанциянинг) *очилиш маросими иккинчи февралга белгиланди*. (А.Қ.)”².

Биринчи бандда келтирилган *тутқазмоқ* феъли билдирган ҳаракат билан олтинчи банддаги *қолдирилмоқ* феъли билдирган ҳаракат бир-биридан фарқлиниши тўғри. Лекин биринчиси ҳаракатнинг

¹ Бу ўринда жўналиш келишиги шаклининг барча хусусиятларига тўхташ мақсадимиз йўқ. Фақатгина унга *-ча* морфемасининг бирикуви билан ‘чегара’ маъносининг воқеланишида бу шаклнинг қайси хусусияти роль ўйнашини, қайси белгиси асосида ‘чегара’ маъноси воқеланишини аниқлаш билан чекланамиз.

² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 269-270-б.

‘йўналишини’, иккинчиси ҳаракатнинг ‘қаратилишини’ ифодалайди деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди.

Ўзбек тили материалларидан маълум бўладики, баъзи феъллар ‘йўналиш’ семасига эга бўлади, улар билдирган ҳаракат маълум бир нуқтадан бошқасига қараб йўналган, шу нуқталар оралигида давом этадиган ҳаракат бўлади. Демак, бундай феъллар бажарилишида ‘йўналиш’ ва ‘давом’ тушунчалари бўлади.

Шундай феъллар бошқарган сўз эса йўналма ҳаракат қаратилган нуқтани билдиради, бу нуқта ҳаракатнинг тугаш (охирги) нуқтаси бўлади: *идорага борди, мактабга кетди*. Ана шундай феъллар бошқарган сўз (жўналиш келишигидаги сўз) -ча морфемаси билан қўлланганда, “чегара” маъноси воқеланади. Бундай ҳолларда “чегара” маъносининг аниқ ифодаланишига хизмат қиладиган сўз ёки бошқа воситалар ҳам қўлланиши мумкин: *идорагача баҳслашиб бордик. Бекатгача велосипедда бордим...* Демак, *мактабга* шакли йўналма ҳаракатнинг сўнгги нуқтасини билдиришининг ўзиданок “чегара” маъноси сезилиб туради, яъни “ҳаракатнинг тугаш нуқтаси” “ҳаракатнинг тугаш чегараси” демакдир. Лекин бу маъно воқеланмаган, имкон тарзидаги маънодир. Бу сўз шакли -ча морфемасини олиши билан “чегара” маъноси аниқ воқеланади. Шу тариқа -га аффиксли шаклдан -ча аффикси ёрдамида ҳосил қилинган (*уйгача* каби) нокатегориал сўз шаклида шакл ясалиш асоси (*уйга*) жўналиш келишиги шаклига хос моҳиятини деярли йўқотади, нокатегориал шаклнинг таркибий қисми – шакл ясалиш асоси мавқеида бўлади. Бу фактлар ҳам мазкур нокатегориал шаклни отнинг чегара келишиги шакли (категориал шакл) ҳисоблаш мумкин эмаслигига шубҳа қолдирмайди.

Шу ўринда бир ҳодисага эътиборни қаратмоқчи эдик. Чегара маъносининг воқеланишида “йўналиш”, “охирги нуқта”, “давом” тушунчалари мавжуд бўлишини кўрдик. Лекин бундай феъллар билдирган ҳаракат муайян сатҳда, фазода бажариладиган ҳаракат бўлади, деб тушунмаслик керак. Масалан, *юзгача сана* гапида ҳам “чегара” маъноси – санашнинг чегараси *юз* сўзи билдирган миқдор экани ифодаланади, яъни санаш “бир” дан “юз”га қадар давом этади, “юз” билан тугайди. Демак, асосий моҳият феъл билдирган ҳаракатнинг тугаш нуқтаси, шу нуқтага йўналиши, шу йўналиш бўйлаб давом этишидир.

-ча аффиксли сўз шакли “йўналиш” семасига эга бўлмаган феъл, шунингдек, феълдан бошқа туркумга мансуб сўз билан бошқарилиши

мумкин ва бунда “чегара” маъносидан бошқачароқ маъно ифодаланиши кузатилади. Бундай ҳолларда ҳам *-га+ча* морфемали сўз шаклига хос маънонинг “чегара” маъносига яқинлиги (алоқадорлиги) сезилиб туради: *У берган пулнинг тийинигача қайтариб, иссиққита хайрлашиб чиқиб кетди* (Х. Ғулом). *Бу ернинг қушларигача у китобда яшии таърифланган* (Мирмуҳсин). *Минут, секундигача айтиб берман соатимга қараб* (Ў. Умарбеков). *Пашиадан тортиб тўлгача – ҳаммаси бизники* (Ч. Айтматов). *Оилавий сирингача уларга маълум* (Т. Малик). Кўриниб турибдики, *тийин, қуш, тўя* сўзлари ва *оилавий сир* сўз бирикмасини *-ча* аффиксли нокатегориал шаклда кўллаш билан шу сўзлар билдирган нарсадан бошқа нарсалар ҳам назарда тутиляпти. “Тийин”, “қуш” сўзлари, “оилавий сир” бирикмаси бошқа нарсалар сирасида (каторида) охирги, яқунловчи нарсани билдиради. Демак, буларда ҳам “давомийлик” ва “охирги нуқта” тушунчаси бор. Шу тушунчалар ва *-ча* морфемасига хос хусусият асосида бу шаклларда ҳам “чегара” маъноси вокеланади. Лекин нокатегориал шаклни бошқарувчи сўз “йўналиш” семали феъл бўлмаганидан, буларда ҳаракатнинг тугаш (охирги) чегара маъноси аниқ ифодаланмайди. Лекин ҳар икки ҳолатда бу нокатегориал шакл, асосан, бир моҳиятга эга бўлган боғловчи сўз шакли ҳисобланади. Куйидаги мисолларга эътибор беринг: *Қизини кўриб, қулоқларигача қизариб кетди* (Т. Малик). ...*бу гап миясига қайта урилиб, товонигача зирқиратиб юборди* (Т. Малик).

Икки оғиз сўз термин ҳақида. Ш. Раҳматуллаев *уйгача* типидagi сўз шаклидаги *-чи* ни мустақил аффикс – юклама-аффикс ҳисоблаши айтилди. Муаллиф кейинги ишларида унга нисбатан “кўмакчи аффикс” (“аффикс-кўмакчи”) терминини қўллаяпти¹. Бу терминни қўллашда маълум асос бор. Биринчидан, бу морфема юкламага хос хусусиятга эга эмас. Иккинчидан, бунда мазкур морфеманинг ўзбек тилшунослигида “кўмакчи” деб атаб келинаётган “ёрдамчи сўз”ларга хос хусусиятга эгаллиги назарда тутилади. Шу асосда масалага ёндашилса, муаллифнинг фикрига қўшилиш мумкин. Бироқ, гап шундаки, “ёрдамчи сўз”, “кўмакчи” деб аталаётган тил бирликлари юзасидан олиб бораётган кузатишларимиз бу терминлар бирон-бир тил бирлигининг моҳиятини тўғри қайд эта олмаслигини кўрсатяпти².

¹ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). Тошкент: 2006, 151-б.

² Хожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (7-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 4-сон, 30-37-б.

Масалан, *кўмакчи* сўзи муайян моҳиятга эга бўлган тил бирлигини, жумладан, *-ча* аффиксининг вазифасини, унинг ёрдамида ясаладиган сўз моҳиятини қайд эта олмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, “*кўмакчи морфема*”, “*кўмакчи шакл*” бирикмаси бу морфема ва унинг ёрдамида ясалувчи сўз шаклини категориал шакл ясовчи морфема ва улар ёрдамида ясалувчи сўз шакллариغا зидлай олмайди, демакки, улар терминга қўйиладиган асосий талабга жавоб бермайди – термин бўла олмайди.

-ча аффикси ёрдамида от туркумига мансуб сўз шаклларида ясалувчи нокатегориал шаклларнинг тахлилидан маълум бўлдики, бунда *-ча* аффикси бирикадиган шакл от туркумига хос шакл – категориал шакл бўлмайди, балки нокатегориал шаклнинг таркибий қисми – шакл ясалиш асоси ҳисобланади. Шакл ясалиш асоси мустақил шакл (категориал шакл) бўлмаганидан таркибий қисмларга бўлинмайди. Масалан, *оталарча*, *фикримча*, *уйгача* типидagi шакллар *оталар+ча*, *фикрим+ча*, *уйга+ча* тарзида таркибий қисмларга бўлинади, асос қисм эса *ота+лар*, *фикр+им*, *уй+га* каби қисмларга бўлинмайди.

Маълумки, от туркумига мансуб сўз қўплик, эгалик ва келишик категорияси шаклларида қўлланиши мумкин: *Қариндошларимизга хабар бердик*. Бунда ҳар бир шакл мустақил бўлади – от туркумига мансуб бир грамматик категориянинг шакли бўлади. Шу боис бу шакл мустақил қисмларга бўлинади: *қариндош+лар+имиз+га*. Демак, бу шаклларнинг ясалиш асоси битта – *қариндош* сўзи. *Қариндошларимизгача* сўз шакли эса бутунлай бошқача таркибга эга: *қариндошларимизга+ча*. Бу шакл таркибида шакл ясалиш асоси (*қариндошларимизга*) мустақил шаклларга (*қариндош+лар+имиз+га* каби қисмларга) бўлинмайди.

Қуйидаги бир факт ҳодисанинг моҳиятини янада ойдинлаштиради ва масалани тўғри ҳал этишни осонлаштиради. Маълумки, у ёки бу сўз туркумига мансуб грамматик категория, категорияга хос сўз шаклига бериладиган таъриф таркибида шу туркумнинг моҳиятини билдирадиган сўз қатнашади: “*Кўплик шакли предметнинг бирдан ортиқлигини билдиради*”. “*Ҳаракатнинг нутқ вақтига муносабатини билдирувчи шакллар замон категорияси шакллари*дир” ва б.¹ *-ча*

¹ Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (13-мақола) / Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. 5-сон.

морфемаси билан ясаладиган нокатегориал сўз шаклларининг таърифида бу ҳолат кузатилмайди, чунки бу шакллар категориал сўз шаклига хос моҳиятга эга бўлмайди. Масалан, *оталарча, фикримча, уйгача, оталаримизгача* шаклларидаги *ота, фикр, уй* сўзлари от туркумига мансуб, лекин бу нокатегориал сўз шакллари от туркумига мансуб сўз шакллари сифатида (категориал шакл сифатида) таърифлаб бўлмайди.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага – нокатегориал сўз шаклининг сўз шаклидан ясалиши масаласига аниқлик киритиш керак бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, нокатегориал шакл асосига нисбатан “сўз шакли” иборасини қўллаш ҳақида фикр билдириб ўтишга тўғри келади.

Нокатегориал сўз шаклининг от туркумига оид муайян категориал шаклдан, яъни кўплик, эгалик ёки келишик шаклидан ясалишини кўрдик. Ана шу нарса *-ча* морфемаси категориал шаклдан нокатегориал шакл ясайди, деган тасаввур пайдо қилади. Бу эса мазкур ҳодисани шакл ўзгариши деб ҳисоблаш керак, деган фикрга олиб келиши мумкин. Лекин ҳодисанинг моҳияти бундай хулоса чиқаришга йўл қўймайди. Чунки, кўриб ўтилганидек, *оталарча, фикримча, уйгача* сўз шаклларида шаклларнинг ясалиш асоси (*оталар, фикрим, уйга*) мустақил шакл эмас, балки шакл ясалиш асоси, нокатегориал шаклнинг таркибий қисми ҳисобланади. Асос бирлик сифатида улар кўплик, эгалик ва келишик шаклига, яъни категориал шаклга хос моҳиятга эга бўлмайди, аксинча, асос бирлик сифатида ўзига хос моҳиятга эга бўлади, унинг моҳияти асосида *-ча* морфемаси нокатегориал сўз шаклини ҳосил қилади (буни юқорида кўрдик). Демак, *-ча* аффикси билан от туркумига мансуб сўз шаклларида нокатегориал шакл ясалишида шакл ўзгариши, яъни категориал шаклнинг нокатегориал шаклга айланиши ҳодисаси йўқ.

-ча аффикси билан от туркумига оид сўз шаклларида ясалган нокатегориал шаклларнинг шу сўз туркумига мансуб категориал сўз шаклларида фаркли яна бир умумий белгиси шуки, уларнинг қўлланиш доираси, даражаси, аниқроғи, ясалиш имконияти категориал сўз шакллариникига нисбатан жуда чегараланган бўлади.

Ўзбек тили морфологик системасини ўрганишга бағишланган ишларда фақат от ва феъл туркуми морфологик системаси таҳлилида категориал ва нокатегориал шакллар ҳақида гап боради. Бошқа сўз

туркумлари таҳлил этилганда эса сўз шаклларининг бундай турлари бор-йўқлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Бу ҳол “грамматик категория”, “категориал ва нокатегориал шакл” тушунчалари ҳақида, шунингдек, ҳар бир сўз туркумига мансуб сўз шаклларининг моҳияти юзасидан бир фикрга келинмаганлиги билан изоҳланади. Буни сон туркумига мансуб сўз шакллари мисолида ҳам кўриш мумкин¹. Қуйида сон туркумига оид сўз шаклидан *-ча* аффикси ёрдамида ясаладиган нокатегориал сўз шакли ҳақида қисқача тўхталамиз. Адабиётларда *-ча* аффиксли *ўнтача*, *йигирматача* типдаги сўз шаклининг санок сондан ясалиши айтилади ва унинг таркиби қуйидагича кўрсатилади: *ўн+та+ча*, *йигирма+та+ча*². Лекин бу фикр нокатегориал шаклнинг таркибинигина эмас, ҳар бир шаклнинг моҳиятини ҳам тўғри қайд эта олмайди.

Юқорида айтилдики, категориал шакл сўздан, нокатегориал шакл сўзнинг муайян шаклидан ясалади. Масалага шу асосда ёндашилса, *беишача*, *ўнтача*, *юзтача* сўз шаклини нокатегориал шакл ҳисоблаш тўғри бўлади. Чунки бу шакл бевосита сон-сўздан эмас, балки унинг *-та* аффиксли шаклидан ясалади. Шунинг учун ҳам *беишача*, *ўнтача*, *юзтача* шаклида ифодаланган “чама”, “тахмин” маъноси *беишта*, *ўнта*, *юзта* сўз шаклларига хос “дона”, “миқдор” маъноси ҳамда *-ча* аффиксига хос маъно билан воқеланади, яъни *-та* аффиксли сон шакли ‘дона’ маъносини, *-ча* аффикси донанинг тахминийлигини воқелантиради. Бу факт ҳам *-ча* аффиксининг маъноси шакл ясалиш асосининг маъноси таъсирида аниқ воқеланишини кўрсатади.

Маълумки, ўзбек тилида ҳисоб сўзлари (нумеративлар) предметнинг сон (миқдор), ҳажм, ўлчов ва ш.к. га кўра белгисини билдиради: *беш дона*, *беш гектар*, *беш тонна*, *беш қадам* ва б. Шундай сўзлар ҳам *-ча* аффикси билан қўлланади: *беш гектарча*, *беш тоннача*, *беш қадамча*: *Мана, бир соатча бўлди. кўз очмайди* (Ў. Умарбеков). Кўриниб турибдики, бундай қўлланишларда ҳам *-ча* морфемаси *-та*

¹ Биз ҳам сўз шаклига бағишланган рисолимизда “сон туркуми бироқ-бир грамматик категорияга эга эмас. Бинобарин, соннинг категориал формаси бўлмайди” деган фикрни билдирган эдик: Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Тошкент: 1979. 58-б.

² Шо а б д у р а х м о н о в Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 257-б.; Баъзи ишларда чама сон шакли *-та* аффиксли донане сон шаклидан ясалиши айтилса-да, лекин унинг моҳияти тўғри ёритилмаган. *Қаранг*: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 296-297-б.

аффиксли сўз шаклига бирикканда ифодаланадиган маъносига эга бўлади. Бу фактлар унинг сон туркуми доирасида ҳам нокатегориал сўз шаклини ҳосил қилишига шубҳа қолдирмайди.

-ча морфемасининг сон туркумига мансуб сўз шаклидан нокатегориал шакл ҳосил қилиши ҳақидаги мулоҳазаларни яқунлар эканмиз, унинг бу вазифада қўлланишида ҳам маълум чекланиш мавжудлигига эътибор қаратмоқчимиз. Бу аффикс ҳар қандай сон-сўзнинг *-та* аффиксли дона сон шаклидан эмас, балки чама, тахмин тарзда ифодаланиши мумкин бўлган дона сон шаклидан нокатегориал шакл ясай олади. Масалан, юзга яқин, юз атрофидаги ноаниқ миқдорни ифодалаш учун *юзта* шаклидан *юзтача* нокатегориал шакл ясалади. Лекин *битта*, *иккита*, *ўн битта*, *ўн иккита* шаклидан *-ча* аффикси билан чама сон шакли ясалмайди, чунки *бир*, *икки* сўзлари билдирадиган миқдорни чама, тахмин тарзида ифодалаш мумкин эмас. Шунингдек, *бир килограммча* дейиш мумкин, лекин *бир донача* дейилмайди. Чунки “бир килограмм” қанчадан-қанча граммлардан таркиб топади, шу боис уни чама (тахмин) тарзда ифодалаш мумкин бўлади.

Хуллас, сон туркумига оид сўз шаклидан *-ча* аффикси ёрдамида ясалган нокатегориал шаклда ҳам от туркуми шаклларида ясаладиган нокатегориал шаклларга хос умумий хусусиятлар кузатилади, яъни: 1) бу нокатегориал шакл ҳам сўз шаклидан ясалади; 2) бундаги шакл ясалиш асоси ҳам категориал шаклга хос хусусиятга эга бўлмайди, нокатегориал шаклнинг таркибий қисми бўлади; 3) нокатегориал шаклларнинг ясалишидаги чекланиш ходисаси бу типдаги шакл ясалишида ҳам кузатилади.

От туркумига мансуб категориал сўз шаклидан нокатегориал шакл ясовчи морфемалардан яна бири *-ги* морфемасидир. Бу морфеманинг маъно ва вазифаси ҳақида гап борганида, икки масалага эътиборни қаратиш ва уни ҳал этиш керак бўлади: 1) бу морфеманинг сифат ясовчи бўлиш-бўлмаслиги масаласи; 2) *уйдаги*, *ёздаги* каби сўз шаклининг моҳияти масаласи.

Биринчи масала юзасидан шуни айтиш керакки, ўзбек тилшунослигида унинг сўз ясовчи экани тан олинган, яъни у деярли барча ишларда сифат ясовчи морфемалар қаторида берилади. Лекин ўзбек тили материаллари бу ҳақда бошқачароқ мулоҳаза билдиришни тақозо этади. Мавжуд адабиётларнинг бирортасида ҳам мазкур морфеманинг

ҳақиқий маънода сўз ясовчи (сифат ясовчи) экани ўз исботини топган эмас. Демак, масала муаммолигича турибди.

Юқорида категориал шаклнинг сўздан, нокатегориал шаклнинг эса сўз шаклидан ясалиши айтилди. Масалага шу асосда ёндашилса, *-ги* морфемаси билан ясалувчи тил бирлигининг моҳияти, умуман, бу морфеманинг асосий вазифаси тўғри белгиланиши мумкин бўлади.

-ги морфемаси сифат ясовчи морфемалар қаторида берилган ишларда у сўз ясалиш асосидан англашилган ўрин ёки пайтга муносабатли белгини билдирувчи сифат ясовчи, деб таърифланади: “Бу аффикс ясаш асосидан англашилган ўрин ва пайтга муносабатни, унга асосланганликни билдиради: *ёзги, кузги, бугунги, кейинги, қадимги, тунги, ички, ташқи, кечки* каби”¹. Бошқа ишларда берилган таърифларнинг мазмуни ҳам шундай ва уларда келтирилган мисоллар ҳам деярли бир хил. Демак, *-ги* морфемаси ёрдамида сифат ясалиши деганда, унинг пайт маъноли сўзга бирикишидан ҳосил бўладиган тил бирликлари (ясама сўзлар) назарда тутилади.

Баъзи ишларда бу морфема ўрин келишиги шаклига бирикканда ҳам шу типдаги сифат ясалиши кайд этилади: *-ги* аффикси ўринпайт келишиги қўшимчаси (*-да*)дан кейин қўлланганда, ўрин ва пайтга хослик, муносабат маънолари янада аниқлашади, умумий хослик конкретликка ўтади... *ёздаги* (саёҳат), *ойдиндаги* (сухбат), *бозордаги* (галва)... Баъзи ишларда эса *уйдаги, ёздаги* каби сўзларнинг *уй+даги, ёз+даги* каби таркибий қисмга эгаллиги, яъни буларда *-даги* ажралмас, мустақил морфема бўлиши таъкидланади. Ана шу уч ҳолат, яъни *-ги* морфемасининг сўзга бирикиши, ўрин келишиги шаклига бирикиши ва *уйдаги, куздаги* каби сўз шаклида *-даги* мустақил морфема эканлиги масаласида бир фикрга келинмаганлик бу морфеманинг амалиёти билан юз берадиган ходисаларнинг моҳиятини тўғри белгилаш имкони берилади. Шу боис уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхташни лозим топамиз.

1. ***-ги* морфемасини сифат ясовчи ҳисоблаш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласи.** Аввало айтиш керакки, тил амалиёти жараёнида, жумладан, сўз ясалиши ва шакл ясалиши жараёнида муайян қонуниятлар амал қилади. Шу қонуниятлардан бирига кўра сўз ясовчи морфема сўз шаклига бирикмайди – сўз шаклидан янги сўз ясамайди, яъни шу нарса конун кучига эга. Демак, *-ги* морфемаси ҳақиқий

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I-т., Морфология, 275-б.

маънода сўз ясовчи бўлса, унинг ўрин келишиги шаклига бириқиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, *кузги, қишки, остки, тилқи* каби сўзлар таркибида *-ги (-ки, -қи)* морфемасининг қандай вазифали тил бирлиги эканини белгилаш асосий вазифа ҳисобланади.

Туркий тиллар морфологияси, сўз ясалиши соҳалари бўйича йирик мутахассислардан бири ҳисобланган А.М. Шчербак *-ги* аффиксининг сифат яшаш ва сўз шаклини яшаш “хусусияти”га эътибор қаратган ва бундай ходисаларни “промежуточные морфологические явления” деб қарайди ҳамда биринчи бўлиб *-ки (-ги)* морфемаси ва унинг амалиёти билан боғлиқ тил ходисалари ҳақида фикр юритади¹. Қизиги шундаки, муаллиф *-ги (-ки, -қи)* морфемаси билан ясалиш ходисаларини «оралиқ ясалиш» ҳисобласа-да, лекин келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам бу морфеманинг сифат ясовчи эканини тасдиқламайди. Эътибор беринг: “Фикр юритилаётган аффикс мансублик (қарашлилик) маъносини, шунингдек, макон ва замон муносабатларини ифодалайди”². Бу фикр *-ги (-ки, -қи)* морфемасининг моҳиятини, яъни сўз ясовчи бўла олмаслигини жуда тўғри қайд этади. Э. Фозилов *-ки* аффикси тарихан сифат ясовчи бўлганлигини эътироф этади. Бироқ ишда келтирилган мисолларнинг ўзиёқ *-ки* аффиксининг тарихан сифат ясовчи бўлмаганлигини аниқ кўрсатади³.

-ги морфемали сўзларнинг нисбий белги билдириши деярли барча ишларда айтилган. Ўзбек тилида *-лик, -(у)й, -вий* ва бошқа морфемалар ҳам шундай маъноли сифат яшаш учун қўлланади⁴. Демак, биринчи навбатда, *-ги* морфемасининг нисбий сифат ясовчи бошқа морфемалардан фаркли хусусиятини белгилаш керак бўлади. Шу нарса тўғри белгиланса, *-ги* аффиксининг вазифаси, унинг қандай тил бирлигини ҳосил қилиши анча ойдинлашиб қолади. Бунда қуйидаги ходисаларни алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Биринчидан, *-ги* морфемали сўзнинг нисбий белги ифодалаши фақат ўрин ёки пайт маъноли, санокли сўзлардагина кузатилади: *охирги, бугунги, пастки, кечки, қишки* каби. Бундай ҳолат нисбий сифат ясовчи бошқа морфемаларда кузатилмайди. Масалан, *-лик, -(у)й, -вий* аффикси билан ясал-

¹ Шчербак А. М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (Имя). Л.: 1977. -С. 96-98.

² Ўша асар, 96-б.

³ Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Тошкент: 1965. 53-б.

⁴ Хожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. Тошкент: 2007. 314-144-б.

ган куйидаги ясама сифатларга эътибор беринг: *уруғлик* (картошка), *кўйлаклик* (мато), *шериклик* (иш), *қишлик* (кийим); *синфий* (душман), *овлавий* (шароит) ва бошқалар. Иккинчидан, *-ги* морфемаси ҳозирги ўзбек тилида сифат яшаш вазифасига эга эмас (сифат яшаш учун кўлланмайди). Нисбий сифат ясовчи бошқа морфемалар эса ҳозирда ҳам шу вазифада қўлланади. Учинчидан, *-ги* морфемасининг асосий вазифаси муносабат ифодалаш ҳисобланади. Бу вазифада у ўрин ёки пайт билдирувчи сўзларга бирикишини кўрдик. Лекин ўрин ёки пайт маъноли сўзларнинг ҳаммасига эмас, баъзиларигагина бириккан ва шу сўзлар таркибидагина сифат ясовчидек тасаввур этилган. Масалан, бу морфема *ёз, куз, қиш, баҳор* сўзларига бириккани ҳолда (*ёзги, кузги, қишки, баҳорги*), *кун, ҳафта, ой, йил* сўзларига қўшилмаган (ҳозир ҳам шундай). Бу сўзлардан *-лик* морфемаси ёрдамида нисбий сифат ясалади: *кунлик режа, ҳафталик натижа, ойлик маош, йиллик даромад* ва бошқалар. Шунингдек, жой (ўрин) билдирувчи *ост, уст, наст, охир* сўзларига қўшилгани ҳолда (*остки, устки, настки, охирги*), *жануб, шимол, шарқ, ғарб* сўзларига қўшилмайди. Бу сўзлардан *-ий* аффикси нисбий сифат ясади: *жанубий, шимолий, шарқий, ғарбий*. Бу фактлар ҳам кўрсатадики, *-ги* аффикси муносабат ифодалаш вазифасида ҳам (сўз ясовчи сифатида эмас) ўрин, пайт маъноли баъзи сўзларгагина бириккан ва бунда шу сўзлар билдирган ўрин ва пайтга нисбатан белги англашилган, натижада бу сўзлар нисбий белги билдирувчи сўзга хос хусусиятга эга бўлган – нисбий сифат деб қаралган. Демак, бунда *-ги* аффикси бирикадиган сўзнинг моҳияти муҳим роль ўйнаган. Бу ҳодиса маълум сўзлардагина кузатилиши сабабли *-ги* морфемаси сифат ясовчи каммаҳсул аффикс деб баҳолашиб, шундай аффикс деб қараб келиняпти¹. Аслида эса, юқорида кўрилганидек, бу морфема умуман сўз ясовчи (сифат ясовчи) бўлмаган. Қуйида бунга ишонч ҳосил қиласиз.

2. Ўзбек тилида «даги» мустақил морфемаси борми ёки ...?

Бу саволга тўғри жавоб топиш ҳозирги ўзбек тилидаги *-ги* морфемасининг асосий вазифасини янада ойдинлаштиради, бу билан эса сўз шакли билан боғлиқ муҳим бир ҳодисанинг моҳиятини тўғри белгилаш имкони туғилади.

Ўзбек тилида сифат ясалиши ҳақида фикр юритилган ишларда бу

¹ Грамматика азербайджанского языка. Баку: 1971. -С. 279; Х о ж и е в А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими, 134-135-б.

тилда сифат ясовчи *-даги* морфемаси борлиги ва у, худди *-ги* аффикси каби, ўрин ва пайтга нисбатли белгини билдирувчи сифат ясаши қайд этилган. Шу фикрнинг, шу фактнинг ўзи уч нарсани: биринчидан, *-ги* морфемаси сифат ясовчи эмаслигини; иккинчидан ҳозирги ўзбек тилида *-даги* мустақил морфемаси йўқлигини; учинчидан, *-ги* морфемаси муносабат ифодаловчи нокатегориал сўз шаклини ясовчи морфема эканини аниқ тасдиқлайди.

-ги морфемаси ўрин, пайт маъноли санокли сўзларга бириккандagina шу сўзлар билдирган ўрин ёки пайт муносабати ифодаланиши, буни сифат ясаши ҳодисаси ҳисоблаш мумкин эмаслиги айтилди. Демак, бу ҳодисани муайян сўз туркумига хос шакл ясашиш ҳодисаси ҳисоблаш ҳам мумкин эмас. *Уйдаги, синфдаги, баҳордаги, ёздаги* каби сўз шаклларида бутунлай бошқа ҳодисалар кузатилади. Биринчидан, бундай сўзларда ўрин, пайт маъноси бевосита ўрин келишиги шаклига (*уйда, синфда, баҳорда, ёзда* шаклига) хос маъно. Иккинчидан, бу маъно маълум сўзлар доираси билан чекланмаган, шу келишик шакли учун умумий маънодир. Учинчидан, *-ги* морфемаси отнинг худди шу шаклига бирикади ва ўрин, пайт маъноли муносабатни ифодаловчи сўз шаклини – нокатегориал сўз шаклини ҳосил қилади. Демак, бундай сўз шаклларининг ясама сифат эмаслигини, унинг таркибида сифат ясовчи деб қараш мумкин бўлган *-даги* морфемаси йўқлигини кўрсатади. Улар *уй+даги, синф+даги, баҳор+даги, ёз+даги* каби таркибий қисмга эмас, *уйда+ги, синфда+ги, баҳорда+ги, ёзда+ги* каби таркибий қисмларга бўлинади. Бу эса сўз шаклидан шакл ясашиши бўлиб, шаклнинг ўзи нокатегориал сўз шакли эканлигини тасдиқлайди.

Айтилганларнинг ҳаммаси *-ги* морфемасининг ҳозирги ўзбек тилидаги асосий вазифаси ўрин келишиги шаклидаги ўрин ва пайт маъноли муносабатни ифодаловчи нокатегориал сўз шаклини ясаш эканлигини кўрсатади.

Бунда ўрин ва пайт маъноси *-да* аффиксли сўз шаклига хос бўлиб, *-ги* морфемасининг вазифаси шундай маъноли нокатегориал шаклни ҳосил қилишдир¹.

¹ Худди шу хусусияти асосида бу шаклни «отнинг ўрин белгиси шакли» деб атаган эдик: (Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясашиши. Тошкент: 1979. 54-55-б.). Лекин сўз шаклларининг сўз ёки сўз шаклидан ясашиши асосида иш кўриш мазкур типдаги сўз шаклини нокатегориал шакл ҳисоблаш тўғри бўлишини кўрсатади.

-да морфемаси ўрин ёки пайт маъносини билдириши, бу сўз шаклига -ги аффикси бирикиши билан ўрин ёки пайт муносабатли тил бирлигининг юзага келишини кўрдик. Ҳақиқатда ҳам, -да аффиксли келишик шаклига хос асосий хусусият, шакл ясалиш асосининг моҳиятига кўра, ўрин ёки пайт маъносини ифодалашдир. Шунинг учун ҳам бу келишик шакли «ўрин-пайт келишиги шакли» деб ҳам юритилади. Лекин бу келишик шакли ўрин ва пайт маъносидан бошқа маъноларга ҳам эга ва улар ҳақида адабиётларда маълум фикрлар билдирилган. Қизиғи шундаки, бу маъноларнинг ўрин ва пайт маъноси билан алоқадорлиги сезилиб туради. -ги морфемаси шундай хусусиятли ўрин келишиги шаклидан ҳам нокатегориал сўз шаклини ҳосил қилади. Т. Маликнинг «Шайтанат» номли асаридан келтирилган қуйидаги мисолларнинг ўзиёқ фикримизни тасдиқлай олади: *Балки энг сўнгги нусхадаги китобларни ҳам йўқ қилишгандир. Дастлабки учрашув чигални ечишдаги дастлабки уриниш бўлмоғи мумкин. Соқчибоши раҳбарлигидаги аскарлар эртасига ўрмонга чиқдилар. Уруғлар тарихдаги ўз шарафли ўринларини эгаллаяптилар.*

Хуллас, -ги (-ки, -қи) морфемаси ҳозирги ўзбек тилида ўрин ва пайтга нисбатли белгини билдирувчи сўз шаклини яшаш вазифасига эга. Бу шаклнинг ясалишида отнинг -да аффиксли сўз шакли шакл ясалиш асоси вазифасини бажаради; -ги морфемаси шу асосдан нокатегориал сўз шаклини ҳосил қилади.

-ча морфемаси ёрдамида нокатегориал шакл ясалиши ҳодисаси феъл туркумида ҳам мавжуд. Бундай нокатегориал шакл ясалиши асоси вазифасида -ган аффиксли сифатдош шакли қўлланади, яъни -ча морфемаси фақат сифатдошнинг шу шаклидан нокатегориал шакл ясайди: *югурганча* (кетди) *тикилганча* (қолди), *ховлиққанча* (кириб келди) каби.

Туркий тиллар тарихига оид адабиётлардан маълум бўлишича, бу сўз шакли анча илгаридан мавжуд. Шундай бўлишига қарамай, тил тарихига оид материаллар асосида ҳам, ҳозирги ўзбек тили материаллари асосида ҳам бу сўз шаклининг моҳияти тўла ва тўғри ёритилган эмас. Шу боис ҳам бу шакл ҳақидаги фикр-мулоҳазалар бир-бирига мос келавермайди. Ҳатто сўз шакли ҳақида фикр юритилган баъзи ишларда бу сўз шакли умуман тилга олинмайди (Бунинг сабаблари бор, албатта. Асосий сабаб – унинг мураккаб моҳиятга эгаллигидир).

Туркий тиллар тарихини қиёсий ўрганишга бағишланган махсус ишда бу сўз шакли феълнинг равишдош шакли деб, унинг таркибидаги *-ганча* равишдош шаклини ясовчи бир аффикс деб тан олинади¹. Лекин бу фикр туркий тиллар материаллари асосида исботланмаган.

Ғ. Абдурахмонов ва Ш. Шукуровнинг ўзбек тили тарихий грамматикасига бағишланган ишида бу сўз шакли ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилган: “Ўтган замон сифатдоши аффиксларига *-ча// -чә* қўшилиши асосида ҳосил бўлган *-ганча/-гәнчә// -кәнчә...* аффикслари билан ясалган формалар ҳам баъзан юқоридаги равишдош (*-гунча* аффиксли равишдош – А.Ҳ.) маъносида қўлланади. Масалан: *Подшоҳ мутаважжсиҳ бўлгонича иш кўринмайду*р (БН, 459). *То келганинчча отлар безор, ароба қурсун* (Мук., 812).

Бу формаларнинг асосий функцияси равиш маъносини ифодалашдан иборат бўлиб, қуйидаги мисолларда шу маънода қўлланган: *Сиз қила олганча Мирза давлатига муносиб ишларга саъй бўлунг* (Нав, Мнш., 16). *Ҳар ерга айагим барганча барсам яхши бўлғай* (БН, 124)². Бу жумлада билдирилган фикрлар юзасидан қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, *-ча* аффикси сифатдош ясовчи *-ган* аффиксига бирикмайди, балки сифатдош шаклига бирикади. Иккинчидан, тарихан ва ҳозир ҳам *-ган* билан *-ча* аффиксининг бирикувидан *-ганча* аффикси юзага келган эмас. Учинчидан, “*-ганча* аффиксли сўз шаклининг асосий функцияси равиш маъносини ифодалашдан иборат” деган жумла бу сўз шаклининг моҳиятини қайд эта олмайди. Шу айтилганларнинг ўзиданоқ маълум бўладики, бу ишда ҳам *-ган* аффиксли сифатдош шаклига *-ча* аффиксининг бирикувидан ҳосил бўладиган сўз шаклининг моҳияти, бирон-бир хусусияти тўғри ва аниқ ифодасини топмаган.

Ҳозирги ўзбек тилига оид ишларда бу сўз шаклига нисбатан икки хил муносабат кузатилади: 1) кўпгина илмий ишлар, шунингдек, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда бу сўз шакли умуман тилга олинмайди; 2) биргина ишда феълнинг равишдош шаклини ясовчилар қаторида *-ганча* морфемаси ҳам келтирилади³.

¹ Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. -С. 230.

² Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент: 1973. 133-б.

³ Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология, II (ўқув қўлланма), 82–83-б.

Ҳозирги ўзбек тилида *-ган* аффиксли сифатдошга *-ча* аффиксининг кўшилиувидан ҳосил бўладиган сўз шакли борлигини инкор этиб бўлмайди. Кўпгина ишларда унинг эътибордан четда қолишининг асосий сабаби, бизнингча, сўз туркумлари морфологиясини ўрганишда, асосан, ҳар бир туркумга мансуб морфологик категорияларнинг шакллари, парадигматик шакллар назарда тутилганлигидир. Ана шу фактнинг ўзиёқ ўзбек тилида равишдош шаклини ясовчи *-ганча* морфемаси йўқлигидан далолатдир.

Хуллас, бу нокатегориал шакл ҳақида фикр юритилганда, биринчи навбатда, нима учун *-ча* аффиксининг фақат *-ган* аффиксли сифатдош шаклига бирикиш сабабини аниқлаш талаб этилади. Бу билан эса шу типдаги сўз шакллари билан боглиқ ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри ёритиш имкони юзага келади.

-ча морфемасининг от туркумига оид кўплик, эгалик ва жўналиш келишиги шаклига уларнинг муайян маъносига хос бир белги, хусусият асосида бирикишини кўрдик. Бу ҳодиса мазкур аффикснинг *-ган* аффиксли сифатдош шаклига бирикишида ва кўрилатган нокатегориал сўз шаклининг моҳиятида яна ҳам аниқроқ акс этади.

-ган аффиксли феъл шакли атрибутив вазифада ҳам, предикатив вазифада ҳам статик ҳолатни, яъни ҳаракатнинг амалга ошган ҳолатини ифодалаш билан феълнинг бошқа шакллари билан (сифатдош ва ўтган замон шакллари билан) фарқланади. Мисол: *Деразадан ётирилиб кираётган қуёш нури тоқчадаги кафтдек кўзгуга урилиб, шифтга сапчиганича қотган. Хонтахта устида ичиммай совиб қолган ярим пиёла чойга тушган қуёш нури эса шифтда беором титрайди* (Т.Малик). *-ча* аффикси феълнинг *-ган* аффиксли сифатдош шаклига унинг худди шу хусусияти (белгиси) асосида бирикади, натижада феълни бошқа феълга боғловчи нокатегориал шакл ҳосил бўлади. Буни келтирилган мисолдаги *сапчиганича* сўз шаклида ҳам аниқ кўриш мумкин. Демак, бу типдаги нокатегориал шаклда шакл ясалиш асоси (*-ган* аффиксли шакл) сифатдош ҳам, ўтган замон шакли ҳам бўлмайди, яъни у предметнинг белгисини билдирувчи ва ўтган замон маъносини ифодаловчи шакл ҳисобланмайди, балки ҳаракатнинг мавжуд, амалга ошиб турган ҳолатини, шундай белгисини билдириши билан нокатегориал шаклнинг ясалиш асоси вазифасида қўлланади. Худди шу хусусият *-ган* аффиксли сифатдошнинг нокатегориал сўз шакли ясалишида асос шакл (шакл ясалиш асоси) вазифасида қўлланиш имконини таъ-

минлайди. Асос шакл (шакл ясалиш асоси)га хос бу хусусият ундан нокатегориал шакл ясалиш имкониятини чегаралаб қўяди (Бундай чегараланиш бошқа нокатегориал шаклларда ҳам борлигини юқорида кўрдик). Демак, бу хусусияти билан мазкур нокатегориал шакл бошқа нокатегориал шакллар билан умумийликка эга.

-ган аффикси билан ясалувчи сифатдош ҳозирги замон ва ҳозирги-келаси замон шаклларида ҳам қўлланиши маълум: *китоб ўқийдиган талаба, университетда ўқийдиган йигит, эртага келадиган меҳмонлар* каби. Биз учун муҳими шуки, -ча морфемаси сифатдошнинг бу шаклларида нокатегориал сўз шаклини ясамайди. Аниқроқ қилиб айтганда, сифатдошнинг бу шакллари -ча аффикси билан нокатегориал шакл ясалишида шакл ясалиш асоси вазифасида қўлланмайди. Чунки сифатдошнинг бу шаклларида ҳаракатнинг мавжуд ҳолати (ҳаракатнинг бажарилишидан юзага келган ҳолати) ифодаланмайди, балки ҳаракат жараён сифатида (динамик ҳолат сифатида) ифодаланади. Қиёсланг: *келган одам – келаятган одам – келадиган одам*. Ана шу нарса *келаятган, келадиган* сифатдош шаклининг нокатегориал шаклнинг ясалиш асоси вазифасида қўлланишига йўл қўймайди, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, *келаятган, келадиган* шаклида ҳамма вақт сифатдош шаклига хос хусусият, яъни предметнинг ҳаракат белгисини билдириш хусусияти сақланади. Бу хусусияти билан эса нокатегориал шаклнинг асоси (ясалиш асоси) вазифасида қўлланиши мумкин эмас. Чунки нокатегориал шакл ясалишида асос бўлиб қўлланадиган -ган аффиксли шакл предметнинг белгисини кўрсатиш хусусиятига – сифатдош шаклига хос хусусиятга эга бўлмайди (Бу ҳақда юқорида гапирилди). Бу ҳодиса ҳам -ча аффикси ёрдамида -ган аффиксли феъл шаклидан нокатегориал феъл ясалишида ўзига хос чекланишни юзага келтиради.

Юқорида айтилдики, -ган аффиксли сифатдош шаклидан -ча аффикси ёрдамида ясалган сўз шакли баъзи ишларда равишдош шакли ҳисобланади, унинг таркибидаги -ганча равишдош ясовчи аффикс (бир морфема) деб қаралади. Аслида бундай эмаслиги юқорида кўрилган фактлардан ҳам маълум бўлди, деб ўйлаймиз. Лекин шундай фикрга келишнинг сабаби ҳам йўқ эмас.

-ча аффикси билан ясаладиган бошқа нокатегориал сўз шаклларида бўлгани каби, *югурганча, тикилганча* типидagi сўз шаклида ҳам унинг маъноси шакл ясалиш асоси (*югурган, тикилган*) билан -ча морфемасининг маъноси асосида юзага келади. Бунда мазкур нокатегориал

шаклдаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатида, шу ҳолат давомида шу сўз шакли боғланган феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади: *Қариялар ҳам гулдор қизил чўпларни бармоқларига қистириб олганча лағмонни иштаҳа билан ея бошлади* (Т. Малик). Бу хусусият мазкур сўз шаклининг *ганча* қисмини бир аффикс (кўшма аффикс)дек тасаввур этишга, сўз шаклининг ўзини эса равишдош шакли деб қарашга сабаб бўлган. Лекин бу сўз шакли равишдошнинг барча шаклларида тубдан фаркланади. Бу ҳақда қуйидагиларни айтиш мумкин: биринчидан, *югурганча*, *тикилганча* типидagi сўз шакли шакл ясаши асоси (*югурган*, *тикилган*) ва *-ча* морфемасидан иборат таркибий қисмга эгаллигининг – шундай қисмларга бўлинишининг (*тикилган+ча* каби) ўзиёқ бу шаклда *-ганча* морфемаси йўқлигини билдиради; иккинчидан, бундай нокатегориал сўз шакли таркибида, яъни шакл ясаши асоси билан *-ча* аффикси ўртасида кўплик ва эгалик аффикси қўлланиши мумкин: *...кекса аёлнинг зарб билан келаятганини кўриб, шошилганларича йўл беришарди*. (Ў.Умарбеков) *Кўллларини қовуштирганича Анварга орқа қилиб турди*. (Т. Малик); учинчидан, бундай сўз шакли таркибидаги *-ча* морфемаси ўрнида *ҳолда*, *қўйи* каби кўмакчилар қўлланиши мумкин: *кўллларини қовуштирганича – кўллларини қовуштиргани ҳолда...* Ана шу уч фактнинг ўзиёқ ўзбек тилида равишдош шаклини ясовчи *-ганча* морфемаси йўқлигини, *-ча* эса *-ган* аффиксли сўз шаклидан нокатегориал сўз шаклини ясовчи мустақил морфема эканини тасдиқлайди.

Куйидаги мисолларда яна бир эътиборга лойиқ ҳодиса кузатилади: *Бу Зелихон учун муаммолигича қолди* (Т. Малик). *Вой болам, юпунлигингича қолавердингми?* (Т. Малик). Кўриниб турибдики, *муаммо* ва *юпун* сўзлари ҳам ҳолат билдиради. Уларнинг *-лик* аффиксли шакли нокатегориал шакл ясаши учун асос вазифасида қўлланади. *-ча* аффикси шу асосдан ҳолат муносабатини ифодаловчи нокатегориал сўз шаклини ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам бундай шакллардаги *-ча* морфемаси ўрнида *ҳол(да)* кўмакчисини қўллаш мумкин бўлади: *муаммолигича – муаммо ҳолича (муаммо ҳолида); юпунлигингича – юпун ҳолингича (юпун ҳолда)*. Лекин бундай шакллар жуда кам сўзлардангина ясалади, яъни нокатегориал шакл ясашидаги чекланиш бу нокатегориал шакл ясашида ҳам бор.

-ча морфемаси сон туркумига мансуб сўзнинг *-та* аффиксли турига (дона сон турига) бирикканда, миқдорнинг тахминийлиги, “ноаник миқдор”, “чама” маъноси ифодаланишини кўрдик: *ўнтача*,

юзтача... Бу ходиса, яъни тахминий микдор (тахминий даража) ифодаланиши *-ча* аффиксининг *-ган* аффиксли сифатдош шаклига бирикишидан ҳосил бўладиган нокатегориал сўз шаклида ҳам кузатилади. Масалан, *билганингча айтиб бер* гапидаги *билганингча* шакли билишнинг ноаниқ даражасини, яъни “қанча билсанг, шуларни”, “билганинг қадар” деган маънони англатади. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг: *Демак, ҳамма эплаганича юлиб олади бу неъматни* (Т. Малик). *Мана сенга олам-олам гул, этагингга сиққанича ол* (Ҳ. Олимжон). *Сени одам бўлур, деб ўйладим, муҳтожларни қўлимдан келганича сундим* (Т. Малик). Бу мисолларда ҳам *эплаганича, сиққанича, қўлимдан келганича* сўз шакллари “қанча эпласа, шунча”, “қанча сиғса, шунча”, “қанчалик қўлимдан келса, шунча” деган маънони билдиради. Бундай маънонинг ифодаланишида феълнинг семантикаси ҳам роль ўйнайди, яъни маълум семантик хусусиятга эга бўлган феълларнинг *-ган* аффиксли сифатдош шаклидангина *-ча* аффикси билан нокатегориал сўз шакли яшаш мумкин бўлади. Демак, бу типдаги нокатегориал сўз шакллари ясалишида ҳам маълум чекланиш мавжуд. Бундай нокатегориал шакллардаги *-ча* морфемаси *қадар* кўмакчиси билан маънодош бўлади.

Хуллас, *-ча* морфемасининг *-ган* аффиксли сифатдош шаклига бирикишидан ҳосил бўладиган сўз шакли нокатегориал шаклларга хос умумий белги-хусусиятларга эга, яъни: 1) бу шакл феълнинг муайян шаклидан ҳосил қилинади; 2) бу шакл шакл ясалиш асоси (*-ган* аффиксли сифатдош) ва *-ча* аффиксидан таркиб топган; 3) шакл ясашиш асоси феълга хос ҳаракатни ҳолат (мавжуд ҳолат) тарзида ифодалайди. Шу нарса унга *-ча* аффиксининг бирикиши учун имконият бўлади; 4) шакл ясалиш асоси ва феъл семантикасига хос хусусиятлар *-ча* аффиксининг нокатегориал шакл яшаш имкониятини чеклаб қўяди, ҳатто бундай шакл ясалиши санокли сўзлар доирасидагина мумкин бўлади; 5) бу нокатегориал сўз шаклларида қўлланган шахс кўрсаткичлари шахс-сон кўрсаткичлари бўлмайди, чунки бу шакл феъл туркумига мансуб шакл ҳисобланмайди.

Категориал ва нокатегориал сўз шакллари ҳақида фикр юритилганида, бир масалага – категориал ва нокатегориал шаклнинг ўзаро муносабати масаласига, аниқроғи, нокатегориал шаклнинг категориал шаклга айланиши масаласига тўхталмаслик мумкин эмас. Ка-

тегориал шакл ясовчи баъзи морфемалар ҳам худди шу ходиса тугайли юзага келган.

От туркумига мансуб категориал шакллардан нокатегориал шакл ясалиши тахлил этилганда кўрдикки, ҳозирги ўзбек тилида *-ники* морфемаси билан ясаладиган *мактабники* типигаги категориал сўз шакли қаратқич келишиги асосида ясаладиган нокатегориал сўз шакли бўлган. Бу шаклнинг категориал шаклга айланиши билан янги морфема – *-ники* морфемаси юзага келган. Бундай ходиса феълнинг категориал шаклларидан ясалган нокатегориал шаклларнинг категориал шаклга айланишида кўпроқ кузатилади. Ҳозирги ўзбек тилидаги *-гунча* морфемаси билан ясалувчи равишдош шаклнинг ҳамда ушбу морфеманинг пайдо бўлиши бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳозирги ўзбек тилида *-гунча* – равишдош шаклини ясовчи морфема эканлиги адабиётларда қайд этилган, бунга шубҳа йўқ. Лекин, шу билан бирга, *келгунча*, *етгунча*, *қайтгунча* феъл шаклида *-ча* морфемасига хос маъно, хусусият сезилиб туради. Бундай сўз шаклидаги *-ча* ни *қадар* кўмакчиси билан алмаштириш мумкинлиги ҳам бу сўз шаклнинг аслида нокатегориал шакл бўлганлигига ишорадир.

-гунча аффиксли феъл шаклнинг ҳозирги ўзбек тилидаги бошқа равишдош шаклларидан фарқли хусусиятини аниқ белгилаш учун унинг асли қандай моҳиятли сўз шакли бўлганлигини аниқлаш ва шу асосда иш кўриш тўғри хулосага келиш имконини беради.

Проф. А.М. Шчербак ўзбек тили грамматикасига багишланган асариде *ўлгуча* (*ўлгунча*), *тонг отгунча*, *куйдирмагунча* шаклларини “чегара”, “чеклаш” шакли, *-ча* ни эса шу шаклни ясовчи деб қарайди ва бу шакллар ишнинг “чегара шакли”га (“чегара келишиги”га) багишланган қисмида берилади¹. Лекин, биринчидан, бу шаклни от туркумига хос сўз шакли ҳисоблаш мумкин эмас. Чунки у от туркумига мансуб сўздан эмас, балки феълнинг сифатдош шаклидан ясалади. Иккинчидан, *уйгача* ва *ўлгунча* типигаги сўз шаклларини чегара, чеклаш маъноли сўз шакли дейиш мумкин эмас. Учинчидан, *уйгача* ва *ўлгунча* шаклларининг шакл ясалиш асоси бир-биридан фарқли тил бирликлари бўлишининг ўзиёқ бу шакллар бир хил маъно ва вазифага эга бўлмаслигини, моҳиятан ўзаро фарқли тил

¹ Шчербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М.-Л.: 1962. -С.110.

бирликлари бўлишини кўрсатади. Тўртинчидан, *уйгача*, *ўлгунча* сўз шаклларининг ясалиш асоси бир-биридан фарқли бирликлар бўлганидан, ўзбек тили таракқиётида уларнинг ҳар бирида ўзига хос ўзгаришлар юз берган. Масалан, *уйгача* сўз шакли тарихан ва ҳозир ҳам *уйга+ча* таркибига эга бўлган нокатегориал сўз шакли ҳисобланса, *ўлгунча* шаклида бутунлай бошқача ўзгариш юз берган, яъни асли нокатегориал шакл бўлган шакл категориал шаклга – равишдош шаклига айланган.

Ғ. Абдурахмонов ва Ш. Шукуровнинг ўзбек тили тарихий грамматикасига багишланган ишида *-гу/-ғу/-қу/-ку* аффикси билан ясалувчи сўз шакли ҳақида куйидагилар айтилади: "... бу формани ҳаракат номи формалари группасига шартли киритиш мумкин. Чунки бу формада сифатдошга хос бўлган грамматик белгилар ҳам мавжуд"... "Бу даврларда (XV аср ва ундан кейинги даврларда – А.Ҳ.) ...асосан келаси замон феълини ҳосил қилишда иштирок этган"¹. Ишда бу аффиксининг келаси замон феъли ясаши айтилган ва мисоллар билан тасдиқланган².

-гу морфемасининг аслида ҳаракат номи ёки сифатдош шаклини ясовчи бўлганини исботлаш бизнинг вазифамизга кирмайди. Лекин *-ган* морфемасининг сифатдош шакли экани, у билан ясалган сифатдош ўтган замон маъносига эгаллиги ҳамда *-ча* аффикси ундан нокатегориал сўз шаклини ясаши *-гу* морфемасининг ҳам аслида шакл ясовчи бўлганидан, *-ган* морфемасидан фарқли ҳолда, келаси замон сифатдош шаклини ясаганлигидан, *-ча* аффикси унинг нокатегориал сўз шаклини ясаганлигидан далолат беради. Буни ҳозирги ўзбек тилида *-гунча* морфемаси билан ясалувчи равишдош шаклига хос бўлган баъзи хусусиятлар ҳам тасдиқлайди. Мисол: *Бу бемалолхўжа ўйлаб ўйига етгунча жинойатчи ишини битириб бўлади.* (Т. Малик). *Юринлар, машина камтирни ташлаб келгунча қирга чиқиб тушамиз* (И. Рахим). Иккала мисолдаги *-гунча* аффиксли сўз шакли билдирган ҳаракат хали бажарилмаган, энди (бундан кейин) амалга ошадиган ҳаракатдир. Бундай ҳаракатни билдириш келаси замон феъл шаклига хос хусусиятдир (Келаси замон феъл шакли ҳаракатнинг нутқ пайтидан **кейин** бажарилишини билдиради). Қолаверса, *-гунча*

¹ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Юқорида келтирилган грамматика. 119-120-б.

² Шу иш, 180-181-б.

аффиксли равишдош шаклида ҳали *-ча* аффиксига хос ‘чегара’ маъноси сезилиб туради: *келгунча – келгунга қадар, пиигунча – пиигунга қадар*.

Юқорида айтилганлар ва келтирилган мисоллардан *келгунча* шакли асли нокатегориал шакл бўлганлиги ойдинлашиб қолди. Бу жараёнда юз берган икки ҳодисага эътибор қаратиб, унинг сабаби аниқланса, ҳақиқатда ҳам шундай бўлганлиги маълум бўлади: 1) *кел+гун+ча* шакли таркибидаги “гун”нинг *-ча* морфемаси билан бирикиши, аниқроғи, *келгун* типидagi феъл шаклининг истеъмолдан чиқиши; 2) ҳозирда ҳам *-гун* билан *-ча* ўртасида кўплик ва эгалик шакли кўрсаткичларининг қўлланиши ва бунинг сабаби.

Тарихан феълнинг *-гун*¹ морфемаси билан ясалувчи сифатдош шакли истеъмолдан чиққач, ундан *-ча* морфемаси ёрдамида ясаладиган нокатегориал шаклнинг таркибида ва моҳиятида ўзгариш юз беради, яъни бу шаклда морфологик қайта бўлиниш юз беради – *кел-гун+ча* сўз шакли *кел+гунча* таркибига эга бўлади ва у моҳиятан категориал шаклга, яъни феълнинг туркумлик маъноси асосида (феълнинг шаклсиз ҳолатидан) ясалувчи шаклга айланади. Шу тариқа феълнинг равишдош шаклини ясовчи *-гунча* морфемаси пайдо бўлади. *кел+гунча* нокатегориал шаклнинг қўлланишида муайян чекланишлар бўлганини кўрдик. У категориал сўз шаклига (равишдош шаклига) айлангач, бундай чекланишлар ҳам барҳам топади – бу ҳам қонуний ҳол.

Ҳар қандай кўшма аффикс бир бутун, ажралмас тил бирлиги бўлиши боис уни ҳосил қилган қисмлари ўртасида бошқа бир морфема қўлланмайди. *-гунча* аффиксли равишдош шаклида эса *-гун* билан *-ча* ўртасида кўплик ва эгалик кўрсаткичларининг қўлланиши кузатилади: *келгунларича < келгун+лар+и+ча*. Бунинг сабаби, бизнингча, нокатегориал шаклдаги қўлланиш ҳолатининг сақланиши деб қаралиши мумкин. Қолаверса, *-гунча* морфемаси таркибида *гун* мустақил тил бирлиги, яъни морфема эмас, шунингдек, *келгунларича* шаклида унинг *келгун* қисми ҳам сўз шакли эмас, ҳозирги ўзбек тилида бундай сўз шакли йўқ. Демак, бундай қўлланиш ҳозирги ўзбек тилидаги бу сўз шаклини нокатегориал сўз шакли ҳисоблаш учун асос бўла олмайди.

¹ Ғ. Абдурахмонов, Ш. Шукуровларнинг кўрсатишича, *-гун* морфемаси таркибидаги *н* орттирилган ундош. Ўша асар, 132-б.

Маълум бўлдики, тарихан феълнинг ҳаракат номи ва сифатдош шаклларига эга бўлган *-гу(н)* аффиксли сўз шаклининг истеъмолдан чиқиши натижасида унинг таркибидаги *-гу(н)* ҳам ўз моҳиятини–сўз шаклини ясовчи морфемалик вазифасини йўқотган ва истеъмолдан чиққан. Бу шакл *-ча* аффикси билан ясалувчи шаклнинг асоси (шакл ясалиш асоси) бўлгани учун мазкур шаклнинг таркибидаги *гун* сақланиб қолган (*-ча* аффиксининг феълнинг шаклсиз ҳолатига бирика олмаслиги шундай бўлишини тақозо этган). Морфологик қайта бўлинишда ҳеч қандай маъно ва вазифага эга бўлмаган *гун* «*морфемаси*» *-ча* аффикси “томонига ўтган”, натижада моҳиятан янги бирлик *-гунча* морфемаси юзага келган (Лекин у кўшма морфема эмас, чунки ҳозирги ўзбек тилида *-гун* морфемаси йўқ).

Нокатегориал шаклнинг категориал шаклга айланиши ҳодисаси феъл туркумида кўпроқ кузатилиши юқорида айтилди. Мисол сифатида яна *-моқда* ва *-моқчи* морфемалари билан ясалувчи феъл шакллари келтириш мумкин.

-моқда аффикси билан ясалувчи ҳозирги замон феъл шакли аслида нокатегориал шакл бўлган, яъни у *-моқ* аффиксли ҳаракат номи шаклига ўрин-пайт келишиги шаклини ясовчи *-да* аффиксининг бирикувидан ҳосил бўлган нокатегориал сўз шакли бўлган (Унинг от туркумига мансуб келишик шаклини ясовчи *-да* аффиксига эгалигининг ўзиёқ бу шаклнинг феъл туркумига мансуб бўлмаганлигини – нокатегориал шакл бўлганлигини кўрсатади). *-моқ* аффиксли ҳаракат номи шакли ва ўрин-пайт келишиги шаклига хос кичик бир белги улар асосида нокатегориал шакл ҳосил қилинишига имкон бўлган. Эътибор беринг: *Келмогида мактабидан бир ўғил тўхта, дебон икки киши тўсди йўл* (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий). *Келмогида – келаётганида*. Демак, *келмоқ* феъл шаклининг нокатегориал шакл ясалиш асоси вазифасида бўлиши ва ундан пайт маъноли *-да* аффикси билан нокатегориал шакл ясалиши бу шаклнинг пайт маъноли *келаётганида* нокатегориал шаклга хос маънони ифодалаш имконини берган. Лекин *-моқ* аффикси билан ясалувчи ҳаракат номи шаклининг ясалиши ва қўлланиши, шунингдек, бу шаклнинг ўрин-пайт келишиги шаклида қўлланиши ўзбек тили учун меъёрий ҳолат бўлмагани сабабли бу нокатегориал шаклнинг қўлланиши давом этмаган. Лекин бу шакл асосида *келмоқда* типдаги категориал сўз шакли ҳамда бу шаклни

ясовчи *-моқда* морфемаси юзага келган ва у ҳозирги замон феълининг бошқа шаклларида ўзига хос хусусиятлари билан фаркланувчи шакл сифатида истеъмолда давом этипти. Бу морфемани кўшма морфема (кўшма аффикс) ҳисоблаш мумкин. Чунки унинг таркибий қисмлари истеъмождан чиққан эмас¹.

Ҳозирги ўзбек тилида *-моқчи* аффикси билан ясаладиган *келмоқчи* типидagi сўз шакли ҳам аслида нокатегориал шакл бўлган, яъни унинг *-моқ* аффиксли ҳаракат номи шаклига *-чи* аффикси қўшиливи билан ясалганлиги сезилиб турибди. Бундай ясашиш, яъни сўз шаклидан сўз шакли ясашиши нокатегориал шаклга хос хусусиятдир. Лекин ўзбек тили тарихига оид ишларда бу ҳақда аниқ маълумот учрамайди. Ғ. Абдурахмонов ва Ш. Шукуровнинг юқорида келтирилган ишида ҳам бундай сўз шакли ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. Фақат А.М. Шчербак феълининг *-моқ* аффиксли ҳаракат номи шаклига *-чи* аффиксининг бирикувидан ҳосил бўлган “бажарувчи шахс” маъноли сўз шакли қўшимча тарздаги “мақсад” маъносига, шундай маъно оттенкасига эга бўлишини айтади ва *отланмақчи эдук* мисолини келтиради².

Ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан *-моқ* аффиксли ҳаракат номи шаклига “шахе” маъноли *-чи* аффиксининг бирикишидан нокатегориал шакл ясашишини, ясалганлигини исботлаб бўлмайди. Чунки, биринчидан, ўзбек тилида *-чи* морфемасининг *-моқ* аффиксли ҳаракат номи шаклига бирикиши кузатилмайди. Иккинчидан, *-чи* морфемаси мақсад, истак маъносига, маъно оттенкасига эга эмас. Лекин нокатегориал шакллардаги асос бирликларга (шакл ясашиш асосларига) ва унга қўшилиб нокатегориал шакл ясовчи морфемаларнинг моҳиятидан келиб чиқилса (бу белги-хусусиятларни юқорида кўрдик), *-моқчи* аффикси билан ясалувчи ҳозирги шаклнинг (категориал шаклнинг) келиб чиқишини, унинг мақсад маъносини ифодалаш сабабини асослаш мумкин.

Юқорида кўрдикки, нокатегориал шакллардаги асос шаклларнинг барчаси чекланган бир белгиси билан шу вазифада қўлланади. Ясовчи морфемаси эса унинг ана шу моҳияти асосида нокатегориал шаклни

¹ *-моқда* аффиксининг келиб чиқиши, маъноси ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида махсус маколамизда, номзодлик диссертациямизда фикр билдирилган: Ҳ о ж и е в А . Ўзбек тилида *-моқда* аффикси / Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1958. 4-сон; Ҳ о ж и е в А . Ўзбек тилида ҳозирги замон феъли. Филол. фан. номз. дис.: Тошкент: 1959.

² Шчербак А.М. Ўша асар, 124-б.

ҳосил қилади. Бу ясашишда ясовчи морфеманинг маъноси ҳам конкретлашади. *Кел+моқ+чи* шаклининг мақсад (истак) оттенкасига эга бўлиши ҳам шу ходиса билан изоҳланади, асосланади ва бу оттенка *келмоқчи* феъл шаклининг мустақил маъносига айланади, *келмоқчи* сўз шакли *кел+моқчи* таркибига эга бўлгач, *-моқчи* мақсад маъноли феъл шаклини ясовчи морфема деб қаралади, шу тариқа янги *-моқчи* морфемаси юзага келади.

Бу қисмда баён қилинган фикрларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Морфологик сатҳнинг тил бирлиги сўз шаклидир. Ҳар қандай сўз шакли эса шакл ясовчи морфема билан ҳосил қилинади. Демак, морфологик тил бирлиги (сўз шакли) ясалма бирлик бўлади.

2. Ясалма бирлик сифатида ҳар қандай сўз шакли таркибий қисмлардан ташкил топади. Бу таркиб шакл ясашиш асоси ва шакл ясовчидан иборат бўлади: *китоблар* (*китоб* – шакл ясашиш асоси, *-лар* – кўплик шаклини ясовчи морфема). Ана шундай таркибга эга бўлмаган тил бирлиги морфологик бирлик ҳисобланмайди – морфологик категорияга бетараф бирлик бўлади. Буларни “ноль кўрсаткичли шакл” деб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас.

3. Сўз шакли, кўрсаткичли ёки кўрсаткичсиз бўлишидан қатъи назар, морфологик бирлик ҳисобланади, ўз маъносига эга бўлади ҳамда муайян парадигмага мансуб бўлади. Масалан, *келдим* – *келдинг* – *келди* парадигмасида учинчи шахс шахе кўрсаткичига эга эмас, лекин учинчи шахс маъноси ифодаланади. Шу боис уни парадигмага нейтрал муносабатли бирлик ҳисоблаш мумкин эмас.

4. Ҳар қандай сўз шакли ўз маъносига эга бўлади (шаклсиз маъно, маъносиз шакл бўлмайди). Шунга кўра отнинг “бош келишик”, “бирлик сон” деб қаралаётган “шакл”лари, феълнинг “бош нисбат”, “бўлишли шакл” деб қаралаётган “шакл”лари сўз шакли бўла олмайди. Улар морфологик категорияларга, парадигмаларга бетараф тил бирликларидир. Тилда шундай тил бирликларининг бўлиши қонуний ҳол бўлиб, улар тил амалиётида ўзига хос имкониятлари билан муҳим аҳамият касб этади.

5. “Бош келишик”, “бирлик сон” деб юритилаётган тил бирликлари ‘туркумлик’ маъноси билан от туркумига, “бош нисбат”, “бўлишли шакл” деб юритилаётган тил бирликлари ‘туркумлик’ маъноси билан феъл туркумига мансуб бўлади. Ана шу хусусиятнинг ўзи (муайян

сўз туркумига мансублик) уларнинг категориаллик белгисидир. Лекин бу белги морфологик белги эмас. Шу боис уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ўзлари мансуб бўлган туркум доирасида ёритилади, ўрганилади.

6. Сўз шакли ясалишида асос (сўз ясалиш асоси) вазифасида сўз (сўзнинг шаклсиз ҳолати) ёки сўз шакли қўлланиши мумкин. Шунга кўра сўз шаклининг икки тури фарқланади, яъни биринчи ҳолатда категориал шакл, иккинчисида нокатегориал шакл ҳосил бўлади: *мактабга* (*мактаб+га*) – категориал шакл; *мактабгача* (*мактабга+ча*) – нокатегориал шакл.

7. Муайян сўз туркумига мансуб сўзнинг туркумлик маъноси асосида ясалувчи шакллар, парадигма ҳосил қилиш-қилмаслигидан қатъи назар, категориал шакл ҳисобланади. Масалан, отнинг *-лар* аффикси билан ясалувчи кўплик шакли (*талабалар*) ва *-ники* аффикси билан ясаладиган қарашлилик шакли (*талабаники*), феълнинг *-ма* аффикси билан ясаладиган бўлишеизлик шакли (*кетма*) категориал шакллардир.

8. От туркумига мансуб категориал сўз шаклларида *-ча*, *-ги* аффикси ёрдамида нокатегориал сўз шакли ясалади. Бу шаклларнинг асоси вазифасида *-лар* аффиксли кўплик шакли, эгалик шакли ҳамда жўналиш ва ўрин келишиги шакллари қўлланади: *оталарча* < *оталар+ча*, (менинг) *фикримча* < *фикрим+ча*, *уйгача* < *уйга+ча*, *уйдаги* < *уйда+ги*, *куздаги* < *кузда+ги*. Бу шакллардан ҳар бирининг моҳияти шакл ясалиш асоси ва *-ча*, *-ги* аффиксига хос маъно асосида воқеланади.

9. Шакл ясалиш асоси вазифасидаги сўз шакли мустақил бирлик бўлмаслиги, яъни нокатегориал шаклнинг ясалиш асоси (таркибий қисми) бўлиши сабабли у категориал шаклга хос барча хусусиятларга эга бўлмайди, бундай хусусиятларни ўзида сакламайди, балки шу шаклга хос муайян моҳияти, белгиси билан нокатегориал шакл ясалиш асоси вазифасида қўллана олади. Шу сабабли ҳар қандай нокатегориал шаклнинг қўлланиши унга асос бўлган категориал шаклнинг қўлланишига нисбатан у ёки бу даражада чекланган бўлади. Масалан, *оталарча*, *дўстларча*, *уйгача* типидagi нокатегориал сўз шаклларининг қўлланиши кўплик ва жўналиш келишиги шаклларининг (категориал шаклларнинг) қўлланишига нисбатан чекланган.

10. Нокатегориал шакл ясовчи морфемаларнинг баъзилари

кўмакчилар билан маънодош, вазифадош бўлади. Бу факт ҳам улар билан ясаладиган шаклларнинг категориал шакл бўла олмаслигини тасдиқлайди.

11. Категориал шаклдан нокатегориал шакл ясалиш деган гап бунда шакл ўзгариши ҳодисаси юз беради, яъни моҳияти шундан иборат, деган тасаввур беради. Бу эса мазкур ходисани “шакл ўзгариши” ходисаси ҳисоблаш мумкин, деган хулосага олиб келиши мумкин. Лекин ходисанинг моҳияти шакл ўзгариши эмас, балки морфологик системага мансуб бўлмаган тил бирлигининг (сўз шаклининг) юзага келишидир. Нокатегориал шакл асосининг ҳам шакл ясалиш асоси ва шакл ясовчидан иборат бўлиши, яъни сўз шакли кўринишида бўлиши унга нокатегориал шакл ясовчи бирикиши билан шакл ўзгариши юз бергандек, категориал шакл нокатегориал шаклга айлангандек, яъни шакл ўзгараётгандек туюлади. Аслида эса бундай эмас. Чунки, масалан, *уйғача* шаклидаги *-га* морфемаси шаклан жўналиш келишигига тенг бўлса-да, шакл ясалиш асоси сифатида уни жўналиш келишиги шакли ҳисоблаш, унга *-ча* аффикси кўшилиши билан жўналиш келишиги шакли ‘чегара’ маъноли нокатегориал шаклга айланади, деб тушуниш тўғри бўлмайди. Демак, *уйғача* шаклининг *уйга* қисми моҳиятан жўналиш келишигига тенг бириклик эмас ва *-ча* аффиксининг бирикиши билан унинг шаклида ҳам, моҳиятида ҳам ўзгариш бўлаётгани йўқ. Шу боис нокатегориал сўз ясалиш ходисасига нисбатан “ўзгариш” сўзини, “шакл ўзгариши” сўз бирикмасини қўллаб бўлмайди, бу сўз ва сўз бирикмаси ходисанинг моҳиятини қайд эта олмайди (Барча нокатегориал сўз шаклларида шундай, яъни нокатегориал шакл ясалиши билан шакл ясалиш асоси ва шакл ясовчининг моҳиятида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди, аксинча, ҳар қандай нокатегориал сўз шаклининг моҳияти шакл ясалиш асоси ва шакл ясовчининг моҳияти асосида шаклланади.

12. Маълум бир мазмунли синтактик муносабатни ифодаловчи тил бирлиги бўлиши асосида нокатегориал шаклларни “синтактик шакллар” деб юритиш, яъни ўрни билан шу сўз бирикмасини термин сифатида қўллаш мумкин.

13. Нокатегориал сўз шаклининг категориал шаклга айланиши ходисаси билан янги морфеманинг, асосан, кўшма морфеманинг келиб чиқиши кўрсатадики, бунда икки морфеманинг ўзаро бирикиши

эмас, балки шакл ясалиш асоси ва шакл ясовчидан таркиб топган нокатегориал шаклнинг категориал шаклга айланиши натижасида шакл ясалиш асосидаги шакл кўрсаткичи билан нокатегориал шаклнинг кўрсаткичи бир морфемага айланиши ҳодисаси юз беради (Мустақил қўлланмайдиган тил бирликларининг, жумладан, морфемаларнинг ўзаро бирикиши ва шу йўл билан қўшма морфема юзага келиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас).

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	3
КИРИШ	5
Лисон ва нутқ.....	5
<i>Тил бирлиги, тил қурилиши, тил сатҳи (босқичи), тузилиш (структура), тил системаси</i> терминлари ҳақида.....	9
Тил birlikларининг таснифи.....	17
Тилнинг системалари ҳақида умумий маълумот.....	21
БИРИНЧИ ҚИСМ	23
МОРФЕМ САТҲ. ТИЛ БИРЛИГИ – МОРФЕМА	23
Ўзбек тилшунослигида морфеманинг ўрганилиш тарихидан.....	23
Морфеманинг моҳияти.....	36
Морфемаларнинг ифода жиҳатига кўра турлари.....	42
Морфема кўшиладиган қисмнинг моҳияти.....	48
«Ноль морфема» масаласи.....	50
«Морфем система» масаласи.....	52
Морфемаларда полисемия, синонимия, антонимия каби ходисалар масаласи.....	59
Морфем сатҳнинг ривожланиши.....	67
ИККИНЧИ ҚИСМ	72
ЛЕКСИК СИСТЕМА. ТИЛ БИРЛИГИ - СЎЗ (ЛЕКСЕМА)	72
Сўз ва лексема.....	72
<i>Лексема</i> термини ҳақида.....	73
Лексик маъно ва тушунча.....	79
Лексеманинг семантик таркиби.....	80
Вазифа семаси.....	81
«Туркумлик семаси» масаласи.....	88
Лексик системаларнинг шаклланиши.....	100
Лексик-семантик гуруҳ ва лексик парадигма.....	101
Лексик парадигмалар.....	103
Синоним лексемалар гуруҳи.....	122
Антоним лексемалар жуфтлиги (гуруҳи).....	131

УЧИНЧИ ҚИСМ	139
СЎЗ ЯСАЛИШИ СИСТЕМАСИ. ТИЛ	
БИРЛИГИ – ЯСАМА СЎЗ	139
Ўзбек тили сўз ясалишининг ўрганилиши.....	139
Сўз ясалиши системаси	141
Ясама сўз – лисоний бирлик.....	143
Ясама сўз – лексик системанинг тил бирлиги.....	144
Ясама сўз – сўз ясалиши системасининг тил бирлиги.....	149
Сўз ясалиши маъноси термини.....	150
Сўз ясалиши типи термини.....	154
Сўз ясалиши парадигмаси (категорияси) термини.....	160
Маҳсулли ва маҳсулсизлик термини.....	165
Сўз ясалиши имконияти термини.....	169
Сўз туркумларида сўз ясалиши масаласи.....	172
ТЎРТИНЧИ ҚИСМ	180
МОРФОЛОГИК СИСТЕМА. ТИЛ	
БИРЛИГИ – СЎЗ ШАКЛИ	180
Синтетик шакллар.....	180
Сўз шаклининг таркиби.....	181
Бетараф тил бирлиги ва ноль кўрсаткичли шакл.....	185
Категориал ва нокатегориал сўз шакллари.....	214
Категориал сўз шакли.....	215
Нокатегориал сўз шакли.....	218

811.512.133

81.2Ўзб

Х 59

Ҳожиёв, Азим.

Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясашининг назарий масалалари / А.Ҳожиёв; масъул муҳаррир Н.Маҳмудов. –Т.: Фан, 2010. –256 б.

УДК 811.512.133

ББК 81. 2Ўзб.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Муҳаррир: *Р.Қиличев*

Тех. муҳаррир: *Д.Абдуллаев*

Компьютерда саҳифаловчи: *Д.Жалилов*

Мусаххих: *Ю.Партиева*

Нашриёт лицензияси А1 №138, 27.04.2009.

Нашриёт раками: з-113 . Теришга берилди 03.09.2010.

Босишга рухсат этилди 20.10.2010. Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₁₆.

Офсет босма. Офсет қоғози. Times гарнитураси.

Ҳисоб-нашриёт т. 10,92. Шартли-босма т. 14,88.

Тиражи 550 нусха. Келишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти.

100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

ЎзР ФА “Фан” нашриёти оригинал-макети асосида “Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида босилди. 136-бунюртга.

100060, Тошкент, Элбек кўчаси, 8-уй.